

Анвар Намозов



ҚИЁФА
УФРИСИ

Анвар Намозов




Қиёфа

ўғриси

Сабузашит Кисса

ТОШКЕНТ — 2012



УДК: 821.512.133-31 - *Ўзбек аф-ти*
ББК: 84(5У)7
Н23

Намозов, Анвар

Қиёфа ўғриси : (саргузашт қисса) / А.Намозов
-Т.: DIZAYN-PRESS, 2012. - 256 б.


УДК: 821.512.133
ББК: 84(5У)7

У бир қадар шўх, хушчақчақ, кўнгли очиқ йигит. Ҳеч кимга ёмонлиги йўқ. Бироқ шундай йигитнинг ҳам ғам-андухлари бор. У алданган, хиёнатга дуч келган. Шунчаси етмагандек, бир кўнгилсизлик рўй беради-ю, бу қаҳрамон тухматга ҳам қолади. Айби йўқлигига қарамай, унга кутилмаган маломатлар ёғди-радилар. Қаранги, фалакнинг гардиши ила дунёнинг биз билмаган синоати қаҳрамонимиз билан ёнма-ён бўлади.

Мазкур асар бир-бирдан қизиқарли воқеаларга, саргузаштларга бой бўлиб, ўйлаймизки, уни катта қизиқиш билан мутолаа қиласиз.

Тақризчи: А.ЙЎЛДОШЕВ – Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмасининг аъзоси.

ISBN 978-9943-20-086-9



HP 805
© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти, 2012



1

Олим билан тушликдан сўнг ҳам тортишдик. Мен уни доим калака қиламан. Билмадим, негадир жигига тегишни яхши кўраман Олимнинг.

Бугун ҳам шундай бўлди. Ёнма-ён жойлашган симёғочларга чиқиб, ишни давом эттирар эканмиз, баланд овозда унинг муҳаббатини оёқости қила бошладим:

– Шундай қилиб, севги бор, дегин? Ҳеҳ, файласуф! Ўзингча юрибсан, нонни нанна, деб. Чаман сени ташлаб кетса, кейин ақлинг киради.

– У мени ташлаб кетмайди, – ишонч билан сўзлайди Олим.

– Биласанми, нега ташлаб кетмайди? – мен электр симларини бир-бирига маҳкам боғлаб, жиддийроқ изоҳ беришга ҳаракат қиламан. – Чунки, у – соқов! Ҳалиги сериалдаги соқов қиз бор-ку, худди ўзи! Соқовларга эса сендай анқовлар керак!

– Бас қил! – ўшқиради Олим.

– Унга сенга ўхшаган анқовдан бошқа ким ҳам уйланарди? Шунинг учун сенга ёпишиб олган-да! Сен, бечора

қўлларининг имо-ишорасига қараб, "яшасин, севги", деб юрибсан.

Олим ҳам менга хужумга ўтади:

— Сени кимдир ташлаб кетса, бировдан аламингни олма, хўпми? Сен — ичиқора, бахилсан! Мени кўролмайсан!

Мен Олимнинг бу гапидан хохолаб кулиб юбораман:

— Сенинг нимангни кўролмас эканман, Олим? Ё ўша соқов севгилингни Жамиладан чиройли, деб юрибсанми ҳали?

— Асабимга тегма, Асқар! Билиб қўй, ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига!

Мен тағин бўш келмай, ҳиринглайман:

— Ой бўлса қани эди-я!

Олим ҳеч нима демайди. У ранжиган, биламан. Аммо яхши одати ҳам бор: кек сақламайди. Шу одатини билганим учун ҳам уни масхара қиламан-да!

Мен яна бир-икки қочирим қилиб кўрдим, бироқ Олимдан садо чиқмади. Майли, чидайман, узоғи билан ўн-ўн беш дақиқа, кейин яна давом эттираман. Мен ўзимни қувноқ тутсам-да, Олим эслатган, боягина ўзим тилга олган Жамила туфайли ичимга ўт ёқса ёришмайди, уни соғинаман. У жуда чиройли, мафтункор. Ҳозир бировнинг хасми. Олим айтганидек, Жамила мени ташлаб кетган. Мени ўз оташида роса куйдириб, не кўйларга солиб, кейин эса... У мени эрмак қилганини энди-энди англаб етяпман. Алам қилади-да, юриб-юриб ташлаб кетса!..

Диққатимни Олимнинг гапи бўлди.

— Асқар, менга қара, агар сен ўрнимда бўлганимда нима қилардинг? — унинг саволи маҳзун чиқди.

— Ҳар ҳолда эс-хушимни йиғиб олган бўлардим. Бошингга урасанми уни? Умуман, сенинг ўрнингда бўлиб, аҳмоқманми мен?

— Ахир, кимдир кимнидир бахтли қилиши керак-ку!

Унинг бу гапидан яна кулиб юбордим:

— Яна файласуфлигингга боряпсан, Олим. Аммо сен

китобий сўзларни ҳам эплаб гапиролмайсан. Латтасан-да! Латталигинг учун ҳам Чаман сенга ёпишиб олган. Э, сенинг ўрнингда бўлишдан Худо сақласин.

Олим индамай қолди. У яна ўйга ботган эди, менинг гапларимни таҳлил қиляптими ёки ўша Чаманини ўйлаяптими, билмасдим. Ўзим эса яна Жамила ҳақида ўй суриб кетдим. Ҳарбий хизматда бўлганимда у мени кута олмади. Эҳтимол, уйдагилари мажбурлашгандир, бошқа сабаби бордир, ишқилиб мен хизматни тугатиб уйга қайтуғунимча Жамила бошқа йигитга унаштириб бўлинган экан. Охирги хатида менга айнан шундай деб ёзган эди у. Мен Жамиладан сўнгги мактубни олган кунни сира эсимдан чиқармайман: дунё кўзларимга тор кўринган, ўз жонимга қасд қилишимга бир баҳя қолган, хизматдошларим жонимга оро киришганди.

Мен хизматни тугатиб келгач, Жамила билан учрашдим. Фотиҳа тўйини қайтаришини ундан илтижо қилиб сўрадим. Жамила бу илтимосимга кўз ёшлари билан жавоб берди. Мен унинг отаси билан гаплашмоқчи бўлдим, аммо Жамила кўрқиб кетиб, унамади.

У билан худди аввалгидек пана-пастқамда учрашиб юрдик. Мен Жамиланинг юрагидаги чўғни алангалатишимга ишонардим. Унга қўлимдан келганча мулозамат кўрсатдим. Бу ҳаракатларим ўз самарасини берди — Жамила уйдагилари билан мен ҳақимда гаплашишини айтди. Мен ўзимда йўқ шод эдим. Ёдимда, бу ҳақда оғзимнинг таноби қочиб, Олимга роса мақтанганман.

Кутилмаганда... Жамиланинг қандайдир йигит билан қочиб кетгани ҳақида овоза тарқалди. Мен бу гапга ишониб-ишонмасликни билмай, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Кейин эшитсам, аслида унинг унаштирилгани билан боғлиқ гаплар мутлақо ёлғон экан. Мен бу гапни қадди букилган отасидан эшитиб, тошдай қотдим.

Назир ака қизини оқ қилмоқчи эди, хотини унинг кўлларига ёпишиб, қўйиб юбормади...

Яқин одаминг сени алдаб кетса, юрагингга наштардек ботар экан. Менинг ўзимга келишим жуда қийин бўлди. Наҳотки, Жамила шунча йиллик муҳаббатимизни оёқости қилса, дея жоним азобда эди. У ҳақда сўраб-суриштирмаган жойим қолмади. Жамила мендан афзал билган инсон кимлигини, унинг мендан қандай устун жиҳати борлигини билиш янада ич-этимни кемирар эди. Мени қасос ўти ҳам тугёнга солар ва мен алам билан интиқом ўртасида ўртаниб, дардимни, ҳасратимни кимга айтишни билолмай, одамови бўлиб қолган эдим. Ҳеч ким билан гаплашгим келмасди.

Аввал отам, кейин акаларим мени ўртага олиб, роса уришишди. Бошингни кўтариб юр, дея койидилар. Аммо менинг ўзимга келишимга анча вақт керак бўлди, ҳар тугул эс-ҳушимни йиғиб олгандек бўлдим. Бироқ қачон қаерда севги-муҳаббат бобида гап очилса, нафратим кўзиб кетарди. Бу нафрат, алам кейинчалик киноя-истеҳзога, масхарага айланди. Мен, айниқса, Олимга ўхшаган ошиқларнинг устидан кулиб, гўё алданган кўнглимга таскин топардим. Ўзимнинг ноҳақлигимни билсам-да, тилимга эрк бераверардим.

Бугун ҳам ана шундай кунлардан бири эди.

Мен ишимни аввалроқ тугатар эканман, секин-аста симёғочдан тушиб, ерга ёнбошладим. Ҳаво тунд, рутубатли эди. Ёмғир ёғаман-ёғаман деб турибди. Бизнинг ишда бу хатарли.

— Бўлдингми, кел энди, мени яна кулдир, — деб бақирдим Олимга. Кейин уни жиддий равишда огоҳлантирдим: — Олим, тезроқ тугат, ҳозир тармоқни улашлари мумкин.

У лом-мим демай, ишини давом эттираверди.

Мен осмонга тикилиб ётиб, кўзим илинибди. Қизиқ, қанча вақт ухлаганимни билмайман, туш кўрибман. Тушимга мана шу Олим кирди. У бошини эгиб ўтирар, елкалари титрар, чамаси, йиғлаётган эди. Яйдоқ чўл, атрофда биздан бошқа бирорта ҳам зоғ йўқ. Олимнинг олдига борай десам, оёқларим ўзимга бўйсунмайди. Унинг исмини айтиб, роса чақирдим,

бошини кўтармади. Мен, ниҳоят минг азобда зўрға қадам ташлаб, унга етиб олдим.

“Нима бўлди сенга? — деб сўрадим. — Мендан хафа бўлдингми, Олим?”

Унинг хануз боши ҳам, елкалари титрар эди. Секин елкасидан туртдим. “Менга нима қилибди? — деди Олим тилга кириб, овози шу қадар совуқ оҳангда чиқдики, эгим музлаб кетди. — Нега ундай дедим?” Қўлларим билан иягидан кўтариб, ўзимга қаратмоқчи бўлдим. Бироқ энди менинг қўлларим ҳам ҳаракатсиз эди. Юрагим музлаб кетди. “Ҳазиллашдим-ку, — дедим кўрққанганимни билдирмасликка уриниб. — Шу гапни кўнглингга олдингми? Агар сенинг ўрнингда бўлсам, жон дердим, ўртоқ! Сен яхши одамсан, буни ҳамма биледи. Мен эса бир аламзада, алданган инсонман. Бошингни кўтар энди!..” Олим бошини кўтариб қараган эди, мен даҳшатга тушиб бақириб юбордим.

Ўзимнинг қичқиримдан уйғониб кетдим. Чуқур-чуқур нафас олдим. Олимнинг тушимдаги қиёфаси кўз олдимдан кетмасди. Шоша-пиша қарасам, Олим симёғочдан тушган, пастдаги симларнинг орасида акашак бўлиб қолган. Сакраб ўрнимдан турдим. Яқинроқ бориб қарагач, тушундим: унинг бир қўли сим учини маҳкам чангаллаган, сира қўйиб юбормасди. Мен ён-атрофга алангладим, аксига олиб, бирортаям таёқ йўқ эди. Ноилож уни итариб юбормоқчи бўлдим. Бор кучимни ишга солдим. Ана шунда Олимга маҳкам ёпишиб қолиб, кўзимдан ўт чақнаб кетди. Аъзои баданим титради. Симни тепиб юбормоқчи бўлдим. Кутилмаганда сим унинг қўлидан чиқиб кетиб, юзимни тилиб ўтгандек бўлди. Шундан сўнг мен жуда катта куч билан орқа томонимга учиб кетдим. Ерга йиқилаётиб, узоқдан биз томонга келаётган автоуловга кўзим тушди.

Қолгани эсимда йўқ. Менинг аъзои баданим чим-чим оғрир, бақирай десам, овозим чиқмасди. Аъзойи баданимга нимадир кираётгандек яна нималардир вужудимдан чиқиб кетаётгандек бўлар, мен тўхтовсиз қалтирар эдим. Икки

юзимда минглаб чумолилар ўрмалаб юргандек, йўқ, улар юзларим терисига кириб-сингиб кетгандек туюлди. Қандайдир ғўнғир-ғўнғир овозлар ҳам эшитиларди. Мен қанча уринсам ҳам, кўзимни оча олмадим, қовоқларим тошдек оғир, киприкларим елимлангандек, бир-бирига ёпишиб қолгандек эди.

Шундан кейин қанча вақт ўтди, билмайман, мен ухлаб қолдимми ё ухламадимми, ўзим ҳам тушунолмай, енгил тортгандек бўлдим. Кўзларимни зўрға очдим. Ўрнимдан турдим. Ўша яйдоқ чўл. Қарасам, Олим ҳануз аввалгидек аҳволда ўтирибди: бошини эгиб олган. Унга томон қадам ташладим. Ана шунда юзим оғирлашиб, жойидан сидирилиб тушгандек бўлди. Мен худди юзимни сақлаб қолмоқчидек, қўлларим билан тўсиб олдим. Тилим калимага келмас, бошим лов-лов ёнарди, гўё. Кейин қўлларим ҳам оғирлашиб, икки ёнимга шалвираб тушди. Юз мушақларим тортилаётгандек, терим таранглашар, аммо нималар бўлаётганини аниқ-тиниқ идрок қилолмасдим. Мен нажот кутганча Олимга тик қараб туравердим. Кўп ўтмай, у гурс этиб ёнбошига қулади. Олимни бу аҳволда кўриб, йиғлагим келди, ўзимни айбдор сездим. Ич-ичимдан қандайдир ғалаён жўша бошлади. Мен кучли толиқишни ҳис этдим. Қовоқларим яна оғирлашиб, кўзларим юмилиб қолди.

Мен карахт ҳолда, ҳайрон эдим: нима учун бизга ёрдамга келишмаяпти? Бояги автоулов қаерга кетди? Шу томонга келаётганди-ку! Наҳотки, бизни – икки ёш йигитчани тақдир ҳукмига ташлаб қўйишган бўлса?

Кўзларимни қайта очганимда, мен энди тик турмас, чалқанча ётар эдим. Бирданига совқотаётганимни ҳис этдим. Турмоқчи бўлдим, бироқ устимдан нимадир бостириб қўйилган эди. Зил-замбилдек бошимни хиёл кўтариб, ўзимни тупроққа кўмилган ҳолда кўрдим.

– Ана, ана, кўзларини очди, – деб бақириб юборди кимдир.

Уч-тўрт киши тепамга югуриб келишди. Улардан менга нима бўлганини сўрамоқчи бўлдим, аммо гапиролмадим.

— Хайрият, — деди Ўктам ака қувониб. — Асқар, яхшимисан? Бўлди, ука, ҳаммаси ўтиб кетди.

— Барибир бу ерга кўммаслик керак эди, — норози бўлди Мансур ота.

Ўктам ака унга олайиб қаради:

— Э, қизиқсиз-ей! Одам ўламан деб ётибди-ю, гапингизни қаранг. Келинлар, кўтарайлик буни, тупроғини олинглар.

Устимдаги тупроқни тез-тез олиб ташлаб, мени турғазилди. Агар икки ёнимдан суямаганларида мен беҳол йиқилган бўлардим. Юзим ачишаётганини ҳис қилдим. Ушлаб кўрмоқчи эдим, қўлимни кўтаролмадим.

— Лаънати дўхтирлар қачон келади? — деди катта йўлга қараб Ўктам ака.

Мен бошимни зўрға тутиб, улардан сўрадим:

— Олим қани? — шивирлаб гапирганим учун овозимни ҳеч ким эшитмади.

— Нега қараб турибсизлар, машинага олиб боринглар, — деди Мансур ота икки томонимдан суяб турган Мерган билан Шамсиддинга.

Икковлон шалвираган қўлларимни бошлари узра ўтказиб, мени судраб кетишди. Мен ён-атрофга алангламоқчи бўлар, Олимни нигоҳим билан излашга уринар, бироқ карахт онг-шуурим, бўш-баёв хатти-ҳаракатим бунга изн бермасди.

Мени авайлаб машинага олиб чиқишди.

— Юзимга нима қилди, айтинглар, — дедим инграб, бу саволимни ҳам ҳеч ким эшитмади.

Машина эшиги қарсиллаб ёпилди.

— Олиб кетаверинглар уни, — деган овози эшитилди Мансур отанинг. — Йўловчи машина келса, биз ҳам орқаларингдан жўнаймиз.

Ўктам ака тўнғиллади:

— Нималар деяпсиз, қачон йўловчи машина келади-ю, қачон кетамиз? Бир тупка жой бўлса бу ер!

— Сен ўзингни ўйлама, — деб бақирди Мансур ота. — Бу болага бир гап бўлса, эртага ким жавоб беради?

— Бўпти-бўпти, — бақирди Ўктам ака ҳам. — Мерган, тезроқ ҳайда.

Мерган бир сакраб машина кабинасига ўтирди-да, рулга ўтирди. Шамсиддин ўнг томондан чиқиб, менинг оёқларимни авайлаб пастга туширди, сўнг бошимни кўтариб, елкасига суяди. Кўлини орқамдан ўтказиб олди ва Мерганга "кетдик" деб имо қилди. Машина ўт олгач, вангиллаб олдинга интилди. Ёнилғи ҳиди таъсир қилдими, менинг кўнглим айниб, ўқчиб юбордим. Шу аснода машина ойнасидан ташқарига қараб, нигоҳим билан Олимни излашга ҳаракат қилдим. Аммо ҳали ҳам карахт эдим. Бир оздан сўнг машинанинг тебраниши элтиб, ухлаб қолибман.

Мен машинадан тушираётганларида уйғондим. Мени шифохонага олиб келишган эди. Кўзларим ачишар, бошим ҳам, танам ҳам карахт, ҳамширанинг уколларини ҳис қилмасдим. Қачон пинакка кетдим, билмайман.

Яна тушимга Олим кирди. Ён томонига йиқилганини қайта кўрдим. Уйқум ўчиб кетди. Нима бўлди экан унга?

Ўрнимдан туриб, ҳаракатланмоқчи бўлдим, лекин мажолим йўқ эди. Қолаверса, ҳозир ярим кеча, атроф жимжит эди. Кўлимни юзимга теккизиб, пайпаслаб кўрдим, назаримда кўндалангига чизиқ тортилгандек эди. Худди юзим тилиб ташлангандек, ичим хувиллаб кетди. Башарам хунук тусга келган бўлса-я, нима қиламан? Ҳали уйланмаганман, орзу-ниятларим олдинда!

Ҳамширани чақириб, ойна сўрамоқчи бўлдим. Овозим хириллаб чиқарди.

Кўзим илинган экан, отам билан онам кириб келишганида уйғониб кетдим. Онам йиғлаб юборди. Отам ҳам тепамда парвона, нима қиларини билмасди. Ойна беришларини имо-ишора билан тушунтирдим, афсуски, ишорамни тушунишмади.

Бир оздан кейин онам менга шўрва ичирмоқчи бўлди, аммо томоғимдан ўтмади. Учаламизнинг ўртамизда сукунат чўккан, ҳеч кимдан садо чиқмасди.

Эртасига эрталаб ниҳоят ҳамшира менга ойна узатди. Мени уни кўрқа-писа қўлимга олдим. Бир жиҳатдан кўзгуга қарагим келмади, худдики ўзимни бадбашара ҳолда кўрадигандек туюларди. Ҳамшира чиқиб кетгач, ниҳоят ойнага боқдим. Кўзгудан кўрққаним бежиз эмас экан. Унда ўзимнинг электр сими чизиқ тортган юзим эмас, балки... Олимнинг қиёфаси акс этган эди. Мен додлаб юбордим.

Нега кўзгуда Олимнинг акси намоён бўляпти? Бу қандай синоат? Нима гап ўзи? Энди бир умр ўзимни ойнага сола олмай, азобда ўтадимиз умрим? Ўзим менга нима бўлди? Умуман, ҳозир тушимми, ўнгимми? Мен ўзим кимман? Мен Асқарман, аммо нима учун ойнада Олимнинг қиёфаси кўриняпти?

Ишхонадагилар хабар олишга келишганида ҳам менинг аҳволим яхши эмас эди. Улардан дарҳол Олим ҳақида сўрадим.

— Олимми... унинг аҳволи яхши, — деб жавоб берди Ўктам ака. — Сен ўзинг ҳақида гапир, кучга кириб қолдингми? Ҳадемай уйингга жавоб беришса керак?

— Билмадим, ҳали ҳеч нима дейишмади.

Орага жимлик чўкди. Мен Мерганга қарадим:

— Мен Олимни кўришим керак.

— Нима қиласан уни? — чайналди Мерган.

— Олим бошқа шифохонада, аниқроғи, уни шаҳарга олиб кетишган, — деди Ўктам ака.

Шамсиддин мен томонга хиёл эгилиб деди:

— Менга қара, мабодо бегона одамлар келмадимиз олдингга? Ҳалиги, Саъди ака сўраётганди.

Мен унга ҳайрон бўлиб қарадим.

Тушдан кейин палатага Яздон ака кириб келди. У — ишхонамиздаги иккинчи одам, бошлиқ ўринбосари. Сочлари силлиқ таралган, оғир-босиқ бу кишининг муддаосини

тушунмадим. Гапни роса айлантирди. Бош шифокор билан гаплашибди, ҳали-замон менга жавоб беришармиш.

Ҳақиқатан ҳам, эртаси куни уйга кетишимга рухсат беришди.

Отам ишга чиқишимга кўнмади. Уйда бўлишим, ўзимга келиб олишим керак эмиш. Мен тетиклигимни исботлаш учун шахдам қадамлар билан юриб кўрсатдим ва кутилмаганда ён томонга мункиб кетдим.

Шу кеча кўрқинчли туш кўрдим: Олим менга ойна тутиб турар, унда яна ўзининг афт-ангори акс этган эди. Ўзи билан суҳбатлашай, десам, тилим сира айланмасди. Бир пайт Чаман пайдо бўлди. Олим уни ва мени холи қолдирганча аллақаяққа югуриб кетди. Мен ортидан қадам қўйганимни биламан, худди ўша кундагидек яна юзим қизиб, аъзои баданимга оғриқ кирди. Чаросга қараб, унинг қахрли нигоҳига дуч келдим. "Нима қилдим сенга?" – деб бақирдим. "Сен бизни бир-биримиздан жудо қилдинг", – деди Чаман тилга кириб. Кейин у мени қалин сим билан бўға бошлади. Мен Чаманга сира қаршилиқ кўрсата олмасдим. Овозим бўғилган сайин гунг-соқовга айланиб боравердим...

Уйғониб кетдим. Шахт билан ўрнимдан туриб, даҳлиздаги катта ойна томон юрдим. Унга қарадим. Мен кўзгудаги Олим билан очиқчасига гаплашиб олмоқчи эдим, бироқ энди ойнада ўзимнинг аксимни кўрдим. Ҳа, бу ўзим! Фақат... фақат ойнадан мен эмас, гўё менга ўхшаш бошқа кимдир қараб тургандай эди. Мен кўрқувни енгиб, ўз сийратимга яхшилаб тикилдим. Ана шунда юзимни тилиб ўтган чизикдан кура бўйнимда қолган излар мени саросимага солди. Бу Чаман ҳозиргина мени тушимда бўғиб ўлдирмоқчи бўлган симларнинг изи эди гўё.

Менинг уйқум батамом ўчган, аниқроғи, мен ухлашдан кўрқиб, ўзимни бедорликка маҳкум этган эдим. Уйда ҳамма ухлар, мен дарди бедаво эса хўрлигим келиб, нима қиларимни билмасдим.

Бир амаллаб тонг орттирдим. Уйдагилар ҳам бирин-кетин

уйғонишди. Нонушта устида отамга ишхонадан хабар олмоқчилигимни айтдим. Отам яна кўнмади. Акаларимга қарадим. Улар, начора, дегандек елка қисиб қўйишди.

– Олимга қачон жавоб беришаркан? – дедим кейин. – Ҳеч бўлмаса уни кўришга рухсат берарсиз, ота?

Отам жаҳл билан менга қаради:

– Энди Олимни ҳеч қачон кўрмайсан, у ўлган!

Бу гапни эшитиб, донг қотдим. Тўғри, ўшанда Олим ёнбошига ағдарилганида, уни ўлди, деб ўйлаганман. Аммо бу воқеа тушимда рўй берган эди. Тушга эса нималар кирмайди. Олим иккимизнинг охириги кунги тортишувларимиз, унинг маъюс қиёфаси, симга оҳанрабодек ёпишиб қолгани шунчалик тез кўз ўнгимдан ўтдики, миям ғовлаб кетди. Гўё Олим ўлгач, бу дунёда менинг якка ўзим қолиб кетгандек таассурот чулғаб олган эди шууримни. Йиғлагим келди, аммо ўпкам тўлса-да, кўз ёшларим қуриб қолгандек эди.

– Асқар, уйдан бир қадам ташқарига чиқмайсан, уқдингни? – деди отам ҳануз қовоғини очмай.

Онам йиғлаб юборди:

– Нега ўғлимни қийнайсиз? Шунча азоблари каммиди?

– Сен аралашма, – ўдағайлади отам. – Ҳозир уйда ўтиргани маъқул. Шунча гап-сўзларга қолганимиз етар.

– Қандай гап-сўз? – дедим мен ҳайрон бўлиб.

Отам индамай дастурхонга фотиҳа ўқиди-да, ўрнидан туриб кетди. Акаларим, янгаларим ҳам кўзғалишди. Мен онамдан ҳарчанд сўрамай, ҳеч нимани билолмадим.

Тушдан кейин отам негадир бизнинг ишхонамиз машинасида келиб, менинг бирга кетишим кераклигини айтди.

Тўппа-тўғри ишхонага кириб бордик. Иккинчи қаватга чиқдик. Аммо отамни мажлислар залига қўймай, менинг бир ўзимни олиб кириб кетишди. Мен ҳайрон эдим.

Ичкарида одам кўп, афтидан кенгайтирилган мажлис бўлаётган эди.

Бошлиғимиз Саъди Турсунов менга олайиб қарар экан, жамоага эълон қилди:

– Мана, қаҳрамонимиз ҳам келди. Танийсизларми буни? Хў-ў-ш, аввал ўзидан эшитайлик-чи, нима бўлганини.

Дабдурустдан сўз беришгани учунми, довдираб қолдим. Чамаси, мендан ўша кунги воқеаларни сўрашаётган эди. Бор гапни айтиб бердим. Ҳамма сукут сақлар, назаримда, гапларимга ишониб-ишонишмасди.

– Бўлдими, бошқа гапинг йўқми? – деб сўради Турсунов сукутни бузиб. – Ўша куни Ўктам ака, Мерганлар ҳам бор эди-я?.. Ўктам ака, сиз гапиринг.

Ўктам ака секин ўрнидан турди:

– Мен, Мерган ва Шамсиддин эдик. Узоқдан Олим билан Асқарга кўзим тушди. Боргунча нима бўлди, билмайман, кейин қарасак, иккаласи икки томонда ётибди. Йўриқнома бўйича тезда уларни ерга кўмдик. Фақат... Олимни жуда катта кучланишли ток урган экан. Ўлими олдидан шу... мен ёзиб берган сўзларни айтди.

– Сиз нимани ёзганингизни ҳаммага айтинг, бу ердагилар эшитсин, – деди Саъди Турсунов баланд овозда.

– Шу... Олим, Асқар менга атайин суиқасд қилди, деди. Бир неча марта катта кучланишли симга уни итариб юборибди.

Бу гапни эшитиб, мен ўрнимдан туриб кетдим.

– Ўктам ака, нималар деяпсиз?..

– Сен ўтир жойингга, – дўқ урди Саъди Турсунов менга.

– Сендан қачон сўрасак, ўшанда гапирасан. Ўтир, дедим... Сиз давом этинг, Ўктам ака.

– Кейин... Асқар, Олимни ташлаб кетамиз, деб туриб олди. Аслида биз келгунча Асқар ёлғондан ўзини ҳушдан кетганга солиб ётган экан. Ўзи иқрор бўлди. Ҳайронман, Олимжон қўй оғзидан чўп олмаган йигит эди. Асқарни нима йўлдан урган... Шундай боланинг умрига зомин бўлиб ўтирибди.

Мен яна ўрнимдан туриб кетдим, аммо Турсунов тагин гапиришимга рухсат бермади. Ўктам ака менга олайиб қаради:

– Сиз ўзингизни босинг, ука, – деди у. – Ўша куни бизга нималар деганингиз эсингиздами? Қанча пул керак бўлса, бераман, шу гап шу ерда қолсин, дедингиз. Олимни ўлдириш учун пайт пойлаб юрардим, дедингиз. Ёлғон бўлса, мана, Мерган билан Шамсиддин гувоҳ.

– Нималар деяпсиз? – дедим мен хўрлигим келиб. – Шошманг, мен нима учун Олимни ўлдирад эканман?

– Буни тергов аниқлайди, ука, – столни ручкаси билан тақиллатиб жавоб берди Саъди Турсунов. – Сенинг йўлда атайин машина рулини буриб, ҳалокат содир этмоқчи бўлганинг, шифохонага ётиб олганинг, ишга чиқмаганинг, ҳамма-ҳамма найрангларинг ҳақида биламиз.

– Мен тушунмадим, нималар бўляпти? – дедим мен, сўнг Мерган билан Шамсиддинга қарадим. – Сизлар нега жимсизлар, гапиринглар!

Шамсиддин ўтирган жойида менга қўлини пахса қилди:

– Асқар, бас қил, қилгиликни қилиб қўйиб, ўзингни гўликка солма.

Мен сўкиниб юбордим. Фала-говур бўлиб кетди. Саъди Турсунов барчани тинчлантирад экан, шундай деди:

– Биз тегишли идораларга мурожаат қилганмиз. Ҳадемай бу бола қилмишлари учун жавоб беради.

Мен алашимнинг зўридан чидаб туrolмадим. Югуриб бориб, Шамсиддинга ташландим.

2

Бизни зўрға ажратишди. Мен Шамсиддиннинг таъзирини беролмай, бутун газабимни унинг ёлғончи кўзларига қаратдим.

– Милицияга беввориш керак буни, – деди Шамсиддин.

– Мажлисдан чиқариб юборинглар, – бақирди Саъди Турсунов. – Ўв, зўравон, бу ерда шовқин кўтарма. Бор уйингга!

– Ахир, бу қочиб кетади, – деб қолди ортимдан Мерган. Мени уч киши силтаб-силтаб мажлислар залидан чиқариб

юборишди. Отам биринчи қаватга тушиб турган экан. Мен жаҳддан жиғибийрон бўлган кўйи пастга тушдим. Афтангоримни кўриб, отам тезда олдимга келди.

— Ота, менга тухмат қилишяпти, — дедим ҳануз ўзимни босолмай. — Олимни мен ўлдирган эмишман.

— Уйга юр, — отам қўлимдан тортди.

— Ота?.. Индамай кетавераманми?

— Бу ерда нима қилмоқчисан? Ишни баттар чувалаштирмоқчимисан? Булар ҳар бир ҳаракатингдан янги жиноят ясайверади.

— Ахир, менинг айбим йўқ! Шунча одамнинг олдида тухмат қилишди, — дедим ҳиқиллаб.

— Юр, ўғлим, бирор чораси топилар.

Уйга бориб ҳам мен ўзимни сира босолмадим. Отам ёнига ўтқазиб, ўша куни нималар бўлганини сўради. Демак, у киши ҳам менга ишонмаяпти.

— Қандай қилиб исботлайсан? Ҳаммаси сенга қарши гувоҳлик бериб ўтирибди-ку! Ўктам ҳам, Шамсиддин ҳам...

— Нима қилай унда? — дедим ранжиб. — Наҳотки, мени кимнидир ўлдирадиган даражага боради, деб ўйласангиз?

Отам тутақиб кетди:

— Унда нима учун бу гаплар чиқди? Турсуновнинг сендан бошқа иши йўқми ё? Сен, жинқарча билан курашиб эсини еганми у? Менга ростини айт, айбинг бўлса, тан ол. Балки таниш-билиш қилиб, ҳаммасини тинчитармиз, пул берармиз. Қариндошлар бор, қараб туришмас.

Мен тишимни тишимга босиб, жавоб бердим:

— Мен ҳақлигимни исботлайман. Мен қотил эмасман.

Дарвоза тақиллаб, икки-уч нафар формали кишилар кириб келишганида онам йиғлаб юборди. Уларнинг бири синфдошим Саид эди. Онам бечора унга ялиниб-ёлворди.

Шундан сўнг мени бўлимга олиб кетиб, ҳеч қаёққа кетиб қолмаслигим ҳақида тилхат олишди-да, кўйиб юборишди.

— Фақат бир кунга, Асқар, — деди Саид мени огоҳлантириб. — Сен эртага қайтиб келишинг керак.

Мен иш мутлақо жиддийлигини билиб шалвираганча уйга қайтдим. Йўлда жиним қўзиб, ҳеч бўлмаса, Шамсиддин ёки Мерганни топиб, дўппосламоқчи ҳам бўлдим. Санжар акам қўймади.

Ночорлигимдан йиғлаб юборгим келарди. Кўз олдимда Олим намоён бўлди. Яқиндагина уни калака қилган эдим. Энди эса худдики Олим менинг устимдан кулаётгандек туюларди. Қайтар дунё, деб эшитганман. Аммо бу ҳикмат кўзларимни мошдай очади, деб хаёлимга ҳам келмаган. Аммо... майли, мен Олимни масхара қилган эканман, бироқ Ўктам акага нима қилдим? Шамсиддин билан Мергангачи? Ёки... Олим ростдан ҳам ўлими олдидан мен ҳақимда айтганмикан? Асқар мени итариб юборди, деганмикан? Алам устида айтган бўлса-я!


Мен миямга келган бу ўйдан кўрқиб кетдим. Наҳотки, Олим шундай деган бўлса? Акс ҳолда бу гап қаердан чиқади? Йўқ, мумкин эмас. Ахир, мен Олимни, аксинча қутқармоқчи бўлган эдим-ку! Қолаверса, Ўктам ака айтганидек, ўзимни ҳушдан кетганга солиб ётганим йўқ. Машинани ҳам авария қилишга уринмадим. Бу ерда қандайдир бошқа гап борга ўхшайди. Бошқа гап...

Энди бошқа гапни ким аниқлайди, ҳақиқатнинг тагига ким етади?

Ўзи нега ҳаётим алғов-далғов бўлиб кетди? Мен нима учун нукул жабрдийдага айланаман? Кимдир ташлаб кетади, яна кимлардир бугунгидек туҳмат уюштиришади. Индамай, бош эгиб юраверайми? Мени топтасалар ҳам, ерпарчин қилсалар ҳам, лом-мим демайми? Мен орқали ўз мақсадларига етсинми улар? Уларга нима ёмонлик қилдим, ахир?!

Бирдан эсимга тушди: Мансур ака қаерда? У мажлисга келганмиди? Келган бўлсаям, пусиб ўтирдимикан? Бўлиши мумкин эмас. Мансур ака — ҳалол, покиза, ростгўй инсон.

— Ота, Мансур акани танийсиз-а? — дедим уйга келгач. — Ўша кунни у киши ҳам бор эди. Топишимиз керак, аммо уйини билмайман.



Отам индамади. Афтидан, у киши тақдирга тан бераётган эди.

Мен ўйлаб-ўйлаб, ҳамкасбларимга қўнғироқ қилдим, лекин ҳеч ким мени эшитишни истамас, телефонларини ўчириб қўйишарди. Санжар акам билан ишхонамиз қоровулхонасига йўл олдик. Қаттиқ тайинлаб қўйишган, шекилли, у ерда ҳам бизга бирорта маълумот беришмади.

Ҳориб-чарчаб уйга кечаси қайтдик. Энди мен ўзимни халос этишдан буткул умидимни узган эдим. Гарчанд Санжар акам Мансур акани эртага топиш мумкинлигини айтса-да, бу одам ҳам ишхонамиз раҳбарининг юзига оёқ босмайдигандек, менга қарши гувоҳлик берадигандек туюларди.

Онам бояқиш йиғлайвериб, кўзлари шишиб кетди. Отам ҳам, акаларим ҳам нима деб таскин беришни билишмасди.

Дарвоза тақиллаб, ҳаммамиз бир-биримизга қараб олдик. Анзур акам чиқиб қаради-ю, қошлари чимирилиб қайтди.

— Асқарни сўраб келишибди, — деди у отамга. — Олимнинг амакилари.

Мен ўрнимдан турдим.

— Ўтир, — деди отам менга ўшқириб. — Мен ўзим чиқаман.

Отам ва акаларим чиқиб кетишгач, бир оздан сўнг ташқаридан баланд-баланд овозлар кела бошлади. Кимлар сўкиняпти, билиб бўлмасди. Ортиқ чидай олмай, мен ҳам чиқмоқчи бўлдим. Онам, "жон болам"лаб йўлимни тўсиб олди.

Дарвоза даранглаб кетди. Мен айвондан туриб қарадим. Санжар акам кириб, ҳовлидаги водопровод сувига юз-қўлини юва бошлади. Унинг бурни қонаган эди. Мен онамнинг кўзини шамғалат қилиб, айвондан отилганча ҳовлига сакраб тушдим у дарвоза томонга югурдим. Акам йўлимни тўсмоқчи бўлди. Унга чап бериб, ўзимни дарвоза эшигидан ташқарига урдим.

— Мана, уйда экан-ку! — деди менга кўзи тушган Хидир ака. — Аёлга ўхшаб пусиб ўтирган экан-да! Бу ёққа кел-чи, ука.

Нимқоронғуда тўрт-беш чоғли одам бор эди.

– Уйга кир, – бақирди отам менга.

– Тўхтанг, ака, ўғлингизга қўлимизниям теккизмаймиз,
– деди Хидир ака. – Сизга сўз бераман.

Мен унинг нимқоронғуда чақнаб турган кўзларига тикилдим:

– Гапиринг, нима дейсиз?

– Сен Олимни нима қилдинг? – отамни чеккага суриб, мен томонга яқинлаша бошлади Хидир ака. – Ҳеч кими йўқ, етим, деб ўйлаганмидинг уни?

– Хидир ака, менинг зиғирча айбим йўқ, – дедим мен. – Бу ҳаммаси тухмат, мен...

– Биласанми, Ўктам нима деди? Унинг айтишича, сен олдиндан Олимни ўлдирмоқчи бўлиб юрган экансан. Сенга нима ёмонлик қилганди у? Гапир!

– Ўктам аканинг олдига борамиз, – дедим Хидир акага тик қараб.

– Мана сенга! – ким мушт солди, билмайман, юзимга зарба тегиб, гандираклаб кетдим. Шу пайт қорнимга тегишди. Ўзимни ўнглаб ололмай, бурнимга ҳам мушт тушди. Отам, акаларим ажратишга қанча ҳаракат қилишмасин, кучлари етмасди. Ичкаридан онам чиқиб, додлаб юборди. Қўни-қўшнилар йиғилишди.

– Ҳамма эшитиб қўйсин: қонга қон, жонга жон! – бақирди Хидир ака.

Биз ҳовлига киргандан кейин ҳам Хидир ака кўчада роса додлади. Мендан кўра Санжар акам кўп калтак еган, букчайиб қолган эди. Онам бошини рўмол билан танғиб олган, янгаларим пиқ-пиқ йиғлаб, куймаланиб юришарди. Улар дўхтирга қўнғироқ қилишмоқчи эди, Санжар акам қўймади. Ҳа, дўхтир келса, улар дарҳол милицияга хабар қилишади. Милиция келганида эса энг биринчи бўлиб мени олиб кетади.

Отам айвон зинасида ўтирган кўйи кўчадаги гап-сўзларга кулоқ солиб турди.

Мен аламдан ёрилай дердим. Кўчага югуриб чиқиб, дуч келган кишини аямай дўппослагим келарди. Айби борми-йўқми, энди менга фарқи йўқ эди. Чунки мениям айбим йўқ, бировларнинг туҳматига ишониб, калтаклашди. Аммо, уйдан чиқиб кетолмайман, акс ҳолда аҳвол янада ёмон тус олади. Яхшиси, уйдагиларнинг ухлашини кутаман. Кейин ўша туҳматчиларни топаман. Ҳар бирининг уйига бориб, битта-битта ҳисоблашаман. Ёлғонлари учун менга жавоб беришсин. Керак бўлса, Ўктам аканинг ҳам таъзирини бераман. Ҳамма гапни ўша одам билади.

Ҳа, ҳаммасини дўппослайман, аямайман. Ўшанда мен улар айтган ҳақиқий жиноятчига айланаман. Ўшанда сал бўлса-да, ичимдаги аланга босилар, балки! Кейин нима қилишса, қилишаверсин. Менга мутлақо фарқи йўқ.

Мен юзим, бурнимга нам рўмолча босган қўйи, анча вақтгача уйдагиларнинг уйқуга кетишларини пойлаб ётдим. Аммо тинчи кетган оиланинг пинакка кетиши осон, дейсизми! Орадан бир соатча вақт ўтса-да, отам ўтирган жойидан жилмасди. У кишига термилиб ўтириб, ўзим ухлаб қолибман.

Уйғониб, сакраб турганимда атроф ёришиб кетган эди. Тепада офтоб қиздириб турарди, мен унга қараб, "мана, ёруғ кунлар ҳам бор экан-ку", деб руҳим кўтарилди. Аммо мен уйда эмас, сўнгги иш кунимда бўлган тепаликда эдим.

— Ҳа, уйғондингми? — деган сас келди.

Овоз келган томонга ўгирилиб, Олимга кўзим тушди.

— Тирикмисан, Олим? — дедим мен. — Сени деб қанча ташвишга қолганимни биласанми? Юр, менинг айбим йўқлигини айтиб бер, акс ҳолда...

Олим гапимни бўлди:

— Сен ўзинг ҳал қил.

— Тушунмадим, — дедим мен ранжиб, — демак, ҳаммаси сенинг ишинг, лекин аслида мен сени ўлдирмоқчи бўлмаганман-ку! Нега бундай дейишяпти?

— Асқар, сен Шамсиддин билан Мерганнинг олдига бор,

фақат уларга тегма. Қолганини ўзинг фаҳмлаб оларсан.

— Мен шундоқ ҳам уларнинг олдиға бормоқчиман, иккаласиниям таъзирини бераман. Қилган тухматлари учун жавоб беришади ҳали. Кейин Ўктам акани топаман.

— Бора қол. Сен мен бўлиб борасан.

Бирдан ён-атроф янада ёришиб, кучли ёғду туфайли мен кўзларимни юмиб олдим. Юзимни нимадир қоплаб олгандек туюлди, кейин у бутун вужудим бўйлаб тарқалди.

Қанча вақт ўтди, билмайман, кўзларимни очганимда атроф нимқоронғу эди. Мен яна уйимизда эдим. Туш кўрибман яна. Аммо бу тушға ўхшамасди, ҳаммаси аниқ-тиниқ, равшан эди. Анча вақтгача ўйимға етолмай ётдим. Кейин ўрнимдан турдим. Яхшилаб кўздан кечириб, уйдагилар ухлаб ётганига амин бўлдим.

Ҳовлимиздан чиққанимда осмонда ой хира нур сочарди. Мен дадил қадамлар билан керакли манзилға равона бўлдим. Негадир юз қиёфам ҳам, жуссам ҳам меники эмасдек, фақат руҳим ўзимға тегишлидек ҳис-туйғу қамраб олган эди мени. Бу кечаги чарчоқлар, асабийлашиш оқибати бўлса керак. Ҳозир бу муҳим эмас, айти пайтда мен икки аблаҳни топишим керак эди.

Мерганнинг уйини мўлжаллаб, уларнинг кўчасига бурилдим. Эллик қадамча юргач, кичикроқ дарвоза олдида тўхтадим. Кеча сокин, фақат чигирткаларнинг чириллаши эшитиларди. Ана шунда фикрим ўзгарди. Бу уйға қандай кираман, кирганим билан мени ўғри деб ушлаб олишади, кейин ўғри деган тамға ҳам ёпиштирадилар, деб ўйлаб қолдим. Аммо кечаги азобларим, Санжар акамнинг калтаклангани, онамнинг нолаеси, отам қанчалик асабийлашгани ёдимға тушиб, қўлларим ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди. Бу ҳовлининг девори паст бўлгани учун бир сакраб чиқиб олдим ва ичкариға сакрадим.

Ҳовлидаги чорпояда икки киши ухлаб ётарди. Разм солиб қараб, Мерганни танидим. Башарасига мушт туширгим келди. Елкасидан силтаб турғиға бошладим. У зўрға уйғонди,

"ҳм-м, ким бу?" — деди ғўлдираб. Оғзидан гуп этиб ароқ иси келди.

— Тур, — дедим ёқасидан даст кўтариб.

Мерган менга сузилганча қараб турди-да, кўзлари катта-катта бўлиб кетди. Нимадир деди, тушунмадим.

— Овозингни чиқарма, Мерган, — шундай деб бўйнидан маҳкам қисганча уни чорпоядан пастга олиб тушдим. Кейин кўчага олиб чиқдим. — Энди гапир, ҳаммасини айтиб бер.

У талмовсираб қолган, чўчиб кетган, улкан гавдасига қарамай, мендан кўрқаётганига ўзим ҳам ҳайрон эдим.

— Гапир, — дўқ урдим мен янада дадилланиб, — ёки Шамсиддиннинг олдида тилга кирасанми? Қани, юр-чи!

Мерган тап этиб жойида ўтириб қолди. У талмовсираб қолган, ортиқча бир қадам ҳам одимлайдиганга ўхшамасди.

— Сенинг виждонинг йўқ экан, Мерган, — дедим мен уни иягидан кўтариб. — Шунчалар пасткашликка борасанми? Битта қишлоқда яшаб, бирга ишлаб, ҳар куни кўз-кўзга тушиб, оқибати шуми? Айт, нега бундай қилдинг?..

— Мени... мени кечир, Олим, — ҳўнграб юборди Мерган. — Мен уларнинг гапига кирдим. Шайтон йўлдан урди. Мен эртага... эртага ҳаммасига иқроор бўламан, Асқардан ҳам кечирим сўрайман... Илтимос, менга тегма...

— Аҳмоқ, ароқхўр! — дедим жаҳлим чиқиб. — Кўрқоқ! Шунчалик кўрқар экансан, виждонингдан ҳам кўрқсанг бўлмайдами, нега туҳмат қиласан? Бунинг учун жавоб бераман, деб ўйламадингми, аблаҳ? Йўқ, сенга ўхшаган кўрқоқларга ишониб бўлмайди. Сени ҳозир бир ёқли қиламан.

— Илтимос, илтимос, — Мерган шундай деди-ю, бошини ортига ташлаганча йиқилди. Мен қанча силтамай, сира ўзига келмади. Шу пайт ҳовлида чироқ ёниб, қадам товушлари эшитилди. Мен ниятимга етолмаганимдан аламим келиб, Мерганнинг қорнига бир тепдим. У инграб ҳам қўймади. Шундан сўнг қочиб қолдим.

Шамсиддинларнинг уйи анча нарида эди. Мен ўзимда

рахм-шафқат ҳиссини уйғотмаслик учун унинг мажлисда айтган гапини эшлашга ҳаракат қилардим. Нима деган эди? “Ўзингни гўлликка солма”, — деганмиди? Ҳозир кўрсатиб қўяман, гўллик қандай бўлишини!

Бир оздан сўнг мен деворлари баланд, дарвозаси ичкаридан маҳкам қулфланган ҳовлига қандай киришни билмай, ташқарида турардим. Бошимни кўтариб қараб, кўчадаги симёғоч орқали ҳовлига ўтиш мумкинлигини чамаладим. Бу осон эмас, аммо бошқа чорам йўқ эди. Симёғочга тирмашганча бир амаллаб кўтарилдим ва бор кучимни йиғиб, ўзимни деворга отдим. Агар девор устидаги тунука соябонга ёпишиб олмаганимда орқам билан йиқилиб тушишим тайин эди. Бармоқларим қирқилиб кетди, деб ўйладим. Кейин таваккал қилиб ўзимни ичкарига отдим. Ҳовлига гурсиллаб тушганимда ичим тўкилиб кетгандек бўлди. Оёғим лат едими, анчагача қаддимни ростлай олмадим.

Бир оз ётиб, ўзимга келдим. Сўнг ўрнимдан турдим. Ҳовлидаги чорпояда пашшахона тутилган, ичида неча киши ётгани номаълум эди. Бир чеккасини кўтариб қарадим, тўрт киши экан, нимқоронғуда Шамсиддин қайси эканлигини билолмадим. Ошхонага кириб, гугурт излаб топмоқчи бўлдим, бошқа иложим йўқ эди. Латта ҳам қидираман, у билан Шамсиддиннинг оғзини ёпиб, кўчага олиб чиқаман-у, кейин ўласи қилиб дўппослайман. Уриб-тепиб, ариққа тиқиб кетаман. Кейин нима бўлса бўлар, шундоқ ҳам милицияга боришим керак. Айбсиз айбдор бўлгандан кўра, шуниси маъкул.

Мен ошхонага киргач, у ёқ-бу ёққа алангладиму, чироқни ёқдим. Аслида менинг хавотирим Мергандан эди. Агар уйдагилари аюҳаннос кўтарган бўлса, ҳаммалари мени излаб қолишган бўлса керак. Балки уйимизга боришар. Шундай экан, Шамсиддин билан боғлиқ ишларимни тезлаштиришим зарур.

Мен шоша-пиша латта излай бошладим. Эскироқ сочиқ топдим. Энди чироқни ўчириб, ошхонадан чиқмоқчи эдим,

кутилмаганда эшик очилди. Остонада қўлида паншаха ушлаган Шамсиддин турарди.

— Ҳа, ўғри, хуш келибсиз!

— Мен унга қаҳрли кўзларим билан боқдим.

Шамсиддин менга тикилиб қаради-ю, сесканиб кетди. Қўлидаги паншаха сирғалиб тушиб, ўзи эса ошхона эшигига суяниб қолди. Мен ҳануз жойимда қотиб турардим.

— Ҳа, ўлдиришга келган, деб ўйладингми? — дедим тилга кириб.

— Сен... сен...

Мен секин-аста Шамсиддинга яқинлашар эканман, эҳтиёткорликни ҳам унутмадим. Ким билсин, ортида укалари тургандир балки. Аммо атроф сокин, назаримда, бошқа ҳеч ким уйғонмаган эди. Бундан ўзимда жасорат туйдим.

Шамсиддиннинг шунчалик айби бор эканки, тили соқовланиб қолди. Ёки ростдан ҳам, ўлдиради, деб қўрққандир?

— Шамсиддин, билиб қўй, мен сени бир умр таъқиб қиламан, — дедим сўзларимга таҳдидли тус бериб. — Мендан қутулолмайсан. Сен ҳозир менга ҳамма гапни айтиб берасан.

Шамсиддин мендан кўз узмас, киприк ҳам қоқмас эди. Мен унинг кўзларида ҳайратга қоришган қўрқувни кўрдим.

— Тавба, астағфируллоҳ, — деди Шамсиддин ниҳоят, сўнг калима келтира бошлади.

Мен яна унинг мажлисда айтган гапларини эсладим ва уришга чоғландим. Шамсиддин буни сездими, ортига чекиниб, қоча бошлади. Мен унинг ёқасидан ушлашга улгуролмай қолдим. Ошхонадан чиққанымда Шамсиддин алланималар деганча ичкари уйга кириб кетди. Аблаҳ, аёлларнинг ёнидан паноҳ топмоқчи. Нима қиларимни билмай қолдим. Отаси Сами акани уйғотиб, ўглининг номардлиги ҳақида айтмоқчи ҳам бўлдим. Эҳтимол, отасининг виждони бордир, ўглини бу ишдан қайтарар? Аммо, билмадим, ишониш қийин.

Нима бўлганда ҳам мен мақсадимга етолмадим. Ўзимча

иккаласини ҳам тавбасига таянтирмоқчи, таъзирини бермоқчи эдим. Жуда бўлмаса кучим етгунча калтаклаб, хумордан чиқмоқчи эдим, бўлмади. Булар айби йўқ одамга кўра-била туриб туҳмат қилишади, мен эса айбларини билиб туриб ҳам жазолай олмас эканман.

Мен уйга қайтганимда ғира-шира тонг ота бошлаган эди. Бугун нималар бўлишини ўйлаб, анча пайтгача уйқум келмади. Ўрнимдан туриб, даҳлиздаги ойнага боқдим. Ундан яна Олим қараб турарди. Олим мендан нима истайди, ҳайронман. Ўрнимга қайтиб, ётдим. Юзимни, вужудимни нимадир қоплагандек туюлди яна.

Кўзим қачон илинди, билмайман...

Мен отамнинг овозидан уйғониб кетдим. Бошим зилдай бўлиб туриб, бет-қўлимни ювдим. Мени излаб келишибди. Ташқарига чиқдим. Отам ортимдан қолмади. Ташқарида лаб-лунжини учуқ босган Шамсиддин билан Саид турарди. Менинг қовоғим уйилди.

– Мени кечир, – деди кутилмаганда Шамсиддин менга.

– Сенга номардлик қилдим. Ўктам аканинг гапига кирдим.

– Эрталабдан сўраб келибсан, тинчликми? – деб сўради мендан олдин отам ўсмоқчилаб.

– У менга, сени бир умр таъқиб қиламан, деди, – Шамсиддин йиғлагудек бўлиб жаврай бошлаганида Саид мени тирсагимдан тутиб, чеккароққа олиб ўтди.

– Бу мени судрагудек қилиб олиб келди, – деди у Шамсиддинга имо қиларкан. – Ҳали анови Мерган ҳам шайтонлаб ётганмиш, билмадим, буларга нима бало бўлди?.. Сен, майли, бўлимга бормай тургин, ҳар ҳолда энди менда асос бор.

Мен бу гапни эшитиб, енгил қувониб қўйдим. Тунги ҳаракатларим фойда берибди, шекилли? Аммо тушунолмаяпман, наҳотки одам бир кечада ақлли-хушли, виждонли бўлиб қолса?

Шамсиддин чўнтагидан сигарета чиқариб чекмоқчи бўлди, бироқ қўллари қалтираб, эплай олмади. У қўрқув тўла кўзлари билан ҳар биримизга қараб чиқди.

– Томи кетганга ўхшайди, – давом этди Саид пичирлаб.
– Эрталабдан уйимга борибди. Кеча ошхонамизга ўғри тушди, дейди. "Оббо, бу яна бошляпти", деб турсам, кейин алмойи-жалмойи гапларни қалаштириб ташлади. "Олимнинг арвоҳини кўрдим", дейди.

– Олимнинг арвоҳини?

– Ҳа.

– Мерганниям аҳволи чатоқ, дедингми? Бориб хабар ол, Саид.

– Э, зарил кептими? Хуллас, ишнинг нишабига қараб турамиз. Мабодо керак бўлиб қолсанг, ўзим сени топаман... Кетдикми, Шамсиддин? Ё қоласанми шу ерда?

Шамсиддин бизга ғалати қаради-да, сўнг Саидга эргашди. Биз отам билан уларнинг ортидан қараб қолдик.

– Бу сенинг ишинг бўлса керак? – деди отам бир оздан сўнг.

– Нима?! – мен ўзимни билмасликка олдим.

Уйда, ўзимнинг хонамда қўлимга кўзгу олиб, юзимга яхшилаб назар солдим ва Олимга монанд жиҳатларимни қидирдим. Назаримда у билан ҳеч қандай ўхшаш томонларимиз йўқ. Шундай экан, Шамсиддин нима учун "Олимнинг арвоҳи" ҳақида гапирди? Қўрққанга қўш кўринар, деганлари шумикан ё? Агар шундай деб ўйласам... Мерган-чи? Унинг ҳам аҳволи чатоқ эмиш-ку! Бу ерда бир гап борга ўхшайди.

Мен ойнага қаттиқроқ тикилдим. Шу топда негадир унда Олимнинг акси пайдо бўлишини хоҳладим. У билан суҳбатлашгим, йўқ, унга раҳмат айтгим келди. Шундай яхши йигит билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашмаганимдан афсусландим.

Бирдан қўлимдаги кўзгу қоп-қора тус олди-да, Олимнинг қиёфаси пайдо бўлди. Мен кўрқиб кетдим. Шундай бўлса ҳам қўлимдаги ойна тушиб кетмаслиги учун уни маҳкам

ушлаб олдим. Ахир, бу тушимда эмас, ўнгимда, ҳозир айна пайтда содир бўлаётган эди.

Кўзгуда акс этган Олимнинг гаплари менинг қулоғимга эмас, балки миямга қуйила бошлади: “Асқар, сен кеча менинг қиёфамга кирган эдинг. Энди ҳар қандай одамнинг қиёфасига кира оласан. Сен энди ҳамиша ғолибсан. Чунки сен ўзинг билиб-билмай, жуда катта тилсимни қўлга киритдинг. Сен ҳали ҳеч ким эришмаган синоатга эга бўлдинг. Бундан буён хоҳлаган қиёфага кира оласан, бу иш худди юзингга ниқоб тортгандек амалга ошади. Буни астойдил хоҳлаб, ўзингни ишонтириб, тасаввурингни кучайтир. Сенинг жисминг, шууринг ана шуни тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси ўша тепаликдаги тупроққа кўмилганинг билан боғлиқ, Асқар. Сен, агар қиёфангни ўзгартирсанг, бошқаларни ҳам сенга шу қиёфа эгаси сифатида қарашларига ўзингни ишонтир. Мен ҳам кўмилган эдим, аммо мен сен каби одамлар орасида юролмайман, чунки мен ўлганман. Менинг ўз оламим бор. Сеники бошқа, меники бошқа. Фақат эҳтиёт бўл, Асқар. Бу ишга берилиб кетиб, ўзингни йўқотиб қўйма”.

Кўзгудаги Олимнинг акси ғойиб бўлди. Мен худди бошимга дубулға билан зарба егандек ниҳоятда эсанкираб қолган эдим. На қувонишни биламан, на хафа бўлишни. Худдики, бу тилсим мени барча-барчадан айириб ташлайдигандек туюлиб кетди. Йўқ-йўқ, бундай эмас, аксинча, мен энди жуда катта ишларни амалга ошираман.

Санжар акамнинг овози эшитилди:

— Асқар, ишхонангга борармишсан, Турсуновнинг ўзи телефон қилди.

“Албатта, бораман. Ҳали шундай ўйинлар кўрсатайки, улар туғилганига пушаймон бўлишсин. Ҳозирча навбат — Ўктам акага!”

3

Мен қабулхонага кириб борганимда Ўктам акага учрашим кераклигини айтишди. Шундай дейишларини билардим. Бундан хурсанд бўлдим. Ўктам ака мени важоҳат билан қарши олди.

— Ўв, сен нималар қилиб юрибсан? — деди эшикни тезда ёпаркан. — Бошлиқ ҳам эшитибди, нега даъвонгдан воз кечдинг? Пулингни олдинг, бўлди-да!

Кулгим қистади, аммо билдирмадим.

— Мен сенга гапиряпман, эшитмаяпсанми? — Ўктам аканинг баттар жаҳли чиқди.

Мен бир оз ўйлаб, айёрлик йўлига ўтдим:

— Ўктам ака, бир гап айтсам, хафа бўлмайсизми?

— Хафа бўлмайман, — деди у мени калака қилиб. — Айт, тез бўл. Саъди Мардиевич кутиб ўтирибди, бирга киришимиз керак.

— Эшитишимча, сиз Саъди ака менга деб берган пулдан анчагина уриб қолган экансиз. Шу ростми?

Ўктам аканинг кўзлари шу қадар қаҳрли тус олдики, авваллари уни сира бу аҳволда кўрмаган эдим. Асабийлашганидан бармоқлари билан столни черта бошлади. Мен унинг жавобини хотиржам кута бошладим. Ўктам ака бўғриққанча девордаги соатга қаради-да, менга нигоҳини тикди:

— Сен, боланинг тилинг чиқиб қоптими? Сен ўзи мана шу ерда ишлаш ниятинг борми? Мен нима учун пулингдан уриб қолар эканман? Ўшанда қайта-қайта сўрадим, етадими, гапингдан қайтмайсанми, дедим. Етади, дединг, сўз бердинг. Энди лафзингдан қайтйапсанми? Мелисахонада пишириб қўйибдими сенга? Аввал менга учрашгин эди. Хе йўқ, бе йўқ, тўппа-тўғри борибсан? Одамни шарманда қилдинг-ку!

Мен индамай ўрнимдан турдим:

— Майли, мен кетдим.

— Қаёққа?

— Уйга, — дедим хотиржам овозда. — Сиз билан иш пишадиганга ўхшамайди. Саъди акангизга айтинг, агар мен керак бўлсам, уйимизга борсин.

Ўктам ака югуриб келиб, йўлимни тўсди.

— Сен... Сен ҳаддингдан ошма, бола, — чуқур-чуқур нафас олиб, давом этди у. — Тўхта, ўтир... Ўтир, укажон.

Мен рози бўлгандай курсига ўтирдим. Ўктам ака рўпарамга чўкди.

— Шамсиддин, сен... ўзингмисан, ишқилиб? — босиқлик билан сўзлашга ҳаракат қилди у. — Мен тушунмай қолдим. Иш пишай деганда, бир кечада айниб ўтирибсан?

— Асқарга раҳмим келди, — дедим мен.

Ўктам ака тишларини ғижирлатиш даражасида аччиқланса-да, яна ўзини босди.

— Ука, менга қара...

— Мени сенсираманг, — дедим унинг устидан кулишда давом этиб. — Ё болангизманми, а? Ўтказиб қўйган жойингиз йўқ.

У яна столни черта бошлади. Шу пайт стол устидаги телефон жиринглаб, гўшакни кўтарди. Бироз эшитиб турди-да, "хўп, икки дақиқада киришаркан, деб қўйинг", деди. Гўшакни қўйгач, менга савол аломати билан қаради:

— Хўш, қанча?

Мен сал ўйланиб қолдим. Оғзимга сиққан рақамни айтсам бўларди, йўқ, бу масалага аниқлик киритмоқчи бўлдим:

— Қанча уриб қолган бўлсангиз, ўшани!

Ўктам ака ўрнидан туриб кетди ва хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бетоқатланиб девордаги соатга қараб қўйди ва рўпарамга келиб тўхтади:

— Шамсиддин, сен... сиз, яхшиси, кутиб туринг. Мен шундай кираману чиқаман. Кейин гаплашамиз. Хўпми? Фақат кетиб қолманг.

— Нега энди, Ўктам ака? Бирга киришимиз керак.

— Сал кейинроқ, хўпми? — қаҳрли қаради Ўктам ака.

Очиғи, у билан бирга Саъди Турсуновнинг хузурига кириб,

мароқли ўйинни авжига чиқармоқчи эдим, аммо ўз-ўзимга дедим: "ҳаддингдан ошма!"

Ўктам ака хонасида ўтиришимдан кўрқиб, мени йўлакка олиб чиқди. Ўлганининг кунидан баттар бўлиб, менга сигарета узатди. Бош чайқадим. У ҳайрон бўлиб, сигарета кутисини чўнтагига солди. Кейин кўлимдан ушлаб, умумий хонага олиб борди. Шу ерда ўтира туришимни, ҳеч қаёққа кетмаслигимни илтимос қилди. Мен унга мўлтираб қарар эканман, яна жиғига тегадиган гап қилдим:

– Пулимни берасизми?

– Ҳа-а-а-а-а, – деди у чўзиб, кейин қабулхона томонга кетди.

Мен ишдан бош кўтармай ўтирган ходимларга қараб, кулимсираб қўйдим. Биз бу хонага камдан-кам кирамиз. Қандайдир тадбир уюштирилса ёки кўрсатмалар келган бўлса, чақиришади. Ўктам ака мана шу бўлим бошлиғи, қўл остида анча-мунча ишчи, ходимлар бор. Энг асосий иши эса жойлардаги электр ускуналари худудларини назорат қилиш, хавфсизлик масалаларига жавоб беришдан иборат. Биз қаерда бўлмайлик, у тўсатдан пайдо бўлиб қолар, бақириб-сўкиб, ҳаммага дағдаға қиларди.

Бир оз ўтиргач, зерикдим. Ходимларни гапга солмоқчи бўлдим:

– Кечирасизлар, Мансур ака қаерда ўтирарди?

Мен ростдан ҳам Мансур аканинг хонасини билмасдим. У кўпинча Ўктам ака билан бирга юрар, бизни бу одамнинг дўқ-пўписаларидан, даккиларидан асраб қоларди. Мансур акани Ўктам аканинг узоқроқ қариндоши, деб ҳам эшитган эдим.

– Мансур ака больничнийда, – деди хўппа семиз Ҳошим ака деган киши.

– Нима бўлган экан, билмайсизми? – эзмаландим мен.

Ҳошим ака ишдан бошини кўтариб, менга еб қўйгудек қаради:

– Билмадим, ука. Биз бировларнинг орқасидан

суриштирмаймиз, келган-кетган одам вақтимизни олмаса, ишлаб ўтираммиз.

– Хўп-хўп, тавба қилдик, – дедим мен кўлимни кўксимга қўйганча.

Шу онда уйқум келаётганини ҳис этдим. Панароқ жойга ўтиб ухласаммикан? Бу ишхонада мижда қоқса бўладиган бурчаклар кўп.

Мен ўрнимдан туриб, хонадан чиқдим. Ортимдан Ҳошим аканинг енгил хўрсингани эшитилди. Нима қиларимни билмай, қабулхона томонга қадам ташладим. Ажабо, мен ўзганинг қиёфасида бўлсам-да, бемалол, хотиржам эдим. Худдики минг йилдан буён шу иш билан шуғулланаётгандек бамайлихотир эдим.

Ўз-ўзини ишонтириш ҳақида эшитганман, шаҳарга борганимда қандайдир тренингларда иштирок этишга тўғри келган. Бироқ унинг шу қадар мўъжизакор кучга эга эканлиги хаёлимга ҳам келмаган эди. Аммо гап фақат ишонтиришда эмас, бу, Олим тушимда айтганидек, ўша тепаликдаги тилсимда ҳам эди. Дарвоқе, Мансур ака ўша кунни Ўктам акага дакки бергани бежиз бўлмаса керак, бизни бошимизгача кўмишгани учун. Мансур акани топишим керак. Ўшанда ғайритабиий бу тепалик ҳақида оз-моз бўлсаям билиб олардим.

Умуман айтганда... билганим билан нима фойда?! Муҳими, мен ўзгалар қиёфасига кира оладиган бўлдим. Энди хоҳлаган ишимни амалга оширишим мумкин. Ҳатто... Жамилани қидириб топа оламан. Кейин унга бор нафратимни намоён этаман. Алдаган кўзларига боқиб, мени нима учун ташлаб кетганининг сабабини сўрайман. Ҳа, унинг жазосини бераман, фақат Жамила қаерда эканлигини аввал билишим керак. Майли, бу ишнинг ҳам мавриди келар, ҳозирча манови Саъди акалар билан шуғулланиб турганим бўлсин.

– Менга қаранг, сиз ташқарига чиқиб турсангиз бўларди, – деди котиба менга менсимагандек қараб.

– Нега? Мени бошлиқнинг ўзи чақиртирган, – донолик қилдим мен.

Котиба лабини буриб, ўз иши билан андармон бўлди. Шу пайт қабулхонага Мерган кириб келди. У мени кўриб, ҳайрон бўлганча олдимга яқинлашди.

– Ҳа, сениям чақириндимми? – дедим мен сир бой бермасликка ҳаракат қилиб.

– Сен қачон келдинг? – сўради у. – Тилла берсаям бормайман, деётгандинг-ку!

– Шундай бўлиб қолди, – бир оз сукутдан сўнг жавоб бердим мен. Кейин шивирладим: – Бир гап айтсам, ҳеч кимга чурқ этмайсанми, Мерган?

Мерган ён-атрофига қараб қўйди-да, қулоғини тутди.

– Менга машина беришмоқчи, – дедим унинг ичини қиздириб. – "Нексия".

– А? – Мерган менга оғзини очиб қаради.

Мен "тс-с-с" ишорасини қилдим.

– Рост гапиряпсанми, Шамсиддин? – сўради у бир оздан сўнг.

Мен бош ирғадим:

– Фақат ҳеч кимга айтма, сенга ишонаман.

Мерганнинг ичига ўт кетди, биламан. У – ҳасадгўй, ана шу ҳасадгўйлиги кўрқоқлигини ҳам енгишга қодир. Ҳозир "Нексия" ҳақида эшитиб, кеча ярим тунда бўлиб ўтган кўрқинчли воқеаларни паққос эсидан чиқариб юборади бу Мерган.

Саъди Турсуновнинг эшиги очилиб, Ўктам ака чиқди. У мени ва Мерганни кўриб, қовоғини уйди. Ортимдан юринглар, дегандек имо қилди. Орқасидан эргашдик.

– Менга гапинг борми? – деб сўради Ўктам ака хонасига киргач Мергандан.

Мерган бир оз жим турди-да, дадил сўз қотди:

– Ўктам ака, менинг улушим кам.

Ўктам аканинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлди:

– Бу яна қандай гап? Сенларга нималар бўляпти ўзи?

– Менга ҳеч бўлмаса "Матиз" олиб беринг! – талаб қилди Мерган.

Ўктам ака анграйиб қолди. Менга ўгирилиб қаради. Энди унинг кўзларида қўрқув ҳам намоён эди. Мен индамай елка қисдим. Орага ноқулай жимлик чўкди. Шу фурсатда мен ўзимдан бир неча катта ёшли кишини калака қилганим, ҳамма “бало”ларга сабабчи бўлаётганим учун андак хижолат ҳам чекдим. Аммо нима қилай, нафсига қул бўлган бу одамга нисбатан бошқа қандай чора кўриш мумкин? Ўктам ака Саъди Турсунов билан нималар деб тил бириктирган, номаълум. Мен ҳаммасини билиб олмагунимча ўз сиримни очмаслигим керак.

Умуман, ҳали қиладиган ишларим кўпга ўхшайди. Олдинда Саъди Турсунов ҳам турибди. Унинг қандай режалари бор, мутлақо билмайман. Бу ҳақда билиш учун мен Ўктам аканинг қиёфасига кириб, уни тилидан илинтиришим керак. Нима бўлганда ҳам шошилмаслик зарур. Ахир, мен Ўктам аканинг қиёфасига кирганимда у мана шу идорада бўлиши, қўққисдан, кутилмаганда Саъди Турсуновнинг ҳузурига кириб қолиши мумкин. Ана шунда ҳангоманинг каттаси бошланади. Ўшанда менинг сирларим фош бўлади. Шундай экан, бу ҳамтовоқларнинг ҳар биридан бохабар бўлиб туришим, уларнинг гап-сўзларидан огоҳ бўлмоғим шарт. Уйимизда нима гап, буни ҳам билмайман. Ота-онам, акаларим мендан хавотирланиб ўтиришгандир. Айниқса, отам менинг тақдиримдан хавотирда. Ишхонамга келишимни у кишига айтганим ҳам йўқ.

– Мен уйга бора қолай, – дедим Ўктам акага.

Ўктам ака мен томонга ўгирилиб қаради-ю, чурқ этмади. У чуқур ўйга ботган эди. Нималарни режалаштираётган экан бу одам? Ҳар ҳолда бошқаларга яхшилик қилиш ҳақида бош қотирмайди. У ҳозирги оғир вазиятдан чиқиб кетишни ўйлаяпти чамамда.

Мен Мерганга қарадим. У ҳамон интиқлик билан Ўктам акадан жавоб кутарди. Мен Мерганнинг эътиборини ўзимга қаратиб, нима қилдик, дегандек, им қоқдим.

Шу пайт хонадаги телефон жиринглаб қолди. Ўктам ака

кутмаган эканми, чўчиб тушди, кейин гўшакни кўтарди. Симнинг нариги томонидан нима дейишаётгани бизга эшитилмасди.

— Нега? — ҳайрон бўлди Ўктам ака. — Кириб чиқдим-ку!.. Хўп, ҳозир бораман.

Ўктам ака гўшакни қўйгач, бизга қаради. Унинг қошлари чимирилган эди.

— Саъди ака чақиряпти, шекилли? — деб сўрадим мен. — Тинчликмикан?

— Сенлар балони бошлайсанлару, яна тинчликми, деб сўрайсан, — минғирлади Ўктам ака. — Ишингга боравер иккаланг ҳам, ўзим чақираман.

Мен бош ирғаб, эшикка қараб йўналдим, аммо Мерган жойидан жилмади. Ўктам ака унга еб қўйгудек қаради. Мен гўё хавотир олгандек, жойимда тўхтадим.

— Сен чиқавер, Шамсиддин, — деди Мерган. — Менинг икки оғиз гапим бор.

Мен нима қиларимни билмасдим. Худдики бу хонадан чиқиб кетсам, Ўктам ака иккаласи мен ҳақимда гапиришадигандек, сиримни билиб олишадигандек туюлиб кетди. Савол назари билан Ўктам акага боқдим.

— Кейин гаплашамиз, Мерган, — деди у Мерганга. — Боравер, ука. Бир гап бўлар. Ўзим чақираман, дедим-ку!

Мерган истар-истамас эшик томонга юрди. Бирин-кетин учаламиз ҳам хонадан чиқдик. Ўктам ака ҳамон бизга хўмрайиб қараганча, хонасини қулфлади-да, қабулхона тарафга йўл олди.

Мен фожиа рўй берган куни нималар бўлганини билиш учун Мерганни гапга солмоқчи бўлдим. Ундан аввал эса уйга қўнғироқ қилиб қўйишни режалаштирдим. Чеккароққа ўтиб, уйимизнинг телефон рақамини тердим.

— Қачон қайтасан, юраверасанми? — бақириб берди отам. — Шамсиддин келган, у сени кутиб ўтирибди.

Дадамни тинчлантирган бўлдим. Кўнглимга гулгула оралади. Ишқилиб Шамсиддин бир саргузаштни бошламаса

бўлгани. Дарвоқе, мен уйга ўз қиёфамда боришим шарт. Ўзим билан Шамсиддиннинг қиёфасини адаштириб юбормаслигим керак. Аммо мени Саъди Турсуновнинг ўзи чақиртирган, нима гапи бор экан? Шу ҳақда билмай туриб, уйга бораманми?

Мен холироқ хона ахтардим. Вақт туш маҳалига яқин қолгани учунми, аксар хоналар бўш эди. Қабулхонага яқинроқ хонага кирдим эшикни ичкаридан қулфладим. Сўнг чўнтагимдан ойна чиқардим. Бу кўзгудаги Шамсиддиннинг афт-ангорига тикилиб туриб, асл қиёфамга қайтишни истадим. Бу жараён қизиқарли бўлиши билан бирга нечукдир кўрқинчли ҳам эди. Худди компьютер усталари ёхуд мультфильм ижодкорларининг ишига ўхшаб ойнадаги қиёфа ўзгара бошлади. Бу мен учун осон эмас. Мен кўзгудан кўз узмай, диққат-этиборимни бўлмаслигим, боз устига тасаввуримни кучайтиришим талаб қилинади. Агар фикрлаш тарзим заррача чалғийдиган бўлса, мақсадга эришолмайман. Тагин мен нафақат фикр-ўйимни бир жойга жамлашим, балки, энг асосийси, ич-ичимда пайдо бўладиган кўрқувни ҳам енгишим шарт...

Ниҳоят мен эшикни очиб, голибларча йўлакка чиқдим. Тўппа-тўғри котибанинг устига бостириб бордим. У телефонда валақлашиб ўтирган экан, авзойимни кўриб, ўрнидан туриб кетди.

— Ичкарида ким бор? — дедим, дўқ уриб.

— У киши банд, — зўрға овози чиқди котибанинг. — Ўқтам ака чиқсин, кейин...

— Мени Саъди аканинг ўзи чақиртирган, — дедим бунга жавобан ва Турсуновнинг эшигини очдим.

Саъди Мардиевич менинг ташрифимни кутмаган эканми, кирганимда дастлаб этибор бермади. Мен хона ўртасига боргач, кўзи тушди-ю ўрнидан туриб кетди. Ўқтам ака орқасини ўгириб ўтиргани боис, бурилиб қаради-да, у ҳам ранги хиёл ўчиб, ўрнидан қўзғалди.

Мен Саъди Турсуновга салом бериб, индамай бўш курсига ўтирдим.

– Сиз... нега келдингиз? – деб сўради Ўктам ака Саъди Турсуновдан садо чиқмагач.

– Мени бу киши чақиртирган, тўғрими? – жавоб бердим мен Турсуновга қараб.

Саъди Мардиевич секин бош ирғаб қўйди. Ўктам ака ноқулай аҳволга тушиб, унга боқди. У бу ердан чиқиб кетишни ҳам, хонада қолишни ҳам билмасди, чамамда.

– Хўш, нималар қилиб юрибсан? – деб сўради Турсунов менга ёвқараш қилиб қарар экан. – Отинг нима эди? Асқармиди?

– Ҳа, – тасдиқладим мен, – юрибмиз сизларнинг соянгизда. Чақиртирган экансиз?

Ўктам ака синиқ кулимсираб менга маслаҳат берган бўлди:

– Асқарбой, сиз қаерда ўтирганингизни унутдингиз, шекилли? Одам деган ўз раҳбарига ҳам шундай дейдими? Муомалани сал тузатинг, ука.

Мен унинг гапини чўрт кесдим:

– Ўктам ака, мен бу ерга сизнинг ўғитларингизни эшитишга келганим йўқ. Ҳар ҳолда сизга ўхшаб хушомад қилмайман, тушундингизми?

– Бу нима деганингиз? – асабийлашди Ўктам ака. – Сал оғзингизга қараб гапиринг.

– Нима дейин, Ўктам ака? Анови Мерганга ўхшаб ўзимга машина сўрайми ёки?

Ўктам ака менга ўқрайиб қаради-да, сўнг хижолат тортиб, Саъди Турсуновга ўтирилди. Турсунов эса нима дейишни билмадими ё даҳанаки жангимиз қандай тугаркан, деб кутдими, лом-мим демади. Ўктам аканинг ундан нажот кутаётгани маълум эди.

– Кўряпсизми, Саъди Мардиевич? – деди Ўктам ака. – Мана шунақа ишчиларга кунимиз қолган. Мана шундай андишасиз, юзсиз ёшлар билан ишлаб юрибмиз.

Ўктам аканинг "юзсиз" деган гапи менга нашъа қилиб кетди.

– Ишлагингиз келмаса, ишланг, – дедим хотиржам алфозда.

Бу сафар Саъди Турсуновнинг ҳам жаҳли чиқди. У менга яқин келди-да, кўзларимга қаттиқ тикилди. Мен бу совуқ одамнинг тешиб кетгудек нигоҳига дош беролмай, ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Сен кимингга бунча ишоняпсан? — қаҳрли нигоҳини ҳамон мендан узмай сўради Турсунов.

Мен дабдурустдан берилган бу саволга жавоб тополмай қолдим. Қандай жавоб беришни ҳам билмасдим. Саъди Турсуновнинг важоҳатими ёхуд мен кутмаган саволни берганими, тилимни соқов қилган эди. У сал довдираб қолганимдан фойдаланиб, мен томонга энгашди-да, дағдағали оҳангда деди:

— Ўв, жўжахўроз, тилингни суғуриб оламан, — давом этди Турсунов. — Сен ҳали Шамсиддинларни сотиб олдим, деб катта кетяпсанми? Мен билан ўйнашмоқчимисан?

Мен ундан кўзимни олиб қочиб, минғирладим:

— Мен ҳеч кимни сотиб олганим йўқ.

Турсунов бақириб юборди:

— Ўчир овозингни, ҳайвон! Билиб қўй, агар мен бир ёмонликка олсам, сен бошқа жойда ўтирасан! Нафақат ўзинг, балки бутун оила аъзоларинг билан ўтирасан. Бир одамни ўлдиришга ўлдириб, яна кеккаясан бу ерда! Жўжахўроз!

Шу пайт эшик тақиллади-да, котиба кирди.

— Нима дейсан? — бақирди унга Турсунов.

Котиба унинг авзойини кўриб, капалаги учиб кетди.

— Анови... мелиса келган эди... сизда гапи бор экан, — деди тутулиб.

Саъди Турсунов қовоғини очмай, қаддини ростлади. Мен энгил тортдим. Пешанамдан тер чиқиб кетди. Турсунов бир оз ўйланиб, кейин буйруқ оҳангида деди:

— Яздоннинг хонасига олиб кир, ўша ерда ўтириб турсин. Чой-пой дамлаб бер тез. Мен ҳозир чиқаман.

Котиба “хўп” деб чиқиб кетди. Турсуновнинг кўнгли тўлмай, Ўктам акага, чиқиб, ўзингиз қаранг, деди. Ўктам ака ҳам чиқиб кетди. Хонада мен ва Саъди Турсунов қолдик.

Мен ўзимни босиб олган бўлсам-да, чўчиб турардим. Ҳатто, бу хонага бекор кирибман, деб пушаймон бўлдим.

— Эшитдингми, милиция келганини? — деди Турсунов яна менга тикилиб. — Агар хоҳласам, сени ҳозирнинг ўзида топширвораман.

Менинг ўжарлигим тутди. Қўлингиздан келганини қилинг, демоқчи бўлдим, аммо яна ботина олмадим. Турсуновга ўқрайиб қарашга зўрға куч топдим.

— Мени нега чақиргандингиз? — сўрадим ундан.

Турсунов менга индамай тикилиб турди-да, бош чайқади:

— Сен, бола билан кейин гаплашаман.

Мен ўрнимдан турдим. Хонадан чиқар эканман, бу одамга эплироқ жавоб бермаганим учун асабийлашар эдим. Унинг нимасидан кўрқдим, ҳайронман. Наҳотки, Турсунов фақат совуқ салобати билан мени доводиратиб қўйган бўлса?

Ишхона ҳовлисидан чиқиб кетаётиб, Мерганга дуч келдим. У мени кўриб, ортига тисарилди. Ёнига бориб, ёқасидан олдим.

— Ҳа, Мерган, ишларинг яхшими? Сенга қанча пул беришди?

— Қўйвор, — деб типирчилади у. — Бу нима деганинг? Мени ким деб ўйлаяпсан?

Уни силтаб юбориб, йўлимда давом этдим.

Уйга кета-кетгунча Турсуновнинг олдида келган милиция ходими Саид эмасмикан, деб ўйлаб кетдим. Агар Саид бўлса, нега келди экан? Мақсади нима? Саъди Турсунов билан битим тузган бўлмасин тагин. Бугун эрталаб менинг хавотирга тушмаслигимни, ҳаммаси жойида эканлигини айтган эди, энди эса ишхонамизга ташриф буюрди. Саъди Турсуновнинг пули кўп, у ҳамма ишни ана шу пуллари билан битказди, деб эшитганман. Менга боғлиқ машмашани ҳам шу тарзда ҳал этмоқчидир балки?

Отам мени дарғазаб бўлиб кутиб олди. Ўктам ака уйга қўнгироқ қилибди. Мендан ёзгириб, боз устига тарбиясиз, бефаросат, деб атабди. Саъди аканинг олдида ер ёрилмабдики,

ерга кирса! “Сен нега улар билан ўйнашасан?” — дея аччиқланарди отам. Шамсиддин ўртага тушди. У менинг ёнимни олди.

Айвонда иккимиз қолгач, мен Шамсиддиндан уйимизга келишидан муддаоси нималигини сўрадим.

— Сен Саъди Турсуновдан эҳтиёт бўл, — деди у.

— Шу гапни айтиш учун келдингми? — сўрадим истехзоли кулиб. — Сендан, яна Мергандан эҳтиёт бўлмаганим учун сал қолди-ку қамалиб кетишимга. Саъди аканг, Ўктам аканг виждонсиз экан, сенлар-чи? Сенларга нима жин урди?

Шамсиддин мени ҳовуримдан туширмоқчи бўлди.

— Энди бу гапларни қўй, — деди у. — Мен айбимга икрорман, ёзган шикоят аризамни ҳам қайтариб олдим. Турсунов шаҳарга бормоқчи, менимча, у айнан сенинг масалангда кетса керак.

Жаҳлим чиқди:

— Ўша бошлиғингнинг мендан бошқа қиладиган иши йўқми? Тинч қўядими ўзи? Мен унга нима қилдим?

— Ўзингни бос, Асқар. Асабийлашма. Бу ерда сенга алоқадор иши битмагач, шаҳардаги танишларини ишга солмоқчи. Сен ўзи биласанми, гап нимадалигини? Мен ҳам билмасдим. Ўктам ака айтган гапларни бугун яхшилаб ўйлаб кўриб, энди мағзини чақдим. Саъди Турсунов юқорига кўтарилиб кетмоқчи эди, Олимнинг ўлими ҳамма режасини барбод қилди. Бир ишчиси хизмат пайтида ўлади-ю, бошқармадагилар панжа орасидан қарайди, деб ўйлайсанми? Роса суриштирув, тергов бўлган. Натижада, Турсунов ҳамма кўнгилсизликни сенга ағдармоқчи бўлди, бу фожиа қасддан қилинган деса, унинг ўзига гап тегмаслиги мумкин эди-да, аммо ниятига етолмаяпти. Шу боис шаҳарга бориб, каттароқ танишлари билан сенга қарши иш очмоқчи.

Мен Шамсиддиннинг гапларини эшитар эканман, айвондан туриб ҳовлида куймаланиб юрган отамни кузатардим.

— Эшитяпсанми, Асқар?

– Шу гапларни отамга айт-да! – дедим мен аччиқланиб.

– Отанга айтдим, аммо у киши гапларимга ишонмаяпти. Саъди Турсуновнинг олдига бораман, ўғлимга тегманг, деб ялинаман, деяпти.

Мен бу гапдан ҳар қанча жиғибийрон бўлмай, отамга ҳеч нима дея олмасдим. Отам эшитишниям хоҳламайди. Шу боис Саъди Турсуновга нисбатан қаҳр-ғазабим ошиб-тошди.

У билан бирга шаҳарга борганим бўлсин. Кўрамиз, менга қарши кимларни ишга солар экан? Мен ўша ерда Саъди Турсуновнинг жазосини бераман. Уни аямайман.

4

Мен Саъди Турсуновнинг ортидан шаҳарга кетолмадим. Сабаби, бу ёқда Хидир ака яна машмашани бошлаб юборган эди. У бу сафар уйимизга ичиб, маст ҳолда келди. Дарвозани даранглатиб ўтирмай, тўппа-тўғри ҳовлимизга бостириб кирди. Кўришиш учун қўл чўзиб пешвоз чиққан Анзур акамни итариб юборди. Кейин менга кўзи тушди-да, шу томонга отилди. Мен Хидир ака кириб келганини кўргандаёқ жаҳлим чиққан эди. Шу боис дарғазаб ҳолда у тарафга югурдим. Бир-биримизга қаттиқ тўқнашгач, Хидир ака орқасига гандираклаб кетди. Мен унга отилиб, ёқасидан силтаб орқага итариб юбордим. Хидир ака ариққа чалқанчасига йиқилди. Бу алам қилдими, у жон-жаҳди билан ўрнидан туриб, тентираганча яна менга ташланди. "Қотил, қотил", – деб бақирарди, оғзидан кўпик сачратганча у.

– Ҳай, Хидиржон, додламанг, кўшнилар эшитади, – деди ўртага тушган онам.

– Э, эшитсин, ҳамма эшитсин, – баттар жазавага тушди Хидир ака чангалимдан чиқа олмай. – Сен қотилни тарбиялаб қўйиб, нега яна домангирилик қиласан?

Хидир аканинг бу гапига, яъни онамни сенсираганига чидаб бўлмасди. Мен бор кучимни йиғиб, қулочкашлаб тушираман деганимда, кўз олдимда лип этиб... Олим кўриниб кетди. Шалвираб қолдим. Чуқур-чуқур нафас ола

бошладим. Афт-ангорим ҳам ўзгарди, шекилли, онамнинг кўзи тушиб, хавотири ортди. Хидир ака баттар қутуриб, оғзига келган сўзлар билан ҳақорат қила кетди. Кейин дабдурустдан гандираклаб кетиб, олдинга йиқилди. Уни орқасидан Анзур акам тепиб юборган эди.

– Урма, болам, – онам йиғлагудек бўлиб, энди акамнинг йўлини тўсди.

Анзур акам бақирди:

– Нега, ойи, нега? Ўтган куни ҳам келган эди бу! Утказиб кўйган жойи борми, айтинг!

Онам ҳиқиллаганча уни тинчита бошлади:

– Бақирма, Анзуржон. Кўшниларни бошингга йиғмоқчимисан, бақирма!

Анзур акам онамни айланиб ўтди-да, ҳануз йиқилиб ётган Хидир акани бўйнидан ушлаб, ташқарига судрай бошлади.

– Ёрдам бер, – деди менга бақириб. Мен эса ҳалиям қотиб турар, Хидир акага қарашга ҳам ботина олмасдим.

Онам Анзур акамнинг Хидир акани кўчага чиқариб ташлашига қаршилик қилмаса-да, барибир ҳадиксираганча у ёқдан-бу ёққа ўтарди. Мен айвонга қайтдим. Аъзои баданимни кўрқув чулғаб олган, бу туйғу сира тарк этмасди. Ҳатто Анзур акамни силтаб ташлаб, Хидир акага ёрдам бериш ҳақида ҳам ўйладим. Худдики Олим менга шундай деб шипшиётгандек эди.

Анзур акам дарвозадан қайтиб киргач, онам тезда эшикни тамбалаб олди. Ташқаридан эса Хидир аканинг бақириб сўкингани эшитила бошлади. Анзур акам аччиқланиб дарвоза томонга хезланган эди, онам ҳай-ҳайлаб, унинг йўлини тўсди.

– Отанг қаерда қолиб кетдйкан? – деди онам, гўё у киши келса, ҳамма бало арийдигандек.

– Ойи, мановингизни бирор жойга йўқотинг, – мени кўрсатиб асабийлашди Анзур акам. – Ўшанда қулоғимиз тинчийди.

Мен унга норози қарадим.

— Нега менга олаясан? — тутақди Анзур акам. — Хидир аканинг сўкинишларини эшитмаяпсанми? Шарманда қиялпти ҳаммага! Қачонгача давом этади?

— Ҳай, болам ўзингни бос, — ялина бошлади онам. — Униям тушуниш керак, хиянидан айрилганидан кейин...

Анзур акам тикка олдимга келди:

— Асқар, менга қара, ука, ўша Олимни ўлдирган бўлсанг, жимгина тан ол. Агар ўлдирмаган бўлсанг, ана, исботла! Жонимизга тегиб кетди. Янгангнинг ишхонадагилари ҳам гапирибди. Маҳалла-кўйга-ку, шарманда бўлиб бўлдик. Эртага ҳамма уйимизни кўрсатадиган бўлади, бу ерда одамкушлар яшайди, деб.

Додлаб юбордим:

— Мен нима қилай?

— Исботла! Исботла, деяпман. Ёки бирор жойга кет. Бу ерларда умуман кўринма. Акс ҳолда катта жанжал бўлади. Мен кўз олдимда онамни сўкишларига йўл қўймайман, тушундингми? Ўша Хидир акани майиб-пайиб қилиб қўяман.

Мен айвондан дарвозага қараб юрдим:

— Бас, етар! Бу одамни ўзим бир бало қиламан.

Онам йиғламсираб йўлимни тўсди:

— Жон болам, мени ўйла, чиқма!

— Унда нима қилай, ойи? Ҳеч ким менга ишонмаяпти-ку! Мен нега қотиллик қилар эканман? Ахир, тентак эмасман-ку! Тушунтирсам, тушунмаса, нима қилай, ойи!

Анзур акам истеҳзо билан деди:

— Ўв, энди ботир бўлиб қолдингми? Боя қаерда эдинг? Ёқангдан олганида овозинг чиқмай қолди-ку! Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди, дейдилар.

Бу гапдан менинг жиғибийроним чиқиб кетди. Анзур акамга қараб хезландим. Яна онам бечора орамизга тушди.

— Ака, юринг, ўша Олимни гўридан тургазамиз. Агар менинг зиғирча айбим бўлса, айтиб берсин!

— Сен, ука, жинни бўлиб қолибсан, — аччиқ кулди Анзур акам. — Нима деётганингни биласанми? Ўйлаб гапир!

Мархумлар билан ўйнашиб бўлмайди, билиб қўй!

— Буни биламан! Мархумлар билан ўйнашиб бўлмайди. Тириклар билан-чи? Тирикларни хору зор қилиш мумкин экан-да! Тўхмат қилиб, лойга қориб ташлашсаям индамаслик керак экан-да!

— Э, бас қил! — ўшқирди Анзур акам. — Ким сенга “индама”, деяпти? Ана, бор, исботла, дедим-ку! Қўлингдан келадими?

Хидир ака қайтиб келиб, дарвозамизни даранглатиб ура бошлади. Унинг сўкиниши еру жаҳонни тутган эди. Онам югуриб бориб, ожизгина вужуди билан дарвозани тўсиб олди:

— Чиқмайсан! Агар чиқадиган бўлсанг, у дунёи, бу дунё сендан рози эмасман!

Онам Анзур акамнинг ҳам ташқарига чиқишига қўймади.

Хидир ака бақир-чақир қилиб, дарвозани роса тепди-да, кейин сўкинганча аллақасқа кетди. Биз, учаламиз ҳам хомуш бўлиб қолган эдик, ҳеч биримиздан садо чиқмасди. Мен шу бугун тунда Хидир акадан қасдимни олишни мўлжалладим. Уни ҳар бир сўкиниши учун тавбасига таянтираман ҳали.

Орадан қанча вақт ўтди, билмайман, дарвозани кимдир итариб кўрди, сўнг тақиллатди. Онам тирқишдан қараб, тезда дарвозани очди. Отам келган эди. Бизнинг авзойимизни кўриб, савол аломати билан онамга қаради. Онам қовоғини ҳам очмади, гапирмади ҳам. Отам бир-бир қадам босиб келиб, қаршимда тўхтади. Менга индамасдан тикилиб турди. У кишининг қаҳрли нигоҳига дош беролмай, кўзларимни олиб қочдим. Мендан ҳам садо чиқмагач, отам Анзур акамга ўгирилди.

— Ота, шу Асқарни бирор жойга юборайлик, — чидай олмади Анзур акам. — Кунда жанжал, кунда нохушлик. Билмадим, агар мен уйда бўлмаганимда нималар буларди?

— Мен ҳеч қаерга кетмайман, бу ерда ишларим бор, — дедим мен.

Отам Анзур акамдан сўради:

– Нима бўлди ўзи?

– Э, анови Хидир ака яна келди. Сўкиб-сўкиб кетди. Ичиб олган. Нима деганини ўзиям билмайди.

Отам қошларини чимирди:

– Ишқилиб урмадиларингми? Бир балони бошламасин яна!

Анзур акам бош чайқади...

Кечки овқатдан сўнг уйдагилар ўзаро маслаҳатлашиб, мени тоғамнинг уйига юборадиган бўлишди. Тагин шарт ҳам қўйишди: кўчага чиқмаслигим, ҳеч кимнинг кўзига кўринмаслигим керак эмиш! Ахир, мен зерикиб кетаман. Нима учун мени бу қадар банди қилишмоқчи? Аксинча, мен айбсизлигимни исботлашим керак эмасми?

– Шундай қилсак, бехавотир бўласан, – деди отам.

Очиги, мен узоқроққа – шаҳарга кетишни чамалаган эдим. Ўша ерда Турсуновни топиб, ҳамма гапнинг тагига етишим мумкин. У билан яхшилаб гаплашишим керак, ана шунда жазосини бера оламан. Аммо отам барибир кўнмади.

Тоғам ҳам, оила аъзолари ҳам яхши, бироқ гап шундаки, уларнинг уйи Жамилаларники билан ёнма-ён жойлашган. Менинг эски ярам тирналиб, яна изтиробларга кўмиламан. Шунча азоб чекаётганим етмасмиди?!

Майли, бир гап бўлар! Эҳтимол, тоғамни кўндириб, ўзимнинг ишларимни битириб оларман.

Бу режам чипакка чиқди. Тоғам мени аввалгидек рўйхушлик билан кутиб олмади. У ҳозир менга қандайдир шубҳа-гумон билан қарар эди. Отам тайинлаганидек, бир қадам ҳам кўчага чиқмаслигимни тайинлади у. Зерикиб қолмаслигим учун мени телевизорнинг қаршисига ўтқазиб қўйди. DVDни қўйиб бериб, бир нечта фильмлар дискини кўлимга тутқазди. Янгамга мендан кўз-қулоқ бўлиб туришни буюриб, ўзи ишга кетди.

Мен жиянларим қуршовида бутун диққат-эътиборимни ноилож телевизор экранига қаратдим. Икки кун мобайнида ўнг ва сўлнинг фарқига бормайдиган одамга айландим.

Сабаби, икки-учта кино кўриб, уйкум келар, шу тариқа хоҳлаган пайтда пинакка кетар, кейин кечалари бедорликдан яна шу эрмакка берилардим. Бир-икки марта ярим тунда ҳовлидан чиқиб кетишга ҳаракат қилдим. Йўқ, эҳтиёткор тоғам бу режамни амалга ошириш учун имкон қолдирмаган, дарвоза эшигига ичкаридан улкан қулф осиб қўйган, баланд деворлардан эса ошиб ўтиб бўлмасди. Мен шу қадар сиқилиб кетдимки, орадан икки кун эмас, икки йил ўтгандек бўлди, назаримда.

Учинчи куни бу уйга Санжар акам кириб келди. Ишлар чатоқ эмиш! Анзур акамни мелисахонага олиб кетишибди. Хидир ака ариза ёзиб, шикоят қилган эмиш. Анзур мени уйга чақириб, урди, тан жароҳати етказди, дебди. Қандайдир гувоҳлари ҳам бор эмиш! Улар ҳам ёзиб беришибди. Ваҳоланки, ўша пайтда ортиқча ҳеч ким йўқ эди. Бу Саъди Турсуновнинг иши эканлигига ақлим етди. Менинг жаҳлим чиққани — отам Турсуновнинг ҳузурига борибди. У эса қабул ҳам қилмай, Ўктам акага учрашиши кераклигини айтибди.

— Ўктам ака нима дебди? — дея сўрадим Санжар акамдан.

— Отамни биласан-ку, унча-мунча гапни бизга айтмайди, аммо кайфияти жуда ёмон. Ҳатто, Шамсиддинни уйимиздан қувиб солди.

Мен ҳайрон бўлдим:

— Шамсиддин келганмиди? Нера?

Санжар акам елкасини қисди.

— Билмадим... Сен ҳақингда гап бошлаган эди, отам ҳайдаб солди.

Мен ўйланиб қолиб, кейин сўз қотдим:

— Ака, бу — ҳаммаси Саъди Турсуновнинг иши! Отамга айтинг, у кишининг олдига бормасин. Ўктам ака ҳам бир аблаҳ-да! Унинг отамга нималар деганини тасаввур қиляпман.

Санжар акам менга савол аломати билан қаради.

— У отамни алдаб-авраб, бирорта қоғозга қўл қўйдириб олади-ю, кейин Турсунов иккаласи билганини қилади. Анзур акамни олиб кетишгани — шунчаки восита, холос, ака.

— Сен, Асқар, доно бўлиб қолибсанми? — деди Санжар акам. — Отам сенга неча марта айтдилар, "арбоб билан ўйнашма", дедилар. Бир чақага олмадинг! Мана, оқибати! Ўша Турсуновингнинг қўли қанчалар узунлигини биласанми? Сен эса тап тортмай олдига борибсан. Пишириб қўйганмиди у ерда? Аҳмоқлик қилиб қўясану, кейин...

Мен ўрнимдан туриб кетдим:

— Хўп, мен аҳмоқ эканман, Шамсиддин-чи, ака? Шу болани бир эшитиб кўрдиларингми?

Санжар акам менга норози қаради-да, кетишга чоғланди.

— Анзур акамга нима бўлади? — деб сўрадим шоша-пиша мен. — Саидга учрашиш керак. Отамга айтинг, гаплашиб олай, у билан.

Санжар акам энсаси қотганини яширмай, чиқиб кетди. Кетишидан олдин "отам аллақачон Турсуновга бориб келди", деди.

Мен нима қиларимни билмас, жаҳлим чиққан, аламимдан бир жойда ўтиролмас эдим. Ўзимдан ёзғирдим. Ахир, бу уйда ўтирганим билан муаммо ўз-ўзидан ечилиб кетармиди? Наҳотки бошқа қиёфаларга киришим мумкин бўлсаям тузукроқ чора кўра олмасам? Боплаб додини бермайманми ўша Саъди Турсунов билан Ўктам аканинг? Аввало, шошилмай, яшилаб режа тузиб олишим керак. Менимча, биринчи ўринда Хидир аканинг қиёфасига кириб, Ўктам акага учрашим лозим. Ана шунда нима гаплигини билиб олардим. Аммо бу уйдан қандай қилиб чиқиб кетаман? Янгамдан икки соатга рухсат сўрайман, керак бўлса ялиниб-ёлвораман.

Шундай қилдим, бироқ янгам осонликча кўнмади. "Тоғангиз мени ўлдирадилар", деб ҳатто тоғамнинг қўл телефонига кўнғироқ қилмоқчи бўлди. Мен уни зўрға шаштидан қайтардим. Илтижо қилиб, тоғ-тоғ ваъдалар бериб, ниҳоят "зиндон"дан халос бўлдим. Кейин тўппа-тўғри ишхонага ошиқдим. Менинг ичкарига киришимга рухсат бермасликлари тайин, шу боис бирорта бошқа идорага

ташриф буюриб бўлса-да, Хидир аканинг қиёфасига киришимга тўғри келади. Аммо бу ишни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Ахир, қандайдир бегона ишхонада ўзга қиёфани ўғирлашнинг ўзи бўларканми! Бироқ вақт зиқ, тезлаштиришим керак.

Шулар ҳақида ўйлаб кетарканман, бир вақтлар ўзим ўқиган мактабимиз ёнидан ўтиб қолдим. Таваккал қилиб, ичкарига қадам ташладим. Қайси синфхонага яқинлашмай, ичкарида дарс бўлаётгани аён эди. Иккинчи қаватдаги кимё лабораторияси очиқ экан, шу хона менга асқотди. Бу хонада ҳеч ким йўқ, чамаси, эшикни қулфлашни унутган эдилар...

Бир оздан сўнг мен Хидир аканинг қиёфасига кириб, лаборатория хонасидан қайтиб чиқдим. Хидир ака новча бўлгани боис бўйнимни хиёл чўзиб юришимга тўғри келди. Бу пайтда танаффусга қўнғироқ чалинган, болалару қизалоқлар қий-чув солганча йўлак бўйлаб югуришарди. Мен ишхонамиз томон ошиқдим.

Ўқтам аканинг хонаси қулф экан. Мен диққат бўлиб, қабулхонага йўл олдим. Шунчалик асабий эдимки, ҳозир керак бўлса, Саъди Турсуновнинг ҳузурига киришга ҳам тайёр эдим. Хидир аканинг тилидан нималар дейишим кераклигини ҳали ўйлаб кўрмаган бўлсам-да, шундай қилишга мажбурман.

– Ҳа, яна келдингизми? – хушламай қарши олди котиба.
– Сизга неча марта айтдим, қабулхонага умуман йўламанг, деб. Ўзлари чақиришади, Саъди Мардиевичнинг ўзи сизга тушунтириб айтди-ку! Боринг уйингизга!

Мен ўзимни мастликка солдим:

– Сендан сўраб ўтирмайман, билдингми? Мен қачон хоҳласам, келавераман... Ичкарида ким бор?

– Йўқолинг бу ердан, – чақчайди котиба. – Ичкарида мажлис бўляпти. Боринг, дедим, уйингизга!

Мен котиба столига айланиб ўтгунича индамай Саъди Турсуновнинг эшигини очдим. Ичкарида ҳеч қандай мажлис йўқ, Турсунов билан Ўқтам ака ўтиришарди, холос. Котиба

орқамдан кириб, мени енгимдан тортқилаб чиқармоқчи бўлди. Уни силтаб ташладим.

Саъди Турсунов Ўктам акага ёвқараш қилган эди, у ўрнидан туриб келиб, оҳиста тирсагимдан тутди. Ташқарига чиқайлик, дегандек имо қилди. Мен кўнмадим.

— Юринг, яхши гаплар бор, — деди Ўктам ака илтимос оҳангида.

Унинг хонасига қайтдик.

— Ичганга ўхшамайсиз-ку, нега гаффо кўтариб юрибсиз?

— деди Ўктам ака жойига ўрнашиб оларкан. — Ўтиринг, ака... Хўш, гапиринг-чи, яна нима бўлди?

— Пулим кам, — дедим мен гапни нимадан бошлашни билмай.

Ўктам ака бир сўз демай, менга узоқ тикилиб турди. Кейин ўрнидан туриб, хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Барибир ҳеч нима демади. Мен гапимни такрорладим.

— Қизиқ экансиз, — деди Ўктам ака. — Эркакмисиз, ўзи? Шу дардингиз бор экан, нега бунча ноз қилдингиз? Ёки сиз ҳам айтиб қайтадиганлар тоифасиданмисиз, ака? Ўша куни гаплашдик. Мен жиянимнинг хунини сенларнинг пулингга алмашмайман, дедингиз. Энди сўзингиздан қайтпайсизми?

Мен индамай ўтиравердим.

Ўктам ака яна анча гапириб, энди рўпарамдаги курсига чўкди.

— Хидир ака, одам деган бундай бўлмабди-да!

— Шунга мажбур бўлдим, — дедим гапимни қувватлаш учун.

— Яхши, ака, яхши. Фақат, илтимос, яна такрорлайман: бу ишхонага бошқа келманг. Ўша жойда гаплашамиз, деб келишганмиз-ку, тўғрими? Биргина телефон қилсангиз, майли, уйингизга десангиз ҳам боравераман. Ўтган гал, "Асқарни топиб беринглар", деб қанча жанжал қилдингиз, индамадик. Ҳар қандай идорада ҳам тартиб-интизом бор, бошлиқ бор, жамоа бор. Бугун сиз келсангиз, эртага бошқаси

келса жанжаллашиб, подахонадан фарқи қолмайди-ку бу ишхонанинг!

— Асқар келдими? — деб сўрадим мен ўзимни ҳайрон бўлганга солиб.

— Ҳа, келди. Хидир акани сизлар уйимизга юборибсизлар, деди. Тилга эҳтиёт бўлинг, ака, тилга! Ичасизми, бошқа иш қиласизми, бу ихтиёрингиз. Фақат биз юборганимизни билмасин-да! Сиз билан келишганмиз-ку! Шу гап ўртада қолади, деганмиз. Озгина сабр қилсангиз бўлгани, ака. Энди аризангиз масаласига келсак...

Менинг сабрим етмади:

— Қайси ариза?

— Милицияга берган аризангизни айтяпман... Ҳозир уйдагилари Асқарни қаергадир яширишган, шунча суриштирак ҳам тополмаяпмиз. Майли, ўзларидан кўришсин. Токи Асқарни топиб беришмас экан, ўша акасини чиқармай тураверамиз. Барибир бир кун пайдо бўлади. Шунда ундан бошлаб қасдингизни оласиз.

Ўктам аканинг бу гапини эшитиб, тишларим гижирлаб кетди. Мен кўз олдимда чорасиз қолган Анзур акамни келтирган эдим. Ўктам акага ташланишдан ўзимни зўрға тутиб турардим. Аммо бу қийин, шу боис унинг алдамчи кўзларига тикилишдан ўзимни тийиб, ерга қараб ўтирдим.

— Хидир ака, эшитяпсизми?

— А?.. Ҳа, эшитяпман... Анови... отаси нима учун келган экан?

Ўктам ака кўзларини қисиб кулди:

— Жуда чатоқсиз-да, Хидир ака. Биз шохида юрсак, сиз баргида юрасиз, шекилли! Отаси келганини қаердан билдингиз?

Мен қовоғимни очмадим, гапирмадим ҳам.

— Нимага келарди, ўғлимни кечиринглар, деб кепти-да! — давом этди Ўктам ака. — Саъди Мардиевичга роса ёлворди ўзиям. Энг қизиғи, пул кўтариб кепти. Ака, бундай, тош босадиган пул бўлсаям майли эди, ҳаммаси майда пуллар!

Опкесанг, доллар опке!.. Очиги, бу пулларни Саъди Мардиевич қўлига ушламайдиам.

Бу гапларни эшитиб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Соддагина отамнинг пул кўтариб келгани, ялиниб-ёлворгани менга жудаям алам қиларди. Ўзимни зўрға босиб турардим. Агар ҳозир бир оғиз гапирадиган бўлсам, бу сўзлар ҳақоратдан иборат бўлиши тайин, шу боис яна чидашга, сўзламасликка ҳаракат қилардим. Барибир чидаб туролмадим.

— Сизлар нима истайсизлар ўзи? — деб сўрадим.

Ўктам ака менга анграйиб қаради. Қошларини чимириб, оҳиста ўрнидан турди.

— Биз-ку, нимани ишташимиз маълум, аммо сизнинг мақсадингизни тушунмаяпман. Нега жаҳл қиласиз? Ё бирор қариндошлигингиз борми ўшаларга?

— Мен жиянимни Асқар ўлдирмаганини биламан, — дедим мен Хидир ака эканлигимга қайтиб.

Энди Ўктам аканинг ҳам аччиғи чиқди:

— Қаердан биласиз?! — овозини бир парда кўтарди у. — Сиз ўша куни уларнинг ёнида бўлмагансиз-ку, ака! Бу Асқардан ҳар балони кутса бўлади, тушундингизми? Сизга тушунтириш хатларини кўрсатдим-ку! "Асқар Олимнинг жигига тегиб юарди, устидан куларди", деб ёзишган, ахир! Асқар жиянингизни олдин ҳам ўлдирмоқчи бўлган, неча марта айтишим керак бу ҳақда? Шундай экан, яна нима истайсиз?

— Ўша тушунтириш хатларини яна бир марта кўрсатинг.

— Нима?! Хидир ака, сиз ишни баттар чалкаштиряпсиз. Ҳар сафар келганингизда кўрсатавераманми? Бошқа ишим йўқ экан-да?!.

— Мен Шамсиддин билан гаплашдим...

— Қўйинг, ўша Шамсиддинни! Ўлган жиянингизни ўйласангиз-чи, ака! Қандоқ бола эди-я, эсиз! Меҳнаткаш, камтар... Маошини оширамиз, деб тургандик-а!

Мен ўрнимдан туриб, Ўктам акага яқин бордим. У авзойимни кўриб, орқага тисарилди:

– Хидир ака, нима гап?

– Қамар акани тинч қўй, тушундингми? – дедим мен уни уриб юборишдан ўзимни базўр тийиб. – Акс ҳолда ҳамма кирдикорларингни очиб ташлайман.

Ўктам ака фақат ютиниб қўйди, холос. Мен унинг хонасидан чиқиб, Саъди Турсуновнинг ҳузурига йўл олдим. Котибанинг ҳай-ҳайлашига қарамай, эшикни очиб, Турсуновнинг хонасига қадам қўйдим. Хонада ҳеч ким йўқ эди.

– Саъди Мардиевич шаҳарга кетди, – чийиллади котиба.

– Ўчир овозингни! – дўқ урдим унга.

Котиба кўрқиб кетди. Лом-мим демади. Мен Ўктам аканинг хонасига қайтдим, бироқ у ҳам аллақачон жуфтакни ростлаган ёки эшикни ичкаридан қулфлаб олган эди. Мен эшикни муштлаганим сайин тобора жаҳлим чиқарди.

Ишхонадан чиқиб кетар эканман, ҳар қандай вазиятда ҳам ақл билан иш тутишим кераклигини ўзимга уқтирардим. Саъди Турсунов ростдан ҳам шаҳарга кетганмикан? Яна нималарни режалаштиряпти? Агар Шамсиддиннинг гаплари рост бўлса, қайси амални мўлжаллаган у?

Мен отамдан хавотирда эдим. Агар отам тоғамнинг уйига борган бўлса, мени у ердан тополмай, яна хуноби чиқади.

Милиция бўлинмасига йўл олдим. Тўппа-тўғри Саиднинг хонасига кириб бордим. Сал бўлмаса Хидир аканинг қиёфасида эканлигим эсимдан чиқаёзибди. Агар Саид, “Э, Хидир ака, келинг-келинг”, демаганида чув тушишим аниқ эди.

– Мен аризамни қайтариб олмоқчиман, – дедим Саидга.

Саид ҳеч нима демай, пиёлага чой қуйиб, менга узатди. Кейин афт-ангоримга яхшилаб разм солди. Гапни узоқдан бошлади:

– Энди, Хидир ака, бизнинг ишни биласиз. Ярим кечагача, ҳатто эрталабгача шу ерда қолиб кетишга тўғри келади. Гоҳ бу галва, гоҳ бошқаси!.. Аммо Асқарнинг иши ҳаммасидан ошиб тушди. Сабаби...

– Агар аризамни қайтариб олсам, Анзурни қўйиб юборасанми? Сендан сўраяпман?.. Қани аризам?

Саид малол келгандек ўрнидан оғир қўзғалиб, папкалар ичидан ажи-бужи қилиб ёзилган қоғозни кўлимга тутқазди. Мен унда нималар ёзилганини ўқиб ҳам ўтирмасдан йиртиб ташладим.

– Ишқилиб эртага бу қарорингиздан қайтмайсизми?

Мен бу саволга жавобан Саидга ўқрайиб қараб қўйдим. Бир оздан кейин унинг кўзларига тикилиб сўрадим:

– Сен ўзингнинг синфдошингга қарши иш қиляпсанми, Саид?

Саид тутақиб кетди:

– Сиз-ку, Ўктам ака билан бирга келиб, ариза ёзган! Қанча тушунтирдим, назарга ҳам илмадингиз! Энди виждонингиз уйғониб қолдими?

– Гапни кўпайтирма. Анзурни қўйиб юборасанми?

У менинг саволимга жавоб бериш ўрнига ўзимга савол берди:

– Хўш, экспертиза хулосасини нима қиламиз?

Мен пинак бузмай дедим:

– У сохта, ўзинг билсанг керак?

– Бўпти, мен розиман, келишдик, Хидир ака, аммо Асқарга ҳам, Анзурга ҳам, Қамар акага ҳам ҳеч қандай даъвоим йўқ, деб ёзиб берасиз.

Мен чорасиз қолдим. Чунки, Хидир аканинг дастхатини билмасдим. Шундай бўлса-да, бўш келмадим:

– Мен сенга ёзиб, олиб келиб бераман. Унгача Анзурни қўйиб юбор. Асқарнинг ҳурмати, шу ишни қил!

Саид иккаламиз хонадан чиққач, у мени йўлакда қолдирди-да, аллақерга кетди. Бир оздан сўнг Анзур акам билан қайтиб келди. Мен Анзур акамни кўриб, йиғлаб юборишдан зўрға тийилдим.

– Мана, бўлдими? Иккинчи бу ерларга келиб юрманг! – дея менга жаҳл қилди Саид хонасига кириб кетаркан.

Анзур акам ҳам менга хўмрайиб қараб, бўлинмадан чиқиб

кетди. Ортидан чиқдим. Мен енгил тортган бўлсам-да, барибир кўнглим тўлмаган эди. Узоқ вақт кўчада турганча Анзур акамнинг уйимизга равона бўлганини нигоҳим билан кузатдим. У кўринмай кетгач, ортимга бурилдим. Энди қаяққа боришни билмасдим. Агар тоғамникига борсам, яна "тутқун" бўлишим, кўнгилсизликлар қайта бошланиши мени ташвишга соларди. Майли, ҳозирча Хидир аканинг қиёфасида бўламан.

Кўчада тентираб юрар эканман, иттифоқо қаршимдан Хидир ака чиқиб қолди.

5

Ҳа, мен Хидир ака билан қарама-қарши, унинг қиёфасида ўзига тик қараб турардим. Бошқа иложим ҳам йўқ, агар ортимга бурилиб кетсам, Хидир ака аюҳаннос солиши, атрофимизга одамларни йиғиши мумкин эди. Мен уни кўрқитишим керак, ўзга чорам қолмаган. Фақат нима дейишни билмас, гапни қандай бошлашни билмасдим. Хайриятки, кўчада ҳозирча бошқа йўловчи учрамасди.

Хидир ака ҳайратланган кўйи анча турди, сўнг кўрқа-писа олдимга яқинлашди. Менга бошдан-оёқ разм солди. Мен пинагимни ҳам бузмадим.

— Сен... кимсан? — ниҳоят тилга кириб сўради Хидир ака.

— Менми, мен — сизман, — дедим саволига жавобан, ўзимдан ёши катта кишини сенсирагим келмадим. Овозим бўғилгандек, хириллаб гапирдим.

— Тавба, тавба, — ёқасини ушлади Хидир ака. — Сиз... менга шу қадар ўхшар экансиз! Қаердан пайдо бўлдингиз?

Мен бояги гапимни такрорладим:

— Эшитмадингизми, мен — сизман, деяпман.

Халил ака тутилиб қолди:

— Қ...қанақасига?

— Мен сизнинг хатоларингизни ўзингизга айтиш учун

келдим. Сиз нима учун бировларга бекордан-бекорга озор беряпсиз?

– Кимга?.. Кимга озор берибман?

– Қамар акага! Асқарга! Нима учун бегуноҳ болани хафа қияпсиз?

– Нима?!. Бегуноҳ?.. У жиянимни ўлдирган!

– Асқар ўлдирмаган. Фожа рўй берганида сиз уларнинг ёнида эдингизми ё?

Хидир аканинг лаблари титраб кетди. Пичирлаб, қандайдир дуоларни ўқий бошлади. Унинг кўзлари катта-катта очилган эди. Эс-ҳушини йиғиб олди, шекилли, энди Хидир ака мени саволга тутди:

– Мен йўқ эканман, сен бормидинг ўшанда? Олимни Асқар ўлдирмаганини сен қаердан биласан?

Бу саволга дафъатан жавоб бериш мушкул эди. Энди Хидир акани чинакамига қўрқитиб қўйишга тўғри келади. Мен қовоғимни солган кўйи баланд овозда шундай дедим:

– Мен билан ишингиз бўлмасин. Сиз, яхшиси, Олимнинг руҳи тинч бўлишини ўйланг! Мени олдингизга Олим юборди, ҳалиям тушунмаяпсизми?

Халил ака секин ортига тисарилди. Мен, аксинча унга яқин бордим.

– Яқинлашма!.. Яқинлашманг! – у яна пичирлаб, дуо ўқий бошлади. – Олим... Олимнинг руҳи мен унинг хунини тўлаганимдан сўнг тинч бўлади.

– Сизга Саъди Турсунов шундай дедими? Билиб қўйинг, арвоҳлар билан ўйнашиб бўлмайди, – қўрқитишда давом этдим мен. – Керак бўлса, Турсуновни ҳам топаман. Ўқтам ака ҳам ўз жазосини олади.

Муюлишда бир йўловчи кўринди. У биз томонга кела бошлади. Ишқилиб Хидир ака ортига бурилиб қарамаса бўлгани! Акс ҳолда бу йўловчи бир-бирига ўхшаш икки

кимсани кўрса, донг қотиб қолса керак. Тўғри, у бизни эгизаклар деб ўйлаши ҳам мумкин, бироқ агар таниш бўлса, азбаройи қизиқиши устун келиб, ёнимизда туриб олиши эҳтимолдан холи эмас.

Мен Хидир аканинг нигоҳи йўловчига қаратилмаслиги учун уни гапга солиб туришим керак эди.

— Сиз ҳамма гапларимни яхшилаб эшитинг, — дедим мен сўзимда давом этиб. — Бундан кейин Қамар акаларнинг уйига яқин йўламанг, Асқарнинг ишхонасига ҳам борманг. Сиз Турсуновларнинг ниятини билмайсиз. Улар сиздан шунчаки фойдаланишмоқчи, холос. Улар гўё сизга ёрдам берган бўлиб...

— Мен уларнинг ёрдамига зор эмасман, — дея гапимни бўлди Хидир ака дадиллик билан.

— Унда нега Ўктам аканинг олдига бориб юрибсиз? Сиздай одамга шу иш ярашадими? Туппа-тузук эдингиз-ку!

— Э, сенинг нима ишинг бор?! — оғзидан кўпик сачратиб бақира бошлади Хидир ака. — Кимсан ўзи? Нега менга хўжайинлик қиласан?

Бояги йўловчи бизга қарамай, ёнимиздан илдам ўтиб кета бошлади. Афтидан, у бизни жанжаллашишяпти, деб ўйлаб, тезроқ ўз манзилига етиб олишни мўлжаллаган эди.

Мен сокин овозда Хидир акани шаштидан тушира бошладим:

— Ўзингизни қўлга олинг. Мен сизнинг олдингизга яхши ният билан келдим. Ақлингизни ишга солинг. Олим сиздан норози! Шунинг учун мени олдингизга юборди.

Хидир ака бошини чангаллаб, тап этиб ўтириб қолди. Мен тезда ён-атрофга кўз югуртирдим. Муюлишдан бола етаклаган бир аёл чиқиб, рўпарадаги боғчага кириб кетди. Бошқа ҳеч ким кўринмасди.

— Мен... Менга бир бало бўляпти, — деди Хидир ака

бошини чангаллаб. — Мен жинни бўлиб қоламан ҳозир!.. Ҳа, бир бало бўляпти... Ҳаммаси ароқнинг касофати! Мен ичкиликка муккасидан кетдим... Кечир мени, Олим! Кечир, жиянжон, мен сени асраб қололмадим.

Хидир ака бошини кўтармай, йиғлай бошлади. Уни шу кўйга солганим учун менинг виждоним қийналди. Аммо, не қилайки, бошқа чорам йўқ. Аввало, Хидир аканинг ўзи рўпарамдан чиқиб қолди, иккинчидан, у ҳаддидан ошяпти — айби йўқ кишиларнинг бошига маломат ёғдирыпти.

Муюлишдан бир машина чиқиб бурилди-да, биз томонга яқинлаша бошлади. Мен ноилож орқамга ўгирилиб кета бошладим. Шошилмай одимлар эканман, Хидир аканинг йиғиси авжига чиққанини, бояги машина тўхтаганини, ичидаги ҳайдовчи тушиб, ундан ҳол-аҳвол сўраётганини эшитдим. Ҳатто, ҳайдовчи мени "ҳой-ҳой"лаб чақириб, ортимдан бақира бошлади. Мен пинак бузмай йўлимда давом этдим.

Тезроқ тоғамнинг уйига боришим керак. Агар отам у ёққа кирган бўлса, менинг йўқлигимни билиб, яна саросимага тушади. Янгам ҳам эшитадиганини эшитади.

Мен тез-тез қадам ташладим.

Тоғамникига кириб борганимда янгам ҳовлида куймаланиб юрган экан, ҳайрон бўлиб, мени тўхтатди:

— Вой, сизга ким керак?

Мен хатоимни англадим: шошганимдан ўз қиёфамга қайтмай кириб келаверибман.

— Ие, келин, яхшимисизлар? — дедим кулгимни зўрға босиб. — Шу... менга Умарбой керак эди. Зарур ишим бор эди...

— У киши ишда, — қовогини уйди янгам. — Бир оғиз сўрамай, бегона уйга кириб келишга уялмайсизми? Одамнинг ҳар бало бўлгани яхши! Биламан, сизга эрим эмас, Асқар

керак! Қани, жўнанг бу ердан! Бола бечорани тинч қўясизларми, йўқми?.. Ҳе, дийданг қурсин!

Янгамнинг мени деб шунчалик жон койитаётганидан меҳрим жўшиб кетди. Қувончим ичимга сиғмай қолди. Жойимда ирғишлаб юборгим келди.

Ичкаридан жиянларим чиқиб, менга қовоғини уйиб қараганча, янгамнинг олдига бориб туришди.

– Ҳамма ишни қилиб қўйиб, тиржайишини қаранглар бунинг! – деди янгам болаларига мени кўрсатиб. – Йўқолинг бу ердан! Ҳозир мана шу ўроқ билан бошингизга бир тушираман!

– Тўхтанг-тўхтанг, – янгамни зўрға ҳовуридан туширдим мен. – Бир гап сўрасам майлими? Мабодо бу уйга отам... э, ҳалиги... Қамар ака келмадими?

– Йўқолинг, дедим, – янгам қўлидаги ўроқни сермаб, мен томонга яқинлаша бошлади.

Мен ўзимни тутиб тура олмадим – кулиб юбордим, кўчага отилдим. Қойил янгамга! Агар яна озроқ турадиган бўлсам, ростдан ҳам бошимни ёриши ҳеч гап эмас. Майли, бирор панароқ жойга ўтиб, ўзимнинг қиёфамга қайтарман.

Кўчанинг икки тарафига қараб, тузукроқ жой изладим. Аксига олиб, ёш болалар ўйнаб юришар, яккам-дуккам катта ёшли эркаклар ҳам кўриниб қолишарди. Жамилаларнинг дарвозасига кўзим тушди. Яхшигина кайфиятим бузилди. Илк муҳаббатим, суронли дамларим, ширин ва аламли хотираларим мана шу хонадон билан боғлиқ. Аммо, начора, шу уйга кирман. Ҳар ҳолда ундаги офилхоналар менга таниш.

Бир гал қоронғи тушиб, Жамила билан учрашишга келганимда орқамдан Назир аканинг йўталини эшитиб, ичкарига кириб кетганман. Шошилиб қолиб, офилхонадан қўним топган эдим. Ўшанда Назир ака ҳовлидаги чорпояга

ўтириб олиб, телевизорни қўйган, аллақандай кўрсатувни берилиб томоша қилган. Мен, бечора таппи исига тўйиниб, офилхонада нақ бир ярим соат ўтирганман. Бу орада Жамила қўшниникига чиқиб келай деб, икки марта кўчага отланган эди. Назир ака ҳожатхонага равона бўлгачгина мен офилхонадан чиқиб ура қочганман.

Ҳозир Назир ака ҳам, хотини ҳам ишда бўлса керак. Уларнинг ҳовлисига кириб, асл қиёфамга қайтишим мумкин.

Дарвоза олдида ўйнаб ўтирган Комилани гапга солдим. Ундан чанқаб кетганимни, сув беришини илтимос қилдим. Қизалоқ "хўп" деди-да, ичкарига кириб кетди. Мен ортидан ҳовлига кирдим. Комиланинг ошхонага йўналганидан фойдаланиб, офилхона эшигини очдим, ичкарига қадам қўйдим. У ерда улкан ҳўкиз боғлаб қўйилганини қаёқдан билай, жонивор қутургудек бўлиб, менга ҳамла қилса бўладими! Ортимга қочдим. Бироқ ним қоронғида эшикни тополмай, тими́рскилангунимча ҳўкиз орқамдан шох қўйди! Инграб юбордим.

Тезроқ қочмасам бўлмайди. Бу ноинсоф жонивор қовурғаларимгача илма-тешиқ қилиб ташлайди. Аммо... мен қочаман деб, бир оёғим яп-янги "қўйилган" тезак устида сирпаниб кетди-да, юзтубан йиқилиб тушдим. Энди аниқ "корридо" фожиаси рўй беради, деб ўйладим. Хайриятки, ҳўкиз тушмагурнинг занжири жонимга оро кириб, рақибим бўлмиш буқа бўйнидан тортилиб қолди.

Ўрнимдан амаллаб турдим. Уст-бошим расвойи жаҳон бўлган эди. Қия очиқ эшикдан инқиллаб ташқарига чиқдим. Бир қўлида косада сув тутган Комила менга ажабланган қўйи қараб турарди. Унинг диққатини кўп ҳам тортмаслик учун косадаги сувни олиб, ичиб юбордим. "Яна борми?" — дедим. Комила бош ирғаб, ошхона томонга кетди. У қайтиб келгунича мен эгнимга қараб, қўрқиб кетдим: ҳамма жойим

хас-хашак, боз устига кийимимнинг кўкрак қисми "меzbон" ҳўкизнинг "ижод намунаси" билан чиройли қилиб безатилган эди. Бу аҳволда тоғамнинг уйига қандай кириб бораман?

Комила қайтиб келиб, яна менга косада сув узатди. Мен ичиб бўлиб, унга қарадим. Комила раҳмат айтишимни ва тезроқ ҳовлидан чиқиб кетишимни, кейин ўйинга берилишни истаётгани кўриниб турарди.

– Сенга каттакон раҳмат! – дедим унга бўш косани узатар эканман. – Катта қиз бўл!

– Оғилхонада нима қилдингиз? – сергак тортди қизалоқ.

– Оғилхонадами... ҳалиги... ҳўкизларингни сотиб олишни келишган эдик. Шунга кўрмоқчи эдим, – дедим мен ҳозиржавоблик билан. – Уйда ҳеч ким йўқми, дейман?

– Бор, дадам бор, ичкарида ухлаяптилар, – жавоб берди у.

Бу гапдан капалагим учиб кетди. Ишқилиб, Назир ака уйғониб қолмасин. Тезроқ кетишим керак, бироқ қаерга бораман? Яна тоғамнинг уйига кира олмай, кўчада тентираб юраманми ёки?

– Уйғотиб чиқайми, Хидир амаки?

– Ҳа... Йўқ... Ўзим кириб уйғотаман. Сен ўйнай қол, Комила. Катта қиз бўл.

Комила дарвозахонадан чиқиб кетди. Мен секингина дарахтлар панасига ўтдим. Тезда чўнтагимдан ойна чиқардим. Унга тикилишдан аввал дарвозага ва ичкари хоналарга қараб чиқдим. Сўнг ўз қиёфамга қайтиш учун бор диққат-эътиборим билан кўзгуга разм солдим...

Ташқарига чиққанимда Комила дугоналари билан ўйинга берилган, мен томонга қарамасди ҳам. Вақтида чиққан эканман, узоқдан отамнинг келаётганини кўриб, тоғамнинг уйига кириб кетдим. Янгам ҳам, жиянларим ҳам менинг аҳволимни кўриб, афтларини бужмайтиришди-да, оғиз-бурунларини ёпиб олишди.

- Нималар қилиб юрибсиз-а?! – деди янгам бош чайқаб.
- Сизга раҳмат, янга, – мулозамат қилдим мен.
- Нега?
- Хидир акани ҳайдаб чиқарибсиз-ку, шунга!
- Ҳа, шу алкашни айтяпсизми? Яшшамагур индамай уйимизга кириб келса бўладими! Ўроқ билан қувладим... Ҳозир тоғангизнинг кийимини бераман. Нималар қилиб юрибсиз ўзи?
- Йўқ, кейин-кейин берасиз, янга, – дедим мен унинг қўлидан бир уюм ғўзапояни олиб, – отам келяптилар, индамай туринг.
- Отам кира солиб, уст-бошимга қаради:
- Сен қаерларда юрибсан?
- Мендан олдин янгам ҳозиржавоблик қилди:
- Бу кишими? Уйдан чиққани йўқ!
- Отам янгамга синчков боқди:
- Келин, бунинг ҳозиргина Назирнинг уйдан чиққанини кўрдим-ку!
- Янгам хиёл қизариб, жавоб берди:
- Ҳа... Мен юборган эдим, ака. Тирнағичини олиб келинг, дегандим.
- Отам индамади. Янгам ошхонага кириб кетгач, менга қаради:
- Энди уйга қайтсанг ҳам бўлар?! Аканг қайтиб келди.
- Акам? Қайси акам? Қаердан? – деб сўрадим мен ўзимни билмасликка олиб.
- Ишхонангга борамиз. У ердан бўшайсан. Шуниси маъқул... Сени узоқроққа юбормасак бўлмайди.
- Мен дангалини айтдим:
- Мени ишдан бўшатишади, деб ўйласизми, ота? Ҳеч қачон бўшатишмайди.
- Отам қовоғини очмай, ҳеч нима демади. У киши ҳозир

нималарни ўйлапти, менга номаълум эди. Янгамнинг кўярда-қўймай, дастурхон тузаганига қарамай, кетамиз, деб туриб олди. Мен уст-бошимни алмаштириб чиққач, тоғамга кўнғироқ қилдим. Раҳмат айтдим.

Отам билан уйга қайтдик. Онам мен билан йиғламсираб кўришди. Кўнглим алланечук бўлди. Шу аснода мен барча кўргиликларнинг сабабчиси Саъди Турсуновни ўз ҳолига ташлаб қўйганим, ҳанузгача жазосини бермаганим учун ўзимдан нафратланиб кетдим.

— Бугун тоғангникига борган эдим, йўқ экансан, — деди онам пичирлаб.

Мен "жим" ишорасини қилдим. Онамдан, мени шаҳарга юборишларини отамдан сўраб беришини илтимос қилдим. Онам бош чайқади.

Кечки овқат устида отамга "ёрилдим":

— Ота, энди мен уйда ўтираманми? Қачонгача шундай бўлади? Мени ўз ҳолимга қўйинглар, илтимос. Ахир, ёш бола эмасман-ку!

Санобар янгам кулимсираб, кутилмаган гап қилди:

— Ота, менимча, Асқарни уйлантириб қўйиш керак.

— Сен қўшилма, — деб Анзур акам уни жеркиб берди.

Отам ўйланиб қолиб, аввал янгамга, сўнг менга қаради:

— Рост, сени уйлантириш керак. Агар ўзингга ташлаб қўйсақ, ҳали-бери уйланадиган чўтинг йўққа ўхшайди.

Онам кулимсиради:

— Кўз остингга олганинг борми, Асқаржон?

Мен бош чайқадим. Жамиланинг чиройли кўзлари, мафтункор нигоҳи ёдимга тушди.

Анзур акам сўз қотди:

— Ҳали шунча ғавғоси чиқиб ётибди-ю, буни уйлантиришга бало борми, ота?

Онам акамдан ранжиганнамо гапирди:

– Бу нима деганинг, болам? Қандай гавғоси чиқибди? Ўша тухматчилар жазосини олади ҳали, кўрасан. Кенжатойимга онаси ўпмаган қизни олиб берамиз, тўғрими, отаси?

Мен отамга қарадим. Юз ифодасидан бирор маъно уқмоқчи эдим, аммо отамнинг нима хаёлда эканини била олмадим. Эҳтимол, мени тезроқ бирор жойга юборишни ўйлаётгандир, балки яна Турсуновнинг ҳузурига бориб, мен билан боғлиқ можароларни узил-кесил ҳал қилиб келиш ҳақида бош қотираётгандир.

– Ишхонамизда бир қиз бор, – деди Санжар акам менга.
– Роса сенбоп, ука. Бир бориб кўрмайсанми?

Мен қошларимни чимириб сўрадим:

– Хўш, менбоп қизлар қанақа бўларкан?

Хуллас, алламаҳалгача ҳазил-ҳузул гаплар қилиб ўтирдик. Отамнинг чиройи барибир очилмади. Мен онда-сонда ўзимга берилаётган саволларга жавоб берсам-да, ярим тунда Саъди Турсуновнинг уйини, жуда бўлмаса, Ўктам аканинг хонадонини бир амаллаб топишни мўлжал қилардим. Бирдан миямга келди: Ўктам аканинг қиёфасига кириб, Турсунов билан бирга шаҳарга кетсам-чи? Ўша ерда Турсуновнинг кирдикорларини фош қилардим. Катталарга унинг аслида қандай инсон эканлигини исботлашим осон кечган бўларди.

– Амаки, сиз келин обкеясизми? – деди Шамшир жияним келиб тиззамга ўтираркан.

– Агар сен хоҳласанг, майли, обкеламан, – деб жавоб бердим унинг бошини силаб.

– Жамила опани обкеясизми, амаки? Дадам шундай дедилай!

Мен Анзур акамга қараб қўйдим. Нега эслатаверишади? Ярамни тирнаб нима фойда экан-а буларга?

Отамдан саволларимга жавоб ола олмадим. У кишига қолса,

ишга бормаи, уйда ўтирганим ё тезроқ бирор жойга кетиб қолганим маъқул эди. Энди эса, ўйлашимча, мени уйлантириш ҳақида жиддий бош қотирыпти. Йўқ, ундан аввал мени Саъди Турсуновнинг хузурига олиб бориб, ялиниб-ёлворса сўраса керак.

Ярим кечада секин ҳовлига чиқсам, онам бир нуқтага тикилиб ўтирибди. Ҳайрон бўлиб, олдига бордим. “Тинчликми, нима гап?” – дедим. Онам менга қараб турди-да, Анзур акамнинг деразаси томонга имо қилди. Кейин ичкарига кириб кетди. Мен ҳайрон бўлиб, Анзур акамнинг деразасига яқинлашдим. Уларнинг чироғи ўчган эди. Бир оз қулоқ солиб, энди хонамга қайтмоқчи эдим, ичкаридан пичир-пичир овозлар эшитилди. Анзур акам янгамни нимадир деб койир эди.

– Сенга минг марта айтганман, товукмия! Нима гапинг бўлса, аввал мен билан маслаҳатлаш, деб. Бу қулоғингдан кириб, унисидан чиқиб кетади.

– Хўп. Битта гапни ҳадеб чайнайверасизми? Уйлантиринг, деганим билан ҳозир уйлантиришмайди-ку!

– Секинроқ гапир, дедим. Иккита овсин зўрға сиғяпсизлар-у учинчи овсинга бало борми? Келин келса, кейин қаерга борасан?

– Бугун бўлмаса, эртага барибир уйлантиришади-ку барибир! Бизни ҳайдаб чиқаришмаса керак ҳар ҳолда?

– Оббо! Яна ўзингникини маъқуллайсан!

– Хўп-хўп!.. Сиз ҳам боягидай сездириб қўйманг-да! Жаҳлингиз чиққанини бошқалар сезмасаям онангиз пайқади... Умуман айтганда, ука сизникими ё меникими, тавба?..

– Ўчир овозингни. Яна бошляяпсанми?..

Мен хонамга кириб, ўрнимга чўзилдим-да, болалигимда Анзур акам билан ўтган энг бахтли онларимни ўйлаб ётдим...

Эрталаб отам билан бирга ишхонага йўл олдик. Аввал Ўктам акага учрашдик. Ўктам ака мен билан қўл бериб кўришмадиям. У бизнинг ташрифимиздан энсаси қотганини яширмай, отамдан муддаомизни эшитди. Кейин ички телефон орқали Саъди Турсунов билан гаплашди. Турсунов бизни қабул қиладиган бўлди. Ўктам ака бошчилигида қабулхонага кириб бордик. Саъди Турсунов бизни ўз хонасида қабул қилгиси келмай, қабулхонага чиқа қолди.

— Гапиринг, нима дейсиз? — деб сўради у отамнинг саломига алик ҳам олмай. Бундай муомаласидан жаҳлим чиқса-да, тишимни тишимга қўйдим.

— Саъди ака, илтимос, яна ўша гап, нима десангиз, розимиз, — деди отам.

Турсунов хонасидан олиб чиққан қоғозни силтаб, тўнғиллади:

— Сиз мана шу ёзиб берган тилхатингиз билан қутуламан, деб ўйлаяпсизми? Йўқ, манови такасалтанг ўрлингиз ҳам ёзиб берсин. Ўшанда, майли, буни осонгина ишдан бўшатишим мумкин. Акс ҳолда мендан бир умр қутулмайсизлар.

— Нима деб ёзишим керак экан? — дедим мен.

Турсунов менга чақчайиб қаради:

— Буни, мана, отангдан сўрайсан. Ҳамма айбингни бўйнингга оласан.

Мен қоғозни Саъди Турсуновнинг қўлидан юлқиб олмоқчи эдим, у чаққонлик қилиб чўнтагига тикди ва ичкарига кириб кетди. Ўктам аканинг хонасига қайтдик. Мен, отам Турсуновга нима деб ёзган экан, деб жоним ҳалак эди. Ўктам ака саволимга жавоб бермаслигини билсам-да, бу ҳақда ундан сўрадим. Ўктам акадан кўра мени отам уришиб берди.

— Сизни булар алдашган, ота, — дедим мен аччиқланиб. —

Нима дейишса, ёзиб бераверасизми?

Отам Ўктам акага ўгирилди:

— Ўктамжон, агар Асқар айбини бўйнига олса, ростдан ҳам ўз ҳолига қўясизларми? Ваъда берасизми?

— Сизга неча марта ваъда берайлик, Қамар ака?! Бўлди-да! Ўғлингизни олиб келган экансиз, ҳозир шартта ёздириб олайлик. Кейин бу айниб ўтиради. Қамар ака, ҳаммаси расмиятчилик учун, ўша куни Саъди Мардиевич ҳам айтди-ку! Ҳеч ким келиб текширмайди. Шунчаки номига! Фақат тезроқ бўлинглар, вақт зиқ. Саъди Мардиевич шаҳарга кетмоқчи, агар қўл қўйдириб олишга улгурсак, ўзларингга яхши! Асқаржон шу бугун ишдан бўшаб, ҳужжатларини олиб кетиши ҳам мумкин.

— Мен ҳеч нима ёзмайман, чунки Олимни ўлдирганим йўқ, — дедим мен Ўктам аканинг кўзига тик қараб.

— Ёзасан, ёзмай кўр-чи! — дўқ урди отам. — Шунча вақт хуноб қилганинг етар! Ҳаддингдан ошма! На уйда тинчлик бор, на ишхонангда! Ҳадемай онанг шўрлик касал бўлиб қолади, бунақада. Ёз! Тез бўл! Кейин бу ерни елкангнинг чуқури кўрсин.

Мен тақдирга тан бериб, қўлимга ручка олдим. Нима деб ёзай, дегандек, Ўктам акага қарадим.

— Хўш, ўша куни нималар бўлганини, Олимни итариб юборганингизни, бу ишни қасддан қилганингизни, Олимни авваллари ҳам калака қилиб юрганингизни ёзинг. Агар айбингизни қанчалик кўп бўйингизга олсангиз, бу ердан шунча тез кетасизлар... Бошланг! "Саъди Мардиевич Турсуновга", деб ёзинг, "Тушунтириш хати"...

Эшик тақиллаб қолди. Ўктам ака "ким бўлди экан?" — деб хонадан чиқди-да, ортига тезда қайта қолмади.

Мен бургага аччиқ қилгандек, чиройли ҳарфлар билан Ўктам ака айтган сўзларни ёза бошладим. Аммо "Олим"га

келганда ручка ёзмай қолди. Отам стол устидаги бошқа ручкани олиб, менга узатди. Бу ручка ҳам ёзмади. Ўктам ака сал попуги пасайиб хонага кирган эди, ундан ручка сўрадим. У стол тортмасини очиб, ўнтача ручкани олдимга қўйди:

– Марҳамат, юзта десангиз, юзта топиб ҳам бераман. Баҳона топмасангиз бўлди, Асқаржон!

– Хўп, мана, ёзьяпман-ку!

– Фақат бир хил сиёҳли ручкада ёзинг, бошидан бошланг. Қизиқ, Ўктам аканинг ўнта ручкасидан биттаси ҳам "Олим" сўзига келганда ёзмай қолаверди. Ўктам ака ручкаларни деворга улоқтириб, отамга жаҳл қилди:

– Ўғлингиз атайин қияпти, Қамар ака! Биз ёзсак, ёзьяпти-ку, ахир!

Отам ҳайрон бўлиш-бўлмаслигини билмай, елкасини қисди. Эшик тақиллаб, Ўктам ака ўрnidан тургунича очилди-да, милиция либосидаги икки киши кириб келди:

– Ўктам Қаҳҳорович, етар энди, яна қанча кутишимиз керак? Биз ҳам ишли одаммиз!

Мен сакраб ўрнимдан турдим:

– Ота, кўрдингизми? Ниятини тушундингизми буларнинг? Демак, мен ёзиб бўлганимдан сўнг хат билан кўшиб мени мана буларга топширмоқчи бўлишган.

Ўктам ака тутилиб деди:

– Э, нималар деяпсиз, Асқаржон? Булар бошқа иш билан келишган.

Отам важоҳат билан Ўктам аканинг устига бостириб борди:

– Қандай иш билан келишган?! Энди сенларга зигирчаям ишонмайман. Аблаҳ, разиллар! Мен ҳозир бошлигининг олдига кираман.

– Тўхтанг, сиз тушунмадингиз, – деб қолди орқамиздан Ўктам ака.

Отам билан тўғри қабулхона томонга ошиқдик. Жиккак котиба кўринмасди, шу боис отам шартта Турсуновнинг эшигини очиб, ичкарига қадам ташлади. Мен ортидан қолмадим. Иккимиз ҳам бир зум қотиб қолдик. Саъди Турсунович тиззасида котибани ўтқазганча ўтирарди. Котиба биз кириб борганимизни дафъатан унча англамади, сўнг сакраб ўрнидан турди-да, хонадан чиқиб кетди. Саъди Турсунов ҳам ўрнидан турса-да, ўзини йўқотмай, газаб билан менга қаради.

— Ҳой, ифлос, сен ҳали ишхонангда шундай айшу ишрат қиласанми? — деди отам унга ўшқириб.

Ўктам ака ортимиздан югуриб кириб, бизни хонадан чиқара бошлади. Отам бир мушт тушириб, уни ағдарди. Бу ҳаракати биз учун қимматга тушиши мумкин эди. Шу боис мен ўртага тушдим. Отамни бир амаллаб хонадан олиб чиқдим. Саъди Турсунов орқамиздан сўкинганича қолди.

Уйга кела-келгуниimizча ҳам отамнинг жаҳли босилмаган эди. У болохонадор сўкинар, асабийлашганидан қўллари титрар, кўзларимга сира қарай олмасди. Мен уйга киргач, тезда ортимга қайтишни мўлжалладим. Сабаби, қандай қилиб бўлса-да, Саъди Турсуновга эргашиб, шаҳарга кетишим керак эди. Отамга бу ҳақда айтсам, барибир менга жавоб бермайди, бирор жўяли баҳона топишим шарт.

— Ўктам акани бекор урдингиз, ота, — дедим мен. — Улар ҳозир ҳар қандай ҳаракатимизни ўзимизга қарши восита қилиб қўллашади. Мен зудлик билан Мансур акани топишим керак.

Отам менга қаради-да, чурқ этмади.

— У киши яхши одам, ота, — изоҳ бердим мен. — Буларнинг кўп сирини билади. Қолаверса, Шамсиддин ва Мерган билан ҳам гаплашаман.

— Эҳтиёт бўл, — деди отам бир оз ўйлаб тургач. Бу — боравер, дегани эди.

Мен тезда уйдан чиқиб, ишхонамиз томонга югурдим. Қоровулларнинг йўлимни тўсганига қарамай, Ўктам аканинг хонаси томон ошиқдим. Эшик тутқичини зарб билан тортиб, ичкарига кирганимда Ўктам ака кўкарган қовоғини силаганча телефонда гаплашиб ўтирарди. У мени кўриб, кўрқиб кетди. Барибир сир бой бергиси келмай, гўшакни қўйди-ю, менга ўдағайлади:

— Нега рухсатсиз бировнинг хонасига бостириб кирасан? Чик бу ердан!

— Мен беш дақиқадан кейин чиқаман, — дедим унга ва кийим илгичдаги калитни олиб, эшикни ичкаридан кулфладим.

6

Ўктам аканинг юзида саросима зоҳир эди. У довдираб қолганди.

— Нима қилмоқчисан, ҳой? — деди бир оз синиқ товушда.

Мен унга яқинлашдим. Ўктам ака шоша-пиша телефонга ёпишди. Мен унинг қўлидан гўшакни тортиб олдим. Ўктам ака нимадир демоқчи бўлди, бироқ тили калимага келмади.

— Сиз мени қотилга чиқардингиз, — дедим унга тобора яқинроқ бориб. — Билиб қўйинг, мен қотиллик қилмаганман, аммо, агар ҳозир айтганларимга кўнмасангиз, ўзимга жавоб беролмайман.

— Асқар, Асқаржон... мен ундай... де... деганим йўқ, — тутилиб сўз қотди Ўктам ака. — Қиёматли ака-ука бўлайлик, сиз...

— Ўктам ака, нега менга тухмат қилдингиз? — дедим мен, кейин шахд билан унга ташланиб, қўлларини орқага қайирдим.

Ўктам ака роса қаршилиқ кўрсатди, аммо менга кучи етмаслигини ўзи ҳам биларди.

— Сиз мана шу хонангизда ўтира турасиз, мен ишимни битириб келаман, — дедим буйруқ оҳангида. — Агар бирор кишига чурқ этсангиз, кейин хафа бўлиб юрманг.

Мен уни стулга ўтқазиб, қайрилган қўлларини скотч билан маҳкам боғладим.

— Ҳали бу ишинг учун жавоб берасан, — деди Ўктам ака силтаниб. — Билиб қўй, сен жиноят қиляпсан, ҳаммаси учун жавоб берасан! Олим учун ҳам!

Бу гапдан жаҳлим чиқиб кетди:

— Шунақами ҳали? Сиз ростдан ҳам Олимнинг ўлимига мени айбдор ҳисоблаяпсизми? Мен эмас, билиб қўйинг, сиз жавоб берасиз! Мен ҳамма кирдикорларингизнинг тагига етаман. Шу пайтгача сизга раҳм қилганим етар! Энди хафа бўлманг.

Ўктам ака бўғриқиб деди:

— Менга пўписа қилма, Асқар! Ҳали отанг икковингни кўшмозор қиламан!

— Бўлди, бас қилинг, — мен шундай деб унинг оғзига латта тиқиб қўйдим.

Мен шу қадар аччиқланган эдимки, агар Ўктам ака ёш жиҳатидан мендан кичкина бўлганида уни уриб юборишим тайин эди. У кўзлари билан имо қилиб, нимадир демоқчи бўлди, мен парво қилмай, орқа томонига ўтдим. Чўнтагимдан ойна чиқардим. Ойнага термилиб, Ўктам аканинг қиёфасига кира бошладим. Бу кўп вақтни олмади — хира кўзгуда Ўктам аканинг хўмрайиб турган афт-ангори пайдо бўлди. Стул суянчиғига ташлаб қўйилган костюмни кийиб олдим.

Мен ана шу қиёфада, Ўктам аканинг кўзига кўринмай, хонадан чиқиб кетсам бўларди. Бундай қилмадим. Ўтирган курсисидан туришга уринаётган, қўлларини бўшатиш учун силтанаётган Ўктам акага рўбарў бўлдим. У дафъатан юзимга қарамай типирчилайверди, сўнг менга кўзи тушди-ю миқ

этолмай қолди. Донг қотиб, кўзлари пиёладай-пиёладай каттариб кетди. Бошини орқага ташлаб, кўзларини юмиб олди. Мен индамай қараб туравердим. Шу пайт хонадаги ички телефон жиринглади. Ўктам ака кўзларини очиб, аввал менга, сўнг телефонга қаради. У азбаройи кўрқиб кетганидан қалтирай бошлаган эди.

Мен тинмай жиринглаётган телефон гўшагини кўтариб, кулоғимга тутдим. Саъди Турсуновнинг совуқ овози эшитилди:

– Эй, Ўктам, яна қанча кутишим керак?

– Ҳозир, – деб жавоб бердим мен Ўктам аканинг товушида.

– Тезроқ, – буйруқ берди у.

Мен гўшакни қўйиб, Ўктам аканинг қўлларини ва ўзини стулга янада маҳкамроқ боғладим. Оғзидаги латтани ҳам чуқурроқ тикдим. Эшик қулфини очаётганимда Ўктам акага ўгирилиб қарадим. Унинг кўзлари ҳамон олазарак боқар, "м-м-м"лаб нимадир демоқчи бўлар, инграр, хуллас, аҳволи йиғламоқдан бери эди.

Эшикни қия очар эканман, аввал йўлакка қарадим: ҳеч ким кўринмади, фақат қабулхона тарафда бир-икки ходим қоғоз кўтариб юрарди.

– Ортиқча ҳаракат қилманг, – дедим мен Ўктам акага маслаҳатомуз. – Сиз менинг қўлимдан келадиган ишга гувоҳ бўлдингиз. Бундан баттар ишларни ҳам амалга ошира оламан. Мени ўша даражага етказманг, тушундингизми?

Ўктам ака кўзларини чирт юмганча миқ этмади. Мен унинг хонасидан чиқиб, эшикни қулфладим-у, қабулхонага равона бўлдим.

– Киринг, киринг, – деди котиба, – Саъди Мардиевич кеч қоляпти! Машина кутиб турибди, нега имиллайсиз, Ўктам ака?!

— Хўп, — деб тўнғиллаб, Турсуновнинг очиқ эшигидан ичкарига қадам ташладим.

— Ўтиринг, — деди Саъди Мардиевич юзимга ҳам қарамай. Мен ён томондаги курсилардан бирига чўкдим.

— Хўш, нима бўлди? — деб сўради Турсунов қандайдир қоғозлардан кўз узмай. — Гаплашдингизми, ҳал бўлдимиз?

Бу аблаҳ нимани сўраяпти экан, билмасам! Менинг ўзим билан боғлиқ машмашаларни айтаётгандир-да!

— Ҳа, — дедим бўғиқроқ товушда.

— Мен келгунча далолатномаларга қўл қўйдириб олинг, — деди ниҳоят Турсунов менга бошини кўтариб қараб. — Шамсиддинни топдингизми, гаплашдингизми?

— У кўнмаяпти.

Турсунов "тап" этказиб столга бир урди:

— Қанақа одамсиз ўзи, кўндираман, девдингиз-ку! Битта сизни деб ишларим орқага суриляпти, Ўктам! Одам деган бундай бўлмабди-да! Ё уй керак бўлмай қолдимиз сизга?!

— Нега энди, керак! — дедим мен Ўктам аканинг "шарти"ни англаган бўлиб. — Тушунинг, Саъди Мардиевич, бу иш осон ҳал бўлмайди. Вақт керак!

— Қанча вақт керак, қанча?! — бақриб юборди Турсунов. — Сиз мени беобрў қилиясиз! Ота-бола хонамга бостириб киришгача боришди. Ошналарим бу ҳақда эшитса, нима деган одам бўлдим? Агар қўлингиздан келмаса, айтинг, бошқа кишига топширай!.. Ёзинг аризангизни!

— Сиз фақат шундай деб кўрқитасиз! — дедим мен хотиржам алфозда.

— Нима?! — Саъди Турсунов ўрнидан турди. — Тилингиз чиқиб қолибдимиз, Ўктамшер? Ҳали мен кўрқитаётган эканманми? Мен кўрқитмайман, бор гапни гапираман, тушундингизми? Ҳаммангнинг калланг айнаиб қолган сенларнинг. Бир зумда ўзгарасанлар!

Мен ҳеч нима демадим. Тилимга болохонадор гаплар келса-да, ўзимни тийиб ўтиришни маъқул топдим айна дамда. Сабаби, Саъди Турсуновга қўшилиб, у билан бирга шаҳарга кетишни ҳам чамалаган эдим. Қандай бўлса ҳам кетишим керак. Фақат Турсунов у ердан қачон қайтишини билмайман. Ишқилиб, шу бугун қайтайлик, акс ҳолда Ўктам ака ўз хонасида боғланган ҳолда қолиб кетади. Мабодо у қўлларини ечадиган бўлса, бутун бошли идорани бошига кўтаради. Ана шунда ишларим чаппасидан кетиши мумкин. Ахир, менинг ўзга қиёфаларга киришимни фақат Ўктам ака билади! Айюҳаннос солса керак ўзиям!

Умуман айтганда-ку, агар шаҳарга кетадиган бўлсам, аввал Ўктам акани боглаб қўрқитишимга тўғри келади. Шундай қилайки, у мен ҳақимда бошқаларга лом-мим дея олмасин. Дарвоқе, шаҳарга кетишимдан олдин Ўктам аканинг қўл телефонини оламан. Бирор кимса қўнғироқ қилиши мумкин, балки уйдагилари, таниш-билишлари...

– Мени кечиринг, Саъди Мардиевич, – дедим Турсуновнинг кўзларига мунғайиб боқиб. – Асабларни қақшатиб юборди анови ота-бола. Мен сизга шунча яхшилик қилдим, бундан кейин ҳам менга суянавиринг.

– Сиз мени тили қисик деб ўйлаяпсизми? – вишиллади Турсунов.

– Йўқ, асло! – инкор этдим мен. – Бу гап хаёлимгаям келгани йўқ. Мен сизга бир умр содиқ қоламан, Саъди Мардиевич. Сиз нима десангиз, айтган чизифингиздан чиқмайман!

Саъди Турсунов сал ҳовуридан тушди. Мен буни унинг совуқ, ўткир кўзларида хотиржамлик инганидан билдим.

– Бундай бўлмапти-да! – деди Турсунов. – Ишхонада энг ишонган одамим сиз бўлсангиз, нега қочирим гаплар қиляпсиз?

Мен ундан яна кечирим сўрадим. Боя айтган сўзларимни хушомадга булаб такрорладим. Ташвишлар ариганини, ҳаммаси “бизнинг фойдамиз”га ҳал бўлаётганини таъкидладим. Яъни, гўё Шамсиддин билан ҳам, Мерган билан ҳам гаплашилган, ҳаммаси жойида бўлади.

– Бўпти, – у эгнига плашчини кия бошлади. – Буёғига янаям хушёрроқ бўлинг. Бирортасини эътибордан қочирманг! Айниқса, Қамарни!.. Кечагина ялиниб келувди, бугун қариллашини қаранг! Бунақалар ҳар қандай пасткашликдан қайтмайди. Хайрият, тилхати менда турибди. Ҳали шошмай турсин, шундай додини берайки...

Мен ўрнимдан туриб, Ўктам акага хос тавозе билан қўл қовуштирдим:

– Саъди Мардиевич, битта илтимос...

– Оббо, яна ўша илтимосми, ҳал бўлади, дедим-ку сизга! Қайси ўғлингизга ўзи? Ўртанчасигами? Сиз ҳам роса эркалатиб юборгансиз, шекилли? Ўзи бундоқ ишлаб, пул топиб, уй олса бўлмайдими, а? Мен ўзимни ўйлаётганим йўқ, Ўктам, сизни ўйлаяпман. Эртага, пенсияга чиқсангиз, ҳамма ўғилларингиз сизни эшак қилиб, елкангизга минади. Мана, кўрасиз!

Саъди Турсунович эшиккача бориб қолган эди, мен уни тўхтатдим:

– Биламан, бу илтимосни ҳал қиласиз, Саъди Мардиевич. Мен бошқа масалада... Майлими, сиз билан бирга шаҳарга кетсам?

Турсунов қошларини чимириб, менга қаради:

– Шаҳарга? Тушунмадим!

– Бир қариндошимиз касал бўлиб қолган экан, шуни кўрмасам бўлмайди.

– Шаҳарда қариндошингиз йўқ эди-ку?! Бу нима деганингиз?

— Тўғри, шаҳарда йўқ, — деб хатойимни тузатдим мен. — Шаҳардаги шифохонага олиб кетишган экан уни. Аҳволи оғир! Илтимос.

— Қизиқ, — деди Турсунов ўйланиб. — Бу ердаги ишларчи, ким қараб туради? Кейин, нима учун мен билан кетмоқчисиз? Дам олиш кунларида, ана, автобусда бориб келинг! Бир ками энди сиз билан бирга машинада тиқилиб кетишим қолувди.

— Ҳозир бормасам бўлмайди, — дедим мен бўш келмай. — Илтимос, Саъди Мардиевич, бир мартагина. Йўлимиз бир бўлгани учун айтяпман.

Турсунов афтини буриштирди:

— Э, майли, тез бўлинг, машина кутиб турибди.

Мен тезда Ўктам аканинг хонасига қайтдим. Эшикка калит солиб очгач, ичкарига кирдим. Стулга боғлаб ташланган Ўктам ака талмовсираб менга қаради.

— Шаҳарга кетяпман, — дедим унга. — Сиз жойингиздан қимирламай ўтиринг, қайтиб келгач, ўзим қўлларингизни ечаман.

Ўктам ака бу гапни эшитиб, ўтирган жойида питирлай бошлади.

— Қулоғингизга яхшилаб қуйиб олинг, — дея таҳдид қилишга ўтдим мен. — Агар мен ҳақимда бирор жойда бирор кишига шипшийдиган бўлсангиз, ўғлингизга ҳеч қачон уй ололмайсиз! Бу ерда ишлаш-ишламаслигингиз ҳам шунга боғлиқ.

Стул устидаги қўл телефонини олиб, эгнимдаги костюм чўнтагига солдим. Кейин хонадан чиқдим-у, эшикни яхшилаб қулфладим. Калитни қабулхонадаги махсус тахтачага илиб қўйдим.

— Тез тушинг, Саъди Мардиевич пастда, — деди котиба.

— Билмайсизми, қачон қайтар эканмиз? — сўрадим мен котибадан.

– Сиз қайтаверасиз, Саъди Мардиевич эртага қайтса керак,
– жавоб берди у. – Бўлинг, ҳозир кетиб қолишади.

Мен тезгина пастга тушдим.

Машинанинг орқа ўриндиғига жойлашиб олган Саъди Турсунов қовоғини уйиб ўтирар эди. Мен ёшлигимга бориб, унинг ёнида ўтирмоқчи эдим, энсаси қотиб, олдинни кўрсатди. Олд ўриндиққа ўтирдим.

– Кетдик, тезроқ, – деб буюрди Турсунов ҳайдовчига.

Кекса ҳайдовчи газни босди.

Анчагача жим кетдик. Секин ўтирилиб орқамга қарасам, Саъди Турсунов ухлаб қолган. Ҳайдовчига қарадим, у йўлдан кўз узмасди.

Ҳадемай шаҳарга етамиз ҳам. Кейин нима қиламан? Турсуновнинг орқасидан қолмайманми? Боринг, шифохонадаги қариндошингизнинг олдига, демайдими? Бошқарма қаерда экан ўзи? Борганим билан кимга учрашаман, нима дейман ҳали? Ишқилиб қовун туширмасам эди!

– Отахон, шаҳардан қайтишда мен қолиб кетмай яна, – дедим ҳайдовчига.

У индамади, машина ичидаги кичкина ойнага қараб, Саъди Турсуновга имо қилиб қўйди.

– Ишқилиб бугун қайтасизларми? – сўрадим мен.

– Эртага бўлса керак, – паст овозда жавоб берди у.

– Бугун қаерда ётасизлар? – яна саволга тутдим мен эзмалик билан.

– Мен машинада ухлайман.

– Мен-чи? – сўрадим соддаларча.

Ҳайдовчи, сен жинни-пинни эмасмисан, дегандек менга норози қараб қўйди. Шаҳаргача чурқ этмай боришга қарор қилдим. Бунинг учун эса ухлашим керак. Кўзларимни юмиб, хаёлга берилдим. Шаҳарда Жамилани кўриб қолишим

мумкинлиги ҳақида ўй сура бошладим. Қандай аҳволга тушар экан-а у? Асл қиёфамга кириб, сира ортидан қолмасдим. Жамиланинг мени ташлаб кетишга мажбур қилган ўша ёри ким эканлигини билиш мен учун қандайдир қизиқ ва аламли эди.

Эндигина кўзим илинган экан, чўнтагимдаги телефон жиринглаб қолди. Олиб экранига қарадим: "Ўткир". Ким бўлди экан?

Телефонни кулоғимга олиб бордим.

— Алё, дада, — овоз келди ундан. — Қаердасиз, эшигингиз кулф?

— Бир жойга кетяпман, — деб жавоб бердим шоша-пиша бўғиқ овозда. — Сен уйга бор. Ишхонада ўралашиб юрма.

— Э, ўзингиз кел, девдингиз-ку! Энди пулни кимдан оламан? Ойимнинг мазаси бўлмапти яна.

— Ўзим кўнғироқ қиламан, — шундай деб телефонни ўчирдим.

Ичимга гулгула тушди. Ўктам аканинг хотини бетоб экан-да, у эса хонасида стулга боғлаб ташланган. Нима қилсам экан?

Шаҳаргача ўйланиб кетдим.

— Сиз қайси шифохонага борасиз? — сўради уйқудан уйғонган Саъди Турсунов.

— Бошқарма яқинида шифохона бор, ўша ерда тушира қолинглар, — деб жавоб бердим аввалдан ўйлаб қўйганим учун.

Ҳайдовчи ҳайрон бўлди:

— У ерда ҳеч қанақа шифохона йўқ, шекилли?

— Бор, — дедим мен ўжарлик билан, — бошқармага туширсангиз ҳам майли, ўзим топиб оламан.

Машина тўхтади.

— Мана, бошқарма, — деди ҳайдовчи тўғрини кўрсатиб.

Мен билан бирга Саъди Турсунов ҳам машинадан тушди.

– Кечирасиз, Саъди Мардиевич, шаҳардан қачон қайтасизлар? – деб сўрадим ундан.

Турсунов менга олайиб қаради-да, индамай бошқармага кириб кетди. Ҳайдовчи эса машинани тўхташ жойига ҳайдади. Мен чеккароққа ўтиб, костюм чўнтагидан телефонни чиқардим. Ўйлаб-ўйлаб, Шамсиддинга кўнғироқ қилдим, аммо у сира жавоб бермади. Ўқтам аканинг телефонида кўнғироқ қилаётганим боис жавоб бермасди чамамда. “Шамсиддин, бу мен – Асқарман, телефонга жавоб бер”, деб СМС ёздим. Уни юборгач, Шамсиддиннинг ўзи менга кўнғироқ қилди.

– Асқар, ростдан ҳам сенмисан? – деди у. – Бу телефон сенда нима қиляпти? Ё Ўқтам аканг сенга совға қилдими?

– Шундай бўлиб қолди, – жавоб бердим мен. – Шамсиддин, сенга бир илтимосим бор эди. Ҳозир ишхонага бориб, Ўқтам акани...

– Шу одамни гапирма, Асқар.

– Олдин эшитгин... Қабулхонадан Ўқтам аканинг калитини олиб, унинг хонасини очасан. Кейин кириб...

– Анови шаллақи калитни бермайди-да, Асқар.

– Котибани айтяпсанми, беради. Ўқтам аканинг ўзи айтди, дегин. Буёғини эшит: хонага киргач, ичкаридан дарров кулфла. Кейин... Ўқтам аканинг кўлларини ечасан. Шундан сўнг тезда чиқиб кетгин. Ўқтам ака додласаям ҳеч нима дема.

– Нима?! Асқар, эсинг жойидами? Нима балолар қилиб юрибсан? Қайси юрак билан уни боғлаб ташладиңг?

– Шамсиддин, агар мен узоқда бўлмаганимда ўзим борардим.

– Бўпти, аммо бирор гап бўлса, ўзинг жавоб берасан. Айтгандай, Ўқтам ака сени сўраса, нима дейин?

– Айтдим-ку, ҳеч нима дема, қўлини бўшатиб, тезроқ чиқиб ҳайда!

– Ҳм... бўпти, келишдик.

Шундан сўнг мен бошқармага йўл олдим. Кириш жойида ташрифимнинг сабабини сўрашди. Мен Саъди Турсунов билан келганимни, уни топишим кераклигини тушунтирдим. Рухсат беришмади, ташқарида кутиб турармишман. Шунча алдаб кўрсам ҳам фойдаси бўлмади. Ҳатто, у кишининг телефони менда қолиб кетибди, деб телефонни ҳам кўрсатдим, наф бермади. Ноилож ташқарида – панароқда туриб, Турсуновнинг чиқишини кутиб турдим. Қорним таталаб кетган эди, ўша ердаги ошхонага кириб, дераза томондаги столлардан бирини эгалладим. Эгнимдаги Ўктам аканинг костюми чўнтаклари пулга тўла экан – мазза қилиб овқатландим.

Ҳечқиси йўқ, ҳозир кира олмаган бўлсам, кейин албатта кираман бу бошқармага. Турсуновнинг суянчиқларини топиб оламан. Унинг кирдикорларини очаман. Кўрамиз, қандай қилиб мансаб пиллапояларидан кўтариларкан бу Турсунов деганлари!

Чўнтагимдаги телефон жиринглаб қолди. Саъди Турсунов кўнгироқ қилаётган эди.

– Лаббай?

– Менга қаранг, анови Мерганнинг фамилияси нима эди? – сўради Турсунов.

– Мерганми... ҳалиги... тўғриси, билмайман, – жавоб бердим мен, ростдан унинг фамилиясини билмасдим.

– Э, қанақа одамсиз? – ўшқирди Турсунов. – Шунча тушунтириш хатлари ёздирасизу билмайман, дейсиз!

– Ҳозир аниқлаб бераман, – дедим мен Ўктам акага хос ҳушомадгўйлик билан. – Икки дақиқа кутиб...

– Э, сиз аниқлагунча... – Турсунов шундай деб алоқани узди.

Қизиқ, Мерганнинг фамилияси нима учун керак бўлиб қолдйкан? Жуда чуқур киришганга ўхшайди бу бошлиғимиз.

Овқатланиб бўлиб, ошхонадан ташқарига чиқдим. Яна панароққа ўтиб, Турсуновни кутиб турдим. Машиналар тўхташ жойига назар ташладим. Биз билан бирга келган ҳайдовчи машина ўриндиғини қия ётқизиб, ухлаб ётар эди.

Анча кутдим.

Ниҳоят ичкаридан чиқаётган Турсуновнинг қораси кўринди. Мен ўзимни янада панага олдим. Турсунов бетоқат бўлиб, кимгадир қўнғироқ қилди, кейин бетоқат кута бошлади. Мен машиналар тўхташ жойига кўз ташлаб, ҳайдовчининг машинани ўт олдираётганини кўрдим. Зум ўтмай у машинани ҳайдаб Турсуновнинг ёнига келиб тўхтади. Мен шошилишим керак эди. Турсунов ўтирган машина катта қатнов йўлига чиқиши билан жойимдан жилдим. Дуч келган автоуловга қўл кўтардим. “Матиз” келиб тўхтади. Мен унинг ҳайдовчисига ҳозиргина йўлга тушган “Нексия” ортидан ҳайдашини илтимос қилдим.

Турсуновнинг ортидан таъқиб қилиб анча юрдик. Қандайдир муюлишлар, дўконлардан сўнг “Нексия” кўпқаватли уйлардан бири олдида тўхтади. Турсунов машинадан тушди-да, ҳайдовчига нимадир деб тайинлаб, биринчи подъездга кириб кўздан йўқолди. Ҳайдовчи машинани ҳайдаб кетди.

Мен нима қиларимни билмасдим. Турсунов бу ерда қоладиганга ўхшайди, демак, менинг ҳам қолишимга тўғри келади.

“Матиз”дан туриб, ҳайдовчи айтган кира ҳақини бердим. Кейин шу атрофда айланиб юрдим. Ёйма растада савдо қилаётган опа билан гаплашиб қолдим. Бир мусофир эканлигимни, Шухрат исмли танишимни излаб келиб,

тополмаётганимни айтдим. Кеч бўлди, қандай чора кўришим мумкинлигини сўрадим. Опахон танишимнинг фамилияси билан қизиқди. Оғзимга келган фамилияни айтдим. Аёл бош чайқади.

— Сиз, яхшиси, мана бу домдан ижарага уй олинг, — деб имо қилди аёл Турсунов кириб кетган уйнинг қарама-қаршисидаги домни кўрсатиб. — Учинчи қаватга чиқсангиз, чапдаги уйда домком яшайди. Ижарага берадиган уйи бор. Агар бўш бўлса, пулини келишсангиз, сизга бериб туради.

Аёл айтганидек қилдим. Домком деганлари менга бошдан-оёқ разм солиб қаради. Бир-икки сўроққа тутди. Кейин мени ортидан эргаштириб, пастга тушди. Ижарага берадиган уйи учинчи подъездда экан. Пулини келишдик ва мен умримда биринчи марта бегона уйда бир ўзим қолдим.

Қоронғи тушганида мен дераза орқали рўпарадаги уйга тикилганча ўйларимга фарқ бўлиб ўтирар эдим. Турсуновнинг шаҳарда бир нечта уйлари бор, дейишарди, биттаси шу экан-да! Кимдир иккинчи хотини ҳам бор, деган эди. Майли, у ёғини ўзи билади, мени унинг оиласи қизиқтирмайди.

Телефон жириглади. Ўткирали кўнғироқ қилаётган эди. Мен алоқани қабул қилиш тугмасини босдим. Телефондан Ўктам аканинг овози эшитилди:

— Алё, бу мен — Ўктамман.

— Эшитаман, — дедим мен хотиржамлик билан.

Ўктам ака индамай турди.

— Гапиринг, — дедим мен. — Нима дейсиз? Мен ҳақимда бирор кишига айтиб берасизми? Айтаверинг, марҳамат! Мениям айтадиган гапларим бор.

— Йўқ, мен... — Ўктам ака тутилиб, гапиролмас эди. — Асқар, мен тушунмадим нималар бўлганини. Сиз қандай қилиб менинг қиёфамга кирдингиз? Ахир, ишониб бўлмайдиган ҳодиса-ку бу!

– Унда ишонманг, – чўрт кесдим мен. – Шунчаки кўзингизга кўринган. Менга нега кўнғироқ қиялпсиз, гапиринг.

– Асқаржон, сиздан илтимос, мен билан Саъди Турсуновнинг орамизни бузманг. Оиламда нечта жон борлигини билсангиз керак, агар мен ишсиз қолсам, кейин нима бўлади? Хотиним касал, тўшакдан бош кўтаролмайди. Унга дори-дармон керак. Болаларимни уйли-жойли қилишим керак ҳали... Ука, эшитяпсизми?

– Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ, Ўктам ака, – дедим мен. – Агар оғзингизга кулф солиб юрсангиз, ҳаммаси яхши бўлади.

– Мен жудаям қўрқиб кетдим, ахир кўз ўнгимда...

– Ўктам ака, Турсунов мени нима қилмоқчи, шундан гапиринг, – дедим мен гапни қисқа қилиб.

– Қасам ичиб айтаман, билмайман, – жавоб берди Ўктам ака. – Бошида сизнинг масалангизни осонгина ҳал қиламан, деганди, кейин ишлар чўзилиб кетди. Энди бошқарма орқали нималар қилмоқчи, ростдан ҳам билмайман... Асқаржон, менинг юрагим тушди.

Мен тушунмадим:

– Бу нима дегани?

– Мен қўрққаним учун шундай бўлди. Ўзимни бир ўқитишим керак, бир оз даволаниб ҳам чиқаман. Шунинг учун тўрт-беш кун менинг ўрнимда бўлиб туринг, демоқчи эдим.

Ўктам аканинг бу гапидан кулгим қистади. Қандай жавоб беришни билмадим. Ўйлаб кўришимни айтиб, телефонни ўчирдим. Ишқилиб бу довдир ҳаммаси ҳақида отамга айтиб бермаса эди. Кейин кўринг ваҳимани!

Бегона жой – бегона-да! Алламаҳалгача ухлай олмадим. Шу топда уйимизни, қадрдонларимни соғиниб кетдим. Агтанг, кўнғироқ қилиб қўйишим керак эди уларга.

Мен кўзгуга қараб ўз қиёфамга кирдим. Кейин юзимга узоқ тикилдим. Шу аснода эртанги режаларни чамаладим. Нима қилай, ўзимнинг қиёфамда Саъди Турсуновнинг ортидан таъқиб қилганим маъқулмикан? Менимча, бу ҳамма ишларимни чиппакка чиқаради. Саъди Турсунов янада эҳтиёткорроқ бўлади. Бошқармадагиларга мени ичкарига киритмасликни илтимос қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шундай экан, шошилмай ҳаракат қилишим шарт...

Қачон ухлаб қолдим, билмайман, эрталаб эшик тақиллашидан уйғониб кетдим. Эшик кўзчасидан қарасам, ташқарида уй эгаси турибди. Сал бўлмаса, эшикни очиб юборардим. Ёдимга тушиб, Ўктам аканинг қиёфасига қайтиб, сўнг эшикни очдим. Уй эгаси нонушта кўтариб келибди. Хурсанд бўлдим. Унга энди тез-тез келиб туришим мумкинлигини айтдим. Соатга қарасам, ўндан ошибди.

Нонушта қилиб бўлгач, уй эгаси билан ҳисоблашдим-да, пастга тушдим. Турсунов аллақачон кетиб қолган бўлса керак. Таваккал қилиб, кеча у кириб кетган подъездга қадам қўйдим, аммо мен излаган уй қайси, билмайман. Иккинчи қаватга чиқдим. Ўнг томондаги чиройли эшикка кўзим тушиб, яна таваккал қилдим: кўнғироқ тугмасини босдим. Кўрай-чи, кимлар бор экан? Алдаб-сулдаб Турсунов ҳақида у-бу билиб оларман. Ҳозир қанча маълумот йиғсам, ўзимга шунча яхши!

Яна кўнғироқ тугмасини босдим. Эшик очилгач, мен ҳанг-манг бўлиб қолдим: остонада Жамила турарди.

7

Мен кўзларимга ишониб-ишонмасдим: наҳотки шу Жамила бўлса?! Зум ўтмай, мендаги ҳайрат ўрнини қаҳру ғазаб эгаллади. Жамила бу уйда нима қиляпти? Наҳотки, у...

– Жамила, нахотки?.. Сиз? – дея олдим, холос.

У қошларини чимириб, менга нописанд қараб турарди:

– Нима дейсиз, гапиринг, – деди кейин. – Саъди аканинг қоғози қолиб кетибдими? Нега анқаясиз, тавба?!

– Жамила, – овозим бўғилиб чиқди менинг, – сиз ҳали шу одам билан қочиб кетганмидингиз? Мени алдаб...

– А? – у яна менга нописанд қаради. – Қилғилиқни қилиб қўйиб, бу гапингиз нимаси яна?

– Мен сиздан жавоб кутяпман: ўзингиздан шунча ёш катта одамга тегдингизми ҳали?

Жамила тумтайиб эшикни ёпмоқчи бўлган эди, мен остонага оёқ қўйишга улгурдим. Уни ичкарига итариб юбориб, ўзим ҳам кирдим. Эшикни ортимдан ёпдим.

– Мен сизни қаерлардан излаганимни биласизми? – дедим аччиқланиб. – Юрагимни тилка-пора қилиб, мана шу аблаҳнинг маконидан паноҳ топганмидингиз? Сиздан сўраяпман.

Жамила чўчиб қолган эди. У орқасига тисарилиб, даҳлиздан катта хонага ўтди. Эшикни ичкаридан қулфлаб олди.

Мен бу ойнаванд эшикни оча олмай, ура бошладим. Ойнани синдиришга чоғланаётганимда ичкаридан Жамиланинг овози эшитилди:

– Саъди ака, тез етиб келинг. Тез!.. Уйга Ўктам ака бостириб кирди. Билмайман, билмайман... Мен залга қочиб, эшикни қулфлаб олдим... Қайси Ўктам ака бўларди, ўзингизнинг ходимингиз!.. Ҳа...

– Жамила, – дедим мен бақириб. – Эшикни очинг. Мен сизга ҳаммасини айтиб бераман, очинг! Мен Ўктам ака эмасман, Жамила...

– Йўқол! – бақирди Жамила. – Ҳозир эрим келсин, кўзингга кўрсатиб қўяди. Сен мени энгилтак, бузуқ деб ўйладингми? Дийдоринг курсин!

Мен жаҳл билан эшикка мушт туширар эканман, бақирдим:

— Жамила! Мени... мени Асқар юборди, Жамила! Эшикни очинг! Бўлмаса синдириб кираман.

Жамила йиғлаб юборди.

— Йўқол ҳамманг! — деди у нола қилиб. — Менга ҳеч ким керак эмас. Тинч қўйинглар! Мен ҳеч кимни эшитишним, кўришним истамайман.

— Нега тушунмайсиз? — яна тушунтирмақчи бўлдим мен. — Мени Асқар юборди, деяпман-ку! У сизни излаб юрибди, қидирмаган жойи қолмаган. Илтимос, у билан бир марта бўлсаям гаплашинг.

Бу гапга жавобан мен Жамиланинг йиғисини эшитдим. Эшикни очавермагач, ноилож ортимга қайтиб, уйдан чиқиб кетдим. Ўзимни ҳар қанча босишга уринмай, ич-этим ловуллаб ёнарди. Аламим бўғзимга тиқилиб, кўзёшларимни зўрға тийиб турардим.

Чўнтагимдаги телефон жиринглай бошлади. Олиб қарадим: Саъди Турсунов! Жавоб бермадим. Нима деб гапиришни, нима деб сўкишни, бақиршни ҳам билмасдим ҳозир.

Мен ўзимга келиб олишим керак. Акс ҳолда ҳозиргина Жамила билан юзма-юз бўлганим, ундан эшитган гапларимдан телбага айланишим ҳеч гап эмас.

У нима деди ўзи? "Қилғилиқни қилиб қўйиб..." дедими? Демак, бу, яна ҳаммаси Ўктам аканинг иши! Наҳотки, у шу қадар пасткашликка борган бўлса? Отам иккимиз Саъди Турсуновнинг хонасига кирганимиз ва унинг котиба билан қаймоқлашиб ўтиргани кўз олдимда гавдаланиб, устимдан бир пақир сув қуйилгандек бўлди. Худди ўша котиба қиз ўрнида Жамила ўтиргандек, юрагим гурс-гурс ура бошлади.

Аблаҳ Ўктам! Разил, палид! Қани эди у ҳозир рўпарамдан чиқиб қолса! Сира аямасдим.

Аммо гап фақат Ўктам акада эмас-ку! Нега Жамила Саъди Турсуновга тегишга рози бўлган? Унинг амалига, бойлигига учганми? Ҳа, айнан шундай! Мансаб, пуллар унинг кўзини кўр қилган. Мен хизматни тугатиб келгунча ҳам чидай олмаган. Жамила мени, муҳаббатимизни, аҳд-паймонимизни Турсуновнинг мансабига, ҳаром пулларига алмашган! Тўғри-да, оддий кишининг ўғлини бошига урармиди у? Фақат... фақат нима учун оилали, бола-чақали кишига тегишга рози бўлган? Наҳотки, зўрнинг зарига учиб, иккинчи хотин бўлишга кўнган у?

Мен йўлакча бўйлаб тентирар эканман, аҳволим ҳаминқадар, шекилли, битта-иккита йўловчи ҳайрон бўлиб қарар эди. Нақадар бахтиёрсизлар, — дегим келди уларга, — бошингиз ташвишдан холи, изтиробларга чўммайсиз! Ўй-хаёлингиз фақат кундалик ишлар билан банд. Мен эса илк муҳаббати топталган бир аламзадаман. Алданган юрагимга қил ҳам сизмайди. Бир пайтлар жонимдан ортиқ кўрган инсоним менга етти ёт бегона. У мени эмас, ўзгани кутади, мендан эмас, ўзга инсондан ёрдам, мадад кутади...

Орқа томондан машина тормозининг гийқиллаган товуши эшитилди. Мен ўгирилиб қарадим ва узоқда тўхтаган таниш "Нексия"дан Саъди Турсуновнинг шоша-пиша тушгани ва подъездга кириб кетганини кўрдим.

Жамила унга ўзини ташлаб, хўнг-хўнг йиғласа керак. У Ўктам ака ҳақида-ку айтар, аммо мен ҳақимда ҳам гапирармикан? Гапирганида, Ўктамингизни Асқар юборганмиш, ўшани бир бало қилинг, дермикан?

Яна чўнтагимдаги телефон жиринглай бошлади. Биламан, Турсунов кўнғироқ қиляпти. Нима қилсам экан? Агар ҳозир жавоб бермасам, вазият баттар чигаллашиши мумкин. Начора, Турсунов билан гаплашишга тўғри келади.

Панароққа ўтдим.

— Ассалому алайкум, — дедим кўнғироқларни қабул қилиш тугмачасини босгач. — Яхшимисиз, Саъди Мардиевич? Яхши дам олдингизми?

— Ҳой, одам, нималар бўляпти ўзи?

— Йўлга чиқдингизми, Саъди ака? Сизни интизор бўлиб кутяпмиз.

— Гапни айланторманг, ҳозир қаердасиз?

— Ишхонага кетяпман, Саъди ака! Узр, боя телефонингизга жавоб беролмадим. Ошда эдик. Мана, мен, Мерган, Мансур ака, ҳаммамиз биргамиз, энди ишга кетяпмиз.

— Нималар деяпсиз? Қанақа ош?

— Гофир ака қизини чиқаряпти, шунга илтимос қилувди. Сизгаям айтган экан, чоғи?

Саъди Турсунов бир оз жим туриб, сўнг тўнғиллади:

— Кимлар биланман, дедингиз?

— А?.. Ҳа, мана, Мансур ака, Мерган... Берайми телефонни?

Турсунов яна хиёл сукут сақлади-да, мулойимроқ овозда жавоб берди:

— Ҳм, шарт эмас... Бўпти, бориб қоларман. Бирор гап бўлса, телефон қилинг.

Саъди Турсунов телефонини ўчирган бўлса-да, тинч ўтирмаса керак. Балки ишхонага кўнғироқ қилиб, котиба орқали менинг... йўқ, Ўктам аканинг қаердалигини суриштирар?

Мен Жамилани хаёлимдан кува олмаяпман. Унинг хумор кўзлари кўз олдимдан лип-лип ўтяпти. Йиғлаганлари қулоқларим остидан кетмаяпти. Назаримда Жамилани қандайдир ҳийлалар йўли билан чув туширишган ёки дўқ-пўписа қилиб, Турсуновга муте бўлишга мажбурлашган. Майли, бу — Жамиланинг қарори! У шу ҳаётни танлаб бўлди. Энди сўраб-суриштирганим билан фойдаси йўқ.

Шундай дейману барибир менга алам қилади. Наҳотки,

бу дунёда Турсуновга ўхшаган худбинлар, манфаатпарастлар голиб бўлаверади? Бировларнинг ҳаётини барбод қилиб, тантана нашидасини сураверади?..

Мен ўйлаб-ўйлаб, уйга қайтишга аҳд қилдим.

Автобус ойнасидан ташқарига тикилиб кетар эканман, ҳарчанд уринмай, Жамила билан ўтган кунларим, ҳис-туйғуларга, муҳаббатга лиммо-лим хотираларимдан халос бўла олмасдим. Яхшилаб ўйлаб қарасам, ҳаммасига сабабчи ўзимман. Жамилани ишхонамизга мен бошлаб келганман. Кўз олдимда юради, деб ўйлаганман-да!

Кўча-кўйдаги ишларимдан холи вақтларда уни бир нафас ҳам кўздан қочирмасдим. Ёдимда, бир гал Жамилани Мергандан рашк қилиб, у билан жиққа мушт бўлган эдим. Ҳатто, кўй оғзидан чўп олмаган Олим ҳам Жамилани зимдан кузатаётганга ўхшаб туюларди менга.

Жамилани тинмай сўроққа тутардим:

– Яна бир марта айтинг, менга хиёнат қилмайсизми?

У кулимсираб, уҳ тортарди:

– Йўқ! Йўқ!.. Сиздай йигитга хиёнат қилиб бўларканми, Асқар?!

– Жамила, мен... яқинда ҳарбий хизматга кетиб қолишим мумкин.

Жамила мени калака қилган кўйи, бошини қийшайтириб қарар эди:

– Яқинда деганингизга ҳам икки ой бўлди. Яна ўн ой кутсак, ҳарбий хизматингиз ҳам тугайди.

– Жамила, мен сизни анови Олимдан ҳам рашк қиламан.

– Нима?! – Жамила ўзини тўхтата олмай, бор овозда кулиб юборади: – Олимдан? Вуй, гапингизни қаранг! Олим умуман унақа бола эмас. Келиб-келиб, мени дўстингиздан ҳам рашк қиласизми, тавба?

– Олим дўстим эмас!

– Қўйинг, шу гапларни! Биз сиз билан аҳд-паймон қилдик. Худо хоҳласа, бир умр бирга бўламиз...

Олим ичидагиларни сиғдира олмай, Чаман ҳақида менга айтганидан кейингина хотиржам тортганман. Ажабо, ўшанда Жамилани ўз тенгқурларимдан қизганган эканману ёши катта кишилар номардлик қилиши, бир навниҳол қизни ўз қармоғига илинтириб, орқамдан пичоқ уриши мумкинлиги етти ухлаб тушимга кирмаган экан...

Мен автобус тўхтаб, йўловчилар бирин-кетин туша бошлагач, ўзимга келдим.

Ўз қиёфамга қайтиб, уйга кириб борганимда жиянларим ҳовлида ўйнаб юришар, онам эса чорпояда кўрпа қавиб ўтирарди. Салом бердим. Онам мен билан кучоқлашиб кўришар экан, ўпкаланиб гапирди:

– Қаерларда юрибсан, болам? Кўзларим тўрт бўлди.

– Бир кунга шунчами? – дедим мен кулиб. – Отам қани? Акаларим...

– Отанг чиқиб кетувди, билмасам, – кўрпа қавишда давом этди онам. – Акаларинг ишда.

– Ишқилиб, ҳамма ёқ тинчми?

Онам ишидан тўхтаб, менга хавотирли нигоҳини қадади:

– Тинч-тинч... Ё бирор гап бўлдими?

– Ҳеч гап йўқ, ойижон. Сўраб ҳам бўлмайдим-я!

– Вой, ўтиришимни қара! Ҳозир дастурхон ёзаман.

– Овора бўлманг, қорним тўқ, – дедим мен. – Ойи, сизга бир гапни айтишим керак.

Онам яна ҳадик тўла кўзлари билан менга боқди.

– Ойи, мен уни кўрдим. У шаҳарда экан, ўша ёққа кетган экан.

Онам ишини бир чеккага суриб, менга яқинроқ сурилди:

– Кимни айтяпсан, Асқаржон?

– Жамилани, ойи! – дедим лабларим титраб. – Тоғамларнинг қўшниси...

– Ҳм-м, – онам ҳафсаласи пир бўлгандек хўрсиниб қўйди:
– Мен, кимни айтяпсан экан, дебман. Ҳали шуни излаб кетувдингми, болам? Отанга ўхшаб, бир ишнинг тагига етмасанг қўймайсан-а?! Қўй, шу гапларни!

– У ўзидан анча катта одамга турмушга чиқибди, ойи. Майли, бахтли бўлсин, бироқ мени алдаб кетгани алам қиляпти-да! Мен ҳам уни бахтли қилардим-ку!

Онам кўрпа қавишда давом этар экан, маслаҳатомуз тарзда сўзлай кетди:

– Ўғил бола дегани мағрур бўлади, бошини кўтариб юради, болам. Нима, қиз боланинг уруғи қуриб қоптими? Сенга ана-мана деганлар тегади, билсанг. У энди бировнинг хасми! Уни ўз ҳолига қўйгин, Асқаржон! Беҳудага гингшима, дод-фарёд чекканинг билан фойдаси йўқ. Қайтага яхши бўлибди, болам. Сени бир йилгина кута олмаган қиздан келгусида вафоли, садоқатли хотин чиқармиди? Йўқ, чиқмасди.

– Барибир... – мен шундай деб, Жамилани кўз ўнгимдан кеткизолмай, эгилган бошимни қўлларим орасига олдим.

Агар ҳозир отам бўлганида менга бақириб берган бўларди, онам эса яна қўлидаги юмушини йиғиштириб, сочларимни узоқ силади. Мен кўзларимни юмиб, қайноқ қўллар тафтини ҳис қилган сайин ўпкам тўлиб борарди.

Шу зайлда қанча ўтирдим, билмайман, онамнинг шивирлаган товушидан ўзимга келдим.

– Асқаржон, телефонинг жиринглаяпти, – деди онам.

Мен чорпоядан тушиб, ҳовлининг бир чеккасига ўтдим ва чўнтагимдаги телефонни олдим.

– Алло, Ўктам ака, қаёқларда юрибсиз? – деган овоз келди телефондан. Бу котибанинг товуши эди.

– Ҳа... ҳа, эшитаман, – дедим эс-хушимни йиғиштириб.

– Қаёқларда юрибсиз, деяпман. Саъди ака кўнғироқ қилиб, сизни юз марта сўради.

– Саъди аками?.. Ҳа... Мен... мен участкаларда юрибман, иш билан. Яздон ака юборди-ку! Сизга айтмадимми?

– Яздон ака? У бу ерда йўқ-ку!.. Саъди ака бир-икки соатда келиб қоларкан. Ишхонада бўлинг экан.

Мен телефонда гаплашиб бўлгач, онамга ишхонага боришим кераклигини айтдим. Онам ҳайрон бўлди. "Билмадим, чақирришяпти, фақат хавотирланманг, отам ҳам билмасин", – деб кўйдим.

Орадан ярим соат ўтгач, мен яна Ўктам ака қиёфасида унинг хонасида ўтирар эдим. Стол устидаги қоғозларни титкилаб, кўз югуртирдим. Ҳеч нимани тушунмадим. Отам берган тилхат шу хонада бўлса керак, деб ҳамма жойни қараб чиқдим, йўқ!

Уйланиб қолдим: Саъди Турсуновнинг кирдикорларини очгунимча Ўктам аканинг қиёфасида бўлганим маъқулмикан?

Эшик тақиллаб, хонага мен анчадан буён кўрмаган Мансур ота кириб келди. У киши билан кучоқлашиб кўришдим.

– Яхшимисан, Ўктам? – деб сўрашди Мансур ота, унинг қиёфаси тунд эди. – Қаёқларда юрибсан? Кеча келгандим, йўқ экансан?

– Шаҳарга кетгандим, Мансур ака, – дедим мен. – Саъди Турсунов билан бирга эдик.

– Шунақа дегин? – юзимга тикилиб қаради Мансур ота. Мен ундан кўзларимни олиб қочиб, сўрадим:

– Ўзингиз кўринмайсиз?

– Турсунов иккаланг аллақайларга юбординг-ку мени! Сирларинг очилиб қолишидан қўрқасан-да, а?

– Қанақа сир?

Мансур ота эшикка қараб олди-да, мен томонга хиёл энгашиб деди:

— Сен эсинг борида этагингни ёп, Ўқтам. Бу одамдан ҳар балони кутса бўлади. Эртага сени бир фалокатга йўлиқтириб...

— Яна бошладингизми, Мансур ака, — дедим мен. — Кўйинг, шу гапларни!.. Сиз, яхшиси, менга ўша тепаликдаги тилсим ҳақида гапириб беринг. Нега ўшанда тихирлик қилдингиз, болаларни бу жойга кўммаслик керак, дедингиз?

Мансур ота чуқур уф тортиб, бир сўз демади. Мен азбаройи кизиққанам боис, унинг оғзини пойлаб турардим. Ўртамиздаги сукут анчагача чўзилди.

— Ўша тепаликда бир нечта каллалар кўмилган, — деди Мансур ота, ниҳоят тилга кириб, мени кўрқитиб қўяр экан. — Билмадим, қайси асрда бўлганийкин. Ишқилиб ўша замоннинг бир закийси қиёфа илми билан шуғулланган экан. У кўплаб шогирдлар етиштирган.

— Қиёфа илми?

— Ҳа... Одамларнинг юз тузилишини ўрганиб, изланиш олиб боришган. Аста-секин ўша закий фаолиятини кенгайтирган. Кейин эса бу илмни ўрганиб олган шогирдларидан бири устозини ва ўзига қарши чиққан сафдошларини ўлдириб, ишни ўз қўлига олган. У тарафдорлари ҳамроҳлигида қиёфа илмини афсунгарлик билан уйғунлаштирган. Бу илмга ҳаром-ҳариш ҳам аралашган. Шогирд қурмағур шериклари билан бошқа одамларнинг жонига қасд қилиб, бошқаларнинг қиёфасига кириб, бойлик йиғишга ружу қўйганлар.

— Қандай... тушунмадим, бошқаларнинг қиёфасига кириб? — сўрадим мен зўрға ютиниб.

— Энди бу бир ривоят, — деди Мансур ота. — Аммо, унутма, ҳар қандай ривоятнинг замирида заррача бўлсаям ҳақиқат бўлади.

— Хўш, кейин нима бўлган?

— Кейинми, кейин уларнинг сири фош бўлган. Барибир

зўрдан зўр чиқади-да! Музофот ҳокими дунёнинг донғи кетган донишмандини олиб келиб, қиёфа ўғриларининг сирини фош қилган. Ҳоким фармон чиқариб, ўша шогирдни ва ҳамтовоқларини қатл эттирган. Таналарини қаерга кўмишгани ҳақида ҳеч ким билмайди, бироқ уларнинг калласи ўша тепаликда кўмилган, деб деган гап оғиздан-оғизга кўчиб келган. Сабаби, ўша баттоллар шу тепаликни кўнимгоҳ қилиб олишган экан. Афтидан, ҳоким уларнинг танаси билан калласини бир жойга кўmmasликни яна бир жазо қилиб белгилаган.

— Демак, ўша тепалик қабристон экан-да? — дедим мен зўрға нафас олиб.

— Қабристон эмас, Калламозор дейишади, эшитмаганмисан? Бу гапни эшитиб, янада қўрқиб кетдим.

— Ўша куни ўлган Олим бор-ку, — деди Мансур ота, сўнг гапининг давомини худди атайин чўзгандек жим бўлиб қолди.

— Хўш, нима? — сўрадим сабрим чидамай.

— Олим ана ўшаларнинг авлодидан деб эшитганман.

Мен бу гапни эшитиб, ўрнимдан туриб кетдим. Оёқларимга титроқ кирди.

— Қанақасига... авлоди?

Мансур ака мени бир оз хотиржам қилди:

— Ёмонларнинг эмас, яхшиларнинг, яъни ўлдирилган устозининг авлоди! Менга бу ҳақда, э-ҳе, бир пайтлар бобом айтиб берган эди. Олимнинг катта бобоси билан менинг бобом билан яқин ўртоқ бўлишган-да!

Мен жойимга ўтириб, ўзимни тутиб олган бўлсам-да, ҳаяжоним босилмасди. Қаршимда ўтирган Мансур отага бошимдан ўтказган саргузаштларнинг ҳаммасини айтиб бергим келди. Мен ҳам бошқалар қиёфасига кира олишим, Уктам ака эмаслигим, Асқарлигим, Саъди Турсуновнинг

хурмача қилиқлари борасида бари-барини баён қилишга тайёр эдим ҳозир. Ҳатто, Ўктам аканинг қиёфасига кирганим учун мингдан-минг пушаймон эдим. Ўзимни гуноҳкор ҳисоблай бошладим, аммо...

Яхшилаб ўйлаб кўрсам, агар қиёфа ўғриси бўлмаганимда Саъди Турсуновлару Ўктам акалар бу ердан аллақачон менинг ковушимни тўғрилаб, панжара ортига тикиб қўйишарди. Улар — туҳмату балолардан тоймайдиган, ўз манфаати йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмайдиган инсонлар, ўзгалар тақдири бу одамларни заррача қизиқтирмайди.

Мен эҳтиёткор бўлишим керак. Аслида Турсуновга қарши отланиб, нотўғри қилмаяпманмикан? Мабодо эртага, дейлик, у сирларимдан воқиф бўлса, бутун дунёга жар солмасмикан? Мени афсунгар, лўттибозга чиқариб, яна бир балога йўлиқтирмасмикан? Ўшанда Олим тушимга киргани, айнан у ўзгалар қиёфасига киришим мумкинлигини айтганини кимга, қандай қилиб исботлай оламан мен.

— Нега жимиб қолдинг? — сўради Мансур ота.

Мен Мансур отанинг ажин босган юзига тикилдим. Ҳозиргина хаёлимдан ўтказган гапларни унга айтиш-айтмаслик борасида ўйладим. Нима бўлганда ҳам менга бир маслаҳатгўй, ҳамфикр киши керак эди.

— Агар Асқарнинг ўрнида сиз бўлганингизда нима қилардингиз, Мансур ака? — дея савол билан мурожаат этдим унга.

Мансур ота ҳайратини яширмади:

— Қайси Асқарнинг? Унга нима қилибди?

Мен нима дейишни билмай қолдим. Чайналиб жавоб бердим:

— Асқарни... ўша тепаликка кўмганимизни айтаман-да! У билан ҳеч нима бўлмайдами? Ахир, "бу ерга кўmmasлик керак эди", деб бекорга айтмадингиз-ку!

— Биласанми, Хидир менга нима деди? Мен, деди у, ўзим билан ўзим гаплашдим, деди. Хидирнинг ўзи унча сиқилмасаям бу гапни эшитиб, мен ўйланиб қолдим. Шу... Асқарнинг иши эмасмикан?

Мансур аканинг бу гапларидан сўнг энди мени ҳаяжон эмас, кўрқув босиб кела бошлади. Жаҳлим ҳам чиқди. Мен туппа-тузук одам деб юрган Мансур ота қандайдир ғаламис, гўнг титкилайдиган товуққа ўхшаб кўриниб кетди кўзимга.

— Асқарда қасдингиз борми, дейман, Мансур ака? — дея кулимсирадим, бу кулимсираш асносидаги саволим киноя оҳангида чиқди.

— Мен сени тушунолмаёйман, — деди Мансур ота. — Сен Асқарнинг тарафини оляпсанми? Уни кўрарга кўзинг йўқ эди-ку?!

— Сўраганнинг айби йўқ, — бу гапим ҳам истехзоли чиқди.

— Балки сен Ўктам эмас, Асқардирсан? — деди мени донг қолдириб Мансур ота. — Билиб бўларканми?!

— Бу нима деганингиз? — юзимга чинакам ҳайрат ифодасини беришга ҳаракат қилдим мен. — Сиз ўзингизнинг чўпчакларингизга ишониб, мени ғирт бегонага чиқариб кўясиз, шекилли?

Мансур ота кулиб юборди:

— Мен ҳазиллашдим, Ўктам. Кўрқиб кетдинг-а?!. Менинг Асқарда қасдим йўқ. Фақат... фақат Олимнинг қабрини бирор марта хабар олмагани ўйлантиради. Биласан, қабристон шундоқ ёнгинамизда. Қоровулдан неча марта сўрадим, Асқар келгани йўқ, деди. Нима бўлганда ҳам сен эҳтиёт бўл, Ўктам. Сенга ёмонлик қиладиган биринчи одам Турсунов бўлса, иккинчиси ана шу Асқар бўлади.

— Мен яна ўйга чўмдим. Мансур отанинг гаплари рост: нега шу чоққача Олимнинг қабрига бормадим? Унинг руҳи тинч бўлишини тилаб, дуога қўл очмадим? Наҳотки, Олим паққос ёдимдан кўтарилган бўлса?

— Юринг, ҳозир борамиз, Олимнинг қабрига, — дедим мен Ўктам ака эканлигимни унутиб.

Мансур ота менга ғалати қараш қилиб қўйди. Шу топда, аксига олиб, мен хатоимни тузатиш учун сўз тополмай қолдим. Мансур ота ўрнидан кўзгалди. Мен уни эшиккача кузатиб қўйдим. Кўнглимни яна хавотир чулғаб олди.

Бу одам донишманд, бу одам маккор, бу одам сени саволларга кўмиб, кўп масалаларга ойдинлик киритади. Наҳотки, у мен қўл ураётган ишлар ҳақида билган бўлса? Йўқ, мумкин эмас! Аммо бу ҳақда билмаган тақдирда ҳам шуни чамалагану мени қитмир саволларга дучор қилиб, ҳақиқатнинг тагига етмоқчи.

Мансур ота Ўктам аканинг олдидан келаётган бўлса-я!

Мен бу ўйдан шунчалик кўрқиб кетдимки, ҳолсизланиб ўтириб қолдим.

Ўктам ака иккаласи ишни пишитиб, мени тузоққа туширишни ўйлаган бўлишса-я?! Ахир, нима бўлганда ҳам Мансур ота унинг қариндоши-ку! Агар шундай бўлса, мен тезда гойиб бўлишим керак. Шаҳарга ё бошқа жойга кетиб, буларнинг кўзига кўринмаслигим шарт.

Хаёлимдаги ўй-хаёлларни яна ўзим инкор этдим: агар Мансур ота Ўктам аканинг қиёфасига кирганимни билганида нима учун Калламозор ҳақида гапириб берди? Кўзингни оч, нималар қилиб юрганинг бизга маълум, демоқчи бўлдимики?

Нима қилиш керак? Эҳтимол, мен мутлақо бошқа одам қиёфасига кириб, жимгина юрганим маъқулдир? Ҳозирча мана шу йўл тузукка ўхшайди. Балки отамга ҳаммаси ҳақида сўзлаб бериб, у киши билан маслаҳатлашганим тўғридир? Йўқ, яхшиси, Олим билан гаплашиб кўраман, бироқ қандай қилиб? У авваллари кўзгуда...

Хонадаги телефон жиринглаб, мен сапчиб тушдим.

Гўшакни кўтаришга ботина олмадим. Худдики, телефонга ҳам тузоқ қўйилгандек. Аксига олиб, у тўхтовсиз жиринглайверди. Барибир гўшакни олмадим. Ниҳоят, телефон товуши тинди.

Мен тезроқ хонадан чиқиб кетишим керак. Бу ишхонада қорамни ҳам кўрсатмайман. Бошқа одамнинг эмас, ўз қиёфамга қайтиб, Ўктам акани топаман! Уни кўрқитиб, Мансур ака билан боғлиқ гапларни билиб олсам бўлади.

Чўнтагимдаги телефон жиринглай бошлади. Айни дамда менинг қаердан кўнғироқ қилинаётганини билишга ҳам журъатим етмасди.

Мен тезда чиқиб кетаман ва ишхонадан узоқлашгач, ўзимнинг қиёфамга кираман. Йўқ, яхшиси, мана шу хонанинг ўзида қиёфамга қайтаман, чунки ростдан ҳам тузоқ қўйилган бўлса, мени Ўктам аканинг сиймосида тутиб олишади. Кейин Ўктам акага рўбарў қиладилар. Шундан сўнг асл қиёфамга кира оламанми-йўқми, номаълум.

Кўлимга ойна олиб, энди тикилган ҳам эдимки, эшик шахд билан очилиб, котиба кириб келди:

— Ҳой, қанақа одамсиз, Ўктам ака? Кармисиз, нима бало? Нега телефонни олмайсиз? Тез юринг, Саъди ака чақиряпти.

— Ҳозир... ҳозир, — дедим мен кутилмаган ташрифдан баттар капалагим учиб. — Сиз бораверинг...

— Йўқ, тез олдимга тушинг.

Мен ноилож Саъди Турсуновнинг хонасига кириб бордим. Қовоғи уюлган Турсуновнинг ёнида Мансур ота ўтирар эди.

8

Мен ўзимни тамомила йўқотиб қўйган эдим. Мансур ота ҳамма гапни Турсуновга айтиб берган, деган ўй хаёлимдан ўтди. Ҳаяжонимни ҳарчанд яширишга уринмай, барибир сездириб қўйдим: оёқларимга титроқ кириб, нафасим чиқмай қолди гўё!

– Ҳа, нега бақрайиб қолдинг? – деди мендан кўзини узмай Саъди Турсунов. – Ўтир!

Турсунов кўрсатган жойга ўтирдим – Мансур отанинг рўпарасидан жой олдим.

– Хўш, яхшилиқча ўзинг ҳаммасини тан оласанми? – давом этди Турсунов менга голибона қараб.

Мен пешанамдан жиққа тер чиқиб кетганини ҳис этдим. Айни дамда мен кимнинг қиёфасида эканлигимни ҳам унутаёзган эдим. Мансур отага нигоҳ ташладим. У ҳам Турсунов каби мени синовчан кузатиб ўтирар эди.

– Нимани тан олишим керак? – дедим зўрға.

– Нимани бўларди, бошқаларнинг қиёфасига кириб юришингни-да! – Турсуновдан аввал жавоб берди Мансур ота. – Ёки бизни бир лақма, ҳеч вақонинг фаҳмига етмайди, деб ўйладингми? Йўқ, биз сен ўйлагандек гўл эмасмиз, билиб кўй!

Мен ҳеч нима демадим. Тезроқ бир қарорга келишим керак. Бу икки инсон олдида шалвирамаслигим, шартта-шартта гапириб ташлашим ёки тура солиб қочишим керак. Назаримда, иккинчи чора маъқулга ўхшайди. Фақат мановилар эшиклар ортида пистирма қўймаган бўлишса бўлгани!

– Гапир, нега индамайсан? – дўқ урди Саъди Турсунов.

Мен яна ролга кирдим:

– Саъди ака, мен тушунмаяпман, нималар бўляпти? Мени нега чақирдингиз? Шунча йил бу ишхонада ишлаб, тер тўкиб...

– Ўчир овозингни! – столга тапиллатиб урди Саъди Турсунов. – Сен аввал жавоб бер, нима учун менинг шаҳардаги уйимга бостириб бординг, нега хотинимни кўрқитдинг?

– Нима?! Қанақа уйингиз, қанақа хотинингиз?

Саъди Турсунов менга шунчалик ўқрайиб қарадики, оғир нигоҳига дош беролмай, кўзларимни олиб қочишга мажбур бўлдим. Ҳа, қочмасам бўлмайди, шекилли. Эшикка зимдан қараб қўйиб, ўрнимдан туришга чоғланар эканман, Саъди Турсуновнинг буйруғи диққатимни бўлди.

– Айт, тез кирсин! – деди у гўшак орқали.

Яна юрагим така-пука бўлди. Кимни айтяпти экан? Секин ўрнимдан турдим. Мансур ота ҳам тезда ўрнимдан кўзғалиб, олдимга келди-да, йўлимни тўсди.

Эшик очилиб, хонага Жамила кириб келди. Унинг йиғидан қовоқлари шишиб кетган эди. Мен бўшашиб қолдим.

Жамила рўпарамга келиб, менга қаҳрли кўзларини қадади:

– Сиз бугун мени кўрмадингизми? Уйимизга бостириб кирмадингизми? Мени Асқар юборди, деган ким? Гапиринг! Нега ҳаётимга аралашасиз, Ўктам ака?

– Тўхта, ўзингни бос! – деди Турсунов Жамилага. – Бу барибир тан олмайди. Сабабини биласанми? Билмайсан! Чунки бу Ўктам эмас! Бу – Асқар! Ҳа, Асқар!

Бу гапни эшитган Жамила чўчиб тушди-да, орқасига тисарилди.

– Асқар? Қанақа Асқар? – деди у Турсуновга ҳадик тўла кўзлари билан қараб олиб.

– Сен билган Асқар! – жавоб берди Турсунов. – Бу Ўктамнинг қиёфасига кириб олиб, билганини қилиб юрибди. Ҳали бу қилиғи учун жавоб беради. Сенга неча марта айтганман, бу бола кўп ёмонликлар қилади, узоқроқ юр, деб. Сен ишонмаган эдинг! Мана энди ўзинг гувоҳи бўлиб турибсан. Бу аблаҳ марҳум аввало Олимнинг қиёфасига кириб, Шамсиддинни, Мерганларнинг уйларига ҳам бостириб кирган, уларни, "мен – Олимман", деб кўрқитган. Тағин ким билсин, нима балолар қилган экан! Шунча

қилиғи етмагандек, қуй оғзидан чўп олмаган Ўктамни ҳам кўрқитиб, унинг қиёфасини ўғирлаган.

Жамила бош чайқали:

– Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас!

Турсунов столни айланиб ўтиб, менга яқинлашди:

– Гапларим тўғрими, Асқар? Ёки исботлаб ҳам берайми?

Мен яна эшикка қараб қўйдим.

– Қочишни ўйлама, бола! – деди оғзидан тупук сачратиб Саъди Турсунов. – Фойдаси йўқ. Энди бу ердан ҳеч қаяққа қочиб қутулмайсан! Қабулхонага чиқиб қара-чи, сени нечта одам кутиб турибди экан.

– Асқар, биз сени узоқ пойладик, – деди Мансур ота билагимдан маҳкам ушлаб. – Мана, ниҳоят найрангларинг фош бўладиган фурсат ҳам келди.

– Қўйиб юборинг, – дедим мен жон ҳолатда. – Мен тушунмаяпман, нималар бўляпти! Бу гаплар етти ухлаб ҳам тушимга кирмаган! Ахир, мен Ўктамман! Туппа-тузук одам аллакимларга ўхшатишга уялмайсизларми?..

– Мен... мен жинни бўлиб қоламан ҳозир, – бошини чангаллади Жамила. – Бу киши Асқар бўлиши мумкин эмас.

– Ҳа, худди шундай, – дедим мен хиёл жонланиб. – Мен – Ўктамман! Кўриб турибсизлар-ку, ахир?! Сизларни қандай ишонтирай?

Хона эшиги очилиб, аввал Шамсиддин, Мерган, сўнг.. Ўктам ака кириб келишди. Мен тамомила бўшашиб, курсига ўтириб қолдим.

Ўктам ака оғир қадамлар ташлаб, ёнимга яқинлашди-да, бирдан ёқамга ёпишди:

– Ўктамман, дейсанми?.. Сен Ўктам бўлсанг, унда мен кимман, аблаҳ?

Унга қаршилиқ кўрсатмоқчи эдим, кучим етмади. Сабаби, Мансур ота ҳали-ҳануз мени қўйиб юбормаган, энди икки билагимдан ҳам ушлаб олган эди.

– Кўйворинглар! – дедим мен бақириб.

– Нима қиляпсизлар? – додлади Жамила ҳам.

– Маҳкам ушланглар буни! – деб бужурди Саъди Турсунов Уктам ака билан Мансур отага. Сўнг бурнини нақ бурнимга теккизгудек қилиб менга шундай деди: – Агар сен ўзингнинг қиёфангга қайтсанг, кўйиб юборамиз. Мен сенга ваъда бераман!

– Мен сизга ишонмайман, – дедим ўкириб. – Сиз ҳаммани алдаб, кейин билганингизни қиласиз!

Шамсиддин менга нописанд гапирди:

– Ўв, кўп гапирма, бўл! Барибир бошқа чоранг қолмади сенинг!

Мен узоқ сукут сақладим. Сўнг ҳаммага бир-бир қараб олдим. Охирида Жамилага илтижоли нигоҳ ташладим:

– Жамила, энди ҳаммасига иқрор бўлишимга тўғри келади. Буларнинг гапи рост, мен Ўктам ака эмасман, мен – Асқарман! Ўша куни ростдан ҳам мен борган эдим олдингизга!

Жамила кулоқларига ишонмай, кўзларини катта очганча менга тикилиб қаради. Унинг кўз қорачиқларида улкан ҳайрат акс этган эди. Зум ўтмай бу кўзлардаги ҳайрат кучли нафрат билан алмашди. У секин-аста менга яқинлаша бошлади. Хонадагиларнинг ҳаммаси қотиб қолган, ҳозир нимадир рўй берадигандек мум тишлаганча Жамила иккимизни кузатишарди.

Мен Ўктам ака ва Мансур отанинг чангалида типирчилаб, беихтиёр орқага тисарилдим. Шу топда қаршимдаги Жамила бир вақтлардаги севгилим эмас, балки мутлақо бошқа инсондек туюлиб кетди. Гўё мен бу гўзални сира танимайман, гўё у ҳаётимдан буткул ўчиб кетгандек!

– Сен, аҳмоқ Асқарга ишониб юргансан, – деди Саъди Турсунов Жамилага истеҳзоли қараб. – Ниҳоят, бунинг

товламачилигига ишонч ҳосил қилгандирсан? Агар вақтида сени халос этмаганимда Асқар бир умрга ҳаётингни барбод этган бўларди.

Кутилмаганда Жамила Турсуновга ташланиб қолди. Турсунов ундан бу ҳаракатни кутмагани учун юлинган юзини ёпганча додлаб юборди.

– Менинг ҳаётимни сен барбод қилдинг! – деб бақирди Жамила. – Сен! Сен!.. Ёшгина умримни сен хазон қилдинг, малъун! Агар менга тегмасанг, отанг ўлиб кетади, деганинг ёдингдан чиқдимми? Гапир, даъюс!

Жамила уввос солиб йиғлаганча Турсуновга ташланишни қўймас эди. Ўктам ака мени қўйиб юборди-да, уларни ажратишга тушди. Мен Мансур отанинг қўлини силтаб ташлаб, Жамила сари талпиндим. Унинг иссиқ тафтини ҳис этиб, юрагим гупуриб кетди. Жамила менга қараркан, енгил сесканиб қўйди.

– Қўрқманг, Жамила, мен – Асқарман, – дедим унга. – Бу ердан тезроқ қочиб кетишимиз керак, ҳаётимизни бошидан бошлаймиз.

Бирдан Саъди Турсуновга кўзим тушди. У Ўктам акага қандайдир имо қилган эди.

– Жамила, Асқар бу эмас, менман, – деди кутилмаганда Ўктам ака ўртамизга тиқилиб. – Мен сизни бу ердан олиб кетаман, сиз билан мен узоқ-узоқларга кетамиз.

Бу гапдан жиғибийроним чиқди. Ўктам акани силтаб юбормоқчи эдим, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Бошимга оғриқ кирди. Бир пайтлар, мактабни битириш чоғида шундай бўлган – Ҳаким синфдошимизнинг уйига ҳашарга борганимизда иссиқ туфайли лоҳасликдан онг-шуурум хиралашиб қолган эди.

“Эҳтимол, Ўктам аканинг қиёфаси менга оғирлик қилаётгандир?” – деб ўйладим мен карахт аҳволда.

Кўзларимни оча олмас, нималар кечаётганини била олмасдим. Аксига олиб, атроф нечукдир жимжит бўлиб қолган, ҳеч кимнинг овози эшитилмас эди.

Қанча вақт ўтди, билмайман, бошимдаги оғриқ йўқолиб, секин кўзларимни очдим, менга ҳайрон бўлиб қараб турган Мансур отага нигоҳим қадалди.

– Ҳа, нима бўлди? – сўради у. – Мазанг қочдимми? Гапларим...

Мансур ота сўзини тугатмасдан туриб, хона эшиги шаҳд билан очилди-да, Саъди Турсунов кириб келди.

– Ҳа, нима қилипсишлар? – деди у жойида тўхтаб. – Ўқтам, олдимга киринг, гап бор, – шундай деди-ю хонадан қайтиб чиқди.

Аъзои баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Ўзимга келгандек бўлдим. Демак, ҳозиргина ўзим гувоҳи бўлганим... хаёлимда рўй берган экан! Нақадар қўрқинчли кечинма! Бунақада ўзимни ўзим хароб қилиб қўйишим мумкин. Ўзгалар қиёфасига кириш менга қимматга тушади, шекилли! Минг бир хавотир, қўрқув, ҳадик-ҳаяжон ичида юриш бир кун эмас бир кун ўзимга тушов бўладиганга ўхшайди.

Ҳаммаси яхши эди-ку! Рисоладагидек кетаётган эди. Менимча, саркаш хаёлларга берилишимга фақат Жамила сабабчи! Йўқ, у эмас, менинг, ўзимнинг Жамилани ҳадеб ўйлаганларим, дардим янгилангани сабаб бунга! Уни қанча миямдан қувиб чиқармай, аксинча Саъди Турсуновдек кишига банди бўлиб яшаётгани, шунга маҳкумлиги ўй-хаёлимдан кетмаяпти. Наҳотки, севги-муҳаббат одамни шу қадар ҳардамхаёл қилиб ташласа?!

Мансур ота ўрнидан тургач, хаёлим бўлинди.

– Бошлиғингга менинг келганим ёқмади, – деди у. – Мен борай бўлмаса.

Мен у киши билан хайрлашаётганимда ҳам ўй-хаёлим Жамилада эди.

Саъди Турсуновнинг хонасига йўл олдим. Эшик олдига бориб, ичкарига киришга юрагим бетламай турди. Худди хонага кирсам, мени яна Мансур ота, Шамсиддин, Ўктам акалар пойлаб тургандек туюларди. Яна... Жамила ҳам кутаётгандек ҳис-туйғулар чулғаб олди мени.

Эшикни очиб, ичкарига қадам ташладим. Саъди Турсунов қовоғини очмай, чой ҳўплаб ўтирган экан. Мен курсига чўкдим.

– Аҳволингиз яхшими? – сўради Турсунов менга синовчан тикилиб.

Мен бош ирғаб қўйдим.

– Анови... мияси кетиб қолибди, – деди Саъди Турсунов.
– Менимча, уйда ўтиравериб калласи айнияти. Ҳалиям йиғлагани-йиғлаган. Ўзи унга салгина баҳона топилса бўлди. Шунинг учун... отасини топинг, яхшилаб гаплашинг. Қизини олиб келиб ташлаймиз! Бошидан қолсин ўша бадбахт!

Бу гапни эшитиб, эгим жимирлаб кетди. Аммо нима қилишни билмасдим. Ҳозир биргина ортиқча гапим ҳам ишларимни чиппакка чиқариши мумкин. Айниқса, Жамилага оғир бўлади. Ўзи шундоқ ҳам уни ташвишга қолдириб ўтирибман. Майл-истакларимга бўйсунмай, яхшилаб ўйлаб иш тутганимда бунчалик бўлмасди балки.

– Хўш, нима дейсиз, Ўктам? – сўради Саъдиев.

– Саъди Мардиевич, бу жуда чигал масала, – дедим мен ўсмоқчилаб. – Мен, Назир ака қизини оқ қилган, деб эшитганман.

– Э, бўлмаган гап, – қўл силтади Турсунов. – Икки кун олдин қизи унга телефон қилибди, гаплашибди.

Мен бу гапдан ҳайрон бўлдим:

– Нима?! Ҳали Назир ака бошқаларга билдирмай юрибдими? Ҳамма, Жамилани бир йигит билан қочиб кетган, деб гапиряпти-ку?!

Саъди Турсунов менга афтини бужмайтириб қаради:

– Сизга бир бало бўляпти, Ўктам! Нималар деяпсиз ўзи? Тавба, мен ғамдаману топган гапингизни қаранг!

– Узр, – итоаткорона бош эгдим мен. – Шундай қилиб, Назир ака билан нималарни гаплашай?

– Қизингиз сизларни соғинибди, денг, шаҳарга кўниколмаётган эмиш, денг. Аммо зинҳор мен ҳақимда гапирманг. Мен қизини ҳам қўрқитиб қўйганман, агар уйдагиларинг мен ҳақимда билиб қолишса, отангнинг аҳволи аввалгидан ҳам баттар бўлади, деганман.

– Хўп, – дедим мен тишларимни ғижирлатиб.

Саъди Турсунов ўрнидан туриб, пўлат сандиқ олдига борди-да, уни очиб, беш тахлам мингталиқ пул чиқарди.

– Мановини бериб қўйинг ўша сассиқ чолга!

Мен пулни олиб, Ўктам аканинг хонасига йўналганимда тамомила гангиб қолган эдим. Кўз олдимдан юм-юм йиғлаётган Жамила кетмасди.

Назир аканинг ҳузурига қандай бораман? Унга нималар деб гапираман?

Барибир ғўрман-да: аслида мана шу пулларни Турсуновнинг юзига отиб, хонасидан чиқиб кетишим керак эди. Нима бўлса бўлсин эди! Энди кеч! Жилла курса, Жамила учун, унга ёрдам бўлиши учун қандайдир чора ўйлаб топишим керак.

Хонадаги телефон жиринглаб, мен беҳол тарзда гўшакни кўтардим.

– Ие, ҳалиям ўтирибсизми? – ўшқирган товуши эшитилди Турсуновнинг. – Тез пастга тушинг, ҳайдовчи кутяпти сизни. Физиллаб бориб келинг. Менга тезда жавобини айтинг.

Мен пастга тушганимда таниш "Нексия" олдида кекса ҳайдовчи ён эшикни очганча мени кутиб ўтирарди. Турсунов қаттиқ тайинлаган, шекилли, мен машинага ўтирар-ўтирмас, у газни босди.

Назир ака мени қучоқ очиб қаршилайди, деб ўйламаган эдим. Унинг қўлимдаги пул ўрамига қараб-қараб қўйгани диққатимни тортди. Демак, Ўктам ака аввал ҳам бу хонадонга пул олиб келиб турган.

Ҳовлидаги чорпояга чиқиб жойлашдик.

— Сизни Саъдибой юбордими? — сўради Назир ака. — Барака топсин, хўп яхши инсон-да у, Ўктамжон! Ишқилиб ишининг барорини берсин.

— Ҳа, — дедим мен минғирлаб. — Сизга салом айтворди. Ёрдам керак бўлса, мен тайёрман, деди. Яна...

Назир ака сўзимнинг давомини кутиб, оғзимга кўз тикди. Мен Жамиладан гап бошлашни истамасдим. Жамиладан кўра Назир аканинг нима учун Саъди Турсуновни бунчалик алқаётгани таажжубли эди менга.

— Шаҳарда қизимни кўрибдими яна? — сўради сабри чидамай Назир ака. — Очиғини айтаверинг.

Мен ўзим хоҳлаб-хоҳламай секин бош ирғадим. Назир ака хомуш тортиб қолди, сўнг маъюс оҳангда деди:

— Ўша аблаҳ кимлигини мен билсам эди, Ўктамжон! У Жамилани йўлдан уриб, олиб қочиб кетган. Тунов куни қизим қўнғироқ қилувди. Ҳаммаси жойида, дедию гапларидан сезиб турибман, ичи тўла дард. Бундоқ манзилени билсак экан, бориб хабар олсак. Айт, қизим, қаердасан, десак ҳам айтмайди. Кўрқитиб қўйган-да ўша нобакор! Рақамини ҳам кўрсатмайдиган телефон бериб қўйибди қизимга.

Мен индамай Назир акага пулларни узатдим.

— Раҳмат, раҳмат, — миннатдорчилик билдирди Назир ака. — Шу кунларда пул асқотиб қолганини жуда яхши биладиди Саъдибой. Дориларим тугаган эди-я!

— Қизингиз уйга қайтаман, дегандек қилибди, — дедим мен ундан кўзларимни олиб қочиб. — Шунга Назир ака нима дейдилар, деб...

– Нега қайтар экан? – ҳайрон бўлди Назир ака.

Мен елка қисиб қўйдим.

– Қайтмасин, менинг ундай қизим йўқ, – бирдан авзойи ўзгарди Назир аканинг. – Агар қайтса, мен ёр-биродарларимга нима дейман? Юзимни ерга қаратди бу қиз!

– Нима бўлгандаям Жамила сизнинг қизингиз, – дедим мен бошқа нима деяримни билмай.

Назир ака чуқур-чуқур нафас ола бошлади. Унинг асабийлашаётгани яққол намоён эди.

– Комила, қизим, ойингни чақир, – деди у ҳовлида ўйнаб юрган қизига.

Мен Назир акани огоҳлантирдим:

– Янгага билдирмасангиз, яхши бўларди, Назир ака. Ҳар ҳолда аёл киши – йиғлайвериб, касал бўлиб қолиши мумкин.

– Мен-чи? – тутақди Назир ака. – Шунча дардни ичимга ютиб юравераманми? Бировга айтолмасам, дарди-ҳол қилолмасам, бу нима аҳвол? Қизгина қочиб кетган экан, ўша ерда индамай яшайвермайдими? Саъдижондан неча марта илтимос қилдим, бир амаллаб манзилини аниқлаб беринг, дедим. "Билмайман", – дейди у ҳам.

Ҳалима опа чорпояга яқинлашди. Мен билан сўрашди-да, чолининг авзойини кўриб, шашти тушди:

– Нима гап, отаси?

– Қизинг уйга қайтаман, деганмиш! – деди тез-тез нафас олиб Назир ака.

Мен Ҳалима опага ҳадик ила разм солиб турдим. Унинг ранги-қути ўчди-да, менга хижолатомуз қараб қўйди. Шунчаки таскин бериш учунми, эрига деди:

– Энди... қайтадиган бўлса, начора, отаси? Қаерда экан, деб хавотирда юрганимиздан кўра, кўз олдимизда бўлгани яхши-ку қайтага. Шунга қайгуриб ўтирибсизми?

– Қўни-қўшнига нима деймиз? – йиғлагудек бўлди Назир

ака. — Ё қизингни бир умрга сандиққа солиб қўясанми? Бу ёқда, мана, Комила ҳам катта бўляпти. Эртасини ўйламайсанми бу қизингнинг?!

Ҳалима опанинг кўзларида ёш гилтиллаб, чуқур “уф” тортиб кўйди.

— Назир ака, сиз соғлигингизни ўйланг, — дедим мен. — Эртага Худо пошшо! Мени айтди, дейсиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Аввало, Жамилага ҳам яхшигина куёв топилиб қолар.

— Қани эди шундай бўлса? — Ҳалима опа шундай деб йиғлаб юборди.

Назир акаларнинг уйдан кайфиятим баттар бузилиб чиқдим. Бугун нималар бўляпти ўзи? Нега воқеалар бу қадар кескин тус олди? Кўз олдимда Жамиланинг ҳаёти бузиляпти. Умуман айтганда, ҳаёти бузилиб бўлмаганмиди унинг? Саъди Турсунов сабабчи эмасми бунга? Нима учун мен шуни кўра-била туриб, лом-мим демаяпман? Аксинча, Турсуновнинг айтганини қилиб, Жамиланинг ҳаёти барбод бўлишига ўзим ҳам ҳисса қўшяпман.

Ҳайдовчи, кетдикми, дегандек менга кўзларини тикди. Мен индамадим. Қаерга боришни ўзим ҳам билмасдим ҳозир.

Рўпарадаги тоғамнинг уйига қараб, эс-ҳушимни йиғиб олдим. Худди бу уйдан отам чиқиб келаётгандек туюлди. Ўзимни машинага урдим.

Начора, ишхонага қайтиб бораман. Саъди Турсуновга бор гапни айтиб бераман. Балки у Жамилани олиб келиш учун шаҳарга менинг ўзимни жўнатар? Ўшанда бирор чора ўйлаб топиш мумкиндир...

Йўқ, яхшиси, аввал Ўктам ақани топаман. У ҳамма балони билади. Жамила нима учун Турсуновнинг шартларига кўнганини ҳам, қачон, қай тарзда ҳаёт риштасини боғлаганларини ҳам, ҳамма-ҳаммасини билади у. Ўктам акадан шулар ҳақида сўраш менга чўт эмас. Боплаб

кўрқитсам, нуқта-вергулигача айтиб беради. Ўзи уни кўрқитиш эмас, адабини бериб калтаклаш керак.

Мен хонага киргач, қўл телефондан "Ўткир" деган ёзувни топдим-у қўнғироқ қилдим. Худди кутганимдек, Ўктам аканинг ўзи менга жавоб берди. Уйдан чиқмай ётган эмиш! Нима бўлгандаям ишхонада унинг ўрнини билдирмай турармишман. Эвазига менинг қандай шартларим бўлса, тайёр эмиш!

Ўктам акага кечки пайт учрашишимиз кераклигини айтиб, телефонни ўчирдим. Кейин Турсуновнинг ҳузурига йўл олдим. У тўрт-беш ходим билан мажлис ўтказаетган бўлса-да, мени қабул қилди. Сўзи орасида, "йиғилишдан кейин гаплашамиз", деб қўйди. Кейин ишхонамиз ўринбосари Яздон акани койишда давом этди. Мен унинг ўринли-ўринсиз даккиларидан ансам қотиб, ўзимча режалар туза бошладим. Аммо ҳали-ҳамон хаёлларим чалкашиб кетарди.

Мен нималарни чамаламайин, Жамилани яна бир бор кўриш иштиёқи билан ёняпман. Унга ўзимнинг қиёфамда рўбарў бўлиб, сочларини силасам, кўзёшларини артиб қўйсам, озурда кўнглига таскин-тасалли берсам дейман. Жамиланинг боши ҳам бўлиб ота уйига қайтишини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади. У бунга дош беролмаса керак. Уйдагиларига кўриниш ўз йўлига, бора-бора кўникар ҳам, бошқаларга, айниқса, менга қандай қилиб юзланаркан? Бир умр кўчага чиқмай уйда ўтиравермайди-ку, ахир!

Бирдан хаёлимга "ялт" этган фикр келди: Жамилага... уйлансам-чи? Тўғри, бу жуда оғир масала, қанчадан-қанча одам тўсқинлик қилади. Айниқса, ота-онам, акаларим, қавм-қариндошлар оёқ тираб олишади. Қолаверса, ўзимнинг ичимда ҳам галаён кўтарилади. Иффатидан айрилган, юзи қаро бўлган Жамилани кечириш-кечирмаслигим алоҳида муаммо аслида! Айниқса, унинг Саъди Турсунов билан бирга

яшагани, унга жуфти ҳалол бўлгани менга тинчлик бермайди. Катталар айтганидек, бу — умр масаласи. Уй-хаёлинг биргина фикрга тақалиб, шунга монанд иш тутсанг, кейин бутун ҳаётинг мобайнида азоб чекишингга тўғри келади. Нима бўлганда ҳам бу борада узоқ вақт иккиланиб, хаёлимнинг минг бир кўчасида тентирайман ҳали. Бироқ мен бир қарорга келгунча Жамила ўзини бир бало қилиб қўймаса эди, деб қўрқаман.

— Ўктам ака, сизга айтяпман, — мен Саъди Турсуновнинг танбеҳидан хаёлларимни йиғиштириб олдим. — Ўв, эс-хушингиз жойидами, а?

— Узр, чарчабман, — дедим мен.

— Шамсиддинни сўраяпман. Ишга чиқмайдиган бўлса, йўқолсин. Шу бугун гаплашинг. Мерган масаласи тушунарли, у ишлайверади.

Яздон ака савол берди:

— Асқар-чи?

Бу савол Турсуновга ёқмай, унга кўзининг остидан қараб қўйди. Кейин, сиз нима дейсиз, дегандек, менга ўгирилди.

— Ҳал бўляпти, — дедим мен минғирлаб.

Мажлис тугаб, ходимлар чиқиб кетгач, мен ва Турсунов холи қолар эканмиз, у Яздон акани ортидан ошириб сўқди. Бўлар-бўлмас саволлар беради, деб жиғибийрон бўлди. Кейин мендан Назир ака нималар деганини суриштирди. Бор гапни айтиб бердим. Турсунов ўйланиб турди-да, “яхши”, деб қўйди.

Мен Ўктам аканинг хонасига қайтиб, узоқ ўйланиб ўтирдим. Саркаш хаёллар мени толиқтирган, узоқ-узоқларга кетгим келарди.

Кечга яқин адирликда Ўктам ака билан учрашдим. Бу пайтда мен ўз қиёфамга қайтган эдим. Лаб-лунжидаги учуқлар ҳалиям кетиб улгурмаган Ўктам ака мен билан хушомад оҳангида сўзлашар экан, муддаомни сўради. Мен

Жамиладан сўз очдим. Ўқтам акадан Жамила ҳақида нимаики билса, яширмай айтиб беришини илтимос қилдим. У аввалига унамади, мен дағдаға қилгач, тутилиб-тутилиб, ҳаммасини сўйлади.

— Энди сиз бу оламда яшашингиз мумкин эмас, — дедим Ўқтам сўзларини тугатгач. — Бир кун ҳам яшамайсиз.

Ўқтам ака бу гапимни эшитиб, аввалига қотиб қолди, сўнг ранг-рўйи оқарганча секин-аста орқасига тисарила бошлади. Мен қўлларимни мушт қилганча унга қараб турардим. Ўқтам ака шартта ортига бурилди-да, қоча бошлади.

У мен ўйлагандан чаққонроқ экан: қанча қувламайин, етиб ололмадим. Ўқтам ака жон алфозда югуриб, мендан анча узоқлашди. Мен тўхтаб, ҳансираган кўйи уни кузатиб турдим. Кейин майсазорга чўккаладим.

Кутилмаганда еру осмонни Ўқтам аканинг дод-войи тутиб кетди.

9

У қизга кўзи тушди-ю юраги гупиллаб кетди. Тўғрироғи, юраги эмас, уят ва андишадан мосуво ҳирси жўшди. Сездирмайгина унга тикилиб қаради. Олдинда нималар кутишини билмаган қиз эса ўз ишлари билан андармон эди.

"Бунча чиройли бўлмаса? Бунча ёндирмаса!"

У хонасига кириб ҳам фақат шу қиз ҳақида ўйлади. Қизнинг хумор кўзлари, пешанасига тушиб турган жингалак сочлари, қизғиш ёноқларию, гилосдек лаблари ҳануз кўз олдидан кетмасди.

"Ким бўлди бу қиз? Нега аввалроқ кўрмаган эканман?" — деб ўйлади у.

Гўшакни кўтариб, ишхонадаги энг ишонган, энг яқин шушомадгўйини ҳузурига чорлади. У кириб келгач, муддаосини тезда айта олмай, чайналди. Ишдан гапирди,

ҳисоботларни суриштирган бўлди. Ниҳоят, маълум фурсатдан сўнг ўша қиз ҳақида сўз очди. Ҳужжатларга кўз тикиб, шунчаки сўраган бўлди:

— Анови канцеляриядаги қиз ким бўлди? Намунча лаллайиб ишламаса?!

— Қайси?.. Ҳа, янги қизни айтяпсизми? Ҳаҳ, оти нимаиди-я? Ҳозир... ҳозир...

— Қачондан буён ишляпти? Молга ўхшаб салом ҳам бермайди...

— Салом бермадимми сизга? Одобли қиз эди-ку! Мен гаплашиб қўяман.

— Қачондан буён ишляпти, деб сўрадим сиздан!

— Икки ойча бўлди. Буйруққа имзо чекаётганингизда айтгандим сизга, ёдингиздан кўтарилибди, шекилли? Аввал, бир пайтлар тумандаги шохобчамизда ишлаган. Шу қиз туғри келади, деб ўйлабман. Эсингизда бўлса, Альфия холанинг ёнига бирор ёшроқ қизни топинг, кампир ҳамма жойни расво қилиб юборди, девдингиз. Сизниям ишингиз кўп, хизмат сафарига кетаётгандингиз ўшанда. Келгунимча одам топинг, дедингиз. Бир гал ҳисоботлар билан кирганимда айтдим шу ҳақда. Беринг ҳужжатларни, деб тез-тез қўл қўйиб бердингиз... Агар, хоҳласангиз, ҳозироқ чақирамиз, агар дакки бериб қўймасак, ўзидан кетиб қолади булар. Ёки айтинг, аризасини ёзсинми?

У бош чайқади.

— Ишингизга бораверинг, — деди. — Жойлардан ҳам хабар олиб туринг, ҳадеб хонада ўтиравермасдан.

“Ҳурлиқо! Шундай қизни ишдан бўшатиб бўларканми? Йўқ, ҳеч қачон!..”

У тушликка чиқаётиб, канцелярия хонаси ёнидан бепарво ўтиб кетолмади. Ўзи билмаган ҳолда қия эшикни катта очиб, ичкарига кирди. Қиз уни кўриб, ўрнидан турди-да, яна салом берди.

– Сиз бугун ишга кечикканларнинг рўйхатини олиб, ҳузуримга кириб, – деб буюрди у саломга жавобан. – Тушдан кейин! Тушунарлими?

– Ҳўп, – деди қиз оху кўзларини ерга тикиб.

У эшикни очиқ қолдирганча хонадан чиқиб кетди. Аслида эса қизни бошлаб койимрқчи, шу аснода ўз сиёсатини ўтказмоқчи бўлган эди. Эплай олмади. Бу соҳибжамол қаршисида салкам ўзини йўқотиб қўяёзган эди.

Тушлик қилар экан, икки хаёли ҳамон қизда бўлди. "Сен меники бўласан, – деди у энтикиб. – Албатта, меники бўласан! Қўл остимда ишлаб юрган паривашни ўзимники қилиб олмасам, юрган эканман".

Тушликдан анча эрта қайтди. Қабулхонада ҳеч ким йўқ эди. У хонасига кириб, оромкурсига чўкди-да, қизни қандай қилиб ўз тузоғига тушириш ҳақида ўйлай бошлади. Хаёллари чалкашиб кетаверди. Сўнг таваккал қилиб, канцелярия рақамини терди.

– Эшитаман, канцелярия! – деган қўнғироқдек овоз келди гўшакдан.

"Уҳ, овозини!" – энтикиб қўйди у.

– Тез ҳузуримга кириб, рўйхат билан, – эслатди у товушига таҳдидли тус бериб.

Бир оздан сўнг эшик оҳиста тақиллади. У рухсат бергач, хонасига ўша гўзал кириб келди. Оҳиста салом берди. Бошлиқнинг имоси билан курсига ўтирди. Қўлидаги папкани очиб, чиройли қилиб ёзилган рўйхатни узатди. У эса рўйхатга кўз югуртирар экан, зимдан яна қизга термилди.

– Сен янги ходиммисан? – дея гап бошлади у бирдан қизга сенсираб.

– Ҳа, – ийманиб жавоб берди қиз.

– Ишлар ўлда-жўлда-ку! – давом этди у. – Нима қилипсанлар ўзи? Бу ер ишхонами ё бозорми, одамлар

хоҳлаганда келиб-кетадиган? Мен сўрамагунимча канцеляриянгда пашша кўриб ўтираверасанми? Қара, шунча ходим кечикиб келибди, наҳотки чора кўриш ҳақида ўйламайсанлар? Йўқотиш керак такасалтангларни! Ўзи, ҳаммадан бурун, сенинг ўзингни ишдан бўшатиш керакка ўхшайди-ку!

Қизнинг юзи оқариб кетганини у кўрди. Бундан хурсанд бўлди. Унинг маккорлиги одатдагидек иш бера бошлаган эди.

— Ёз аризангни!

— Хўп, — қиз бежирим қошларини чимириб, ўрнидан турди. “Бу гапни бекор айтдим”, — деб ўйлади у шу заҳоти.

— Тўхта, мен сенга кет, деганим йўқ.

Қиз энди унга қандайдир илинж билан қараб тургандек туюлди. Бундай дамларда у ўзини арслондек ҳис этади. Ходимларнинг, бошлиқдан бир илиқ сўз чиқармикан, деб туришларини кўриш унга завқ-шавқ, ҳузур бағишлайди.

— Майли, биринчи марта сени кечираман, — деди у шаштидан тушиб. — Аммо, билиб қўй, ходимлар тўғрисидаги маълумот ҳар куни столим устида бўлсин! Бу ишёқмасларни жарималар билан жазолаб одам қилмасак, ҳаддиларидан ошаверади.

— Хўп бўлади, — чеҳраси ёришди қизнинг. — Ҳар куни қабулхонага бериб қўямиз.

— Қабулхонага эмас, шахсан ўзимга берасан, — буюрди у, сўнг совуққина тиржайди. — Мен сени кечирдим, дедим. Бунинг учун нима дейиш керак?

— Раҳмат, — қизнинг қадди эгилгандек бўлди.

— Бўпти, боравер!..

Шу-шу, канцелярия бўлимининг янги ходимаси ҳар куни унинг ҳузурига кирадиган, ходимлар давомати ҳақида маълумот берадиган бўлди. Бошлиқ аввалига уни койиб, дўқ

урар, ишдан бўшатиши ҳақида пўписа қилар, кейин эса яхши гапириб, Альфия кампирнинг ўрнига ўзингни қўямиз, дея алқаб қўярди.

Бу вақт ичида у хушомадгўй ҳаммаслигидан қиз ҳақида анча-мунча маълумот йиғди. Ичи қизиб, манфур режасини тезроқ амалга оширгиси келар, бироқ ҳали эрталигини ҳам англар, етти ўлчаб, бир кесиш керак, деган мақолга қатъий риюя қиларди. Ана шундай кунлардан бирида қизнинг ўзи унга сари бир қадам олға ташлагандек бўлди.

– Мен сиздан икки-уч соатга жавоб сўрамоқчи эдим, – сўради қиз. – Бугун отамни операция қилишмоқчи эди. Илтимос.

У худди ачинган каби қизга ўзгача назар билан қаради. Сўнг бош ирғаб деди:

– Албатта... Оталар учун беш соат жавоб сўрашса ҳам рухсат берамиз.

– Раҳмат...

Қиз чиқиб кетгач, у яна Ўктам акани ҳузурига чорлади. Кафтларини бир-бирига ишқаб, гўзал онлар яқинлашаётганини таъкидлади. Вазиятни тушунтириб, Ўктамнинг қўлига нақ бир миллион сўм пул тутқазди.

Қиз шифохонада ўз ўйларига ғарқ бўлиб ўтирар эди. Ўктам худди бошлиқ тайинлаганидек пулни келтириб, қизга эмас, унинг онасига тутқазди. "Бу ишхона фондидан", – деди. Ҳалима опа ҳайрон бўлиб, қизига қаради. У елка қисди.

– Олаверинг, – деди Ўктам ака, – биз ходимларимизнинг ота-онаси ҳам саломат бўлиши учун қайғурамыз.

– Раҳмат, айланай, – тезгина пулни олди Ҳалима опа. – Қарзга ботган эдик, буни қаранг.

Қиз эса ҳамон нима деярини билмасди. Сўнг, раҳмат, деб қўйди. Шундай яхши ишхонада хизмат қилаётганидан мағрурланиб қўйди.

Эртаси куни қиз бошлиқ ҳузурига кирар экан, унинг ишга кўмилиб ўтирганига кўзи тушди. “Раҳмат” эшитишини билгани, қолаверса, миннатдорчилик билдириш учун ҳам астойдил ташаккур изҳор қилди. Бошлиқ эса дафъатан бу қиз нима сабабдан раҳмат айтаётганини тушунмади, кейин эса ёдига тушгандек, кулимсираб қўйди. “Бу бизнинг бурчимиз, ахир”, — деди яна ишга берилиб.

Орадан икки кун ўтиб, канцелярия хонасига Ўктам ака кириб келди. Қизга тезда пастга тушишни, машина кутиб турганини айтди. Қиз ҳайрон бўлди.

— Сиз аввал тушинг, кейин биласиз, — деди Ўктам ака шошириб. — Отангизга салом айтиб қўйиш эсингиздан чиқмасин.

Шу куни қиз умрида биринчи бор ишхонанинг машинасида шифохонага йўл олди. Ҳайдовчи юкхонани очганида, турли-туман егуликларни, энг сархил мевачеваларни кўриб, энтикиб кетди. Назир ота буни кўрса, нақадар қувонади, қизим шундай яхши ташкилотда ишлаётган экан, деб боши кўкка етади.

Оддийгина палата ҳайдовчи бот-бот олиб кираётган харидларга тўлиб кетди. Нафақат егулик, балки энг қиммат турадиган дори-дармонлар ҳам тумба устига сифмай қолган эди.

— Умрингдан барака топ, қизим, — дуо қилди Назир ота қизини. — Мана, яхши ишлаётган экансанки, шунча эътибор беришибди...

Шу куни қиз бошлиқни йўқлаб, қабулхонага етти марта келиб-кетди. Турсунов иш билан аллақаяққа кетган экан.

Бошлиқ эртаси куни ҳам ишга келмади. Қиз миннатдорчилик билдирмаганидан яна кўнгли алағда бўлди. Тўртинчи куни деганда у бошлиққа рўбарў бўлди. Раҳмат айтди. Отаси шифохонадан соғайиб чиққанини, узоқ дуо қилганини етказди.

Қиз ўзини бахтиёр сезар, ҳар доим тўлиб-тошиб ишлар, бу ишхона учун ярим кечагача ҳам канцелярияда қолиб кетишга тайёр эди.

– Уйларинг роса хароб экан, – деди бир куни Ўктам ака.

– Усталарни юбориб, чиройли таъмирлаб берадиган бўлдик.

– Йўқ, шарт эмас, – эътироз билдирди қиз. – Шунчаси етар, ўзимиз бир амаллармиз.

– Бу нима деганингиз? – ҳайрон бўлди Ўктам ака. – Канцелярия бўлими энг фаол ишляпти, шундай экан...

Қиз такрорлади:

– Шарт эмас.

– Шарт, жудаям шарт. Билиб қўйинг, одамнинг уйида хотиржамлик, тўқислик бўлсагина у яхши ишлайди. Шу гапга қўшиласизми?

– Тушунмаяпман, – кўнглига шубҳа ораладими ёки охирикети йўқ марҳаматлардан хижолат бўлдими, қиз савол берди:

– нима учун менга бунчалик меҳрибончилик қиляпсизлар?

– Нима, уйингизни таъмирлаб берсак ёмонми?

– Шарт эмас, дедим-ку! Нима учун...

– Тўхтанг, Жамилахон, фақат сизларникини эмас, Альфия холанинг ҳам уйини таъмирлаб берамиз. Айтяпман-ку, намунали ходимларимиз ҳамиша ардоқда! Мен аллақачон отангиз билан гаплашиб қўйдим...

Хуллас, Назир отанинг ҳовлисини тумонат усталар босиб кетди. Ҳеч қаер қолмади, ҳатто, ошхона, оғилхона, ҳожатхонагача таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Альфия хола ҳам хурсанд, унияам икки хонали каталакдек уйини "реставрация" қилишаётганмиш!

– Нима десам экан, мен жудаям хижолатдаман, – деди Жамила бошлиқ ҳузурига кириб. – Шунча харажат... Усталарни овқатлантириш ҳам ишхона ҳисобидан экан, ахир, бу...

— Сизлар ташкилотимиз ишини дўндириб қўйсаларинг бас, — гапни қисқа қилди бошлиқ.

Бу гапдан сўнг у ишга янада зўр берди. Ҳатто, ҳарбийдаги севгилисига хат ёзишга ҳам вақт тополмасди. Умуман айтганда, қизнинг ўзига ҳам йигитидан мактуб келмай қолган эди. Сабаби... аслида бошлиқ аскар боладан йўлланган хатларни йўқ қилаётганини қиз сира билмасди. Ўктам ака йигитдан келаётган мактубни турли йўллар билан қўлга киритар, сўнг шахсан ўзи бошлиққа топширарди. Бошлиқ эса хатда нималар ёзилганини ўқиб ҳам кўрмас, уни йиртиб, ахлат челақка улоқтирар эди.

Шу тарзда бир-биридан узоқ кўнгиллар янада узоқлаша бордилар. Ҳатто, Ўктам ака ишхонада гап чиқариб, Жамиланинг йигитига уйдагилар бошқа қиз топиб қўйгани ҳақида гап тарқатди. Бу гап Жамилага етиб борди, у ишонмади, бироқ... Ишончли одамлардан эшитганиндан сўнг ишонмай нимаям дердинг?

— Ҳа, рост, — деди ўша ишончли киши. — Уни бошқа қизга унаштирамиз. Сени бошимизга урамизми? Отанг бир касал одам бўлса!.. Шунинг учун хат ёзишни бас қил!

Жамила ўзини зўрга йиғидан тийди. Унга бу гапларни айтган киши эса йигитининг акаси Анзур эди.

Аммо Жамила шунда ҳам таслим бўлмади. Кўнглида борини қоғозга тўкиб солди. Қарангки, бу мактуби ҳам йигитига етиб бормади, балки Ўктам ака орқали бошлиққа тегди. Бошлиқ обдон ўйлаб иш тутди. У эртаси куни Жамилани ва Альфия холани ҳузурига чорлаб, иш суръати пасайиб кетганини айтди. Роса дағдаға қилиб, Альфия холадан пенсияга чиқишини талаб қилди. Айбсиз айбдор бўлиб қолган Альфия хола шунча йиллик меҳнатига ачинганча юм-юм йиғлаб ариза ёзди.

Жамила нима қиларини билмасди. У Ўктам ака билан

маслаҳатлашиб, ўзи ҳам ишдан бўшамоқчи эканини айтди. Ўктам ака шу заҳотиёқ Жамиланинг қарори ҳақида бошлиққа етказди. Бу иш текширувчилар келиб-кетганидан кейин ҳал бўлиши айтилди. Яъни, бир ҳафтадан сўнг текширувчилар ташриф буюришади. Улар тафтишни тугатгач, марҳамат, Жамила ҳам кетавериши мумкин.

– Сен нега бўшамоқчисан? – койиб берди Альфия хола уни. – Индамай ишлайвер. Ёш бўлсанг, нимасини ўйлайсан? Маъмурият ишонч билдираётган бўлса, яна нима керак сенга? Иккимизни чақириб, бир оғиз уришиб қўйганига дарров кўрқиб қолдингми?

Жамила бош чайқади:

– Йўқ, Альфия хола. Мен сизнинг жойингизни олиб қўйишни хоҳламайман. Бу даргоҳда узоқ йиллар ишлагансиз, тер тўккансиз.

– Бас қил! Бу ер менинг шахсий идораммидики, "жойингизни олиб қўйяпман", десанг!

– Сиз-чи?

– Мен билан ишинг бўлмасин. Бугунми-эртами, барибир пенсияга чиқишим керак эди. Шундоқ ҳам етти йил ўтиб кетган. Қайтага яхши бўлди. Қизимдан, набираларимдан хабар олиб тураман. Уйимни таъмирлаб беришди, раҳмат шуларга.

– Тўғри, раҳмат, менга ҳам кўп яхшиликлар қилишяпти, бироқ... Билмадим, негадир ишлагим келмаяпти, Альфия хола. Бунинг устига, э, майли...

Альфия хола унга синчиклаб тикилди:

– Гапир, сен қизнинг ичингда дардинг бор.

– Шахсий ҳаётимга тааллуқли. Нима десам экан, анув... Асқар менга уйланмайдиган бўпти.

– Вой, нега? Нима учун?

– Билмадим, хола... Акаси келувди, шунақа-шунақа, деди.

Отамнинг қанд касали бор, операция ҳам бўлди, биласиз. Шунинг юзига солишяпти, Альфия хола. Кимдир, буларнинг авлодида ҳаммасининг тутқаноғи бор, дейишибди.

— Ҳм-м... — ўйланиб қолди Альфия хола. — Шунинг учун дарди дунёнинг зимистон бўлиб юрган экансан-да, сен қиз! Яхшиси, ўзига хат ёз, муносабатларингни ойдинлаштириб ол. Балки, унинг фикри бошқачадир?

— Йўқ, бошқача эмас, хола. Ахир, акаси келиб ҳаммасини айтиб берди. Шундай бўлсаям унга хат ёздим. Мана, ҳалигача жавоби келгани йўқ. Сиқилиб кетдим. Бу ёқда текширувчилар келишармиш. Кайфиятим йўқ, қандай ишлайман, хола. Қани эди, қанотларим бўлса-ю учиб, унинг олдига борсам...

Альфия хола пенсияга чиқиб кетди. Жамила янада руҳсиз бўлиб қолди. Унинг иши олдингидан анча кўпайган эди. Аммо негадир ҳали-ҳамон текширувчилардан хабар йўқ. Жамила бу ҳақда Ўктам акадан сўради. У эса бақрайиб жавоб берди:

— Текширувчилар аллақачон келишган, ана, бухгалтерияни тафтиш қилиб ётишибди. Жуда чатоққа ўхшайди булар. Агар зиғирча камомад чиқсаям, филдай қилиб кўрсатишади. Айтгандай, отангиз яхшими? Яна шифохонага тушибди, деб эшитдим.

— Ҳа, шундай бўлиб қолди. Дорилар ҳам қиммат... Билмадим, Ўктам ака, сира ишларим юришмаяпти.

Ўктам ака босиқлик билан маслаҳат берди:

— Менга қаранг, текширувчилар келди, дегани ишхонамиз чўкиб қолди, дегани эмас. Шунинг учун қандай ёрдам керак бўлса, уялмасдан бошлиғимиздан сўрайверинг. Агар уялаётган бўлсангиз, ўзим сўраб бераман. Қанча керак ўзи?

Жамила бош чайқади:

— Бизга ҳеч қандай пул керак эмас, Ўктам ака. Отамнинг пенсияси, менинг маошим етади.

– Менга қаранг, – овозини пастлатди Ўктам ака. – Анови Анзур нега келган эди олдингизга? Шундан бери кайфиятингиз йўқ, назаримда. Мен сезаман-да!

Жамила кўзёшларини кўрсатмаслик учун ортига бурилди:

– Анзур ака... бошқа масалада келувди, шахсий масалада...

У хонасига бориб, узоқ йиғлади. Йиғлагани сайин кўз олдида севгилиси гавдаланаверди. Ҳамма ишни ташлаб, унинг олдига кетгиси келар, бироқ отасини ўйлаб, баттар кайфияти тушиб, ўзини йиғидан тўхтата олмасди. Узоқ кўзёши тўкди. Ичини бўшатиб олди. Кейин аммасига кўнғироқ қилди. Қарз сўради. Аммаси икки ҳафтадан кейин берадиган бўлди.

Нима қилиш керак? Дори-дармон учун ишхонадан пул сўрасинми? Аттанг, боя мағрурлик қилиб ўтирмай Ўктам акага бор гапни айтса бўларкан. Ҳали ўзининг маошини қачон беришлариям номаълум. Текширувчилар тафтишни қачон тугатиб, бухгалтерия қачон эркин нафас олиши, ҳисоб-китобни жойига қўйиши номаълум.

Эшик тақиллаб, хонага Ҳалима опа кириб келди:

– Қизим, мен келдим.

Эрталаб гаплашишган эди. Жамила ишхонадан пул топиб бериши, Ҳалима опа уни олиб, шифохонага кетиши керак эди.

– Пул йўқ, ойи, – деди аччиқланиб Жамила.

Ҳалима опа кулимсиради.

– Пул йўқ, дейсанми? Мана, пул, – шундай деб кўлидаги қоғозга ўралган бир неча тахлам пулларни кўрсатди.

– Қаердан олдингиз? – деб сўради Жамила, ичида эса, ишқилиб бошлиғимиз бермаган бўлсин, деди.

– Ишхонанг... – бу жавоб Жамиланинг қулоқлари остида узоқ вақт акс-садо бериб турди.

У қанча сукут сақлади, билмайди. Кейин ўй-хаёли

тиниқлашгандек бўлди. “Отам учун-ку, ҳечқиси йўқ, — деди ўзига таскин бериб. — Бир амаллаб қайтарармиз...”

— Мен бошлиғинг эканлигини билмабман ҳам, — деди онаси. — Буёққа юринг-чи, деса, ҳайрон бўлиб орқасидан эргашиб кетаверибман. Хонасига киргач, сени роса мақтади. Ёрдам керак эмасми, деб сўради. Йўқ, десам ҳам қўлимга тутқазди. Отанг мақтаганча бор экан, қизим. Бўлмаса нимаям қилардик? Дўхтирлар бугундан қолмасин, деб тайинлаган.

— Мен аммамдан қарз сўрагандим, — тушкун сўзлади Жамила. — У кишидан олсак, қайтарармиз, нима дедингиз?

Ҳалима опа қизига ҳайрон бўлиб қаради. Унинг нигоҳида, нима учун пулни қайтариш керак экан, деган савол зоҳир бўлган эди.

Онаси кетгач, Жамила яна ишга андармон бўлди. Унинг зиммасига архив ҳужжатларини бирма-кўриб чиқиш юклатилган. Ишга муккасидан кетиб, телефон жириглаганида ўзига келди. Соатга қаради: тунги бир ярим!

Жамила гўшакни кўтарди.

— Эй, сен ҳалиям ишдамисан? — деган овоз келди. — Бундоқ ўзингни аясанг-чи! Одам биринчи ўринда соғлигини ўйлаши керак.

Жамила нима деярини билмасди:

— Ҳозир кетмоқчи бўлиб тургандим, — деди паст овозда.

— Ҳозир ҳайдовчини юбораман, сени уйингга элтиб ташлайди.

— Йўқ, шарт эмас...

— Гапни кўпайтирма.

“Бунча меҳрибон бу одам”, — ўйлади Жамила кўнгли алланечук тўлқинланиб. У ўпкаси тўлаётганини ҳис қилди. Ҳа, оғир кунларингда кимдир сенга ёрдам берса, меҳр кўрсатса, йиғлагинг келади.

Орадан беш кун ўтиб, хизмат машинаси шифохонадан

жавоб берилган Назир отани ҳам уйга элтиб қўйди. Ота қизини, унинг ишхонадагиларини узоқдан-узоқ дуо қилди. Гарчанд навбатдаги муолажани ўтказган бўлса-да, Назир ота ҳали ҳам нимжон, заиф, касалманд эди. Дўхтирлар ўнг оёғининг учта панжасини кесамиз, дейишса, зинҳор унамабди. Назир ота хурсанд бўлса-да, қизидан андак норози ҳам эди шу дамда.

– Бир мартаям хабар олмадинг-а, қизим? – деди у бош чайқаб.

Жамила секин онасига қаради.

– Ахир, бунинг иши кўп, отаси, – Жамиланинг ёнини олиб гапирди Ҳалима опа. – Сиз, яхшиси, синглингиз нимага хабар олмаганидан гапиринг.

– Иши кўп бўлсаям, шанба, якшанба бор, – бўш келмади Назир ота.

– Ҳозир дам олишсиз ишляпмиз, – деб қўйди Жамила.
– Ишхонамизга...

– Менга қара, иш топилади, ота топилмайди, – кўзлари намланди Назир отанинг. – Мен сендан ош-овқат сўрамайман, бир кўрсам бўлди. Сен билан Комиладан бошқа яна кимим бор?

Ҳалима опа эрини койиб берди:

– Вой, нега дийдиё қиляпсиз, тавба?! Худди васият қилаётгандайсиз, отаси! Бас қилинг-ей! Уят бўлади. Кошки Жамилангиз таъсирчан бўлмаса, сиз вайсаб-вайсаб ухлайсиз, бу эса кейин туну кун ўйлаб юради.

Назир ота пинакка кетгач, Ҳалима опа овозини пастлатиб қизидан сўради.

– Менга қара, қизим, анови... Қамарнинг ўғлидан хабар борми?

Жамила бир оз қизарди:

– Нима эди, ойи? Нега сўраяпсиз?

— Акаси олдинга борганмиш-ку, ўзингни тийиб юр, деб. Ўша куни пулга борганимда бошлиқинг айтди, унинг олдигаям кирибди. Вақтида айтмоқчи эдим, кайфиятингни бузмай дедим. Нима дебди, дегин? Ходимингизга айтинг, укамга хат ёзмасин, дебди. Эшитиб, ҳайрон бўлдим. Нима гап, тинчликми, Жамила?

— Билмасам, — елка қисди Жамила.

— Ишқилиб бизни уятга қолдирма, жон қизим. Ким сўраса, укаси орқамдан юрган эди, деб қўй. Бундайлардан яхшилик кутиб бўлмайди. Қара, шунчалик номуссиз бўладими? Бундайлар фақат беобрў қилишни ўйлайди. Кеча ишхонангга борган бўлса, эрта-индин уйимизга ҳам келади, аюҳаннос солиб.

“Лаънати Анзур бошлиққа ҳам учрашибди-да, — деди ичида жизғанак бўлиб Жамила. — Бўлди, энди укасига хат ёзганим бўлсин. Уканг бошингдан қолсин”.

Жамила ишга ғамгин келиб-кетадиган бўлди. У тобора чўкиб борарди. Муҳаббати тобора топталаётгани, севги деб топгани сароб бўлиб чиққани алам қиларди унга. Майли, Асқар хизматни тугатиб қайтар, Жамила билан рўбарў бўлар. Ана ўшанда алдамчи кўзлари Жамилага қандай боқар экан? Бир вақтлар Жамилага узоқ тикилган кўзлар энди сира қарай олмаса керак.

Хонадаги телефон жиринглади.

— Тез ҳузуримга кир, — деган таҳдидли овоз келди гўшакдан.

Жамиланинг юраги шув этди. Ён дафтарчасини олиб, қабулхонага йўналди. Турсуновнинг хонасига кирганида у ерда Ўктам акани ҳам кўриб ҳайрон бўлди. “Ҳаммасига сиз айбдорсиз”, — деб уришарди Турсунов уни. Ўктам ака Жамилага ўқрайиб қаради.

— Нима гап? — сўради қўрқиб кетган Жамила.

Ўктам ака томоқ қириб жавоб берди:

— Тафтишчилар камомад топишибди. Ишлар чатоқ. Хужжатларни тезда тахлаб қўймасак бўлмайди. Энг аввало, сизнинг устингиздан жиноят иши очишади, Жамила.

10

Жамила кулоқларига ишонмай сўради:

— Менинг устимдан? Нима учун?

Турсунов бобиллаб берди:

— Нима учун, дейсанми? Шунча харажат қаердан, қандай ёпилади, деб ўйламаяпсанми? Шаҳар бедарвозами сенга? Гапир! Тафтишчилар шунчаки келган, деб ўйлайсанми?

— Мен нима қилдим?

— Ўв, отангнинг дори-дармонига, озиқ-овқатига, уйларингнинг таъмирига, яна алламбало харажатларга кетган пулларни ким ўйлайди? Биласанми, ҳаммаси бўлиб қанча?

Жамила ранги-қути ўчиб, бош чайқади. Турсунов эса оғзидан тупук сачратиб бақирди:

— Ўн уч миллион! Шунча пулни қаердан топиб берасан?

— Нега, тушунмадим, — зўрға гапирди Жамила. — Бу пулларни сизлар, ўзингиз...

Ўктам ака ҳам дўқ урди:

— Нимасига тушунмайсиз? Олмоқнинг бермоғи бор, деб эшитмаганмисиз ё? Сизга шунча яхшилик қилиб, гапингизни қаранг! Агар Саъди Мардиевич яхшилик қилмаганида отажонингиз алақачон ўлиб кетган бўларди. Пулларни ўзларинг бергансизлар-ку, дейсиз уялмай! Шунчалик онкўрмисиз, Жамила?

— Мен билмайман, — столга тапиллатиб урди Турсунов. — Менга ўн уч миллион керак, шу бугун, ҳозир! Икковларинг ҳал қилинглар!

— Йўли битта, Саъди Мардиевич, — деди Ўктам ака. —

Уйни сотиш керак, вассалом!

– Э, уйни сотса, бу қиз, онаси, касалманд отаси қаерга боради?

– Бошқа иложимиз йўқ, – Ўктам ака шундай деб Жамилага тикилди. – Гапиринг, ё толқон ютиб олганмисиз?

Жамила уларнинг гапини эшитиб, карахт бўлиб қолган эди. Шу боис тили лол, бир оғиз ҳам сўзлай олмасди. У гоҳ Саъди Турсуновга, гоҳ Ўктам акага жавдираб қарар эди.

– Вақт зиқ, – деди Турсунов Ўктам акага. – Сиз боринг, Назир ака билан гаплашинг. Ҳовлиси яхши, дегандингиз. Харидорни ўзимиз топамиз, денг. Шу бугуноқ сотиш керак.

– Йўқ, – додлаб юборди Жамила. – Бундай қилиб бўлмайди! Ахир, биз қаерга борамиз? Кимникида яшаймиз? Йўқ, йўқ, мумкин эмас. Отам бу ҳақда эшитса, ўлиб қолади.

– Бошқа йўли йўқ, – деди Турсунов.

– Тўхтанг, яна битта йўли бор, – Ўктам ака қув кўзларини хиёл қисиб шундай деди.

Жамила, нима гап, дегандек, илинж билан унга тикилди. Айни дамда қандай чора бўлса, рози эди у. Ишқилиб уйларини сотишмаса бўлгани!

Ўктам ака аввалига йўталиб олди. Саъди Турсуновга ўгринча қараб қўйди. Сўнг иягини қашлаб, ўз таклифини айтди:

– Хўш... Мен текширувчилар билан гаплашиб кўраман. Энди ҳар қандай одамда ҳам томоқ, ошқозон бор, нимадир егиси келади. Айниқса, тансиқ таомлар бўлса, асло инкор қилмайди.

– Қисқароқ қилинг, – тўнғиллади Турсунов.

– Уларни бирор дала-ҳовлига чойга олиб чиқамиз. Яхшилаб зиёфат қиламиз. Егулик, ичкиликни тўкиб ташлаймиз. Еган оғиз уялар, дейдилар. Қарабсизки, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверади.

– Жуда яхши таклиф, – деб юборди Жамила ўзи билмаган ҳолда.

Саъди Турсунов эса тапиллатиб столга урди:

– Э, гапингизни қаранг! Шунча миқдордаги камомадни тўрт-бешта ароғу икки кило тандир гўштга алмаштиришармиди!

– Тўғри, аммо биз уларнинг кўнглини овлаш йўлини ҳам кўрамиз-да!

Турсунов унга хўмрайиб қараб турар экан, сабри чидамай сўз қотди:

– Яъни, қандай? Гапиринг-да тезроқ!

– Биз билан Жамила ҳам боришига тўғри келади, – давом этди Ўктам ака.

Бу гапни эшитган Жамила ўрнидан туриб кетди:

– Нималар деяпсиз? Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз?

– Ҳа, ўйлаб гапиринг, – деди Турсунов. – Одам ишхонасидаги ходималарини ҳам шундай ишга ундайдими?

– Ҳамма гап шунда-да, Саъди Мардиевич, – тушунтирди Ўктам ака. – Жамилахон ишхонамиз ходимаси бўлгани учун ҳам айтяпман. Уни энг фаол, чаққон ва кўзга кўринган ходимамиз, деб таништирамиз. Шундай десак, Жамилахонга ёмон кўз билан қарашмайди.

– Ёмон кўз билан қарашмаса, Жамилани етаклаб боришнинг нима кераги бор?

– Йўқ, сиз тушунмаяпсиз. Гап шундаки, аёл кишининг олдида улар ҳар қандай ён босишларга тайёр туришади. Биз, камомад шу қизнинг айби билан бўлган, эгилган бошни қилич кесмайди, шу ишни бир ёқли қилайлик, деймиз. Жамилахон ҳам индамай ўтирмайди. Уларга бир-икки нозланиб қараса бўлгани! Яна...

– Йўқ, – деди Жамила жойига беҳол ўтириб.

Ўктам аканинг аччиғи чиқди:

— Унда ҳовлини сотамиз. Шу бугуноқ отангизга бориб айтинг.

Жамила йиғлаб юборди. У хаста отасини, мушфиқ онасини кўз олдига келтирар, уларнинг неча йиллик уйни сотиб, абгор бўлишларини ўйлар, алаmidан додлаб юборгиси келарди. Турсунов эса Ўктам акага бошқа қандайдир йўллар ҳақида гапирди. Банкдан пул олиб туришми-ей, ишхонанинг машинасини сотишми-ей! Ўктам ака кескин рад этди. Яъни, ҳозирги шароитда банкдан пул олиб бўлмайди, машина сотиш ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас. Қандай қилиб тафтишчилар элакдан ўтказаетган ишхонанинг транспорт воситасини сотиш мумкин? Ҳисоб-китобдаги баланс бузилиб турибди-ю... Текширувчилар ҳам анойи эмас, улар рўйхатдаги ҳар бир инвентарни чиғириқдан ўтказишган. Буёғига ҳам сергак туришади. Гап миллионлар ҳақида боряпти. Ишхонанинг шунча пули қаерга кетганини Жамиланинг ўзига тушунтириб берсин эмиш уларга!

— Ахир, мен бу пулларни ўз ихтиёрим билан олмадим-ку!
— қон бўлди Жамила.

— Яна шундай дейсиз-а! — бўғриқди Ўктам ака, сўнг стол устидаги қоғозларни олиб, унга кўрсатди. — Мана, ҳужжат! Ўзингиз имзо чекиб бергансиз!

Жамиланинг ёдига тушди. Бундан бир неча ой аввал Ўктам ака шоша-пиша унинг хонасига кирган, шу ҳужжатга имзо чекиши кераклигини, дори-дармон, уйни таъмирлашга кетган харажатларни ҳисобдан чиқариш лозимлигини уқтирган эди. Жамила отасидан хабар олиш учун шифохонага отланиб турган эди, рақамлар ёзилган қоғоздаги исм-фамилияси ёнига индамай имзо чекиб берди.

— Мен харажатларни ҳисобдан чиқариш учун имзо қўйганман-ку! — эслатди у.

— Тўппа-тўғри, — тасдиқлади Ўктам ака. — Аммо

тафтишчилар шу қоғозга ёпишиб олишган-да! Олмоқнинг қусмоғи бор, Жамилахон... Менга қаранг, яхшиси, отангизга ўзим тушунтираман. Сиз, менимча, шуни ўйлаяпсиз. Сиқилманг, қавм-қариндошлар ёрдамида кичикроқ ҳовли сотиб оларсизлар.

— Йўқ, — бош чайқади Жамила. — Ҳеч қачон!

— Унда...

— Ҳа, розиман.

— Менга қаранг, сиз зиёфат бошланишида озгина ичкилик ҳўплаб қўсангиз бўлгани, яна меҳмонларнинг кўнглини олиб, у-бу дейсиз. Жуда бўлмаса, суйкалиб қўярсиз. Бу оилангиз учун, тўғри тушунинг. Кейин ҳайдовчига айтамиз, сизни у ердан олиб кетади. Қолганини бизга қўйиб беринг.

— Мен...

— Қўрқманг, эплейсиз, Жамилахон. Ичингизга озгина "ширин сув" кириб олса, дадиллашиб қоласиз.

— Демак, розисан! — деди унга Турсунов. — Менга қара, сен ҳадеб кўзёшларингни оқизма! Мана шу касофатлардан қутулиб олайлик, албатта, қаддимизни тиклаймиз. Менда зўр-зўр лойиҳалар бор. Катта-катта пуллар келади. Кейин биринчи бўлиб сенинг маошингни оширамиз, беш бараварга! Отангни эса даволаниш учун хорижга юборамиз.

"Йўқ, керак эмас", — дея бақириб юборгиси келди Жамиланинг.

У уйда кечаси билан юм-юм йиғлаб чиқди. Кўзёшларини онасидан пинҳон тутди.

Белгиланган кунда эса ўзини йиғидан зўрға тийиб турарди.

Дала-ҳовлига етгач, Жамила секингина машинадан тушди. Ҳайдовчи "Нексия"ни елдирганча орқага қайтиб кетди. Ўчоқ бошида Ўктам ака куймаланар, бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Айвондаги олти кишилик тўкин дастурхон анвойи ноз-неъматларга, турли егулик ва ичимликларга лиммо-лим.

Бурчақда телевизор қўйилган, унинг тагидаги DVD орқали қандайдир беҳаё фильм намойиш этилмоқда. Экранга кўзи тушган Жамила ижирғаниб, юзини четга бурди.

— Ие, келдингизми? — деди қўлида патнис билан айвонга чиққан Ўктам ака. — Уст-бошингизга гап йўқ, аммо кўринишингиз... Агар тадбир яхши ўтсин, десангиз, бугун фақат табассум қилиб турасиз.

— Ҳаммаси сизнинг сценарийингиз асосида бўладими? — пичинг қилди Жамила.

Ўктам ака мириқиб кулди:

— Ҳали бизни киночига чиқариб қўйсангиз эди... Йўқ, Жамилахон, Саъди ака шундай деб тайинлади. “Бугун корхонамизнинг ҳаёт-мамот учун кураши”, деди. Тушунапсизми, сизнинг ташвишингизни ишхонамиз ҳаёт-мамоти миқёсигача олиб чиқди. Сизни шу қадар ҳурмат қилади. Бундай меҳрибон инсонни қаердан топардингиз?

Жамиланинг жаҳли чиқди:

— Оғзингизга қараб гапиринг.

— Нима дебман? Ҳартугул Саъди аканинг меҳрибонлигини тан оларсиз? Одам деган катталарга терс гапирмайди. Ҳамма вақт “хўп” деб туради. Майли, ҳозир гап бунда эмас. Сиз ўтиринг. Ҳозир... ҳозир... — Ўктам ака очилган шишадаги ичимликдан жомга тўлдириб қуйди, сўнг Жамилага узатди. — Мана шуни оласиз!

— Йўқ, мен ичмайман.

— Ахир, сиз билан келишганмиз-ку! — диққат бўлди Ўктам ака, қадаҳни унинг олдига қўйиб. — Кечаям айтдик. Хонангизга кириб, яна эслатдим. Меҳмонларни ширингина бўлиб кутиб олмасак, аҳволингиз вой, Жамилахон! Саъди ака фақат сизни ўйлаяпти, акс ҳолда, “бу пуллардан хабарим йўқ”, деса, тамом, қамаласиз-кетасиз!

— Бошга тушганни кўз кўради! — деди ҳали ҳам ўзига келолмаган Жамила.

- Сиз ўзингизни ўйламанг, уйдагиларни ўйланг.
- Бас, етар! Ҳар куни шу гап! Жонимга тегиб кетди.

Ўктам аканинг уни ўчди. Бошқа ҳеч нима демади. Хиёл вақт ўтиб, йўлга қаради-да, типирчилаб қолди. Узоқдан қоп-қора машина келарди.

– Жамилахон, ича қолинг, илтимос, – шоширди уни. – Улар яқинлашиб қолишди.

Жамила Ўктам акага ўқрайиб қаради. Қадаҳни кўлига олиб, жаҳл билан ичиб юборди. Томоғини қандайдир аччиқ таъм тилиб ўтгандек туюлди. Кўз олди тиниб кетди. Кейин ўқчиб юборди.

– Ана бўлди, яшанг! – қувониб кетди Ўктам ака. – Энди ўтиринг.

Жамила ўтирар экан, оромкурсининг юмшоқлигидан аъзо бадани яйраб кетди. Кўзлари юмила бошлади. "Менга нима бўляпти? – ўйлади у. – Ахир, мен меҳмонларни кутиб олишим керак эди-ку! Биргина ортиқча ҳаракатим туфайли улар ранжиши мумкин, кейин уйимизни сотишга мажбур бўламиз".

У машина келаётган томонга қаради. Ажабо, машина ҳам, йўл ҳам, теварак-атроф ҳам худди сароб каби жимирлаб кўринарди.

Айни меҳмонларни қарши олиш чоғида Жамилани янада уйқу боса бошлади. "Бу одам менга уйқу дори берди, шекилли?" – ўйлади у. Ўктам акага ўтирилишга ҳам ҳоли бўлмади. Оромкурсига суяниб, кўзларини юмди. Озгина юмсин, меҳмонлар яқинлашганларида очади кўзларини!..

У кўзларини зўрға очди, қоп-қора машина аллақачон етиб келиб, ундан Саъди Турсунов тушганини элас-элас кўрди. "Бунини ювиш керак", дедими-ей Ўктам ака. Яна "мен кетдим бўлмаса, кейинроқ келамиз", дегандек бўлдими-ей!

Жамила нимадир бўлаётганини чамалади, бироқ аниқ

идрок эта олмади. У ўзининг гафлат уйқусида эканини илгаса-да, аини дамда бу хуш ёқаётган эди. Хуш ёқяпти, деб ҳам бўлмайди, у шунчаки ором олмоқчи эди, холос. "Ичкарига олиб кирамизми?" — деган овоз келди. "Буёғини ўзим эплайман", — деган жавоб ҳам қулоғига чалинди унинг. Кейин...

Анчадан сўнг Асқарнинг қиёфаси намоён бўлди. Жамила тушидан шу қадар қувониб кетдики, уйғониб кетмайин, деб қўрқди. Икковлон доимий учрашадиган гужум тагида, бир-бирига тикилиб тўймасди.

"Асқар, — деди у, — келдингизми?"

"Қанақа Асқар? — деди Асқар бирданига жиддийлашиб. — Мен Анзурман!.. Ҳеҳ, уятсиз! Беномус!.."

Жамила эрталаб ўзига келди. Ана шунда ўзи билан нималар содир бўлганини англаб, даҳшатга тушди. Додлаб юборди. Ўзини-ўзи ўлдирмоқчи бўлди. Кўз олдида тўшакда ётган отаси кўриниб кетди.

Нима қилсин? Шунча кўргиликларга итоат этиб, уят, орномусга терс қараб яшайверсинми? Ёки бу дунёнинг ғавғоларига чидай олмай, ҳаётдан кўз юмсинми? Оиланинг ягона боқувчиси мана шу Жамила! Ўз жонини ўйламаса ҳам оиладаги уч жонни ўйлаши керак у. Ота-онаси ишламайди, синглиси ҳали кичкина. Аммо Жамила қандай яшайди? Ота-онасининг кўзига қандай қарайди?

— Бўлди, бас қил! — ўдағайлади Саъди Турсунов. — Ҳаммасига ўзинг сабабчисан. Тийилишинг керак эди. Йиғлама, дедим сенга! Никоҳ ўқитамиз, иккинчи хотиним бўласан.

Жамила стол устидаги пичоққа кўзи тушди. "Нима учун мен ўйшим керак экан? — ўйлади у. — Манови одам ўлсин. Менинг ҳаёт ўзанимни буриб юборган мана шу малъун ўлсин".

У секин столга яқинлашди. Сўнг билдирмайгина пичоқни қўлига олди ва орқасига яшириб турди.

– Билиб қўй, иккаламиз ўртамиздаги гапни ҳеч ким, ҳеч қачон билмаслиги керак, – тайинлади Турсунов.

Жамила қўлини орқага қилганча пичоқ сопини маҳкам қисди.

– Агар шартимга кўнмасанг, отангга ҳомийлик қилишни бас қиламан, – давом этди Турсунов. – Ҳали хабаринг йўқ, кеча отанг яна шифохонага тушган.

– Нима? – тилга кирди Жамила, сўнг пичоқни жойига қўйиб, қўллари билан юзини тўсиб олди.

– Бир оздан сўнг машина келиб, сени олиб кетади, – шундай деб Саъди Турсунов хонадан чиқди. – Ҳа, яна бир гап, анови... ким эди, Асқарми, энди уни буткул унутасан!..

Жамила бир неча бор ўз жонига қасд қилмоқчи бўлди. Яна қўли бормади. Саъди Турсунов ва Ўктамларга нисбатан нафрати қанчалик жўшмасин, у ҳеч нима қила олмасди. Палатада ҳузури жон қилиб ётиб олган Назир ота эса ҳар сонияда уларни алқаб турарди.

Жамиланинг кўзларида мунг қотиб қолган, у жонсиз ҳайкалдек эди гўё. Ўктам ака аллақердан топиб келган мулла Саъдиев иккаласини пинҳона фотиҳа қилаётганида ҳам тек қотиб ўтирди. Энди унга барибир эди. Шу тарзда Жамила азбаройи ота-онаси учун, аммо уларнинг ризолигисиз бир одамнинг хасмига айланди.

– Шаҳарга кетасан, – деди бир куни Турсунов унга. – Уйимда яшайсан. Ота-онангга зинҳор билдирма.

– Қандай?.. Индамай кетавераманми?

– Ҳа... Мен ҳақимда гап чиқишини истамайман. Шаҳарга ишга тақлиф қилишяпти. Кўтарилиб кетсам, юрасан, маза қилиб!

Жамила ерга қаради:

— Оилангиз-чи? Болаларингиз...

Турсунов тўнғиллаб жавоб берди:

— Ишинг бўлмасин!..

Назир ота анча тузалиб қолди. У аввалгидан тетик, кўча-кўйда ҳам шахдам қадамлар ташлаб юрадиган бўлди. Қизидаги ўзгаришларни сизди. Хотинини ёнига чақириб, сўз қотди. Жамиланинг қандайдир дарди борлигини, у ниманидир сир тутаётганини тахминлади. Ҳалима опа бу гапдан ҳайрон бўлиб, елкасини қисди. Кейин эса Жамилани ҳар қанча қийин-қистовга олмасин, у, "иш жуда кўп, чарчаб қоляпман", деб қутулди.

Саъди ва Ўктам! Маккорликда аёлларни-да ортда қолдирадиган бу икки эркак гулдек навниҳол қизни бошлаб алдаб, тузоққа туширган эди.

— Сен эртадан ишга чиқмайсан, — деди бир куни Саъди Турсунов.

Жамила унга ҳайрон бўлиб қаради. Турсунов Ўктам акага учрашишни буюрди.

— Ҳа, ишга чиқмасангиз яхши бўларди, — деди Ўктам ака. — Бугун-эрта... Асқар ҳарбий хизматдан келаркан, деб эшитдик. Саъди аканинг ундан кўрқадиган жойи йўғ-у, барибир, ишга чиқмай туришингизни маъкул топди. Тўғрида, ишхонада йўлингизни тўсса ёки хонангизга безбетларча кириб олса, гап-сўз бўлиб кетади. Саъди ака рашк қиладида, нима бўлганда ҳам эрингиз! Унутманг, агар Саъди аканинг қулоғига қандайдир нохуш гаплар етиб келса, биринчи галда ўша Асқарга ёмон бўлади. Жуда ёмон бўлади.

Жамила ишга чиқмай қўйди. Уйдагиларга "меҳнат таъгилидаман", деб айтди. Орадан уч кун ўтиб, Асқарнинг ҳарбий хизматдан қайтиб келгани қулоғига чалинди. У аввалига қувониб кетди, сўнг ғам-андухга ботди. Кимсасиз хонага кириб, мук тушганча ётиб олди. Асқар билан ўтказган

энг ширин дамларини эслар экан, кўзёшларини тия олмади.

– Эшитдингми, Асқар келибди? – деди кечга яқин Ҳалима опа секингина шипшиб.

Жамила бош ирғаб қўйди.

Шусиз ҳам унинг икки хаёли Асқарда эди. Уни узоқдан бўлсаям бир мартагина кўришни чин юракдан истар эди.

Эртаси куни қўл телефони жиринглади. Жамила нотаниш рақамни кўриб, хайрон бўлди. "Асқар бўлса керак", деб юраги гупирлаб кетди. У телефон кўнғироғига жавоб бериш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай, яшил тугмачани босди. Ана шунда Жамила бир йил мобайнида эшитмаган, жуда-жуда соғинган овоз эшитилди:

– Алё, салом, Жамила, бу мен – Асқарман!

Жамила жим турар, нима деб жавоб беришни билмасди.

– Жамила, мен келдим. Сизни жудаям соғиндим. Илтимос, кўришайлик.

Жамила йиғлаётганини билдирмаслик учун ҳам телефонининг қизил тугмачасини босди. Телефон яна жиринглади. Гарчанд Асқар билан гаплашгиси келса-да, энди икковининг муҳаббатига бир умрга нуқта қўйилганини идрок эта оларди Жамила. У, агар майлларига бўйсунса, вазият янада чигаллашиши, яхши оқибатларга олиб келмаслиги мумкинлигини биларди. Қолаверса, Жамила энди бошқа эркакнинг завжаси. Эрга хиёнат қилиш асло мумкин эмас.

Асқар кўнғироқ қилишни қўймасди. У яна аввалгидек тоғасининг уйида пайдо бўлган, Жамилаларнинг дарвозасига термилар, баъзида жиянларини юбориб, маҳбубасидан интиқ бўлиб жавоб кутарди.

Ниҳоят, у пайтини топиб, тўппа-тўғри Назир аканинг ҳовлисига кириб келди. Уйда Жамиланинг ёлғиз ўзи ўтирар, ота-онаси синглисини олиб, қариндошларининг тўйига кетишган эди.

Жамила Асқарни кўриб, капалаги учиб кетди.

– Ниҳоят, қўлга тушдингиз, – кулди Асқар. – Мендан қачонгача қочиб юрмоқчисиз, Жамила?

– Илтимос, кетинг, – орқасига тисарилди Жамила. – Ҳозир уйдагилар келиб қолишади. Кечгача қайтамиз, дейишган.

Асқар қовоғини уйди:

– Сиз билан бир йил кўришмадик, топган гапингиз шуми? Менга айтинг, ким ўша йигит? Сизни кимга унаштиришган? Мен билишим керак, билишим шарт!

– Энди бунинг аҳамияти йўқ, Асқар.

– Аҳамияти бор. Мен, керак бўлса, фотиҳа тўйингизни қайтариб, сизга уйланаман. Мен ортимга чекинмайман, Жамила. Ҳеч қачон!

– Асқар, илтимос.

– Сиз менга ёлғондан мактуб ёзгансиз. Ҳеч ким билан унаштирилмагансиз.

– Ҳаммаси рост. Илтимос, чиқиб кетинг.

– Ёлғон! Бу ерда бошқа нимадир бор. Мен, албатта, тагига етаман. Ростдан ҳам унаштирилган-унаштирилмаганингизни, ота-онангиздан сўрайман. Кейин ўша йигитни топаман. Ялиниб-ёлвораман, тўйни қайтаришини илтимос қиламан. Агар кўнмаса, уриб, дабдаласини чиқараман. Кўнмагунича дўппослайвераман.

Жамила зўрға ўзини тийиб турарди. У Асқарга зарда қилгандек сўз қотди:

– Демак, сиз менинг бахтли бўлишимни хоҳламас экансиз-да?!

Асқар индамай Жамиланинг гўзал рухсориға, оҳу кўзларига тикилди. Кейин эса бош чайқаб деди:

– Мана шу кўзлар вақти келиб мени алдайди, деб сира ўйламаган эдим. Нега ёлғон гапиряпсиз, Жамила? Ёки мени

шунчалик ёмон кўриб қолдингизми? Айбим нима? Нима айбим бор эканки, мени кўришним хоҳламаяпсиз. Жамила, мен бу кўзлар фақат мени кўради, деб ўйлаган эдим.

– Одамзод адашади, – деди Жамила ўзини назарда тутиб.

Асқар унга яқинроқ келди, Жамила яна орқасига тисланди.

– Менга қаранг, агар эртага тунги соат иккида гужум олдига чиқмасангиз, мен отангиз билан албатта гаплашаман.

– Бундай қилманг, – Жамила йиғлаб юборди.

Асқар индамай ҳовлини тарк этди. Жамила унинг ортидан югуриб чиққиси, оёғига тиз чўкиб кечирим сўрагиси, бор гапни айтиб бергиси келди, бироқ чор-ночор жойидан жилмади...

Дунё шу экан: ҳасратларинг ичингда қолиб кетавераркан. Кимларнингдир бўлмағур иши туфайли энг яқин одамингга ҳам айтолмас экансан...

Жамила оила аъзолари тўйдан қайтгачгина ўзига келди.

– Сен ҳам борсанг бўларди, – койиди онаси. – Тўймисан-тўй бўлди ўзиям! Отанг сен берган пулларни сочди ўзиям! Бир зумда Назир бойвачча бўлиб қолди. Одамлар ҳам қизиқ-да!

"Эртага учрашувга қандай чиқаман? – деб ўйларди Жамила ўз ёғига қоврилиб. – Саъди акага ё Ўктам акага айтсаммикан? Йўқ, Асқарни бир бало қилиб кўйишади... Эҳ, Асқар! Нима қилардингиз тинчимни бузиб, оромимни ўғрилаб?.."

Гужум остида Асқар Жамиланинг кўлини сира кўйиб юбормади. Ундан ростини айтишини талаб қилиб туриб олди. Жамила гапни қанча бурмасин, у саволини такрорлайверди. Жамила сал қолди бор гапни айтиб юборишига! У кучли ҳаяжонга тушган, юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлар, ўзи ҳам Асқардан юлқиниб кетишни хоҳламасди. Ҳадик-ҳаяжон ичида Жамила қандай қилиб Асқарнинг кўксига бош қўйганини билмай қолди.

Асқар уни ортиқча тергамади. Эртага ҳам учрашамизми, деб сўради. Жамила бош ирғади.

Ой ёғдуси остида яна учрашдилар. Асқар беҳад шод, Жамиланинг туйғуларини жўш урдираётганига ишонгиси келмасди унинг.

— Бугун Назир ота билан гаплашдим, — деди Асқар мақтаниб.

Жамила чўчиб тушди. Асқарга шу қадар саросимада қарадики, у кулиб юборди:

— Ҳазиллашдим, Жамила. Сизни бир синаб кўрай, дедим-да! Айтгандай, эртадан ишга чиқяпман. Сиз ҳам чиқинг.

— Отам билан ҳеч қачон гаплашманг, — илтимос қилди Жамила.

— Хўп, сиз ҳам ваъда беринг: фотиҳа тўйини қайтарасиз!

Жамила Асқар унинг кўзларига қарамаслиги учун уни кучоқлаб олди. Кейин шивирлаб ваъда берди.

Яна, яна учрашдилар. Бу гужум остини ҳеч ким билмас, анчайин бежавотир жой, шунга қарамай, Жамила ҳар гал қўрқа-писа учрашувга чиқарди. Тунги дийдорлашув алламаҳалгача давом этарди. Икки ёш қалб тўйиб-тўйиб суҳбат қуради...

— Жамила, тур қизим, телефонинг жиринглаяпти, — Ҳалима опа шундай деб уни ширин уйқусидан уйғотди.

Жамила ичкари хонага кирди-да, телефонини қўлига олиб, қандайдир рақамларни терди.

— Бугун тунги соат ўн иккида оқ “Матиз” боради, — деган овоз келди телефондан. — Рақами бир юз саксон. Сени новвойлар гузарида кутади. Соат иккида шаҳарда бўлишинг шарт!

Жамила шалвираб қолди. У Саъди Турсунов ҳақида салкам унутган, Асқар билан шодон кунлари ҳаётига завқ бағишлаётганидан беҳад бахтиёр эди.

Тунги ўн икки бўлмаслигини ҳар қанча истамасин, соат миллари бир-бирини қувлаб, даҳшатли фурсат ҳам етиб келди. Яна икки соатдан сўнг Асқар гужум остида Жамилани кутади. У эса аллақачон шаҳардаги нотаниш уйда қон қақшаб ўтирган бўлади.

Жамила қўллари титраганча хат ёзиб, хонтахта устига қолдирди. Сўнг дарвозадан шарпадек чиқиб, ҳовлини тарк этди.

11

Мен ўзимга таниш уйга кириш учун аввал бошимга кепкамни яхшилаб бостириб кийдим, Сўнг ташқаридаги электр ҳисоблагичга қараган бўлиб, эшик қўнғироғини босдим. Ичкаридан ҳеч қандай жавоб бўлмади. Қўнғироқни босиб туравердим. Ичкаридан шип-шип қадам товушлари эшитилгач, яна ҳисоблагичга нигоҳимни қаратдим.

— Ким бу, нима дейсиз? — деган овоз келди уйдан.

Мен овозимни ўзгартириб жавоб бердим:

— Светдан келдик, қарзларинг роса ошиб кетибди, пулини тўланг!

— Биз ошиғи билан тўлаб қўйганмиз, сиз яхшироқ қаранг.

— Кечириб қўясиз, — дедим мен бўш келмай, ҳисоблагичга тикилар эканман. — Мана, салкам беш юз ваттга тўланмаган. Тезроқ бўлинг, менинг вақтим зиқ.

У бир оз жим турди, сўнг жавоб берди:

— Мен билмайман, хўжайиним ҳам уйда йўқ. Кейинроқ келинг.

— Қачон? — сўрадим эзмалик билан.

— Билмадим. Яхшиси, хўжайинимга айтаман, ўзи тўлаб қўяди.

Мен ўзимни асабийлашган қилиб кўрсатдим.

— Э, бошни қотирманг, тўласангиз, тўланг! — дедим ва

елкамга илиб олган сумкамдан махсус омбур чиқардим. — Бўлмаса, ҳозироқ мана бу симни узиб ташлайман. Ҳамма, тўлаб қўямиз, дейди-ю, қулоққа лағмон илади. Тўлайсизми, йўқми?..

— Шошманг, ҳозир...

Шундан кейин эшик шарақлаб очилди-да, Жамиланинг саросимали нигоҳи кўринди. У бир қўлида телефон, иккинчисила пул ушлаб турар, менга қарамас, девордаги электр ҳисоблагичга тикиларди.

— Қанча тўлашимиз керак, айтинг!

Мен унга ён томоним билан турардим. Ҳаяжонланиб кетганимдан тилим калимага келмай қолди. Гарчанд Жамилага яхшилик қилиш учун келган бўлсам-да, худди айб иш қилаётгандек, юрагим тез-тез урар, нафас олишим ҳам тезлашган эди.

— Ҳозир айтаман, — дея жавоб бердим, ичкарига кириш учун қулай фурсат кутарканман. Овозим титраб чиқди: — Х-ў-ў-ш, икки юз минг сўм...

— Нима? Намунча кўп? — назаримда Жамила ҳануз электр ҳисоблагичдан кўз узмасди. — Бунча кўп бўлиши мумкин эмас.

— Бўпти, унда узиб ташлаймиз, — дедим мен бўғиқ овозда. — Кейин икки юз мингга қўшиб жарима тўласангиз ҳам улаб бермайман.

— Шошманг, — Жамила шундай деганча эшикни очиқ қолдирди-да, ичкарига кириб кетди.

Мен тезгина остона ҳатладим-у, остонадан ичкарига ҳатладим. Эшикни секин қулфлаб олдим.

Жамила кўп куттирмади. Қўлида анчагина пул билан ортига қайтди-ю, эшик ёпиқлигини кўриб, ҳайрон бўлди. Шундан кейингина менга қаради. Мен ўзимни босиб олган эдим. Кепкамни бошимдан тушириб, унга хотиржам тикилиб турардим.

Жамила аввалига мени танимади. Таниган бўлса ҳам унча англай олмади. Кейин ўзини йўқотиб қўйди, худди совуқ хабар эшитган одамдай, деворга бемажол суяниб қолди.

– Ҳа, мени кутмаганмидингиз? – дедим кулимсираб.

Жамила миқ этмади.

– Кўрқманг, мен сизни сўроқ қилишга келганим йўқ, – дея сўзимда давом этдим. – Ҳозир шаҳарда ишлаяпман. Кеча шу атрофда юриб, деразадан сизга кўзим тушиб қолди. Кўзларимга ишонмадим. Сизмикансиз, йўқми, деб келавердим.

– Менда нима ишингиз бор? – Жамила шунчалик паст овозда гапирдики, мен зўрга эшитдим.

– Сизга уйланмоқчиман! – дангалини айтдим мен.

Жамиланинг жаҳли чиққани яққол сезилди. У қаддини ростлаб, менга қаҳр билан қаради. Нимадир демоқчи бўлиб, чиройли лабларини жуфтлади, бироқ сас чиқармади.

– Уйингиз яхши экан, – дедим мен бу ерга худди илк бор келгандек, ён-атрофга назар ташлаб. – Энг сўнгги урфда таъмирланган.

– Илтимос, мени тинч қўйинг, – Жамила шу қадар илтижо оҳангида сўзладики, унга раҳмим келиб кетди.

– Нима учун? – сўрадим мен гўё ҳеч гапни билмайдиган одам каби. – Эндигина топганимда, шундай дейишингиз тўғрими, Жамила?

– Бас қилинг, – чўрт кесди у. – Мен бировнинг хасмиман. Чиқиб кетинг бу уйдан!

Мен индамай даҳлиздан ичкарига одимладим. Жамила кўрқа-писа ортига тисарилди. Катта хонага ўтдик. Мен чарчаган мисоли, ўзимни оромкурсига ташладим. Кўзларимни юмиб, чуқур хўрсиндим. Бу уйга нималар дейишни чамалаб келган бўлсам-да, гапларимни йўқотиб кўяёзган эдим.

– Сизни нақадар соғинганимни билсангиз эди, – бу гапим шу қадар самимий, ишонарли чиқдики, ўзимнинг ҳам йиғлаб юборгим келди.

Жамила сукут сақлаб турарди. Уни ортиқча изтиробга солмаслик учун сув сўрадим. Жамила ошхона томонга ўтиб, косада сув келтириб берди. Мен худди ташна қалбимга малҳам бўладигандек, сувни мириқиб симирдим. Косани қайтариб бераётиб, Жамиланинг кўзларига тикилдим. У нигоҳини олиб қочар экан, мижжалари намлангани диққатимни тортди.

– Ўтиринг, Жамила, – дея ён томондаги оромкурсини кўрсатдим мен. – Сиз билан гаплашадиган гапларим бор.

Жамила ўтирмади. Унинг қанчалик азоб чекаётгани юз-кўзидан аён эди. Мен ўрнимдан турмоқчи эдим, у оромкурсига оҳистагина чўкди.

– Гап бундай, Жамила, – дедим мен. – Уйдагилар мени уйлантиришмоқчи. Мен эса фақат сизга уйланаман.

Жамила жавоб бермади, аммо бошини сарак-сарак қилиб, “йўқ” ишорасини қилди. Унинг кўзларидан шашқатор ёшлар оқа бошлаган эди.

– Менга қаранг, мана шу охирги йиғлашингиз бўлади. Энди сизни ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман. Яна бир гап: мени сизнинг ўтмишингиз қизиқтирмайди. Мен фақат иккимизнинг келажагимизни ўйлаб иш тутаман.

– Ўқтам акани сиз юборганмидингиз? – сўради Жамила. Мен жавоб бермадим.

– Нега ундай қилдингиз, Асқар? У – аблаҳ, разил! Келиб-келиб, шу одамни элчи қилиб юбордингизми? Илтимос, мени тинч қўйинг, ҳаётимга аралашманг. Айтдим-ку, мен бировнинг хасмиман. Бошимда эрим бор.

Жамиланинг бу гапи юрагимга оғир ботди.

– Биладан, ҳаммасидан хабарим бор. Сизга нисбатан қандай найранглар ишлатишганини эшитдим. Ҳадемай, ўша эрингиз сиз билан ажралади.

Жамила ялт этиб менга қаради. Унинг нигоҳида норозилик, аччиқланиш аломатлари зоҳир бўлган эди:

– Мени бахтсиз қилмоқчи экансиз-да, Асқар?

– Йўқ! Саъди Турсуновнинг ўзи сиз билан ажрашмоқчи. У сизни уйингизга элтиб ташламоқчи.

– Бўлмаган гап! – асабийлашди Жамила. – Нималар деяпсиз? Тинч қўйинг мени, чиқиб кетинг бу уйдан! Илтимос, Асқар!

– Нима, ишонмаяпсизми?

– Нега ишонишим керак экан?

– Мен буни Ўктам акадан эшитдим. У Саъди Турсунов сиз билан ажрашмоқчи бўлганини айтди. Менимча, боя ташқарида эканлигимда сиз Турсуновга қўнғироқ қилдингиз, у жавоб бермади, шундайми? Умуман, охири марта уни қачон кўрдингиз? Бу уйга келишниям йиғиштирган бўлса керак, ҳойнаҳой?

Жамила ўрнидан турди:

– Менга қаранг, ўша Ўктам агар Саъди акани сотган бўлса, сизга нисбатан бундан ҳам баттар иш тутади. Унга ҳеч қачон ишонманг. Ўктам – кўрқоқ, лаганбардор одам. Менга нисбатан қанчалик номардлик қилганини билмайсиз ҳали. Албатта, сизга айтармиди, сира билдирмайди. Эҳтимол, сиз унга пул бергандирсиз ёки нимадир ваъда қилгандирсиз, шу сабабли гўё ёрдам берган. Агар менинг қўлимда бўлганида биринчи бўлиб ана ўша Ўктам аканинг жазосини берган бўлардим.

– Бунга ҳожат йўқ, Жамила, – дедим мен овозимга асло ачиниш тусини бермай. – Ўктам ака ўлган. У яқинда ўлди.

– Қандай... нега ўлади? – Жамиланинг ҳайратга тўла нигоҳи ҳам чиройли эди.

– Уни илон чақиб ўлдирди. Қисқаси, Ўктам ака ўз жазосини олди. Сизга барибир эмасми? Битта душманингиздан қутулдингиз!

Жамила яна сукутга чўмди. Мен унга зимдан қараб қўяр эканман, Ўктам аканинг ўлимини эшитиб, қувоняптими-йўқми, била олмасдим. Жамиланинг бежирим қошлари чимирилган, ўзи эса чуқур ўй-хаёлга берилган эди. Эҳтимол, Ўктам аканинг ўлимини мендан кўраётгандир? Балки ҳақиқатан уйга қайтишни ўйлаб, ич-ичидан сиқилаётгандир?

– Сиз шу гапни айтиш учун келдингизми? – тилга кирди Жамила. Унинг сўзлари истехзога тўла эди.

– Мен сизга келганимнинг сабабини айтдим.

– Сиз ростдан ҳам шаҳарда ишляпсизми?

– Шундай десаям бўлаверади. Сизга бўлган муҳаббатим мени шу ерга етаклади.

– Қўйинг бу гапларни, – энсаси қотди Жамиланинг. – Мен сизнинг марҳаматингизга зор эмасман!

Унинг бу гапидан жаҳлим чиқди. Ўрнимдан туриб кетиб қолмоқчи ҳам бўлдим. Шошилмадим. Назаримда, Жамила аста-секин менга мойиллик билдираётгандек эди. “Муҳаббат”, дейдими, “марҳаматингга зор эмасман”, дейдими, бу Жамиланинг иши! Аммо мен фақат уни дейман. Айниқса, ажрашиши мумкинлиги ҳақида эшитганимдан шарт. Биламан, ота-онам, уйдагиларим бу фикримга кескин қаршилиқ кўрсатишади. Мени ландовур, лақмаликда айблашади. Мен эса барибир ўз аҳдимдан қайтмайман. Акс ҳолда Жамила ўзига бирор қор-ҳол қилиб қўйиши мумкин.

Мен икки кун аввал Анзур акам билан бўлган суҳбатни эсладим. Иккаламиз ҳоли қолганимизда уни нақ гирибонидан олган эдим. Анзур акам ҳамма гапимни диққат билан эшитди. Сўнг аччиқланиб, мени урмоқчи бўлди. Мен унинг кўзларига тик қараб турар эдим.

– Ука, сен ёшлиқ қиялпсан, – деди у ҳовуридан тушиб. – Билиб қўй, мен сенга ёмонликни раво кўрмаганим учун

ҳам шундай қилдим. Жамила ҳақида эшитганингда сенинг ҳам тела сочинг тикка бўларди. Сен тушунмаяпсан, агар шундай қилмасам, бошингни айлантириб, тегиб оларди. Тўғри, мен аввалига Ўктам аканинг гапларига ишондим, бироқ кейин ўзим гувоҳи бўлдим. Ўша Жамила маст-аласт кўзларини сузиб, менга суйкалмоқчи бўлди. Уни силтаб ташладим. Сен тасаввур қиляпсанми, ўша қизнинг бир ўзи дачада ўтирибди, бошқа аёллар йўқ. Бундай келиннинг оиламизга нима кераги бор, Асқар? Сен кўзларингни оч, ука!

— Ака, агар уйдагиларни совчиликка боришга кўндирмасангиз, сизни бир умр кечирмайман!

— Бекор айтибсан! — бақириб юборди у. — Ҳеч қачон! Бу гапингни каллангдан чиқариб ташла! Бировнинг хотинини бошингга урасанми, аҳмоқ? Сен ҳам йигитсан, ахир! Ким кўп, кўчамизда қизлар кўп. Бировини танла, вассалом!

Мен Анзур акамга Жамиланинг бошидан кечирганларини бирма-бир айтиб бердим. У аввалига ишонмади, кейин эса индамай қолди. Кечга яқин эса овқатланаётганимизда ўз-ўзидан менинг уйланишим ҳақида гап очди.

— Ҳа, Асқарни уйлантириш керак, — деди хўрсиниб отам, сўнг онамга ва янгаларимга юзланди. — Келин топинглар тезроқ. Буни уйлантирсак, кейин ўзига келади. Акс ҳолда анови Назирнинг қизини унутолмай юраверади.

Мен чор-ночор индамай ўтиравердим. Билардим, агар ҳозир Жамила ҳақида сўз очсам, отам тутақиб кетади. Фақат Анзур акам мени ҳимоя қилиши мумкин, бироқ бу ҳам номаълум эди ҳозир.

Хуллас, онам ҳам, янгаларим ҳам айна дамда мен учун қиз қидиришга киришиб кетишган. Менинг эса икки хаёлим эса Жамилада эди! Ундан кўнгил узолмасам, нима қилай?..

Жамиланинг қўлидаги телефон жиринглаб, хаёлим

бўлинди. У ичкари хонага кириб кетди-да, эшикни ёпди. Ким экан кўнғироқ қилган? Саъди Турсунов бўлса керак. Жамиланинг кайфияти янада баттар бузилади. Эҳтимол, мана шу кўнғироқдан кейингина менинг гапларимга ишонар? Нима бўлганда ҳам уни эҳтиёт қилишим керак.

Жамила узоқ қолиб кетди. Секин ичкарига кулоқ тутдим. Ҳеч қандай овоз чиқмасди. Эшикни тақиллатдим. Жавоб бўлмади. Очай, десам, ичкаридан қулфланган. Овоз бердим, яна жавоб бўлмади. Ишқилиб ўзига бирор кор-ҳол қилган бўлмасин. Эшикни бузиб киришимга тўғри келади. Ҳарбий хизматда ўрганганим бўйича битта тепган эдим, эшик очилиб кетди.

Жамила диванда ўйланиб ўтирган экан, кўрқиб кетди. Мен унга яқинлашдим.

— Хўш, нима гап, тинчликми?

Ана шунда унинг маҳкам сиқимлаб турган мушти орасида нимадир борлигига фаҳмим етди. Қўлига ёпишдим. Жамила қаршилик кўрсатди. Мен куч билан унинг панжаларини очган эдим, гилам устига дув этиб бир нечта ҳапдорилар тўкилди.

— Қўйворинг, йўқолинг бу уйдан, — типирчилади Жамила.

Мен уни қўйиб юбормадим. Жамила мени кучоқлаб, бор овозда йиғлаб юборди.

— Нега бундай қилади, нега? — ҳиқиллади у. — Талоқ қилдим, дейди нокас! Ё никоҳ шунчалик ўйинчоқми буларга? Ҳамма айтганларини қилдим-ку! Чизган чизигидан чиқмадим. Энди керак бўлмай қолдимми?

— Тинчланинг, — дедим мен унинг сочларини силаб.

— Қўйворинг, — енгил силтанди Жамила. — Энди мен нима қиламан? Қаерга бораман? Шу бугун, ҳозир лашлушларингни олиб, уйдан йўқол, деди. Ота-онамга нима дейман? Қариндошларга-чи? Қўни-қўшнилари олдида кимман энди? Қошки ҳижжалаб сўрашмаса? Йўқ, мен энди яшай олмайман. Мен ўлишим керак, Асқар!

— Ундай деманг, — овутдим мен. — Жуда бўлмаса, бизникига борасиз. Ҳеч ким кўрмайди, билмайди. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Энди мен ҳамиша ёнингиздаман. Керак бўлса, ўша Турсуновнинг додини берамиз.

Жамила бағримдан юлқиниб, хонадан чиқиб кетди. Мен унинг ортидан эргашдим.

— Асқар, илтимос, мени ўз ҳолимга қўйинг, — ялинди Жамила. — Айтдим-ку, сизнинг марҳаматингизга зор эмасман.

Мен бу гапларга сукут билан жавоб қайтардим.

Жамила узоқ йиғлади. Мен уни кузатиб ўтирар эканман, таскин-тасалли беришим ортиқча эканлигини ҳис қилардим. Жамилани ўз ҳолига қўйишдан бошқа чора йўқ. Қайтага йиғлаб, ичидаги ғам-аламларини бўшатиб олгани маъқул. Ўзига келса, режаларимни айтиб берарман. Менинг қиёфамни ўзгартира олишим, кейин оламшумул ишларга қўл уришимиз мумкинлигини тушунтираман. Отасини даволаш учун кўп пул топа олишимиз ҳақида ҳам айтаман. Эҳтимол, ҳаётини давом эттириш учун яхши йўли топилганидан тасалли топар?

Биламан, Жамила гапларимга ишонмайди, мени телбага чиқариши ҳам мумкин. Ишонтиришим учун бирор кимсанинг қиёфасига киришимга тўғри келади. Ана шунда Жамила не қўйга тушаркан? Кўрқиб кетса керак. Балки беҳуш бўлиб йиқилар? Нима бўлганда ҳам заифа, ахир! Ёки айтишим тўғри бўлмасмикан?.. Ҳозирча шошмай турганим маъқулдир? Унда Жамила баттар тушкунликка берилиши мумкин.

Қани эди шу топда Олим ҳаёт бўлса-ю ақлли гаплари билан менга йўл-йўриқ кўрсатса? Йўқ, у ўлган! Ҳаётимни остин-устун қилиб кетган. Бошқа кишидан маслаҳат сўрай десам, ишончли одамнинг ўзи йўқ!

Жамила билан уйга қайтармиз ҳам, аммо ўзи айтганидек, у қаерга ҳам сиғади? Мен уйимизга боришимиз мумкинлигини айтдим, аммо ота-онам Жамилани остонага ҳам йўлатишмайди. Унга қўшиб мениям қувиб солишади. Балки ана шу қувиб солишгани маъқулдир? Кейин Жамила иккимиз шаҳарга қайтиб, бирор ижара уй топармиз. Қўлимда гулдек хунарим бор — симларни симларга улаб юравераман. Жамила билан кичикроқ тўй қилиб бўлса-да, бирга яшайверардик. Фақат...

Ота-онамнинг розилигисиз уйланишим бизни бахтли қилармикан? Бу ҳақда Жамиланинг олдига келаётганимда ҳам ўйлаган эдим. Биз кимдан дуо оламиз? На Жамиланинг, на менинг ота-оналаримиз рози бўлишмаса, бу қандай оила бўлади?

Жамила, энг аввало, ўзларининг уйига боргани маъқул. Ҳар ҳолда ота-онаси қабул қилишса керак. Зурриёти ахир уларнинг!.. Мен эса тез орада Анзур акамни, янгаларимни, тоғамни ишга солиб, амаллаб бўлса-да, ота-онамни кўндираман. Кейин вадаванг тўй қиламиз. Биламан, қишлоқда дарҳол гап-сўз чиқади. Оғзига кучи етмаганлар сайраб юборишади. Ана шу гаплардан қочиб, Жамила иккимиз шаҳарга келамиз. Роҳат-фароғатда яшаймиз...

Жамила йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолган эди. Мен унинг рухсорига тикилиб тўймасдим. Ташқарида ғира-шира қоронғилик чўккан, кўча чироқлари бир-бир ёна бошлаган эди.

Очиғини айтганда, мен айна пайтда Саъди Турсуновдан мамнун эдим. Унинг Жамиладан воз кечгани йўлларимни очиб юборгандек эди, гўё. Бир томондан Турсунов билан рўбарў келишим мумкинлиги мени қийноққа ҳам соларди. Ҳар ҳолда уят, орият ўлимдан ёмон! Мен Жамилага уйланаман-у Турсунов ҳея нима демасмикан? У устимдан

кулади, масхара қилади. Фисқ-фасод ҳам тарқатади. Турсуновга ўхшаганлар бир умр мен ва Жамиланинг йўлимизга тўғаноқ бўлиб, тинимсиз безовта қилишдан тийилмайди. Ё менга, ё Жамилага кўнғироқ қилавериб, асабимизга тегади. Ўшанда мен титраб-қақшасам-да, чидашимга тўғри келади. Мен-ку, тоқат қилишим мумкинди, Жамила-чи? Нима бўлганда ҳам у Турсуновнинг хотини бўлган. Улар умр ришталарини бирга боғлашган. Турсунов пасткашлик қилиб бўлсаям ўз муродига етган...

Жамила уйғонди. У менга меҳр ва илинж билан боқди. Кўнглим алланечук бўлди. Худдики, Жамила мендан ёрдам кутаётгандек туюлди. Унинг андуҳга лиммо-лим кўзларига тиқилар эканман, ишқилиб бу видолашув нигоҳи эмасмикан, деган хаёлга бордим ва қўрқиб кетдим.

— Жамила, мен сизга бир ҳақиқатни очишим керак, — дедим унга. — Сиз қўрқмасангиз бас. Ҳаммаси Олим билан Калламозор тепалигида ишлаганимиздан сўнг бошланди...

Жамиланинг юз ифодасида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермади. У эътиборсиз, лоқайд, қандайдир ҳафсаласи пир бўлгандек таассурот қолдирарди менда.

Ҳаммасини айтиб бердим. Ўша куни ҳавонинг тунд бўлгани, менинг ухлаб қолиб, туш кўрганим, кейин эса Олимнинг ўлими... Жамила, ҳатто қиёфамни ўзгартиришим мумкинлиги ҳақидаги гапларимга ҳам муносабат билдирмади. Унинг ишонаётгани ҳам, ишонмаётгани ҳам мен учун мавҳум эди. Ўктам аканинг қиёфасида бу уйга келиб, унга юзма-юз бўлганим ҳам ташвишлантирмади, ҳатто.

Ҳа, Жамиланинг шундай одати бор. Кайфияти жуда тушиб кетса, қилт этмайди. Авваллари тортишиб қолганимизда ҳам шундай қиларди. Мен бояқиш кечирим сўрайвериб, адо бўлардим. Ҳалиям ўша саркашлиги қолмабди.

— Энди кетамиз, — дедим мен бор гапимни айтиб бўлгач.

— Қоронғи тушди, ҳозир айна мавриди.

Жамила ўрнидан турди. У-бу анжомларини олди.

Эшикдан чиқар эканмиз, Жамила уйга ҳам худди ўша бефарқлик билан қараб қўйди.

Йўловчи машинада уйга қайтар эканмиз, у ҳамон ҳардамхаёл эди. Манзилга етганимиздагина талмовсираб менга қаради. Ҳаммаси яхши бўлишини айтиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдим.

— Мен уйимизга боролмайман, — бош чайқади Жамила. — Сизларникигаям! Ҳеч қачон!

Мен режамни тушунтирдим:

— Тоғамникига борамиз. Ҳар ҳолда қўшниларингиз. Кўрқманг, тоғамга билдирмаймиз. Мен янгамга айтаман. У киши уйларингизга кириб, тушунтиради-ю, кейин сизни олиб киради. Маъқулми?

Жамила лом-мим демади. Сукут — аломати ризо.

Мен тоғамнинг дарвозасини ташқаридан қандай қилиб очишни билардим. Шундай бўлса-да, нимқоронғида зўрға очдим. Жамилани қўярда-қўймай, ҳовлига олиб кирдим. Хайрият, ҳеч ким кўринмади. Шарпалардек юриб, ошхонага ўтдик. Жамилани ошхонада қолдириб, айвонга чиқдим. Секин ичкари уйга мўраладим. Жиянларим қуршовидаги янгам телевизор кўриш билан овора, тоғам кўринмасди. Қувониб кетдим. Тоғам ишда, шекилли. Айвоннинг бир чеккасига ўтиб, каттакон ойнага рўбарў бўлдим. Ичкаридан бирортаси чиқиб қолмасин деган ҳадикда эдим. Нақ бақирворишади-да!

Азбаройи ҳаяжонланганимдан тоғамнинг юз кўриниши қандайлиги ҳам эсимдан чиқиб кетди. Зўрға кўз олдимга келтирдим. Хиёл ўтмай, қаршимдаги кўзгу орқали тоғамнинг кифаси менга бақрайиб турарди.

Мен оёғимни тапиллатиб урганча янгамни исмини айтиб

чақирдим. Сериал кўраётиб кошки эшитса бу хотин! Бориб уйнинг эшигини очдим.

— Янгам ўгирилиб қаради-да, ўрнидан турди.

— Вой, нега қайтиб келдингиз? — хайрон бўлди у.

— Э, шу ишиниям, — дея тўнғилладим мен тоғамга хос гапириб. — Ҳозир кетаман. Бу ёққа чиқ, гап бор.

Янгамга кўшилиб, жиянларим ҳам югуриб чиқишди. Бақириб бергандим, қайтиб киришди.

— Пул олиб келдингизми? — сўради янгам.

— Э, қанақа пул?.. Менга қара, анови Назир отанинг қизи қайтиб келибди. Сен аввал ота-онасига айтиб чиқ.

— Нимани айтаман? — янгам анқайиб қолган эди.

Мен яна тоғамнинг гапидан иқтибос келтирдим:

— Мана шу каллангга бир урса-да!..

— Хўп, нима дейин?

— "Қизингиз келибди, ҳозир бизникида", дейсан. "Ўзи тўлиб турибди, агар салгина ортиқча гапирсаларинг, ўзини бир бало қилиб кўяди", дейсан. Тагин Назир ота уриб-сўкиб ўтирмасин.

— Бизникида, дейман? — янгам ҳовлининг у ёқ-бу ёғига қаради. — Нега бизникида бўларкан? Сиз ўзи нималар қилиб юрибсиз? Мен айтдим-а, нега ишни ташлаб келди, деб...

— Ўчир овозингни! Кўчада йиғлаб турган экан, нима қилай, бор-ей, деб кетаверайми? Ё менга шунчалик ишонмайсанми?

— Эҳ, Жамилагина-я, Жамила-я! — бошини сарак-сарак қилди янгам. — Қани ўзи? Қайтиб келибдими шўринг курғур?

— Ана, ошхонада! Бориб, тезгина кўришгину кейин уларнинг уйига югур! Ортиқча гап қилма лекин.

— Асқар олиб келгандир-да, а? Сизларнинг гапингиз бир!

— Тез бўл, дедим сенга.

Янгам ошхонага кириб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб чиқди-ю, дарвозадан чиқиб кетди. Мен тезда ошхонага бордим. Эшикни очдим. Жамила мени кўриб шошиб қолди-да, юзини яширди:

– Ассалому алайкум...

Эҳ, галварсман-да! Ўзимнинг қиёфамга қайтишниям унутибман.

– Ҳа... яхшимисан, Жамила?.. Ҳозир... янганг келсин...

Ошхона эшигини ёпиб, янгамни кута бошладим.

Орадан анча вақт ўтди. Ниҳоят дарвоза эшиги очилиб, янгам, ортидан Ҳалима хола йиғламсираб кирди.

– Ҳеч ким кўрмадими, айланай? – деди у, мен билан саломлашишни ҳам унутиб.

Мен бош чайқадим. Сўнг айвонга чиқдим. Она-боланинг йиғлаб кўришгани эшитилди. Ҳалима хола нималарнидир сўрай бошлади. Бу пайтда мен айвондаги кўзгуга тикилганча ўз қиёфамга қайта бошлаган эдим.

Ҳалима хола ва Жамила чиқиб кетишди. Мен айвондан тушдим.

– Вой, тоғангиз қани? – сўради янгам.

Мен одоб билан салом бердим. Янгам алик олди-ю, яна тоғамни сўради. Ишга кетганини айтдим. Ўзим ҳам ҳовлидан чиқиб кетишга ошиқдим. Янгам йўлимни тўсди:

– Тўхтанг, аввал айтиб беринг. Қаерларда юрган экан бу Жамила?

– Ҳеч кимга айтмайсизми?

– Вой, менга ишонмайсизми, Асқаржон? Нон урсин!

– Францияга кетиб қолган экан. Кейин визаси тугабди.

– Ҳа-а-а, – деб қўйди янгам тушуниб-тушунмаса ҳам.

Янгамга яхшилаб тайинладим:

– Менга қаранг, эртага тоғамга валдираб ўтирманг. Жаҳли чиқиб, сизни уриб-тепиб кетади. Эслатманг, демоқчиман.

Мен у кишини зўрға кўндирдим.

Соддагина янгам яна бош ирғади. Мен унинг, овқат сузиб бераман, дея ҳай-ҳайлашига қарамай, уйимизга йўл олдим. Шундоқ ҳам кеч бўлди. Отамдан зўрға рухсат сўраганман.

Нимқоронғи йўлда қоқилиб-суриниб кетар эканман, қандайдир овозлар эшитилди:

– Ўткир, қара, анови Асқарга ўхшаяпти. Ҳа, шу.

– Асқар? Аниқ ўшами?.. Ҳой, тўхта!.. Қўлимга тушар экансан-ку!..

12

Оббо, бу яна ким бўлди? "Қўлига тушган эмишман"! Саъди Турсунов орқамдан одам қўйган, шекилли! Ҳозир бундайлар билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ, уйга шошилишим керак.

Мен индамай, қадамимни тезлатдим.

– Тўхта, дедим!

Зум ўтмай, улар менга етиб, йўлимни тўсиб олишди. Ноилож тўхтадим. Уч-тўрт йигит, бирортасиниям танимайман. Ой ёруғида яхшироқ кўриб ҳам бўлмасди аслида.

– Нима гап, тинчликми? – сўрадим ўзимни дадил тутиб.

Улардан гавдалиси менга яқинлашиб ўдағайлади:

– Асқар сен бўласанми?

– Ҳа, менман. Нима эди?

– О, дадилсан-ку! Қаердан келяпсан? Мозордан эмасми мабодо?

Бу гапдан жаҳлим чиқди:

– Сен ўзинг кимсан? Қаердан келаётганим билан нима ишинг бор?

У ёқамга ёпишди:

– Менинг исмим Ўткир! Ўктам аканинг ўғли бўламан. Отамга нима бўлганидан хабаринг бордир, а?

Шу пайт биқинимга кимдир туртиб ҳам қўйди. Бу йигитлар жанжал чиқаришмоқчи. Мен кўрқмайман, кучим борича олишаман. Фақат аввал сабабини билишим керак. Раҳматли Ўктам ака ўғлига нимадир деб кетган эканки, у жиғибийрон бўляпти.

Мен Ўткирга ўзини босиб олиши кераклигини айтдим. Отасининг ўлиmidан хабарим борлигини ҳам билдирдим. Ўткир ўртоқларига нарироқ бориб туришларини буюрар экан, ҳануз қўлини ёқамдан қўйиб юбормасди. Мен бир силтаниб, унинг чангалидан қутулдим. Қочмаслигимни, нима гапи бўлса, эшитишга тайёр эканлигимни тушунтирдим.

— Ўша куни отам уйдан чиқишдан аввал менга ғалати қаради, — деди Ўткир қўлларини кўксига чалиштириб. — Кейин эса худди васият қилгандек гапирди. "Мабодо менга бирор кор-ҳол бўлса, Асқар деган йигитдан сўрайсан", деди... Хўш, энди гапир-чи!

— Нимани гапирай? — дея ўзимни ҳайрон бўлган қилиб кўрсатдим. — Мен Ўктам ака билан бирга ишлаганман, холос. Кейинги вақтларда ишгаям бормаяпман.

— Шундай дегин?

— Шундай... Энди вақтимни олма, ҳозир уйга шошяпман.

— Шошилма, борасан уйингга... агар қўйворсам! Мен ҳақиқатни билишим керак. Отам қандайдир ниқоб дедими, Асқар бало-қазо, дедими, сира тушунмадим. Калламозор, дедими-ей!

— Бўпти, тушунганинда гаплашармиз, — мен Ўткирни четлаб ўтиб, йўлимда давом этдим.

У елкамга қўлини ташлади:

— Ўв, қаёққа?! Мен сенга ҳали жавоб берганим йўқ! Намунча катта кетмасанг! Ҳозир адабингни бериб қўяман. Мен яна унинг қўлини силтаб ташладим. Ўткирнинг мушт

туширишини кутган эдим, шу боис дарҳол ҳимояланиб, билагим билан қўлини қайтариб қолдим. "Тапир-тупур" овозни эшитган шериклари тезда бизнинг олдимизга югуриб келишди. Улардан бири "Ўткир, менга қўйиб бер, шу кунларда қўлларим қичиб юрувди", деди. Кимдир тепмоқчи ҳам бўлди, мен бу ҳаракатни ҳам ўз вақтида англаб, яна ҳимояланиб қолдим.

– Оҳо, чатоқсан-ку, – деди Ўткир, кейин шерикларига ўгирилди. – Сенлар аралашма! Қоч ҳамманг!

– Ўткир, яхшилиқча бас қилайлик, – огоҳлантирдим уни. – Сен, яхшиси, уйларингга бор. Отангнинг гўри совимасдан туриб...

– Отамни гапирма! – у шундай деб ҳайқирди-да, менга ташланди.

Яна яхшигина ҳимояланишимга тўғри келди. Мен Ўткир гавдали бўлса-да, уни енгишимга кўзим етди. Агар фурсат пойлаб, жағига болаб бир тепсам, чалқанчасига ағнайди. Аммо буни лозим топмадим. Ўткир ҳар қанча чиранмасин, мен ҳимояланган ҳолда уни толиқтириш билан овора бўлдим.

"Э, онангни", деб кимдир ён томонимдан яқинлашган эди, жаҳл билан нақ кўкрагига тепиб юбордим. Унинг гурсиллаб йиқилгани эшитилди, инграб юборди.

– Яна қайси биринг келасан, бўла қол! – дедим жанговар ҳолатда туриб.

Шунда ҳаммаси бирданига ёпирилишди. Мен эпчиллик билан ҳимояланган кўйи тўғри келганига мушт туширавердим. Битта-иккита зарба ўзимга ҳам тегди, албатта. Ниҳоят, сакрай туриб, айланган ҳолда Ўткирни тепиб юборган эдим, бари орқага тисарилишди.

– Ўткир, – дедим уни огоҳлантириб, – қайта йўлимни тўсма! Акс ҳолда бундан ҳам баттар бўлади.

Улар, ҳатто гапиришга ҳам журъат қилиша олмасди. Мен йўлимда давом этдим.

Уйга кириб борар эканман, айвонга салом йўллаганча ҳаммом томонга ўтиб кетдим. Юз-қўлимни яхшилаб ювиб, ойнага қарадим. Юзимга ҳеч нима қилмабди. Кўйлагимда тепкилар изи қолибди. Хонамга дераза орқали ошиб кириб, шартта уст-бошимни алмаштирдим. Кейин айвонга ўтиб, ҳамма билан қайта сўрашдим. Отам кўринмас, чамаси ичкарида ухлаб ётарди.

Катта янгам овқат сузиб келди ва мен иштаҳа билан паққос тушира бошладим.

— Биз сенга чиройли қиз топиб қўйдик, — деди Санжар акам.

— Йўғ-ей, — сир бой бермадим мен. — Ким экан, билайлик-чи?

— Сен танймайсан.

Мен кўз остим билан Анзур акамга қараб қўйдим. У лом-мим демади. Секин онамга ўтирилдим. У киши ҳам индамай, телевизордан нигоҳини узмади.

— Ҳадемай учрашув, — деди Сабоҳат янгам менга. — Кўринг, гаплашинг. Агар юлдузингиз юлдузига тўғри келса...

Мен чўрт кесдим:

— Менинг юлдузим бор!

Бу гапни эшитиб, ҳаммалари менга ўтирилишди. Санжар акам қошларини чимириб, сўз қотди:

— Шундай дегин? Биз таниймизми?

Яна гапни қисқа қилдим:

— Тўй куни кўрасизлар!

— Менга қара, бу гапларингни йиғиштир, — деди овозини баландлатиб Санжар акам. — Асабга тегма! Сен аввал ўша қиз билан учраш, гаплашиб кўр, кейин...

Индамадим. Ҳозир гапирганим билан фойдаси йўқ. Санжар акам билан "сен-мен"га борганим қолади. Онаминг ҳам кайфияти бузилади. Ҳали буларга Жамила ҳақида

айтганим йўқ. Айтсам борми, нақ отамни уйғотиб чиқишади-я! Кейин кўринг, тунги тантанани!..

Сира уйқум келмади. Мен мана шу бугун Жамила билан бўлганимни кўз олдимдан кеткизолмасдим. Нима қилай, уни яхши кўраман. Чиройли кўзларини унутолмайман. Жамиласиз ҳаёт мен учун ҳаёт эмас! Мен фақат унга уйланишим керак.

Бу ҳақда уйдагиларга қандай қилиб тушунтирсам экан? Санжар акамдан бир гап чиқадиганга ўхшамайди. Янгаларим ҳам отамдан ҳайиқишади. Онамга тушунтирсаммикан? Йўқ, у киши ҳам рози бўлмайди.

Уйдагиларим майли-я, ҳали Жамиланинг ўзи нима дейди, мутлақо номаълум...

Эрталаб мени Шамшир жияним уйғотди.

Дастурхон атрофида ўтирганлар қаторида отамни кўриб, юрагим шув этди. Кечаги гап аллақачон етказилган бўлса керак, у кишининг қовоғи солинган эди.

Юз-қўлимни ювгунча ҳам ўйлайвериб, бўларим бўлди. Дастурхон ёнига боришга ботина олмасдим. Начора, бошқа иложим йўқ.

– Қаерларда юрибсан? – сўради отам дарҳол мендан.

– Сизга айтиб кетгандим-ку! – дедим мен. – Бир ишим чиқиб қолувди...

– Қачон уйланмоқчисан?

Ғалати савол бўлди. Мен нима деб жавоб беришим керак, билмайман. Онамга қарадим. У киши мени хижолатликдан қутқарди:

– Ўғлингизни уялтирманг, отаси.

– Ким экан, ўша юлдузинг? – сўради отам мендан. – Назирнинг қизи эмасми мабодо?

Мен бошимни эгиб, сукут сақладим. Отам кечаги гапларни билганмикан? Балки тоғам аллақачон етказгандир? Йўқ,

тоғам айтиши мумкин эмас. У, аввало, мен билан гаплашган бўларди. Шунчаки отам менинг муддаомни сезганга ўхшайди.

— Бу нима деганингиз? Нега унинг қизи бўларкан? — ҳайрон бўлди онам.

— Сен ўзидан сўра!

— Асқар, нега индамайсан? Бу яна нима гап? Бизни бутун қишлоққа шарманда қилмоқчимисан? У қизнинг қаердалиги аниқ бўлмаса...

— Бирор жойга яшириб қўйгандир-да! — пичинг қилди Анзур акам.

Мен унга норози қараб қўйдим.

— Менга қара, Асқар, агар Назирнинг қизини дейдиган бўлсанг, бу уйдан йўқоласан! — ҳукм чиқарди отам. — Қорангни ҳам кўрмай. Сен бутун авлодимизга иснод келтиряпсан!

Мен бу гапдан оёғимгача музлаб кетдим. Отам бизни минг марталаб уришган, калтаклаган, лекин ҳеч қачон ҳайдаб чиқариш ҳақида гапирмаган эди. Нега мени тушунишмайди? Мен ҳам бахтли бўлишим керак-ку, ахир! Наҳотки, отам "бутун авлодимиз"ни деб, менинг бахтимга тўғаноқ бўлса!

Отамнинг тобора жаҳли чиқётганини илғаган янгаларим бу ердан бир-бир "қуён" бўлишди. Мен эса ҳануз жим ўтирардим. Орага оғир жимлик чўккан, ҳеч кимдан садо чиқмасди.

— Ота, менга қўйиб беринг, — деди анчадан сўнг Санжар акам. — Бу ҳали ёш, ниманиям биларди. Биз айтган қиз билан учрашса, фикри ўзгариб қолар.

— Мен фикримни ўзгартирмайман, — тилга кирдим мен. — Жамилага кимдир уйланиши керак-ку! Нега тушунмайсизлар? У ўзини ўлдириб қўйса, кўнгилларинг тинчийдими?

– Йўқол уйдан! – бақирди отам.

Мен дастурхонга фотиҳа ўқидим. Сўнг ўрнимдан турдим:

– Бўпти, кетсам, кетавераман. Ўзи бу уйда мени ҳеч ким тушунмайди. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолган.

– Вой, қаёққа? – онам ҳам ўрнидан турди. – Бу нима деганинг, болам? Ўйлаб гапиряпсанми? Ҳеч қаёққа кетмайсан!

Мен отамга имо қилдим:

– Мана, ҳайдаяптилар-ку, нима қилай, ахир?

Санжар акам қўлимдан тортди:

– Ўтир! Ўтир, дедим сенга! Отамга тик гапирма!

Анзур акам ҳам асабийлашганча гапирга кетди:

– Ҳой, сен ўзи ўйлаб иш қиляпсанми? У бировга теккан-ку, ахир! Калланг ишлайдими ўзи?

– Каллам ишламасаям юрагим ишлайди, – дедим мен безбетларча.

Бу гапим кулгили чиқса-да, отам ҳеч нима демади. Назаримда, у киши мени тушунди. Бунга отамга ер остидан қараганимда сездим. Отам ўйланиб қолган эди. Шунда туйқус хаёлимга бир фикр келди: нима учун мен ўзга қиёфага кириб, у кишини кўндиришим мумкин эмас? Нега бу ҳақда аввалроқ ўйламаган эканман? Шу тарзда ўз муҳаббатим учун курашган бўлмайманми? Ахир, ўтмишда не-не ошиқлар севгисини деб курашмаган!

Тушунаман, ота-онам менга ёмонликни раво кўришмайди. Эртага, ростдан ҳам, мен агар Жамилага уйлансам, ҳаётим бир текис, равон кечмаслигини билишади. Аммо менинг бошқа йўлим йўқ, аниқроғи, танлаган аниқ йўлим йўқ! Мен келгуси ҳаёт йўлимда фақат ва фақат Жамилани кўряпман. Айниқса, у эридан ажралганидан сўнг!..

Онам кўрқа-писа отамга қаради. Отам эса ҳануз ўйга чўмган эди. Фақат онам эмас, акаларим ҳам у кишидан

жавоб кутишарди. Менимча, энди Жамилани кўндирсам кифоя! Майли, тўйни унча катта бўлмасаям, кичикроқ ўтказишимиз мумкин. Бу менга, Жамилага, умуман, ҳар иккала томонга ҳам маъқул келади. Мен учун Жамиланинг бахтли бўлиши муҳим.

Мен ич-ичимга сизмай унинг истиқболи сари учдим. Тўппа-тўғри бориб, Жамилаларнинг дарвозасидан кириб кетмоқчи эдим. Оёқларим тоғамникига бурилди. Ҳозир шуниси маъқул. Жиянларимдан бирортасини уларникига юборарман. Жуда бўлмаса, Жамила ҳақида билишни, учрашув вақтини белгилаб, жавобини етказишини янгамдан илтимос қилиб кўраман.

Тоғамнинг ҳовлисига қанча тиржайиб кирмайин, тоғамни кўриб, шунчалик попугим пасайди. У ҳовлидаги мотоциклини тузатиш билан овора, янгам эса қўлини белига тираганча нималардир дерди. Ишқилиб янгам соддалигига бориб, кечаги гапларни айтиб қўймаса бўлгани!

— Ҳа, жиян, қайси шамоллар учирди? — мен билан хушламайгина сўрашди тоғам.

— Ўзим хабар олмасам, ҳорма, демайсиз, — сўзамоллик қилдим мен. — Ишларингиз яхшими, тоға?

— Яхши! — тўнғиллади тоғам. — Қалай, опам, поччамлар яхшими? Кўринмай кетдинг?

— Вой, кеча келувди-ку жиянингиз, — шошқалоқлик қилди янгам. — Телевизор кўриб ўтирувдим...

Агар имо-ишора билан ўз вақтида тўхтатиб қолмаганимда янгам яна бир дунё гапларни айтиб ташларди. Кўрсаткич бармоғимни лабимга босиб, "тс" дедим.

Тоғам тушунмай, аввал менга, сўнг хотинига қаради. Сўнг тўнғиллаб берди:

— Ҳой, товуқмия! Мен сенга гапирганим йўқ. Бор, оғилингга, таппингни деворга ёпиштир!..

Янгам зингиллаб, оғил томон учди.

– Кеча келувдим, дегин? – деди тоғам қўлини кир латта билан артиб. – Ниҳоят, севгилингни топибсан-да!

Мен бу гапдан ҳайрон бўлдим. Янгам тушмагур барибир отказибди-да!

– Ҳа, – дедим бош ирғаб.

– Фақат мени аралаштирма, – тоғам шундай деб яна мотоциклига ёпишди. – Поччам нақ еб қўяди.

Мен ён-атрофга қараб қўйиб, тоғам томонга яқинроқ сурилдим:

– Тоға, тоғажон, сиздан қолар гап йўқ...

– Мени аралаштирма, дедим. Янганг ҳам довдираб, Ҳалима холани кеча сиз, айтиб чиқ, дедингиз-ку, дейди, тавба! Томи кетиб қолган!

– Эшитинг-да! Мен уйдагиларга Жамиладан бошқасига уйланмаслигимни айтдим. Шунга озгина ёрдамчи куч керак бўлади.

– Мен ёрдамчи куч эмасман.

– Сиз ётиги билан тушунтирсангиз, Назир ота ҳам, Қамар амаки ҳам тушунади.

– Қайси Қамар амаки?

– Отамни айтяпман. Сизга тушунарли бўлиши учун шундай деяпман. Биринчи бўлиб Назир ота билан гаплашинг. У киши йўқ демаса керак. Ҳалима хола билан янгам гаплашади. Менга эса Жамиланинг ўзини қўйиб беринглар!

– Йўғ-ей! – пичинг қилди тоғам. – Жамила билан ҳам гаплашиб берайлик ўзимиз...

Оббо, тоғам-а! Қани эди, осонликча кўндира олсам! У ёғидан ҳам, бу ёғидан ҳам ўтиб гаплашдим, бақириб бераверди. Бу орада янгамнинг олдига бориб, Назир отанинг уйига совчиликка боришига кўндириб келдим. Тоғам эса нукул бош чайқайди. Мотоциклини бошдан-оёқ артиб-

тозалаб берсам ҳам кўнмади. “Сен аввал отангни узил-кесил кўндир, кейин совчиликка бораман”, – деди.

Жиянимни етаклаб, кўчага чиқдим. Уни Жамиланинг олдига юбордим. Фойдаси бўлмади. Жамила ҳеч қачон ташқарига чиқмасмиш. Мен унга шу қадар интиқ эдимки, ҳар қандай қиёфада ҳузурига кириб боришга тайёр эдим. Худди шундай қилдим. Кўчада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, тоғамнинг қиёфасида Назир отанинг дарвозасидан ичкарига ҳатладим. Ҳовлида куймаланиб юрган Ҳалима опадан эрини сўрадим. У ичкарига ишора қилиб, ортимдан эргашди. Мен, сиз қолаверинг, дея айвонга чиқдим.

Айвондан разм солиб қарасам, Назир ота катта хонада ухлапти. Чап томонга қадам босдим. Бир хона пардасидан мўралаб, Жамилага кўзим тушди. Ўша хонага кирдим. Хонтахта ёнида мук тушиб ўтирган Жамила буни сезмадиям. Секин томоқ кириб кўйдим. У менга кўзи тушди-ю, сакраб ўрнидан турди. Бу ерда нима қиляпсиз, дегандек қараб, сўнг салом берди.

– Нега бизнинг жиянни қийнайсан, Жамила? – дедим овозимга мунгли оҳанг бериб. – Бола бечора адо бўлди-ку! Сен ўзингни ўйламасанг ҳам уни ўйла! Жуда бўлмаса бир мартагина гаплаш. Сиқилиб ўтирганинг билан фойдаси йўқ, ахир! Бас қил, етар!.. Бугун Асқар сени гужум тагида кутади. Вақтини ўзи билади деди. Агар бормасанг, у ўзини ўша гужум шохига осармиш. Хўш, борасанми?

Жамила бошини қуйи солганча жим турарди.

– Мен сендан жавоб кутяпман.

Жамила бош ирғаб қўйди.

Қайтиб чиқдим. Ҳалима холага, шунча гапирсам ҳам, Назир отанинг уйғонмаганини айтиб, ҳовлини тарк этдим.

Ўйлашимча, Жамила бугун учрашувга чиқади. Агар чиқмаса, ростдан ҳам ўзимни... Йўқ-йўқ, мен яна тоғамнинг

қиёфасига кираман-у Жамилани қўярда-қўймай гужум тагига бориши кераклигини унга уқтираман. Ўша вақтгача уйда тўйиб ухлайман. Тунги учрашувда Жамилани қандай бўлсаям менга тегишига кўндиришим керак.

Ана шу ўй-хаёлда пинакка кетдим.

Тушдан кейин уйғонибман. Қанча ҳаракат қилмай, бошқа уйқум келмади. Кечгача зўрға кунни ўтказдим. Мен отамнинг кўзига кўринмасликка интилардим. Ҳозирча ҳаммаси рисоладагидек, аммо у киши айниб қолса борми!..

Кун ўтиши қанча қийин бўлса, тунни кутиш янада машаққатли бўлди мен учун. Жамилага нималар дейишим кераклигини ичимда қайта-қайта такрорлаб ўтирардим...

Ниҳоят, уйдагилар ухлаб қолгач, соат тунги бир бўлди. Мен тўшагимга тўн ташлаб, худди одам ётгандай, устини кўрпа билан ёпиб қўйдим. Кейин шарпа мисоли деразадан ҳовлига тушдим Дарвозага яқинлашдим. Секин очиб, ташқарига чиққач, янада эҳтиёткорлик билан ёпдим. Сўнг бор кучим билан югуриб кетдим. Шунчалик чопибманки, сал бўлмаса, таниш гужумдан ўтиб кетаёзиман.

Мен Жамиланинг кайфиятини кўтаришим, унга далда беришим керак. Бунинг учун ҳар қандай ишга тайёрман. Бутун диққат-эътиборим у айтадиган гапларга қаратилади. Аммо Жамила келармикан?.. Келади, агар у мени бир вақтлардагидек севса, албатта, келади.

Кундузи ўйлаб қўйган гапларимни дадил айтаман. Мени тушунишини илтимос қиламан.

Вақт имиллаб ўтар, ён-атроф жимжит, енгил шабада эсиб, вужудим енгил сесканиб қўярди.

Узоқдан қадам товушлари эшитилди. Мен ич-ичимдан севиниб кетдим. Ой ёғдуси остида менинг Жамилам битта-битта қадам ташлаб яқинлашарди. Қувонгимдан сал бўлмаса бақириб юбораёздим.

– Салом, – деди Жамила қовоғини очмай.

Мен у томонга талпиндим. Уни кучоқлаб, бахтдан масрур бўлгим келарди, аммо Жамила илкис ўзини орқага тортди.

– Менга яқинлашманг, – деди у. – Гапингиз бўлса, гапиринг.

Мен бўшашиб қолдим. Сўнг уйдагилар билан кечган гапларни анча-мунчасини қолдириб айтиб бердим. Ҳадемай уларнинг уйига совчиларни жунатишимни айтдим.

– Нима учун? – сўради Жамила ҳафсаламни пир қилиб.

– Сизни севганим учун, – жавоб бердим мен.

– Мен-чи? Мен сизни севмайман-ку! – деди у. – Сизга хиёнат қилдим, ишончингизни йўқотдим. Сизни кута олмадим.

– Етар, Жамила! Ахир, сиз эмас, мен сизни топдим-ку! Бошингиздан нималар ўтганини жуда яхши биламан. Мен ҳаммасига тайёрман. Сиз рози бўлсангиз, бас.

Жамила бош чайқади:

– Йўқ! Мен бутун умр таъна-маломатлар ичида яшашни хоҳламайман.

– Наҳотки, мени маломат қилади, деб ўйласангиз?

– Сиз маломат қилмасангиз, қариндош-уруғларингиз қилишади. Менинг ифлос ўтмишимни ҳеч ким билмаса ҳам акангиз гувоҳ-ку, ахир! Мен акаларингизга, ота-онангизнинг кўзларига қандай қарайман? Нега тушунмайсиз?

– Биз узоқларга кетамиз, Жамила!

– Отам-чи? Отамга нима бўлади? У кишига ким қарайди? Мен индамай қолдим.

– Ана, кўряпсизми? – давом этди Жамила. – Қанча муаммолар бор йўлимизда! Ҳали бу ҳаммаси эмас...

– Мен тайёрман, – дея такрорладим яна. – Отангизга шаҳардан туриб ҳам ёрдам берсак бўлади-ку! Керак бўлса,

эртаю кеч ишлайман. Сиз мен билан бирга бўлсангиз бас! Мен сизни қанчалик севишимни биласиз-ку, нега бунча баҳона излаяпсиз, Жамила? Илтимос, йўқ деманг!

Жамила йиглаб юборди:

– Мен... сизнинг бахтсиз бўлишингизни хоҳламайман, Асқар! Сиздан ҳам илтимос, бошқа қизга уйланинг!

Мен Жамиланинг биллагидан тутдим:

– Мен фақат сизга уйланаман! Қасам ичиб айтаманки...

– Тўхтанг, – Жамила шундай деб нозик қўллари билан оғзимни ёпди. – Шошманг! Мен... фарзанд кутяпман.

Бу гап мени шунчалик доводиратиб қўйдики, ҳолсизланганча ўтириб қолдим. Жамиладан ҳар қанча гапни кутсам ҳам унинг туғилажак боласи ҳақида эшитаман деб сира ўйламаган эдим. Ахир, у қорнида Саъди Турсуновнинг боласини кўтариб юрибди. Нега бу ҳақда эртароқ ўйламаган эканман? Жамила кўзи ёригач, боладан воз кеча олмайди. Кейин уни бирга вояга етказишимиз керак. Қандай қилиб? Ахир, у душманимнинг зурриёти бўлади-ку! Менинг муҳаббатимни яксон қилган, севгилимни зўрлик билан тортиб олиб, унга эгалик қилган, сўнг аблаҳларча ташлаб кетган одамнинг боласи бўлади, ахир!..

Жамила ёнимга чўкди. Шу топда унга қарагим ҳам келмасди. Аммо... шунчасига тайёр эдим, энди барига нуқта қўяманми?

– Ростдан ҳам фарзанд кутяпсизми? – сўрадим бошимни кўтармай.

– Ҳа, – деди Жамила.

Унинг қисқа жавоби миямни пармалаётгандек туюлди. Анчагача гапира олмай ўтирдим. Мен оғир ўй-хаёлларга ботган эдим. Гоҳ мана шу Жамилани, гоҳ ота-онамни, Анзур акамни, гоҳ тоғамни, гоҳ эса Саъди Турсуновни кўз олдимга келтириб, ғам-аламга гирифтор бўлардим.

— Мен кетдим, — Жамила шундай деб ўрнидан турди.

— Тўхтанг, Жамила, — кўзгалдим мен ҳам. — Майли, фарзанд кутасизми, бошқа сабаб бўладими, мен розиман.

— Қанақа одамсиз?! — Жамила шу қадар қичқириб юбордики, овози ён-атрофда акс-садо берди. Кейин бош чайқади: — Йўқ, ҳеч қачон! Биз ҳеч қачон бирга бўла олмаймиз.

— Нега, нима учун?

— Чунки, мен эр кўрган аёлман, нимасини тушунмайсиз? — баттар асабийлашди у. — Бу ўй-хаёл сизни бўлмасаям мени бир умр тинч қўймайди. Мен ҳам виждоним, оилам олдида пок бўлишим керак-ку!..

Жамила узоқ йиғлади. Дарҳақиқат, биз улкан муаммо қаршисида турардик. Мен буни чуқур ҳис этардим. Шу боис Жамилани овутишга кучим қолмаган эди. Сабаби, мен ўзим ҳам юпанч сўзларга муҳтож эдим. Кўкка қараб, ярим ойга, милтиллаб турган юлдузларга тикилдим. Бир пайтлар уларга боқиб, самога талпингим келарди, энди эса ҳеч қандай илҳақлик йўқ эди менда.

— Жамила, вақтни ўтказмайлик, — дедим босиқ оҳангда. — Мен эртагаёқ уйингизга совчиларни юбораман. Агар хоҳласангиз, бошқалар билмаслиги учун урф-одатларсиз фотиҳа тўйини ўтказамиз. Тўй ҳам худди сиз айтгандек бўлади. Аммо нима бўлгандаям тўй қилишимиз керак, Жамила. Ишонинг, мен ўзимни эмас, сизни ўйлаб шундай деяпман. Ҳар ҳолда юзингиз ёруғ бўлишини истайман. Одамлар нима деса деяверсин. Бу мени қизиқтирмайди. Мен учун сизнинг қарорингиз муҳим. Сиз ҳозир вақтни қанча кўп ўтказсангиз, шунча эзилиб юраверасиз. Ота-онангизга ҳам шуниси маъқул, менимча.

— Олижаноблик қилипман, денг? — истехзоли жавоб берди Жамила. — Яхши одатларингиз бор сизнинг. Сиз мени бахтли қилмоқчисиз, шундайми?

- Ҳа.
- Майли, унда битта шартим бор. Фақат рози бўлсангиз, айтаман.
- Қандай шарт?
- Битта-ю битта шарт! Агар кўнсангиз...
- Сиз менга тегишингиз учун ҳамма шартларингизга розиман. Фақат мен ҳам сизга шарт қўяман: агар бажарсам, менга албатта тегасиз!
- Бу шартга кўнмаслигингиз мумкин, Асқар!
- Кўнаман! Агар одамзоднинг қўлидан келадиган бўлса, кўнаман!
- Ёдингиздами, шаҳарда менга нималар деганингиз? Олим, унинг ўлими... Мен айнан Олим билан боғлиқ шартни назарда тутяпман.
- Олим билан? – юрагим така-пука бўлиб сўрадим мен.
- Олим яхши кўрган қиз ҳақида айтган эдингиз, тўғрими?
- Ҳа...
- Чаман. У ҳозир қаерда?
- Мен... билмадим. Чаман билан нима ишим бор?
- Ахир, кимдир уни бахтли қилиши керак-ку! – давом этди Жамила. – Шартим шуки, сиз Чаманга уйланасиз. Агар у билан бирга яшаб кета олмасангиз, кейин менга...

13

Жамиланинг бу талаби ошиб тушган эди. Яхшиси, баҳона топмай, "бўлди, сенга бир умр тегмайман", дегани маъқул эди! Мен Чаманга уйланишим керак эмиш! Нима учун? Мендан бошқа бахтли қиладиган одам йўқмикан?

Мен Жамила билан шунча йиллик учрашувимиз давомида қилмаган ишга қўл урдим – индамай бурилиб кетдим. Жамила орқамдан қай алфозда қараб қолди, билмайман ҳам. Менинг ҳаддан зиёд жаҳлим чиққан эди.

Уйга боргач ҳам анча вақтгача уйқум келмади. Ичим қандайдир бўм-бўш, ўзим ҳам нечукдир ҳиссиз бўлиб қолган эдим. Чаманни кўз олдимга келтирдим. "Кимдир уни бахтли қилиши керак", — дедим бўғилиб...

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, нонушта пайтида тўғридан-тўғри Санжар акамга мурожаат қилдим:

— Анови, ишхонангиздаги қиз билан учрашаман, ака. Иложи бўлса, шу бугун!

Отам йўқ эди, мен шу сабабли дадил гапирдим. Ҳамма менга ҳайрон бўлиб қаради.

Санжар акамнинг ўрнига Анзур акам менга сўз қотди:

— Ҳа, Жамиланг билан уришиб қолдингми, дарров айниб қолибсан?

Индамасан. Узоқ сукутдан сўнг, Санжар акам дастурхонга фотиҳа ўқиди.

— Яхши... Унда уйда бўлиб тур. Ё тушлик пайтида, ё кечки пайт борасан.

— Хўп, унгача битта жойга ўтиб келаман.

Онам хавотирланиб сўради:

— Қаерга?

— Қабристонга.

Анзур акам онамга қараб бобиллаб берди:

— Бу ўғлингизга бир бало бўлган. Қабристонда пишириб қўйибдими? Она, қаранг бундоқ. Ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, бошқа жойларга ҳам кетаверади. Бунинг эс-ҳуши жойида эмас.

Мен Олимнинг қабрини зиёрат қилмоқчи эканлигимни айтдим. Шундай бўлса-да, уйдагилар барибир хавотирга тушгани юз-кўзларидан аён эди.

Акаларим ва янгаларим ишга кетишгач, онам билан ёлғиз қолдик. Онам бояқиш мени саволга тутмоқчи бўлди-ю, кайфиятим йўқлиги боисми, ҳеч нима демади. Мен ҳам

индамай чорпоя чеккасида ўтиравердим. Жамила ҳақида ўйламай десам-да, хаёлларим у томон етаклаб кетарди. Шошмай турсин, ўша тунда айтган гаплари учун онаси ўпмаган шундай қизга уйланайки, мени рад этганига пушаймонлар есин. Қачонгача унга ялинаман? Баҳоналар тўқигани-тўқиган! "Болам бор", эмиш! Бунисига ҳам рози бўлдим. Кейин эса Чаманни тиқиштирди.

Бас, етар! Мен Жамилага шунча талпиндим. Тушунмайдиган бўлса, ўзидан кўрсин. Турсуновнинг боласини туғиб, катта қилиб олаверсин! Мен Жамилага, "ҳой, уйланыпман, қиз топиб бер", деганим йўқ.

Дарвоқе, ҳозир Чаман қаерда экан? Уни яқиндан танимайман. Олимнинг ўлимидан сўнг нима қилаётганикан? Қизиқ, Олим бу соқов қизнинг нимасини севган ўзи? Нуқул ўшани ўйлаб, "оҳ-воҳ" қиларди.

Қани, шу топда Олим кўзимга кўринса ёки тушларимга кирса-ю, менга маслаҳат берса! Аммо Олимнинг ўзига ҳам Чаманга уйлана олмаслигимни айтаман...

– Шу қарорга келар экансан, нега отангни хафа қилдинг?
– сўради онам.

– Мен хафа бўладилар, деб ўйламагандим, – жавоб бердим бошимни кўтариб. – Шунчалик хафами у киши?

– Эртага бу қизга уйланиб, кейин эзил-и-и-и-и-б юрмайсанми, бола?

Мен бу саволга хўрсиниш билан жавоб бердим. Эртага нималар бўлишини қаердан биламан, ахир! Ҳар ҳолда Жамилага ҳам, Чаманга ҳам уйланмайман.

Бугунги режам аниқ: қабристондан чиқиб, тўғри Санжар акамнинг ишхонасига бораман. Қизни ўша ерда кўраман. Расмий учрашув уюштиришнинг нима кераги бор? Уни кўрсам, гаплашсам, бўлди-да! Кейин совчилар боради. Қарабсизки, вадаванг тўй! Жамила бу ҳақда эшитиб, уйдан

чиқолмай, кўзёшларини сел қилиб оқизади. Балки тўй оқшомида билдирмайгина келиб, келин болани кўриб кетар? Э, нима қилса, ўзи балоғардон энди...

Қабристон бўйлаб юрар эканман, шу атрофда куймаланиб юрган амакидан Олимнинг қабрини сўрадим. У бир чеккага имо қилди ва мен ўша томонга юрдим. Олимнинг қабрига яқинлашганимда, бир қадар хотиржам эдим. Ваҳоланки, марҳум ҳамкасбимни ўйлаб, ваҳимага тушсам керак, деб ўйлагандим. Эътибор бермаган эканман, кимдир чўкка тушиб, чўзилганча қабр устини ўт-ўланлардан тозалаш билан овора эди. Менинг соямни кўриб, ўгирилиб қаради. Бошига рўмол ўраб олган бу қиз — Чаман эди. Нигоҳларимиз бир зум тўқнашгач, мен худди айбдор одамдек, кўзларимни ундан олиб қочдим. Сабаби... Чаманнинг нигоҳидаги ғам-аламга дош беролмадимми ёки кутилмаган ҳолдан эсанкираб қолдимми, билмайман...

Бир оздан сўнг Чаманнинг йиғлаётгани эшитилди. Қабр пойига чўқар эканман, ўзимнинг ҳам ўпкам тўлиб кетди. Дуога очилган қўлларим қалтирар эди. Зўрға омин қилдим. Ўзимни тутишга ҳаракат қилсам-да, барибир йиғлаб юбордим. Шундай яхши йигитнинг ўлиб кетганига ҳозиргача ишонгим келмасди. Олим билан бирга ўтказган кунларимиз, унинг содда-баёвлиги, оддий, самимий гаплари ёдимга тушган эди.

Мен ўрнимдан турганимда Чаман ҳали ҳам мук тушиб ўтирарди. Тушунишимча, бу қиз ҳар куни зиёратга келади. Унга мендан ҳам оғир. Гунг-соқовлиги учун эмас, шундай ажойиб одамидан айрилгани учун.

— Бўлди, ўзингизни қийнаманг, — дедим мен бўғиқ овозда. — Олимнинг арвоҳи чирқилламасин. Начора, қисматида бор экан.

Чаман шилқ этиб ёнига ағдарилди. Мен кўрқиб кетдим.

Қабристон қоровулини чақириб келиш учун югурдим.

– Бу қизга неча марта айтдим-а, келма деб, – қўлига бир косада сув олиб шошилди амаки. – Кулоқ солмайди. Тўрт кун олдин ҳам шундай бўлувди.

– Эсидан чиқаргунча шу-да, амаки, – дедим мен. – Бунгаям осон деб ўйлайсизми?

Чаман юзига сепилган сувдан ўзига келди. Амаки уни суяб турғазди, кейин қабристонга кираверишдаги шийпон томон юрди. Мен уларнинг ортидан эргашдим.

– Одам ҳам ўзига шунча жабр қиладими-а? – дерди амаки. – Рангингда ранг қолмабди-ку, қизим. Овқат ҳам емайсан, шекилли. Бўлди, энди сени бу ерга умуман киритмайман.

Шийпон четидаги эски кўрпачага чўккан Чаман кескин бош чайқади. Унинг йиғидан кўзлари қизарган, киртайган, қовоқлари шишиб кетган эди. Мен йўловчи машина тутиб келиш учун кўчага чиқдим.

Қўл кўтарганимни кўриб, эски "Жигули" тўхтади. Ҳайдовчи билан гаплашиб, ортимга қайтдим. Чаманни машинага ўтқазиш осон бўлмади. У бош чайқаб, Олимнинг қабри томон талпинарди. Уни зўрга "Жигули"га чиқардик. Мен ўнг томондаги олд ўриндиққа ўтирар эканман, ҳайдовчига шифохонага ҳайдашни буюрдим.

Йўл бўйлаб Чаманнинг садоқати ҳақида ўй суриб кетдим. Унинг Олимни шунчалик севишини сира билмаган эканман. Қани эди, Жамила ҳам мени шундай севса! Мени деб ўртанса, аламли кўз ёшлар тўкса!

Энди Чаманнинг тақдири қандай кечаркан? Наҳотки, у бир умр шу зайлда азоб чекиб юрса? Йўқ! Балки, ойлар, йиллар ўтиб, аста-секин унутар! Одамлар қанчадан-қанча ўлган азиз инсонларини ёддан чиқаришяпти-ку!..

– Сен менинг қиёфамга кир, акс ҳолда Чаман адо бўлади! Олимнинг бу гаплари нақ кулоқларим остида жаранглаб,

сесканиб кетдим. У яна мени безовта қила бошлаганди. Аммо қандай қилиб, Олимнинг қиёфасига кираман? Бу осонми, ахир?! Кейин-чи, кейин нима бўлади? Мен Олимнинг қиёфасига кираверсам, Чаман ўрганиб қолмайдими?..

Аввал Жамила эди, мана энди Чаман! Ўзи қачонгача бошқалар ҳақида ўйлайман? Нима учун яна ўзимни қийнашим керак? Ўзим ҳақимда ҳам бош қотирадиган фурсат етгандир, ахир!

– Чаманни кутқариш керак! – Олимнинг бу гапи ҳам кулоқларимда акс-садо бериб турди...

Машина шифохонанинг очиқ дарвозасидан ичкарига кириб борди. Мен ҳамширани чақириб чиқдим. Ранги ҳануз оппоқ оқарган Чаманни шифохонада қолдирганча ортимга қайтдим. Ҳамширага унга жавоб бермасликларини, кейинроқ ўзим хабар олишимни айтишни унутмадим.

Мана, ҳозир тўппа-тўғри Саъди Турсуновни топсаму ёқасидан олсам! Кейин аламим кетгунча дўппосласам! Ҳаммаси ана шу одамни деб бўляпти. Турсуновнинг касрига Жамила ҳам, Чаман ҳам озор чекишяпти. Наҳотки, у шунча қилмиши эвазига ҳалигача жазо олмаган бўлса? Умуман, унга ким жазо беради ўзи? Нима учун?

Мен жазо бераман! Шунча одамга жабр-ситам етказгани учун! Олимнинг қиёфасига кириб, Турсуновнинг жазосини берсам бўлади-ку! Қачон... қачон шундай қиламан? Билмадим, мен бунга журъат қила олмасам керак. Турсуновнинг кўзлари шунчалик совуқки, ҳар қандай одамни саросимага солиб қўяди. Мен бу оғир ўй-хаёллардан халос бўлишим, ўзимни нима биландир чалғитишим керак...

Санжар акамни йўқлаб ишхонасига кириб бордим.

– Ҳа, тинчликми? – деб сўради ҳайрон бўлиб.

– Менга ўша қизни кўрсатинг, – жавоб бердим.

– Хўп-хўп, сен аввал ўзингни босиб ол!

— Ака, мен ҳозир нимадир қилишим керак. Агар ўз ҳаётимда қандайдир ўзгариш ясамасам, билмадим, нималар рўй беради.

Санжар акам қараб турарди.

— Ишхонамизда сал ноқулайми, дейман, ука? — деди у бир оздан сўнг.

Қизнинг исми Марзия экан. У оппоқ, чиройли бўлса-да, мен учун бу муҳим эмас эди. Мен тезроқ унга уйланиб, акамга айтганимдек, янги ҳаёт бошлаш, барча оғир ўй-ташвишларимдан қутулишни хоҳлар эдим.

— Мен сизни аввал кўрганман, — деди Марзия.

— Қаерда кўргансиз, Марзияхон?

— Кинода!

— Тўғри, мен ҳар қандай актёрни ортда қолдиришим мумкин, аммо кинода суратга тушганим йўқ, — жавоб бердим мен.

Марзия кулиб юборди:

— Роса ҳазилкаш экансиз! Мен сизни кинотеатрда кўрганман, қандайдир қиз билан эдингиз, шаҳарда!

— Менга қаранг, Марзия, юринг айланиб келамиз, — таклиф қилдим мен.

— Вой, ишим-чи? — ҳайрон бўлди у. — Боролмайман! Қолаверса, ҳе йўқ, бе йўқ, сиз билан индамай кетаверарканман-да!

— Нега кетмаскансиз? Унда мен сизга қандай уйланаман?

Марзия яна ҳайратланиб қаради:

— Сиз менга уйланасиз? Тушунмадим... Бу гапни қаердан олдингиз?

— Ана, акам айтди. Ҳар куни гапиравериб, қулоқ-миямни ейди. Шундай экан, эртага ЗАГС, индин тўй!

Қиз ростакамига анқайиб қолган эди. Аслида мен ҳақиқатан ҳам шошилардим. Ҳатто, Марзияни ёнимга олиб,

Жамилаларнинг уйи олдидан ўтишни, уни рашк ўтида қовуришни мўлжаллардим.

Санжар акамга учрашиб, бу қиз жудаям ёқиб қолганини, уй манзилини топиб беришини сўрадим.

— Ўзидан сўра, — қулди акам. — Сен ҳаммамиздан узиб кетадиганга ўхшайсан.

Яна Марзиянинг хонасига кирдим:

— Ишингиз соат олтида тугайдими? Мен келаман. Сизга би-и-и-и-р музқаймоқ олиб берай.

У ёнидаги қизларга имо қилар экан, менга бош ирғаб кўйди.

Бўлди! Мен қарор қилдим: шу қизга уйланаман! Ҳа, қиз зоти қуриб қолибдими шу замонда? Марзия! Исми ҳам ўзгача! У менинг умр йўлдошим бўлади. Энди мен хаёлимни бошқалар билан банд қилмайман.

Мен уйга қайтгач, онамни ҳам донг қолдирдим. Онам гапларимни эшитиб, ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди. Хонамга кирдим. Кўз олдимда яна Жамила гавдаланаверди. Марзиядан суратини сўраб олсам бўларкан. Расмига тикилиб, Жамиладан чалғиган бўлардим эҳтимол.

Қанча вақт ухладим, билмайман, ота-онамнинг гўнғир-гўнғир овозидан уйғониб кетибман. Онам бор гапни айтган, шекилли, отамнинг кайфияти кутарилганини сездим.

Муздек сувда яхшилаб ювиндим. Учаламиз жимгина овқатландик. Шундан сўнг мен уст-бошимни алмаштириб чиқдим:

— Ота, ишга кирмоқчи эдим...

— Ишқилиб тинчгина юр, — тайинлади отам. — Эски ишхонангга қадам боса кўрма. Газлаштириш идорасига электр устаси керак, деб эшитувдим. Бориб кўр-чи!

— Хўп!

Мен кўчага чиққач, аввало, шифохонага қараб йўл олдим.

Ҳар қанча хоҳламай, Чамандан хабар олишим керак эди.

Йўлдан у-бу егулик, мева-чева сотиб олдим.

Чаман мени кўриб, ҳайрон бўлмади. Унинг рангига ранг кирган бўлса-да, нигоҳи ҳамон маънос эди.

– Бу қиз ҳали даволаниши керак, – деди шифокор опа. –

Ўзини анча олдириб қўйибди. Уйдагилари келиб-кетишувди.

– Ишқилиб хавфли эмасми, опа? – сўрадим мен.

– Тўғрисини айтсам, дори-дармон билан сал-пал ёрдам бериш мумкин. Аммо қиз руҳий жиҳатдан ёлғизланиб қолган. Бунчалик сиқилиши яхшиликка олиб келмайди. Онасидан, дугоналари борми, деб сўрасам, елка қисади. Соқов экан-да, шўрлик, балки, шунинг учун...

Мен дарҳол Жамила ҳақида ўйладим. Эҳтимол, унга Чаманнинг аҳволдан хабар олишини илтимос қилиб кўрарман? Ҳар ҳолда одам тафтини одам олади. Қолаверса, Жамиланинг ўзи ҳам Чаманни тилга олиб гапирган эди. Бунинг учун яна унга юзланишим керак. Тағин ярам тирналади. Боз устига Жамиланинг ўзи ҳам қайғу-алам ўтида қоврилиб ётгандир! Бу гапларим кўнглига сиғармиди ҳозир?

Марзия-чи?.. Тўппа-тўғри, унга айтаман. Яхши қизга ухшайди. Ҳар куни Чаманнинг олдига ярим соат келиб-кетсам, фойдаси тегарди. Балки дугона бўлиб ҳам олишар? Ўшанда меням кўнглим тинчирди. Эҳтимол, Олим ҳам хотиржам бўлар...

– Ҳа, бизга электрик керак, – деди газлаштириш бўлими муҳандиси. – Аммо сен умрингда симни симга улаганмисан?

Оббо, газчилар-ей! Жа қочирим билан гапиришади-да!

Мен узоқ вақтдан буён ёнмаётган электр чироғини шундай моҳирона улаб бердимки, унинг хонаси ёп-ёруғ бўлиб қолди. Бундан муҳандис қувониб кетди. Мени мажлислар залига олиб кирди. Бу ерда иш анча кўп экан. Мен эски электр симларнинг ҳаммасини олиб ташлаб, янгисини улаб чиқдим.

Шунингдек, тармоққа улаб, тиқиладиган мосламаларни текширувдан ўтказдим.

Ниҳоят, ишимни тугатиб, муҳандисга бориб учрашдим. У мен билан мажлислар залига қайтиб, ҳайратланганини яширмади.

— Э, шу пайтгача қаерда эдинг, оғайни? — деди елкамга қоқиб. — Физиллаб бориб, олдинги ишхонангдан меҳнат дафтарчангни олиб кел. Шу бугуноқ ариза ёзасан, сени ишга оламиз. Айтгандай, кейин бир ошхўрлик қиламиз. Мен зиёфатларни яхши кўраман...

Турсуновдан ҳужжатларимни олишим осон бўлмаса керак. Калламни ишлатишим керак. Кадрлар бўлимидан ўғрилаб олсам-чи?! Бошқа чорам йўқ-да!

Қоровул йўлимни тўсди.

— Мени тўғри тушун, сенинг ичкарига киришингга рухсат беришмаган, — деди у.

— Ҳужжатларимни олиб кетишим керак, — жавоб бердим мен. — Бўлмаса ўзингиз олиб тушинг.

— Ма, кўнгироқ қил! — қоровул шундай деб эски телефон аппаратини мен томонга суриб қўйди.

Мен кадрлар бўлими билан боғландим. У ердагилар янги ходимлар шекилли, ичкарига киришимга рухсат беришди. Аммо мен бўлимга чиқиб, муддаомни айтгач, шахсан Саъли Турсуновга учрашишим кераклигини айтишди. Демак, раҳбарият томонидан махсус кўрсатма берилган.

Қабулхонага киравериш жойида илиб қўйилган, чеккасига қора ҳошия чизилган Ўктам аканинг каттакон суратига кўзим тушди. “Ҳалол, покиза, насиҳатгўй Ўктам Шоқодировнинг порлоқ хотираси абадий унутилмайди”, деб ёзилган эди сурат тагида.

Раҳматли Ўктам аканинг муаммолари ҳам бор эди. Мавриди келиб, Турсуновдан унинг фарзандлари учун уй

олиб беришини талаб қиларман балки? Ҳар ҳолда иккаласи ҳамтовоқ эди. Турсунов унга ваъда ҳам берган.

Қабулхонага кирдим. Котиба мени хурпайиб кутиб олди.

— Саъди Мардиевич банд, — деди одатдагидек. — Нима ишингиз бўлса, Яздон аканинг олдига кириңг.

Мен Турсуновнинг бўшабини кута бошладим. Эшикка яқинроқ ўтирганим учунми, ичкаридан баланд-баланд овозлар келаётгани кулоғимга чалинди. Ё мажлис бўляпти, ё Турсунов ким биландир телефонда жиқиллашяпти. Эътибор бермоқчи эмасдим, бироқ Жамиланинг йиғламсираган овозини эшитиб, кулогим динг бўлди. "Менга пўписа қилма, овозингни ўчир!" — деб бақирарди Турсунов.

Эшик зарб билан очилди-да, Жамила ўқдек отилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан югурмоқчи бўлдим бу аҳдимдан қайтдим.

— Мен сенга пул сўрашни кўрсатиб қўяман, — овози эшитилди Турсуновнинг. — Ҳали шундай шармандангни чиқарайки, туғилганингга пушаймон бўласан!

Котиба илдам ҳаракатлар билан тезда ичкарига кириб кетди ва эшикни ёпди. Нималар дейишди, тушунмадим.

Ниҳоят у қайтиб чиқиб, Саъди Турсунов ҳузурига киришимга рухсат берганини айтди. Мен эшикни очдим ва ичкарига ҳатладим.

— Нима дейсан? — саломимга алик ҳам олмади Турсунов, у қўлидаги қоғозлардан кўз узмасди. — Гапни чўзмай, тез гапир!

Мен мақсадимни айтдим.

Турсунов бошини кўтариб, менга шу қадар чақчайиб қарадики, унинг қахрли нигоҳига зўрға бардош бердим.

— Сен уялмай ҳали хужжатларингни сўраб келдингми? — деди у.

— Ҳа... Мен бошқа идорага ишга кирмоқчиман. Бу ерни елкаминг чуқури кўрсин!

Кутилмаганда у кўлидаги қоғозларни юзимга отиб юборди.

– Йўқол, ҳайвон! Биттаям ҳужжатингни олмайсан!

– Агар меҳнат дафтарчамни олмасам, мана шу хонадан чиқмайман, – хотиржам жавоб бердим мен.

– Ҳали шунақами? – Турсунов столни айланиб ўтиб, менга яқинлашди. – Сен ким билан гаплашаётганингни унутиб кўйяпсан, шекилли?

– Ўзингизни кўлга олинг! – яна босиқлик қилдим мен.

Агар бошимни илкис орқага ташламаганимда Турсуновнинг мушти жағимга келиб тушарди. Бу ҳамласини у яна бир марта такрорлади. Мен яхшигина ҳимояланган эдим.

– Сен, болага шунча яхшилик қилдим, – бўғриқди Турсунов. – Энди мендан кўрасан! Жонинг менинг кўлимда! Сени ўша пайтдаёқ йўқ қилиш керак экан. Отанг йиғлаб келганида...

– Отамни кўшманг!

Турсунов оғзидан кўпик сачратганча сўкинар экан, пўлат сандиғини очди-да, қандайдир қоғоз олди. Сейф пулларга тўла эди. Турсунов кўлидаги қоғозни нақ тумшугим тагига олиб келиб бақирди:

– Мана, сенинг жонинг! Отанг ўз кўли билан ёзиб берган!

Ана шунда мен чаққонлик қилдим: Турсуновнинг кўлидаги қоғозни тортиб олдим у йиртиб ташладим. Бу ҳаракатим шунчалик тез рўй бердики, у тушунмай ҳам қолди.

– Сен аблаҳ, исқирт... – жиғибийрон бўлди Турсунов.

– Оғзингизга қараб гапиринг!

– Нима қиласан, кўлингдан нима келади? – додлади у.

Мен Турсуновнинг устига нақ бостириб бордим. Жаҳлим чиққан, ниҳоятда ғазабланган эдим:

– Менга қара, агар сен яхшиликни истамасанг, ёмонлик ҳам кўлимдан келади. Шундай қиламанки, бир умр ўзингни ўнглай олмай қоласан!..

Мен Саъди Турсуновнинг попуги пасайиб қолганини биринчи марта кўришим эди. У нафас чиқармас, кузлари аланг-жаланг боқарди.

– Билиб қўй, агар шу туришинг бўлса, сен жуда аянчли ўлим топасан! – дедим мен. – Мен билан ўчакишма! Ўктам аканинг ўлимини эсла!

Турсунов янада кўрқиб кетди. Афтидан, у мени Ўктам аканинг қотили деб ўйлаган эди...

Ҳужжатларимни олиб чиқиб кетдим. Энг муҳими, мен отам ёзган тилхатни йўқ қилган, янада хотиржам эдим. Аммо кўнглимнинг бир бурчагини хира қилиб тургани яна Жамила ҳақидаги хавотир эди. У Турсуновдан пул сўраб келган. Яна отаси учун! Отасининг дори-дармони учун!

Майли, мен бир яхшилик қиламан: бугун кечқурун келиб, Турсуновнинг сейфидаги пулларни оламан! Анча-мунча пул бўлса керак у ерда. Қанча кўп бўлса, шунча яхши. Саъдиев Ўктам аканинг хонадони олдида ҳам қаздор. Уларнинг уйига пул ташлаб ўтаман.

Мен ҳужжатларимни янги ишхонамга олиб бориб топширдим. "Эртадан бошлаб ишлайвер", – деди зиёфатни яхши кўрадиган муҳандис.

Марзиянинг олдига боришим керак. Унга нималар ҳақида гапирсам экан? Чаман ҳақида яхшилаб айтиб бераман. У билан дугона бўлишини илтимос қиламан. Ҳойнаҳой, йўқ демаса керак.

– Оббо, яна келдингми? – энсаси қотди Санжар акамнинг.

Мен чўрт кесдим:

– Ҳойнаҳой, сизнинг олдингизга келганим йўқ. Мен паривашимни бир жойга таклиф қилмоқчиман.

– Унда уйга соат нечада борадилар? – қочирим қилди акам.

– Қачон қўйиб юборишса, – бўш келмадим мен ҳам.

Марзия йўлакда мени кўриб, кулиб қўйди. Шу жилмайишининг ўзиёқ кундузги андуҳларимни тарқатиб юборгандек бўлди. Чамаси, мен унга ёқиб қолган эдим. Марзиянинг ўзи ҳам менинг яқин одамимдек туюлганди ўзимга.

– Аввал музқаймоққа, кейин бир жойга! – дедим мен.

– Йўқ, – бошини сарак-сарак қилди у. – Аввал уйга, сўнг ошхонага! Овқат қилишим керак, кейин идиш-товоқ ювиш, э-ҳе... Мени уришишади.

– Наҳотки, мендек хушбичим йигитни хафа қилсангиз?

– Сиз ғалати экансиз-а?! – кулди Марзия.

– Демак, кетдик. Уйдагиларга кўнғироқ қилиб кўярсиз. Дарвоқе, совчилар боради, деб телефонда айтсангиз ҳам бўлаверади...

Марзияни музқаймоққа олиб борганимда ҳам роса кулдирдим. Мактабдаги, коллежда ҳангомалардан сўзлаб бердим. Анча суҳбатлашдик. Санжар акам билан бирга ишлаётгани боисми ёхуд феълим анча ёқиб қолдими, у сира мендан бегонасирамади.

– Мен ишхонада ҳам унча-мунча йигитлар билан гаплашмайман, – деди Марзия. – Сиз билан эса... негадир...

– Сабабини биласизми?

– Хўш, нима экан?

– Сиз мени севиб қолгансиз!

Марзия қип-қизариб кетди:

– Вой, гапингизни!..

Музқаймоқдан сўнг унга Чамандан хабар олишимиз кераклигини айтиб, унга илтимос қилдим. Марзия билагидаги соатига қараб қўйиб, бош ирғади. Йўл-йўлакай унга Чаман ҳақида гапириб бердим. Ҳар иккимиз ҳам ўзимизни хушчақчақ тутишимиз кераклигини тушунтирдим. Марзия тўхтаб, менга тикилиб қолди. Мен бу боқишнинг боисини тушунмадим.

Чаман бизни хушламайгина кутиб олди. Мен унинг кайфиятини кўтаришга роса ҳаракат қилдим. Сўнг, алоҳида гаплашинглар, дегандек палатани тарк этдим. Шифохона ҳовлисида Марзияни узоқ кутишга тўғри келди. Қоронғи туша бошладики, у ҳануз чиқмасди. Тавба, уйдагиларим уришади, деганди-ку бу қиз!..

Ниҳоят, Марзия чиқиб келди. Бир зумда индамас бўлиб қолибди. Неон чироқлари ёғдусида Марзиянинг кўзёшлари оқаётганига кўзим тушди.

— Чаман гапирмади, — деди у. — Чаманнинг қўллари, кўзлари гапирди. Мен уни имо-ишоралари орқали ичидагиларни ҳис этдим. Анча енгил тортди... Бечора қиз!

Марзиянинг уйигача жим кетдик. У хомуш бўлиб қолган эди.

— Сизниям ташвишга қўйдим, — дедим мен хайрлашаётиб. У яна менга такилиб қаради.

— Сиз жудаям яхши инсон экансиз, Асқар ака, — деди исмимни биринчи марта тилга олиб. — Бугунги кун ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

— Эртага учрашамизми? — сўрадим мен.

— Албатта...

Мен учрашувдан хуш кайфиятда қайтдим. Ахир, ҳеч ким менга, "яхши инсонсиз", демаган-да! Собиқ ишхонам ёнидан ўтаётиб, кундузги режам ёдимга тушди. Қўлларимни бири-бирига ишқаладим: бугун мен Саъди Турсуновнинг қиёфасига кираман ва унинг пулларини ўмараман!

14

Мен ёруғроқ жойга ўтиб, чўнтагимдан ойна чиқардим ва умримда биринчи марта Саъди Турсуновнинг қиёфасига кирдим. Бу одамни шу қадар ёмон кўрар эканманки, кўзгудаги аксига қараб, ойнани синдириб юборгим келди.

Ишхона қоровулхонасига кирсам, Мерган ўтирибди.

— Сен бу ерда нима қиляпсан? — деб сўрадим қовоғимни солиб.

Мерган хаёл суриб ўтирган эканми, менинг саволимдан чўчиб тушди-да, ўрнидан тура солиб, салом берди.

— Мен қоровулман, — деди у худди айб иш қилиб қўйгандек, қўлларини бир-бирига қовуштириб. — Ўзингиз айтган эдингиз-ку?!

— Ҳа, яхши, — тўнғилладим мен. — Ишқилиб ҳаммаёқ тинчми?

— Ҳа, тинч.

Мен қабулхонанинг калитини олиб, шошилмай юқорига кўтарилдим. Ортимдан эргашган Мерганга, “қол” ишорасини қилдим. Қабулхонага киргач, чироқни ёқмадим. Йўлакдаги чироқ ёруғидан тушган ёғду етарли эди. Турсуновнинг хонасига тегишли калитни изладим. Ҳар эҳтимолга қарши, деб калитни рўмолча билан ушладим. Эшик қулфига солиб, шошилмай очдим. Ичкарига кирдим. Ўзимни хотиржам тутсам-да, барибир ҳаяжон босарди.

Кундуз куни Турсунов сейфнинг калитини қаердан олганини кўрган эдим. Столининг энг пастки ўнг томондаги тортмасини очдим. Бир нечта қалам солинган қаламдонни олдим. Сейф калити энг тагида экан. Уни олиб, сейфга яқинлашар эканман, оёқларим қалтирай бошлади. Мен ўғрилиқ қилаётгандим, ахир! Бу яхшилик йўлидаги ўғрилиқ, деб ўзимни овутдим. Тўғри-да, бу пулларни ўзимга олмайман-ку! Бир қисмини Жамиланинг отаси учун, яна бир қисмини Ўктам аканинг ўғиллари учун оламан. Бу билан Турсуновга жазо берган ҳам бўламан.

Мен бу сейфда қанча пул борлигини билмайман. Ҳар ҳолда пул борлиги аниқ, агар Турсунов олиб кетмаган бўлса! У хонасига кимдир кириб, пулларини ўмаришини хаёлига ҳам

келтирмайди. Акс ҳолда сейфнинг калитини ўзи билан олиб кетган бўларди.

Пўлат сандиқ ҳеч бир қийинчиликсиз очилди. Унинг ичида, худди кундузи кўрганимдек, тахлам-тахлам пуллар турарди. Асосан, доллар! Бу пуллар Жамилага ҳам, Ўткирга ҳам... ўзимга ҳам етади. Аммо мен ўзимга олмайман. Турсуновнинг пуллари бошидан қолсин. Бу пул муҳтожларга керак.

Қанча олсам экан? Юз долларлик битта тахлам ўн минг бўлади. Ҳозирча икки тахлами етар. Майли, учта бўла қолсин (одамнинг кўзи тўймайди-да). Балки ҳаммасини олганим маъқулдир? Бирор жойга яшириб қўярдим. Ҳа, шундай қиламан. Пулларни уйимиздаги бостирма тагига яшириб қўяман. Аммо... Турсунов қутуриб кетиб, уйда тинтув ўтказса-чи? Туппа-тузук оилани ўғрига чиқарса! Ҳар ҳолда мол аччиғи – жон аччиғи!

Э, нима бўлса, бўлар! У бу ҳақда ҳеч қайси идорага билдира олмайди. Бунча пулни қаердан олгансиз, деб сўрашса, нима деб жавоб беради? Сейф ичига озгина пул сепиб қўйгандим, мевасини йиғиштириб кетишибди, демаса керак, ҳар ҳолда.

Мен таваккал қилиб пулларнинг ҳаммасини олдим. Ўттиз уч минг доллар! Сўмлар ҳам бор эди, биттасини қолдирмадим. Ҳаммасини елим халтага битта қилиб солдим. Пул ҳам оғир бўларкан.

Сейфни қулфладим. Калит аввалги ўрnidан жой олди.

Кейин эса эшикни қулфладим.

Қоровулхона ёнидан ўтар эканман, Мерганга эътибор бермасликка ҳаракат қилдим.

– Машинангиз йўқми? – деди у ҳайрон бўлиб.

– Нима?! – қошларимни чимириб, бақрайдим унга.

– Яхши боринг, Саъди ака.

Ишхонадан чиқиб, Жамилаларнинг уйига йўл олдим.

Манзилга етгач, елим халтадан бир тахлам пул олиб, дарвоза устидан ичкарига улоқтирдим. Тап этган товуш эшитилди: ҳовли ўртасига тушди-ёв! Агар бу пул уларга насиб этган бўлса, албатта олишади. Биламан, Жамила бу ишни мен қилганимни сезиши мумкин, бироқ нима бўлганда ҳам унга пул керак. Ҳар ҳолда отасининг дори-дармони учун ишлатиб турар. Кейин мабодо керак бўлса, яна...

Ўктам аканинг уйи бу ердан хийла узоқ эди. Мен хануз Турсуновнинг қиёфасида кетиб борардим. Уларнинг уйига етганимда ўртоқлари билан ўтирган Ўткирга кўзим тушди. Секин яқинлашдим. У мени кўриб шоша-пиша ўрнидан турди-да, салом берди. Бир чеккага ўтдик. Уйдагиларининг аҳволини сўраб, қўлига икки тахлам пул тутқазган эдим, Ўткир ханг-манг бўлиб қолди.

Ниҳоят мен ўзимизнинг уйимизга келдим. Ой шуъласида ўз қиёфамга қайтиб, дарвозадан ичкарига ҳатладим. Хайрият, ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Пуллар солинган елим халтани оғилхонага олиб кирдим. Уни бир томонда йиғиб қўйилган хашаклар тагига яшириб қўйдим. Оғилдан чиқар-чиқмас, отамга дуч келдим.

— Бу ерда нима қиляпсан? — ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам шубҳаланиб сўради отам.

— Моллар бўкирганига хабар олгандим, — дедим мен салом беришни ҳам унутиб.

— Моллар бўкирар экану биз эшитмаймизми?

— Ичкарига эшитилмайди-да!

— Сен, бола, бир балолар қилиб юрган бўлма ишқилиб?

Мен яна бўш келмадим:

— Бир балолар қилиб юрган бўлсам, оғилда нима қиламан, ота?

— Бор, ичкарига кир!

— Хўп...

Анча пайтгача уйқум келмади. Жамила ва Марзияни бир-бирига таққослаганча ўйланиб ётдим. Кейин Саъди Турсуновни кўз олдимга келтирдим. У ишхонага ҳаммадан эрта келади. Агар кўнглига гулгула тушган бўлса, шартта сейфни очиб кўради. Нима қиларкан-а ўшанда? Роса аюҳаннос солса керак. Қоровул ким бўлганини суриштиради. Кейин Мерганни чақириб, унинг ёқасидан олади. Оғзидан кўпик сачратганча бақиради. Мерган эса анқайганча ишхонага Турсуновнинг ўзидан бўлак ҳеч ким келмаганини унинг ўзига айтади. Турсунов баттар тутақиб кетади.

Қани эди ўша томошани бир кўрсам! Умуман айтганда, кўрсам бўлади. Мабодо Турсунов мендан шубҳаланган тақдирда бу ҳақда билиб олардим.

Оғилдаги пулларни нима қилсам экан? Ишқилиб бошга бало бўлмаса эди.

Эртаси куни эрталабдан мен эски ишхонамга қараб йўл олдим. Аммо кимнинг қиёфасига киришим кераклигини ҳали ҳам билмасдим. Сочларини ялтиратиб тараб юрадиган Яздон акагами? Тўғри келмайди. Нақ ўзи олдимдан чиқиб қолиши мумкин. Яна ким бор эди-я? Ишхонага қайси ходим камдан-кам боради? Топдим: Мансур ота! Ҳа, у онда-сонда боради. Қолган пайтларда участкаларда юради. Ишхонага Мансур отанинг қиёфасида кириб бориб, Турсуновнинг аҳволдан воқиф бўлишим мумкин.

Сал қолди, сезиб қолишларига! Мен орқамга қарамай, эндигина Мансур отанинг қиёфасига кирганимни биламан, кимдир елкамга қоққанидан чўчиб тушдим. Ўгирилиб қарасам, Яздон ака! Неча сония тек қотдим, билмайман.

— Ҳа, кўрқитиб юбордимми? — кулди Яздон ака. — Қўлингиздаги нима, ойнами? Бирорта кампирни пойлаяпсизми, дейман, Мансур ака?

Мен Мансур акага ўхшатиб гапирдимми, билмайман, ишқилиб бобиллаб бердим:

– Ўв, отанг тенги одамга ҳазиллашишга уялмайсанми? Зам бўлсанг, ўзингга! Мен сенга кампирни кўрсатиб қўяман ҳозир!

Яздон аканинг попуги пасайиб қолади, десам, аксинча қарши зарба йўлласа бўладими:

– Сен кимни сенсираяпсан? Нимани кўрсатиб қўясан? Ё ҳазилни тушунмайсанми? Ҳозир тумшуғингга бошлаб бир тушираман!

Ё, тавба, ёқасидан салгина силкиласам, тўкилиб кетади-ю гапини қаранг! Шундай қилгим келди, бироқ бир машмашани бошламай деб индамай кетиб қолдим. Шошмай турсин, бу Яздон! Ҳали боплайман!

Қабулхонага яқинлашар эканман, кутганимдек, бақир-чақирни эшитдим. Котиба ранги-қути ўчиб ўтирар, ичкарига кулоқ соларди. Мен, нима гап, дегандек қардим. У бошини сарак-сарак қилди. Шунда чаққонлик билан Саъди Турсуновнинг хонасига ўзимни урдим. Турсунов Мергани нақ бўғиб турган экан, менга кўзи тушиб, шаштидан тушди.

– Ҳай-ҳай, нима гап, тинчликми? – дедим Мерган бечорани жазодан халос этиш учун, уларнинг ёнига бориб.

– Э, ўзимизнинг гап, – жавоб берди Турсунов. – Тақиллатиб кирсангиз бўлмайдими, Мансур ака?

– Тақиллатдим, ҳеч ким эшитмади.

Мерган йиғлаб юборди:

– Мансур ака, мени ўғрига чиқаришяпти. Ўзингиз айтинг, мен бундай қилмайман-ку!..

Мен Турсуновга юзландим:

– Нимани ўғирлабди?

– Э, сизнинг нима ишингиз бор? – ўдағайлади Турсунов.

– Ҳамма гапга аралашаверасизми?

– Пулни ўғирлаган эмишман, – минғирлади Мерган. – Умримда ўғрилик қилмаганман. Кеча бу кишининг ўзи

келувди, нимадир олиб кетди. Энди айтсам, ишонмаяпти.

Турсуновнинг овози гулдираб чиқди:

– Топиб берма қани, сени нима қиламан!

– Неча пул эди? – бу саволни яна жигига тегиш учун атайлаб бердим.

Турсунов шу қадар энсаси қотиб менга қарадики, ҳозир ҳар қандай ҳақорат сўзлари оғзидан чиқиб кетишига ишончим комил эди.

– Саъдижон, – дедим ўсмоқчилаб, – бу болани қийнагунча, ана, қабулхонадаги видеокамерага кўз югуртиринг, вассалом!

Турсунов ўйланиб турди-да, компьютерининг алланимасини босди. Мен ҳам азбаройи қизиққанымдан ёнига бориб турдим. Компьютер мониторида Турсуновнинг қабулхонага киргани, сўнг калитни топиб, у билан хонасининг эшигини очгани ва ичкарига йўналгани акс этди. Турсунов бу лавҳани қайта-қайта синчиклаб кўрди. Кейин менга анқайиб қаради.

– Ҳа, сиз, – дедим мен. – балки кайфингиз ошиб қолган бўлса...

– Э, нималар деб валдираяпсиз? – асабийлашди Турсунов.

– Қанақасига мен бўламан?

– Мана, кўриниб турибди-ку! Худди ўзингиз!

– Кўрмаяпсизми, қоронғи-ку! Аниқ акс этмаган. Қолаверса, мен ўзимнинг пулимни ўғирлайманми? – Турсунов Мерганга қўлини бигиз қилди: – Мана шу қилган, шериклари билан! Бўйнига олади. Олмасин-чи!

– Мелиса чақирриш керак, – дедим мен.

Турсуновнинг афти буришди. Бир оз сукут сақлаб, минғирлади:

– Менда ишингиз борми?

– Озроқ пул сўраб келувдим, Саъдижон! – без бўлиб жавоб бердим мен.

Турсуновнинг тишлари гижирлаб кетди. Мен тутуриқсиз саволлар бераётган бўлсам-да, унга раҳмим келмади. Бу одамни руҳан синдиришим керак, ҳали унда аламларим кўп.

– Илтмос, Мансур ака, чиқиб кетинг, – деди Турсунов.

– Олдин мана бу чиқиб кетсин, – кўнмадим мен, Мерганни кўрсатар эканман, – сизда жудаям зарур гапим бор.

Турсунов Мерганга имо қилган эди, у хонани тарк этди.

– Раҳматли Ўктамнинг ўғлини кўргандим, – давом этдим мен. – Унга пул бериб жуда савоб иш қилибсиз. Менгаям берасизми, деб келувдим.

– Нима? – ҳайрон бўлди Турсунов. – Мен унга пул берганим йўқ.

– Эҳтимол, Ўткир ёшлик қилиб, менга бу ҳақда айтиб қўйгандир... Ишонинг, мен ҳеч кимга билдирмайман. Кўп эмас, Саъдижон, икки минг доллар керак бўлиб қолди.

Турсунов менга қулоқ солмас, чуқур ўйланиб қолган эди.

– Ҳой, ука, ишқилиб эс-хаёлингиз жойидами?

Агар телефони жиринглаб қолмаганида Саъди Турсуновнинг қитиқ-патига тегишда давом этардим. Ҳозирча бу ишни бас қилдим.

Мен ортимга бурилдим. Ўзимнинг ишимга боришим керак – вақтим бўлиб қолган эди.

Хаёл билан бўлиб янги ишхонамга Мансур аканинг қиёфасида кириб борибман. Муҳандис билан илжайганча қўш қўллаб кўришибман. Агар у, отахон, сизга ким керак эди, демаганида, росманасига қовун туширар эканман. Оғзимга келган исмни айтиб, олдидан қуён бўлдим. Мажлислар залига кириб, ўз қиёфамга қайтдим. Кейин муҳандиснинг хонасига бориб, у билан қайтадан кўришдим. Майда-чуйда топшириқлар олиб, ишга киришдим. Уларни тезгина битириб, шу атрофда айланиб юрдим.

Марзия қўнғироқ қилди.

– Яхши дам олдингизми? – қўнғироқдек овозда сўради у.

– Йўқ, сира ухлай олмадим.

– Нега, нима бўлди?

– Сизни ўйлайвериб-ўйлайвериб, тонг оттирдим. Кўзларимга уйқу келмади. Сиз хаёлимни шунчалик банд қилгансизки, бошқа ҳеч нимани ўйлай олмаёпман.

– Жудаям ишонарли.

– Ишонмасангиз, бугун дўхтирга борамиз. Бошимни рентгенга текширтирамиз. Дўхтирлар ҳам кўриб, ҳайрон қолишса керак. Ичи фақат ва фақат сиз ҳақингиздаги ўй-хаёллар билан тўлиб кетган.

– Мен дўхтирга бориб келдим. Чамандан хабар олдим. Аҳволи анча яхши. Сизга саломини етказди, Асқар ака.

Мен бўшашиб қолдим. Марзияга қойил қолиш керак: Чаманнинг олдига бориш тугул у ҳақда ўйлаш ҳам ёдимда йўқ. Мен Марзияга раҳмат айтдим, ишдан кейин учрашувга таклиф қилдим. У андак ноз қилди-ю, кейин рози бўлди.

Ҳамма гап менинг ўзимда. Тезроқ совчиларни юбориб, уйланиб олишим керак. Бўлса, шундай қиз бўлсин-да! Мен Марзияни тезроқ севиб қолишим керак. У жудаям яхши қиз, аммо... менда барибир бир вақтлар Жамилани кўриш учун парвоз қилиш даражасидаги иштиёқ йўқ. Биринчи муҳаббат деганларининг кучи шумикан ё?

Айтгандай, Марзия Жамила ҳақида эшитса, нима деркан? Ранжиб қолса керак. Балки, мени енгил-елпи ўйлайдиган "учар" йигитлардан, деган хаёлга борар. Ҳар ҳолда у билан менинг ўртамизда ҳеч қандай сир бўлмаслиги керак. Аммо ҳозирча мен ўзимни жуда сипо тутушим керак бўлади. Марзия билан юрганганимни Жамила бир марта бўлсаям кўришини истайман. Ўшанда мени рад этганига пушаймонлар бўлсин.

Марзия чиройли гулли чит кўйлақда учрашувга чиқди. Шу боисми, кўзимга аллақандай бошқача кўриниб кетди. У кўришиш учун биринчи бўлиб қўл узатганида янада ўзгача ҳис-туйғулар мени қамраб олди. Марзиянинг менга ишона бошлаганини ҳис этиб, ўзимни қандайдир ёлгончи ҳисобладим. У менинг ҳолатимни сезди.

— Бугун кечагидек эмассиз, — деди.

— Чунки сизни жудаям соғиндим, — дея жавоб бердим ва мавзунини ўзгартирдим: — Чаманнинг олдига бориб, яхши қилибсиз, Марзия!

— Соғинган бўлсангиз, нега менга телефон қилмадингиз?

Мен бу саволга дафъатан нима деб жавоб беришни билмай қолдим. Узоқ куттириш ҳам яхши эмас, шу боис муносиброқ жавоб беришга ҳаракат қилдим:

— Сиз ҳам мени соғинишингизни истаган эдим, Марзия.

У индамади. Балки уялаётгандир, эҳтимол, гапларимга ишонмаётгандир?

Мен унинг кўзларига тикилдим. Беихтиёр яна Жамила ҳақида ўйладим. Унинг жилва қилиб қарашлари, камон қошлари, гунча лаблари кўз олдимдан лип-лип ўтди. Марзиянинг Жамиладан нимаси кам? Марзия ҳам чиройли, кўнглимдаги қиз, бироқ нега уни Жамиладек сева олмаяпман? Ўша бевафони ўйламаслик учун нима қилсам бўлади? Ортиқча ўй-хаёлдан халос бўлишнинг йўли — Марзия билан гаплашиш, гаплашавериш!

— Оилада нечта фарзандсизлар? — сўрадим ундан.

— Мен битта-ю битта қизман, укаларим бор, иккита, — жавоб берди Марзия.

— Уйдагиларга мен ҳақимда айтдингизми?

— Сиз ҳақингизда? Нима дейишим керак экан?

— "Мен эрга тегаман, шартга берворинглар", деб.

— "Совчилар келмасаям тезроқ беринглар", деб-а?

– Совчилар, албатта, боришади. Сиз эса ҳозирча, "бир йигит мени жуда-жуда севиб қолди, ўзини бир бало қилмоқчи", денг. "Мен ҳам усиз туролмайман", денг.

Марзия кулди, сўнг жиддийлашиб мени саволга тутди:

– Сиз аввал кимни яхши кўргансиз? Кинога ким билан борган эдингиз?

Яна кўз олдимда Жамила гавдаланди. Худдики у, ҳўш, бу саволга нима деб жавоб берасан, дегандек туюлиб кетди.

– Кеча ҳам гапиргандингиз, – дедим кўзимни лўқ қилиб.

– У аммамнинг қизи бўлади. Кинога олиб кириш, деб қўймади. Оти Гулнигор! Хоҳласангиз, таништириб қўяман.

– Майли.

– Э, нима қиласиз ўшани? Бурни пачоқ, қулоғи супрадай. Кўрқиб кетасиз, Марзия!

Марзия хўрсиниб қўйди. Кайфиятини кўтаришга қанча ҳаракат қилмай, чиройини очмади. Шунда секин қўлидан ушладим. У сесканиб кетди. Қўлини тортиб олмоқчи бўлди. Мен қўйиб юбормадим, қўлидан янада маҳкам ушладим.

– Менга тегасизми, Марзия?

У қўлини тортиб олишга уринарди.

– Марзия, мен энг яхши жуфти ҳалол бўламан, – дедим мен. – Илтимос, йўқ, деманг. Сиз менга жудаям кераксиз. Мен сизни бир кўришдаёқ ёқтириб қолдим. Фақат... мен ҳақимда бошқача хулосага борманг. Вақти келса, сизга ҳаммасини айтиб бераман. Менга ўзимни тушунадиган, софдил, кўнгли очик ҳамроҳ керак. Бунга фақат сиз лойиқсиз, Марзия!

– Илтимос, қўйиб юборинг, – деди у қўлини тортиб. – Хўп, сиз айтгандек бўлади...

Чаманни йўқлаб, шифохонага бордик. Унга жавоб бериб юборишибди. Демак, анча ўзига келиб қолган. Ишқилиб яна қабристонга бориб, дардларини янгиламаса бўлгани!

Марзияни етаклаб, тоғамларнинг кўчасидан ўтдик. Жамилаларнинг дарвозасига кўз ташладим. Ичкарига кулоқ тутиб ўтдим, жимжит эди. Бу мени янада диққат қилди.

Марзияни кузатиб уйга қайтар эканман, янгаларимни холи кўриб, уларни гапга солдим. Уларга Марзия ҳақида сўзлаб, уй манзилини тушунтирдим. Онамга тезроқ етказишларини илтимос қилдим. Иложи бўлса, икки-уч кун ичида совчиликка боришлари кераклигини уқтирдим.

Кейин Марзияга қўнғироқ қилдим. Ажабо, у Чаманларнинг уйида эмиш! Чаманнинг ўзи илтимос қилиб чақиртирибди.

Кечга яқин Анзур акам таъбимни хира қилди:

– Асқар, сен уйлансанг, биз қаерда яшаймиз? – деди ёнимизда ҳеч ким йўқлигида.

– Шу уйда яшайверасизлар, – жавоб бердим мен. – Сизларни ҳеч ким ҳайдаб чиқармайди-ку!

– Бу уйда сиқилиб қоламиз, ўзинг биласан.

– Мен нима қилай? Бир умр уйланмай юраверайми?

– Сенга бир гап айтаман, фақат хафа бўлма, ука. У... оилада битта қиз экан, тўғрими?.. Уларга ичкуёв бўл!

Бу гапдан жаҳлим чиқиб кетди. Анзур акамнинг кўзига тик қарадим:

– Ака, оғзингизга қараб гапиринг. Сиз менга бир марта ёмонлик қилгансиз. Балки ўша етар?

– Мен сенга ёмонлик қилганим йўқ, Асқар. Бу гапни қаллангдан чиқариб ташла, ука! Раҳмат айтиш ўрнига айтган гапингни қара! Мен ҳозир вазиятдан чиқиш йўлини излаяпман. Агар ичкуёв бўлсанг, ҳамма муаммолар ҳал бўлади. Сен фақат ўзингни ўйламаслигинг керак.

– Вазиятдан чиқиш йўлини излаётган бўлсангиз, сизга ҳам бир маслаҳат: ўзингиз ичкуёв бўлинг. Янгамга тушунтирсангиз, уйдагиларига бориб айтади.

Анзур акамнинг сочлари тип-тикка бўлиб, менга ёпишиб кетди. Талотўпни эшитиб, онам, сўнг Санжар акам югуриб келишди. Бизни ажратишга тушишди. Мен Анзур акамнинг муддаосини уларга билдирмадим. Унга ёмон бўлишини билардим. Шу билан бирга Анзур акамни ҳам тушунардим. Ростдан ҳам мен уйлансам, бу уйда сиқилиб қоламиз. Олти хонали уй тўртта оилага нима ҳам бўларди, ахир? Бироқ тўйгача бирор чорасини топиш мумкин-ку!

Наҳотки мен ўзимдаги "имконият"дан фойдалана олмасам? Кеча Саъди Турсуновнинг пулларини Ўткирга бериб бекор қилибман. Ўша пулларни, мана, Анзур акамга берсам, бошқа ҳовли сотиб олишига бемалол етарди.

Оғил томонга йўл олдим. Билдирмай ичкарига кириб, хашакларни нари-бери суриб, тагидаги пулларни санаб кўрдим. Уч минг доллар ва саккиз юз минг сўм! Бу пуллар ҳовли сотиб олишга етмайди. Анзур акамнинг ўзи йиғиб-тергани ҳам бордир балки?

Оғилдан чиқар эканман, айвонга ўтиб, секин Анзур акамга имладим.

— Қаердан олдинг? — сўради у пулларни кўриб.

— Узумини еб, боғини суриштирманг! Хўш, қолганига ўзингиз ҳам кўшарсиз?

У пулни қўйнига тикди.

— Билмадим, — деди ва кўшимча қилди: — Агар бўлса, яна бер!

Мен Анзур акамнинг бу қадар очкўзлигини билмаган эканман. Аммо нима қилганда ҳам акам у, қўлимдан келганча ёрдам беришим керак. Шунда нохос, Турсунов қиёфасида Ўктам акаларнинг уйига бориб, ўғлидан кечаги пулларнинг бир қисмини қайтариб олиш ҳақида ўйлаб қолдим. Чунки сейфни аллақачон қуритганман. Турсунов яна пул йиққани билан энди уларни ўша сейфда сақламаслиги турган гап.

– Отам билан маслаҳатлашамиз, – дедим мен Анзур акамга.

– Отамга ҳеч нима дема, – дўқ урди у. – Бу пулларни ўзим йиққанман, дейман. Бўпти, валдираб юрма. Ошналарим билан гаплашиб кўрай.

– Менга қаранг, ўзи намуноча ваҳима қилияпсиз? Сиздан катта Санжар акам ҳеч нима демаяпти-ю...

Анзур акам жавоб бермади. Мен унинг ортидан қараб қолдим.

Совчилар уч кун ўтиб Марзияларнинг уйига боришди. Ҳартугул у уйдагиларига шипшиб қўйган экан, ноумид қайтаришмабди. Бу орада у билан янада яқин бўлиб қолган эдик. Мен ҳар куни акамнинг ишхонасига йўл олар, Марзия чиққач, иккимиз истироҳат боғига ўтар эдик. У мен билан бахтиёрлигини яширмас, келгуси ҳаётимиз қандай бўлишини тўлқинланиб, орзуларга лиммо-лим тўлганча сўзлаб берарди.

Тўртинчи куни мени Жамила йўқлаб қолди. Телефонимдан унинг овозини эшитиб, ҳайрон бўлдим. Мен буни сира кутмаган эдим. Гарчанд ҳаяжонланиб кетган бўлсам-да, ҳаётимни Марзия билан боғлаганимни унутганим йўқ. Жамила мени эски гужум тагига учрашувга таклиф қилди. Мен рад этдим. Сабабини изоҳлашни хоҳламадим.

– Келмасангиз бўлмайди, – деди Жамила. – Бу Саъди Турсунов билан боғлиқ гап.

– Менинг ўша аблаҳга тегишли жойим йўқ.

– Сиз келинг, мен ҳаммасини айтиб бераман.

– Жамила...

– Сиз тушунмаяпсиз, бу жудаям муҳим гап! Илтимос, келинг. Охирги марта! Илтимос...

Жамила шундай оҳангда сўзладики, мен рози бўлганимни билмай қолдим. Телефонимни ўчирганимдан сўнг бу ишимдан пушаймон бўлдим. Эҳтимол, Жамила мен билан

шунчаки учрашиш учун баҳона тўқигандир? Турсунов ҳақида нима дейиши мумкин, ахир у билан ҳаммасига нуқта қўйганман! Боплаб таъзирини берганман. Ҳозир бошқа ташкилотда ишляпман. Мени "илдирадиган" тилхат ҳам йиртиб ташланган.

Майли, Жамила билан охириги марта учрашаман. Юзмаюз бўлганимизда Марзия ҳақида унга айтиб бераман. Чаманнинг аҳволи яхши эканлигини ҳам тушунтираман.

Тун борлиққа ўралган сайин мени янада ҳаяжон босарди. Мен гўё Марзияга хиёнат қилаётгандек виждоним олдида ҳам қийналардим.

Ярим кечаси таниш гужум олдига йўл олар эканман, Жамиланинг мендан аввал бориб турганига кўзим тушди. Бу менда шубҳа уйғотди. Ён-атрофга синчиклаб қараб, бирортаям шарпа сезмадим.

Жамила билан тузукроқ сўрашмадим ҳам. Ўзимни ўша кундан буён ундан ранжигандек қилиб кўрсатдим.

— Уйланаётган эмишсиз? — деди у.

— Ҳа, уйланыпман, — жавоб бердим мен. — Бу менинг шахсий ишим. Мен, ниҳоят, ўзимга керакли инсонни топдим. У билан бахтли бўламиз. Хўш, сизни яна нималар қизиқтиради? Балки ўша қизнинг ким эканлигидир? Чиройлими, хунукми, исми нима, уйи қаерда, қандай танишганимиз... Гапиринг, шулар ҳақида билиш учун чақирдингизми мени?

— Бахтли бўлинг.

— Албатта, бахтли бўлман, айтдим-ку! Сиз нима деб ўйлаган эдингиз?

— Асқар, Турсунов сиздан шубҳаланиб қолган. Мендан фақат сиз ҳақингизда сўради. У ўғирланган пуллари ҳақида гапирди. Эмишки, сиз ниқоб тақиб, ўғирлик қилибсиз.

— Ҳа-а, у билан ҳалиям ош-қатиқ бўлиб юрибман, денг.

Шуни билингки...

— Унга беш минг доллар ҳақида отам айтиб қўйибди. Ўша пулларни ҳовлимизга ташлаб кетмай, ўзимга бериб қўйсангиз бўларди, Асқар. Кеча Турсунов дарғазаб бўлиб менга кўнғироқ қилди. "Пулларни менга қайтарасан", дейди. "Асқарингга айтиб қўй, агар уч кун ичида қолганини ҳам топиб бермаса, мендан ўпкаламасин", деди. Сизни ниқоб кийган ўғри, деяпти. Қўлида ҳамма далиллар бор эмиш!.. Ўктам аканинг ўғлидан пулларини қайтариб олибди. Мен ҳам сиз ташлаб кетган беш мингни унга бердим, Асқар! Сира қўймади, нима қилай? Сизга ҳам ёмон бўлмасин, дедим. Турсунов — бало! Биласиз-ку, у ҳеч қандай пасткашликдан қайтмайди.

15

Жамиладан бу гапларни эшитиб, кайфиятим ниҳоятда бузилди. Ҳаммасига ўзим сабабчи бўлсам-да, мен ундан хафа эдим. Гўё Жамила атайин дилимни хуфтон қилиш учун мени учрашувга чорлагандек туюларди.

Энди нима қилишга ҳам ҳайронман. Турсунов ҳамма режаларимни барбод қиляпти. Тўғри, мен ўғирлаган пуллар унга тегишли, балки мисқоллаб йиққандир ҳаммасини!

Ўзим ҳам соддаман-да! Агар соддалик қилиб, аниқроғи, Турсуновнинг устидан кулиш учун Ўткир ҳақида айтмаганимда Турсунов ундан пулларини қайтариб олмаган бўларди. Аслида барига Назир ака айбдор, ҳовлисидан пул топиб олдим, нима қиларди, Турсуновга овоза қилиб? Унга раҳмат айтиб қўймоқчи бўлган-да! Мана энди нима бўлди? Дори-дармонига ишлатиши мумкин бўлган пулларни Турсунов Жамиладан талаб қилган. Нима бўлганда ҳам Турсунов унча-мунчага бўш келмаслигига амин бўляпман.

— Нега индамайсиз, гапиринг, — деди Жамила.

— Нима дейин? — хўрсиндим мен.

Кутилмаганда Жамила мени кучоқлаб олди.

— Мен сиздан хавотирдаман, — деди у йиғламсираб. — Турсунов — аблаҳ одам. Илтимос, сиз бирор жойга кетинг, унинг кўзига кўринмай туринг. Ўша ифлосдан нарида бўлинг.

Мен ўзимнинг режаларим ҳақида гапириш фурсати келган, деб ўйлаб, сўз қотдим:

— Жамила, мен яқинда уйланмоқчиман. Шунинг учун ҳеч қасққа кета олмайман.

Жамиланинг қўллари бўйнимдан сирғалиб тушди. Унинг нафаси ҳам тўхтаб қолгандек эди, гўё.

— Биламан, бу гаплар сизга оғир ботади, — дедим мен. — Аммо бугун-эрта барибир эшитардингиз. Уйдагилар кўйишмаяпти, уйланасан, дейишяпти.

— Мен нима қиламан? — ҳўнграб юборди Жамила.

Бу гапни кутмаган бўлсам ҳам, унча ҳайратга тушмадим. Жамиланинг олдида ўзимни мағрур, ғолиб ҳис этдим. Айни пайтда унинг янада кўпроқ йиғлашини хоҳлардим. "Мен огоҳлантирганимда бепарво, лоқайд эдингиз-ку", дегим ҳам келди. Марзия ҳақида гапиргим, унинг менга муносиб ёр бўлишини айтишга чоғландим.

— Чамангами? — деб сўради Жамила.

— Йўқ, бошқа қизга! Аммо Чаманнинг бундан хабари бор, — жавоб бердим мен.

— Дарров бошқа қизни топиб олибсиз-да? — алам билан сўради Жамила.

— Нима қилишим керак эди? — дедим мен саволга савол билан.

Жамила, бир вақтлар учрашувга чиққани каби, бошини эгиб олган эди. У энди ҳиқилламас, аммо унсиз йиғлаётганини мен чуқур идрок этардим. Шу алфозда қанча

турдик, билмайман, ҳар иккимиздан ҳам садо чиқмасди.

Ниҳоят Жамила ортига бурилди:

– Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Шунда мен беихтиёр унинг кўлидан маҳкам ушладим, ўзимга қаратдим. Жамила бағримга отилишини кутган эдим. Бундай бўлмади. Мен унинг иягидан секин кўтардим. Жамила кўзларини юмиб олган эди. Ой ёғдусида унинг кўзларидан шашқатор ёшлар оқаётгани яққол кўринарди. Мен алланечук бўлиб кетдим. Бир пайтлардаги ҳисларим тўлиб-тошди.

– Қани эди, узоқ-узоқларга, ҳеч ким билмайдиган жойларга кетсам, – деди Жамила ҳиссиз оҳангда. – Афсус, кетолмайман...

– Ҳали болангиз туғилса, овуниб қоласиз, – мен бу гапни унга шунчаки таскин бериш учун айтган эдим, бироқ, назаримда, ўзимга ҳам кинояли оҳангда чиққандек бўлди.

– Сиздан илтимос, эҳтиёт бўлинг, – яна такрорлади Жамила.

– Турсуновдан эҳтиёт бўлайми? – дедим мен жаҳл билан. – Кўлидан келганини қилсин! Ҳеч қанақа далили йўқ. Бекорларни айтибди. Ҳали шунақанги додини берайки, туғилганига пушаймон бўлсин. Индамай юрганымга ҳаддидан ошяпти, шекилли. Ҳаммаси учун жавоб беради, сизнинг кўзёшларингиз учун ҳам!

Жамила мендан кўлини тортиб олди-да, оҳиста қадамлар билан узоқлашди. Мен уни охирги марта кўриб турганимни сира билмасдим.

Уйга қайтар эканман, Турсуновдан тезроқ қутулиш ҳақида ўйлар эдим. Ҳа, ундан халос бўлмасам, тўйимни бузишдан ҳам тоймайди. Эртага Марзия ҳақида эшитиб қолса, яна бир пасткашликка қўл уриши мумкин.

Нима қилсам экан? Боплаб кўрқитиб қўйсаммикан?

Кўрқитганда ҳам шундай қилишим керакки, ғинг деб овоз чиқармасин. Умуман айтганда, Турсуновнинг шаҳарга даф бўлгани минг марта яхши эди. Аммо унинг ўз ишини қачон ўзгартириши мумкинлигини билмайман.

Мен узоқ вақт бедор ётдим...

Эрталаб бошим карахт бўлиб уйғондим. Бет-қўлимни ювиб, нонушта қилаётганимда кечаги ўйлардан дилим ғаш эди. Марзияни кўргим келар, у билан учрашиб, тўйиб-тўйиб суҳбатлашиб, ортиқча ўйлардан халос бўлгим келарди.

Муҳандисимиз Саттор ака мени совуқ кутиб олди.

— Сен, ишқилиб, тинч юрибсанми? — деди у. — Сен ҳақингда ҳар хил гаплар эшитяпман.

Мен унинг оғзига кўз тикиб, гапининг давомини кутдим.

— Эски ишхонангда ўғрилиқ қилганмишсан?

Бу гапдан жаҳлим чиқиб кетди:

— Нима?

— Анови Саъди Турсунов бошлиққа қўнғироқ қилиб, шундай-шундай, дебди.

— Менга қаранг, қоғоз билан ручка топиладими, аризамни ёзаман!

— Эҳ-ҳе, жаҳлинг бурнинг учида-ку! — бош чайқади Саттор ака. — Ўзингни босиб ол, ука! Ким сени, ишдан бўшайсан, деяпти? Ўзингга тўғри бўлсанг, бўлди-да! Бизнинг бошлиқ ҳам анойилардан эмас, ўша Турсуновнинг қандайлигини жуда яхши билади. Аммо сен ҳақингда бўлмағур гап чиқиши ҳам яхши эмас-да!

— Нима қилай бўлмаса?

Саттор ака у ёқ-бу ёққа қараб олди-да, жавоб берди:

— Бориб таъзирини бер, ўша хумпарнинг!

Мен эски ишхонам сари отландим.

— Тағин унинг жағини синдириб, бир балони бошлаб юрма, — деб қолди ортимдан Саттор ака.

Ҳозир ростдан ҳам бораману Турсуновни хумордан чиққунча дўппослайман. Нима бўлса, бўлар! Жонимга тегди. Биладан, Турсунов атайин жиғимга тегяпти. Ҳузурига кириб боришимни астойдил истаяпти. Мана, боряпман. У билан йигитларга хос, яккама-якка гаплашаман.

Эски ишхонамиз дарвозасидан ичкарига кирар-кирмас, ортимдан отамнинг овози эшитилди:

— Асқар, тўхта!..

Мен тўхташга мажбур бўлдим. Отам менга яқин келиб, юзимга тикилди.

— Сен орқангга қайт, — деди кейин. — Мен ўзим кираман. Билай-чи, бу мутгаҳамнинг нима иши бор экан?

— Сизни чақирдимиз? — дедим мен баттар бўғриқиб.

Отам бош ирғади. Кейин менга ўқрайиб қаради:

— Саъдининг пулларини ўғирлаганмишсан?

— Қанақа пуллар? — жавоб бердим мен. — Бу гап қаердан чиқди, ота?

— Анзурга берган пулларни қаердан олдинг?

— Уҳ, ота! — мен бошқа нима деяримни билмасдим.

— Бу ерда қорангниям кўрсатма, — тўнғиллади отам. — Кейин гаплашамиз.

Мен хуноб бўлганча орқамга қайтишга мажбур бўлдим. Анзур акамдан жаҳлим чиққан эди. Тушунмадим, наҳотки у мени сотган бўлса? Ахир, мен унга яхшилик қилдим-ку! Йўқ, балки Турсунов отамга қўнғироқ қилган бўлса, у киши акаларимни битта-битталаб сиқувга олгандир?

Саъди Турсуновни аллақачон янчиб ташлашим керак экан. Нега шу пайтгача унинг жазосини бермаганман? Нимасидан кўрққанман? Мен ҳар бир дақиқадан фойдаланишим керак эди. Мана, йўқотилган ўша кунлар ўзимга қарши ишляпти. Турсунов мени ўғрига чиқариб ўтирибди. У пулларини тўла-тўқис қайтариб олмаса, тинчимайди, шекилли? Аммо,

яхшилаб ўйлаб кўрилса, пулларни мен ўғрилаганимни қандай қилиб исботлаши мумкин? Агар Анзур акамни айтмаса, Назир ака ҳам, Ўткир ҳам уларга пулларни мен берганимни исботлай олмайди?

Анзур акам менга кўзи тушиши билан минғирлай кетди:

– Мен сенга нима девдим, ука? Пулларни қаердан олдинг, деб сўрадим. Сен эса, "узумини еб, боғини суриштирманг", дединг! Аммо, билиб кўй, мен атайин қилмадим. Янганг пулларни санаб ўтирган эди, онам кириб қолди. Мен сен берганингни айтмоқчи эмас эдим. Ўсмоқчилаб сўрайвергач, ростини гапиришга мажбур бўлдим. Кейин отам пулларнинг ҳаммасини олиб кўйди... Тинчгина юрсанг бўлмайдими, а, ука?!

– Ҳаммасини? Қачон олиб кўйди? – сўрадим мен.

– Бугун, эрталаб. Пуллар ўзимники, десам ҳам ишонмади. Кейин мен билан оғилхонага кириб, ҳамма жойни ағдартўнтар қилди.

Мен Анзур акамнинг ишхонасидан кўнглим баттар хуфтон бўлиб қайтдим. Турсунов ҳақида ўйлаган сайин унга нисбатан нафратим ошиб-тошарди. Одам ҳам шу қадар майдакаш бўладими? Наҳотки, ҳаммани битта-битталаб сўроққа тутиш мумкин бўлса?

Ишхонамга тунд ҳолда кириб борганим учунми, Саттор ака афт-ангоримга кўз ташлаб, ҳеч нима демади. Кун бўйи қовоғим очилмай ишлаб юрдим. Ҳар замонда телефонимга қараб кўяман. Марзия кўнғироқ қилармикан, дейман. Йўқ, у сим қоқмади. Мабодо телефон қилганидаям хавотирга тушган бўлардим, Турсунов унга ҳам ўғирлик ҳақида етказибдим, деб.

Мен отамнинг кўнғироқ қилишидан ҳам ҳадикда эдим. Саъди Турсунов ҳузурига чорлаб, нима деган, мени яна қандай тўхматларга рўбарў қилган, асло билмасдим.

Не ўй-хаёлларда кунни ҳам кеч қилдим. Сўнг Марзиянинг

олдига йўл олдим. Айни пайтда менинг ягона таскин топадиган одамим фақат Марзия эди.

Мен у чиқиши билан кўзларига нигоҳ ташладим. Марзия кулимсираб кўйди. Демак, ҳаммаси жойида, совуқ гаплар унғача етиб келмабди.

– Нега кайфиятингиз йўқ? – сўради у.

Мен ишда чарчаганимни баҳона қилдим.

Истироҳат боғига ўтдик. Марзияга кўп гапларни айтишни хоҳласам-да, аммо тилим калимага келмасди.

– Тўй қачон?

Марзиянинг бу саволидан ҳайрон бўлдим. Гўё Жамила унга нимадир дегану мени ножоиз сўроққа тутаётгандек туюлди шу топда.

– Қанақа тўй? – саволга савол бердим мен.

Марзия кулиб юборди:

– Қанақа бўларди? Бизники-да!

Менинг хавотирим аригандек бўлди:

– Менга қолса, тўйимизни шу бугун ўтказган бўлардим, Марзия! Ҳаммаси жонимга тегди!

Марзия жиддий тортди:

– Тушунмадим? Сиз мендан ниманидир яширяписизми, Асқар ака!

– Э, кечадан буён ҳаловатим йўқ, Марзия! Худди ҳамма-ҳамма менга қарши тургандек!

– Пул ўғирлигимиз?

Мен анқайиб қолдим:

– Ҳа... Сиз қаердан биласиз?

– Чунки менга ҳам айтишди. Ишхонангиздаги Мерган деган йигит келиб-кетди. Асқарга эрга тегманг, у ўғри, қароқчи, деди. Бошлиқнинг пулларини ўмарган, деди.

– Нима? Нега менга қўнғироқ қилмадингиз? Ўша Мерганни...

– Қизиқсиз-а! Агар бу гапларга ишонганимда сизга

қўнғироқ қилардим. Акангиз уни эшикдан чиқариб отворди. Иккинчи қадамингни босма, деди.

“Вой, аблаҳ-ей, мен Мерганни қутқармоқчи бўлсаму у Марзиянинг олдига келиб, сассиқ гапларини гапирибди-да”, — жигибийрон бўлдим мен. Марзия шу қадар менга ишонар экан. Аслида эса... мен ростдан ҳам пулларни ўғирлаганман. Тўғри, ўзим учун эмас! Аммо барибир ўғрилиққа қўл урганман. Марзияга ростини айтишим керак. Нима бўлганда ҳам у келажакда менинг умр йўлдошим бўлади. Ўртамизда ҳеч қандай сир бўлмаслиги керак. Бироқ бу ҳақда унга қандай қилиб айтаман? Ҳаммасини бирма-бир тилга оламанми? Унда Жамила ҳақида ҳам билдиришимга тўғри келади. Ҳозирча айтмай турганим маъқул...

Уйга боришга оёгим тортмасди. Марзияни кузатиб қўйгач, анча вақтгача кўчада тентираб юрдим. Агар телефонимга отам қўнғироқ қилмаганида қай пайтда уйга қайтишим ноаниқ эди.

Кечки овқатдан сўнғ отам хонамга кириб, мен билан холи гаплашди. Мен у кишининг саволларига жўяли жавоб топа олмадим. Сукут сақлашни афзал кўрдим, бошқа иложим ҳам йўқ эди. Отам қулоғимнинг тагига тарсаки туширгач, чидаб тура олмадим.

— Нима учун Турсуновнинг гапига ишонаверасиз, ота? — дедим тутақиб. — Мен қандай қилиб унинг пулларини ўғрилашим мумкин? Исботи бор эканми? Агар бўлса, исботласин. Сиз ўзи Мерган билан гаплашдингизми?

— Мерган билан нега гаплашишим керак? — сўради отам.

— Ўша куни Мерган қоровуллик қилган. Пулларни Турсуновнинг ўзи олиб чиқиб кетган экан.

— Сен бу ҳақда қаердан биласан?

— Менга Мерганнинг ўзи айтди, ота! У, сенга тухмат қилишмоқчи, деди.

— Ўв, қанақа боласан? Турсунов нима учун келиб-келиб

сенга тухмат қилади? Бирор асоси бўлса керакки, сени айбляпти. Сен, ўзи тинч юриб-юриб, дабдурустдан айниб қоласан! Анзурга берган пулларни қаердан олгансан, айт!

Мен юзимни четга бурдим:

– Мен Анзур акамга пул берганим йўқ!

– Шунақа, де?!

Бир оздан сўнг Анзур акам кириб келди.

– Ота, мен сизга ёлғон гапиргандим, – деди у. – Ўша пулларни қарзга олган эдим. Асқарни уйлантирамиз, деганингизга уй олмоқчи эдик. Ахир, қачондир чиқиб кетишимиз керак-ку биз!

– Нега Асқар берди, дединг? – бақирди отам.

– Жаҳл устида айтдим. Биз мана шу ўғлингиз учун чиқиб кетишимиз керак-да!

Отам ҳар қанча қистамасин, Анзур акам сўзида туриб олди. Ҳатто, кимдан қарз олганларигача тўқиб-бичиб гапирди.

– Сен, нокас, укангни уйлантириш ҳақида ўйлаш ўрнига ўзингнинг оиланг ҳақида бош қотирадиган бўлдингми? – деди отам. – Бировларга кунинг қолмасин, тушундингми? Тез олиб бориб бер, ўша пулларни!..

Мен отамнинг тергаб-тергашларидан қутулиб қолган эдим. Бироқ Анзур акам қийин аҳволда эди. Отамдан яширинча Санжар акамни ҳам маслаҳатга тортдик.

– Мени ўйламанглар, – деди Анзур акам. – Мен аллақачон ўзимга уй гаплашиб қўйганман. Отамга, бу уйда вақтинча яшаб турамиз, дейман. Пулини ҳам келишиб қўйдим. Бўлиб-бўлиб берадиган бўлдим. Сизлар ёрдам қилсаларинг бўлгани.

– Фақат сен эмас, мен ҳам чиқиб кетишни ўйлашим керак, – деди ўйланиб Санжар акам...

Кейинги кунлар, мен хавотирлангандан кўра, анча осойишта ўтди. Турсунов яна ғалва бошласа керак, деб ўйлаган эдим. Бундай бўлмади. Афтидан, менинг имижимида шаҳарга бориб, ғалва бошлаб келганим асқотган эди.

Аммо барибир Турсуновдан эҳтиёт бўлиш керак.

Марзия билан унаштирилган кунимиз истироҳат боғида унга "қиёфа ўғриси" эканлигимни рўй-рост айтишга чоғландим. Тилим бормади. Уни кўрқиб кетади, деб ўйладим.

— Айтинг, нима гап? — ичи қизиди Марзиянинг.

Мен бош чайқадим:

— Йўқ, Марзия! Кейин айтиб бераман. Ҳаммасини бир бошдан тушунтираман.

— Хўп, гап нима ҳақида эканлигини айтинг, — илтимос қилди Марзия.

— Қиёфа ўғриси ҳақида!

— Қиёфа ўғриси?.. Киноми?

— Кино бўлса қани эди, Марзия!

— Тушунмадим? Ғалати-ку!..

Биз у билан тез-тез учрашадиган, тушликни ҳам бирга қиладиган бўлдик. Авваллари Марзия иккимизни Жамила кўришини хоҳлаган бўлсам, энди буни истамай қолган эдим. Билмадим, унинг охириги учрашувдаги кўз ёшлари сабабми... Умид-илинж билан келгани, мен нима қиламан, дея йиғлагани, мендан астойдил хавотир олиб гапирганлари, қўлларининг тафти...

Ҳозир нима қилаётган экан-а Жамила? Уйдан чиқмай, ўз дардига қовурилиб ётгандир, боқиманда отасининг кўзига балодай кўриниб? Эртага кўзи ёрса, Турсуновнинг боласини бошқалардан яшириб юрармикан?..

Айтгандай, Турсуновнинг ўзи нималар билан банд экан? Бундан икки кун олдин...

Мен Саттор акадан ярим кунга жавоб олиб, шаҳарга йўл олдим. Бир пайтлар Турсунов билан бирга борган бошқармага унинг қиёфасида кириб бордим. Турсуновнинг ўзига яраша обрўси бор экан, кириш йўлагиди мени индамай ичкарига ўтказиб юборишди. Мен тезгина девордаги жадвалга кўз югуртириб, лифт томонга юрдим. Лифтга кириб, тўртинчи

қават тугмасини босдим. У ерда эса қабулхонага қараб йўл олдим. Жиккак котибадан бошлиқни сўрадим. У ҳайрон бўлди:

— Саид Эломовични айтяпсизми? У киши ишдан бўшаган-ку, билмайсизми? Ҳозирча ўринбосар Муҳсин Камолович...

— Ҳа, мен ҳам ўша... Камоловични сўраяпман. Хонаси қаерда эди?

Котиба анқайиб, чап томондаги эшикка имо қилди.

Муҳсин Камолович дегани кўк кўзлари ўйнаб турган тепакал киши экан. Мени кучоқ очиб кутиб олди. Курси тўғрилаб, ўтиришга таклиф қилди.

— Мен ишдан бўшамоқчиман, — дедим дангалига.

У ҳайрон бўлмади.

— Биладан, аммо яна андак сабр қилишингизга тўғри келади, Саъди Мардиевич. Кўриб турибсиз, Қиёмовнинг сира кетгиси йўқ. Мениям ваколатим ҳозирча чегараланган. Бу идорада “бошлиқ вазифасини бажарувчиман”, холос. Ҳозирча, албатта.

— Тупурдим ваколатингизга! — бақирдим мен. — Яна қанча чидаш мумкин?

Муҳсин Камоловичнинг оғзи ланг очилиб қолди. Мен яна бақирдим:

— Менга ҳозироқ буйруқ чиқарасан, — дедим сенсираб. — Акс ҳолда сенинг ҳамма кирдикорларингни очиб ташлайман.

Муҳсин Камолович ўрнидан сакраб туриб, қия эшикни ёпиб келди. Сўнг менга кўрқа-писа қаради:

— Ҳой, сизга нима бўлди?

— Мен битта гапираман.

Муҳсин Камолович столи устидаги папкаларни титкилашга тушди. Ичидан битта қоғоз олди ва менга узатди:

— Мана, марҳамат! Тагига бугунги санани қўйиб беринг! Саъди Турсуновнинг ўз қўли билан аризаси! Айни муддао!

Акс ҳолда мен унинг дастхатини билмасдим, ариза ёзишимга тўғри келса, аҳволим танг бўларди.

Аризанинг тагига босма ҳарфлар билан бугунги санани ёзиб бердим. Муҳсин Камолович уни кўтарганча чиқиб кетди. Мен хонага тузукроқ кўз югуртириб улгурмай, у қайтиб кирди.

– Мана, буйруқ, – деди. – Фақат...

Мен яна ўдағайладим:

– Нима, фақат?

– Қиёмовни бўшатгунимизча озгина кутиб турасиз, хўпми? Юқорида яхшигина суянчиғи борга ўхшайди унинг! Тўғри гапга тушунмаяпти баттол! Аммо, Қиёмовни барибир бушатиб юбораман! Кейин сиз билан бирга ишлаймиз, Саъди...

– Бас қил! Мен сен билан мутлақо ишламайман! Мен умуман бу соҳадан кетмоқчиман. Бўпти, хайр!

Мен ўрнимдан турар-турмас, Муҳсин Камолович қалтираганча атрофимда гирдикапалак бўлди:

– Ҳай-ҳай, шошманг... Мени... Буёғи қандоқ бўлди?.. Мени сотиб қўймайсизми?

– Қанча берганим эсингдадир? – деб сўрадим таваккалига.

– Ҳай-ҳай, секинроқ... Эсимда! Юз эллик минг!

– Нима?

Муҳсин Камолович бу саволимни иддао деб тушунди:

– Олдингиси билан икки юз минг!

– Қачон қайтарасан?

– Нега?.. Нега қ...қ...қайтараман? – ранги-қути ўчиб, овози ҳам қалтираб чиқди Муҳсин Камоловичнинг.

– Мен, қачон қайтарасан, деб сўрадим.

– Тўхтанг, шошманг! Мен... ўша пулларга иморат солиб қуйгандим, аммо ҳали кўчиб ўтганим йўқ, Саъдижон!

– Ҳозироқ ўша уйни сотиб, пулини берасан! Акс ҳолда кирдикорларинг ҳақида бутун оламга жар соламан!

Муҳсин Камолович йиғлагудек бўлди:

– Нима?!. Нималар деяпсиз? Мен... у... сиз рози бўлиб берган эдингиз-ку! Тўғри, мен ҳам сизни ишга олиш муллатини чўзиб юбордим. Бироқ, нима қилай, ишхонангиздаги анови бола ўлгач... салгина кутмасак ҳам бўлмасди-да!..

– Қиёмов қайси хонада ўтиради?

– Қиёмов?.. Сиз шошманг!.. Юринг, Саъдижон, уйни ҳозироқ сизнинг номингизга хатлаб бераман!

Хонадан чиқдик.

Муҳсин Камоловичнинг янги солинган уйини кўздан кечираётганимда қандай иш тутишни билмай бошим қотган эди. Кейин нотариусга йўл олдик. Ёнимда фақат ўзимнинг ҳужжатларим бор эди. Шу боис яна таваккал қилдим. Унга, бу уйни Асқарнинг номига ўтказамиз, дедим. Саросимада қолган Муҳсин Камолович мендан эртароқ қутулишни истадими, суриштириб ўтирмай, рози бўлди.

Бир соатга қолмай, ҳайҳотдай уйнинг ҳужжатлари қўлимда эди. Мен жимжимадор қилиб ўз имзоимни чеккан эдим. Гарчанд бу уйга даъвогарлик қилмаган бўлсам-да, аини дамда шундай иш қилишга мажбур эдим.

– Мен сендан, сен мендан халос бўлдинг, – деди енгил нафас олиб Муҳсин Камолович. – Илоҳим, бундан кейин мени сенга рўпара қилмасин! Энди хотиржамман!

– Йўқ, – эътироз билдирдим мен. – Ҳали сенинг ҳузурингга Асқарнинг ўзи келади. У шунақанги йигитки, ҳадемай сен билан учрашиб, фигонингни тоғларга етказади!

Муҳсин Камоловичнинг хотиржамлик инган чеҳраси яна тундлашди. Мени беихтиёр сизлашга ўтди:

– Асқар... анови... Олим деган ишчингизни ўлдирган йигит эмасми? Ҳали у билан гапни бир қилганмисизлар?

– Худди ўша!

– Менга қаранг, ниятингиз нима ўзи?.. – йигламсирай

бошлади у. — Тўхтанг, агар эллик минг берсам, мени тинч қўясизми?.. Қанақа одамсиз ўзи, а? Ҳадемай мени раҳбарликка тайинлашлари керак!.. Майли, юз минг!..

Хуллас, ўша куни мен юз минг доллар пул ва янги иморат ҳужжатлари билан бирга уйга қайтдим. Йўлда кела-келгунча бу уйда Марзия иккимиз роҳат қилиб яшашимиз мумкинлиги ҳақидаги орзуларга берилган эдим. Ўйлаб-ўйлаб, охири ҳужжатни ва пулларни янги ишхонамиздаги кўримсиз хонамга яшириб қўйдим. Ҳадемай, Саъди Турсунов чинакамига "хонавайрон" бўлишини чамалаб кўриб, у охириги чорасини ишга солишини ҳам тахмин қилардим...

— Эшитяпсизми, ҳо-ой? — мени туртиб қўйди Марзия.

Мен мулзам тортидим:

— Сал... хаёл кетиб қолибди.

— Чаманни айтяпман. Кеча Шамсиддин деган йигитдан унга совчи келибди.

— Нима? — ҳайрон бўлдим мен.

— Ҳа. Хотини билан ажрашганига анча бўлган экан-ку! Ёмон йигитми у?

Мен нима деяримни билмасдим. Зотан, ўзим бошлаб қўйган катта ишлар олдида Чаман ҳақидаги бу янгилик майда-чуйда бўлиб туюла бошлаган эди.

16

— Марзия, бу гапларни қўйинг, — дедим мен унинг қўлидан ушлаб. — Мен иккимиз учун уй олиб қўйдим. Хоҳласангиз, ўша уйни сизга кўрсатаман.

Марзия чиройли киприklarини пирпиратиб сўради:

— Уй?.. Аммо сиз кенжа ўғилсиз-ку! Яъни...

— Йўқ, тўйдан кейин сиз билан шаҳарга кетамиз. Бу ерларда яшамаймиз, Марзия! Мен шаҳарда катта-катта ишлар қилмоқчиман. Фақат қандай иш деб сўраманг, кейин айтаман. Қишлоқда мен билан сизга нима бор, тўғрими?

Марзия жавоб бермади. У ўйланиб қолган эди.

— Уйни қайси пулга олдингиз? — деб сўради анчадан кейин.

— Кейин айтаман, дедим-ку! — бу гапим салгина зардали чикди.

Анча вақтгача иккимиздан ҳам садо чиқмади. Мен Марзияни хавотирга солиб қўйганимни тушунар, бироқ энди нима деб гапиришни билмасдим. Ишхонамда яшириб қўйган пулларни ҳам ўйлаб, бошим қотган эди. Уларнинг бир қисмини Жамилага бериш хавфли, отаси яна бир балони бошлаши мумкин. Ўткирга берай, десам... Турсунов бу ҳақда ҳам билиб қолади. Анзур акамга берсаммикан? Шундоқ ҳам ёрдам қилишим керак унга. Бироқ... мен ўзим тўй ўтиб, Марзия билан уйдан чиқиб кетадиган бўлсам, Анзур акамга нима қиламан бериб? У хотини ва болалари билан қолаверсин ҳовлимизда!

Бу иш осонлик билан ҳал бўлмайди, албатта! Ҳали отам нима дейди? Тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатиши аниқ. Аввало, уйни қаердан қандай қилиб олганим билан қизиқади. Миридан-сиригача сўрайди. Мен шунча тўсиқ борлигини билсам-да, барибир Муҳсин Камолович шаҳарда кўрсатган уй кўз олдимда жилваланар, шундай муҳташам кошона менга тегишли эканлигини ўйлаган сайин энтикиб кетардим. Агар бу уй ҳақида Анзур акам билса борми, мени алдаб-сулдаб бўлса-да, ўзи кўчиб ўтади. Нафақат у, балки Санжар акам кўрса ҳам оғзининг суви оқиб, ҳаммадан олдин кўчишга ошиқса керак.

Хуллас, ота-онам менга осонликча жавоб беришмайди. Кенжа ўғил уйда қолиши керак, деб туриб олишади. Нима қилсам экан? Ҳали юз минг доллар ҳам бор! Одамлар шунча пул топишни орзу қилишади-ю мен эса қутула олмай, бош қотириб ўтирибман. Марзияга айтгим келяпти-ю, ўзимни зўрға тутиб турибман. У янада ваҳимага тушиб қолади. Чунки, Марзия пулга қизиқадиган қизларга ўхшамайди.

Мен таваккал қилиб, пулларни дуч келган одамга тарқатиб юбориш ҳақида ҳам ўйляяпман. Аммо яна аввалгидек ҳол рўй берса, Турсунов нақ қутуриб кетади. У, ҳатто ўзининг ишдан бўшаганини ҳам билмаса керак. Эшитса, борми...

– Кетамизми? – сўради Марзия қўлини секин тортиб олиб.

– Зерикдингиз-а? – дедим мен.

Марзия жавоб бермай, ўрнидан турди.

– Сиздан илтимос, – дедим унга. – Уй ҳақида акамга айтиб қўйманг.

Марзия менга қандайдир бошқача тикилиб қаради. Мен ҳайрон бўлдим:

– Тинчликми, Марзия?

– Асқар ака, – деди у сокин овозда. – Мен сиздан... қўрқиб кетяпман.

– А?..

– Сиз... сиз худди бегонадексиз. Шунинг учун ҳам қўрқиб кетяпман. Нималар қилиб юрибсиз ўзи, илтимос, айтинг. Ўртамизда сир бўлмасин.

Мен яна унинг қўлидан ушладим:

– Марзия, менга ишонасизми?

У яна сукут сақлади. Мижжаларида ёш пайдо бўлди.

– Демак, ишонмайсиз? – давом этдим мен. – Мен сизни энг яқин одамим деб ҳисоблаган эдим. Чучварани хом санабман. Мен... мен иккимизнинг келажакдаги ҳаётимиз учун жон куйдириб юрибман-у, сиз менга ишонмайсиз! Наҳотки, келгусида кўнгилсизликларга дучор қилади, деб ўйласангиз? Йўқ, бундай бўлмайди. Сиздан илтимос, озгина сабр қилинг, кейин ҳаммасини айтиб бераман. Ўшанда мени тушуниб оласиз. Мана, бизни унаштиришди, тўйимиз ҳам бўлиб қолар... Марзия?

Ҳар қанча гапирмайин, унинг чиройи очилмади...

Мен уйга қайтганимда, дарвоза олдида Шамсиддин турарди.

– Бормисан, оғайни? – деди у кучоқлашиб кўришаркан.
– Энди уйга кетмоқчи бўлиб тургандим. Телефонинг ҳам ўчган?

– Яхшимисан, Шамсиддин? – сўрашган бўлдим мен. – Уйланаётган эмишсан?

– Ҳа, – бош ирғади у. – Уйланмасам бўлмапти, Асқар! Сенинг олдинга шу масалада келувдим. Чаманга совчиликка борсанг...

– Нима?

– Бир ўзинг эмас, амакиларим билан борасан. Ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келдим, Чаман ҳам эрга тегиши керак-ку, тўғрими?

– Ҳа...

Шамсиддин беўхшов ҳазил қилди:

– Қайтага хотининг соқов бўлгани яхши, ойликни сўрамайди, қаерда эдингиз, демайди. Яна...

Мен ўкрайиб қараган эдим, овози ўчди.

– Янги жойда ишлаётган экансан? – деди у гапни буриб.
– Салгина сабр қилиб турсанг, собиқ ишхонангда ишлайверардинг! Мана, мен қайтдим. Ишляпман.

– Турсунов ишдан кетдими? – сўрадим мен.

– Ҳа. Ўрнига Қиёмов деган киши келибди. Бошқармадан дейишди.

– Турсунов қаёққа кетибди?

Шамсиддин елка қисди:

– Уни ҳеч ким билмайди. Қиёмов тўппа-тўғри Турсуновнинг хонасига кириб келганмиш! Қўлида буйруқ! Турсунов жиғибийрон бўлиб, у билан роса бақаришибди. Аллақаёқларга телефон қилибди. Кейин зарда қилиб, чиқиб кетибди...

– Менга ҳозирги ишим маъқул, Шамсиддин. Тинч жой.

– Хуллас, эртага, оғайни! Соат ўн бирларда. Телефонингни ёқиб қўй! Сени ишхонангдан олиб, Чаманларникига ўтишади.

— Чаман сенга рози бўлмаса керак, Шамсиддин, — дедим мен. — Сен тушунмайсан. У ҳалиям ўзига келгани йўқ.

— Ахир, бир умр эрга тегмай ўтмайди-ку! — қизишди Шамсиддин.

— Сен ўзи нима учун Чаманга ёпишиб олдинг? — жаҳлим чиқди менинг ҳам. — Шу пайтгача туппа-тузук юрган эдинг-ку, ахир! Бошқа қиз қуриб қолдимми?

Шамсиддин гапни калта қилди:

— Борасанми ё йўқми?

— Чаман барибир кўнмайди, Шамсиддин! Ундан кўра аввал менинг тўйимни ўтказайлик. Ўзинг бош-қош бўл. Кейин сенинг масалангни ҳал қиламиз... Айтгандай, Мерган ишляптими? — сўрадим мен.

— Ҳа, қаёққаям кетарди у? — деди Шамсиддин, сўнг ён-атрофга қараб олди. — Менга қара, сен тушунмаяпсан. Олим кияпти тушимга. Нукул Чаман ҳақида гапиргани-гапирган! Шу қизга уйлан, демаяпти-ю, барибир ўйланиб қолдим-да, Асқар! Балки уйлансам, тинч қўяр мени! Ўзи ўликлар нега тушга киради? Балки Олим мени ўзи билан олиб кетмоқчидир? Ўшанда болаларимга ким қарайди? Етим бўлиб қолаверадими булар?..

Мен Шамсиддиннинг гапларини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Унинг овози титраб чиқар, дард, алам бор эди унда. Мен унга далда бердим. Йигит кишига бундай гапларни гапириш ярашмаслигини айтдим. Эртага совчиликка боришимни айтиб, ваъда бердим.

Шамсиддин кетгач, энди Олим ҳақида ўйлар хаёлимни банд қилиб олган эди. Ростдан ҳам нега у Шамсиддиннинг тушига кияпти? Қандайдир тилсим бормикан бу ерда? Агар менинг кунларим бошига тушганида нима қиларкан Шамсиддин? Ўтакаси ёрилиб ўлса керак! Бечора, ўзича чора изляпти, нима бўлганда ҳам унинг болалари бор.

Эртага Чаманларнинг уйига борармиз ҳам! Кейин-чи?

Чаман ўла қолса рози бўлмайди. Уйдагилари уни мажбурлаб Шамсиддинга беришмаса керак ҳойнаҳой! Чаман ҳали ҳаммасига мени айбдор қилса керак. Бироқ, Шамсиддин айтганидек, у ҳам эрга тегиши керак-ку! Бу ҳақда Чаманнинг ўзига қандай тушунтирса экан? Марзиядан илтимос қилиб кўрайми ё? Рози бўлмаса керак у. Марзия мен ҳақимда шубҳаланиб юрибди-ю Чаманни эрга тегиш ҳақида кўндиришни сўраб бўларканми?

Начора, ҳаммасини вақт ҳукмига ташлаш керакка ўхшайди. Мен тезроқ тўйни ўтказиб, шаҳардаги уйимга кетишни ўйлашим керак. Жуда бўлмаса, ота-онамни алдаб, бир-икки йил шаҳарда яшаймиз, деб айтишга тўғри келади.

– Ишларинг яхшими? – сўради отам мендан.

– Мен бош ирғаб қўйдим. Отамга Саъди Турсуновнинг ишдан бўшагани ҳақида айтгим келди-ю билдирмадим.

– Келиннинг қариндошлари, тўйни тезлаштиринглар, дейишибди.

Мен онамдан бу гапни эшитиб, ҳайрон бўлдим:

– Ким? Марзияни айтяпсизми?

– Ҳа, бошқа кимни бўларди? Момоси оғир касал экан.

– Тушунмадим. Нега менга бу ҳақда ҳеч нима демади?

– Сендан уялган-да, — изоҳ берди онам. — Қандай қилиб айтсин? Бу гап, аслида катталар билан ҳал қилинадиган масала!

– Эртага қариндошлар келишади. Тўйни маслаҳатлашамиз, — деди отам. — Узоғи билан бир ойнинг нари-берисида ўтказиб оламиз тўйингни.

Мен нима деяримни билмай, бош ирғаб қўйдим.

– Анзур аканг, биз кўчиб чиқамиз, деб қўймаяпти, болам, — деди онам. — Сен нима дейсан?

– Менми? Мен бир гап айтаман-у, отам уришиб берадилар-да, — муддаога ўтдим мен. — Сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бир гап бор.

– Гапир, – деб буюрди отам.

– Тўйдан кейин... озроқ шаҳарда ишласамми, девдим, ота? Ҳаракат қилардим. Бу ерда юрганам билан нима фойда? Кейинроқ, балки олий ўқув юртида ўқирдим ҳам.

Отам қолиб, онам қўшилиб кетди:

– Бу нима деганинг, болам? Келин тушмагур ҳозирдан шундай шарт қўйяптими?

– У айтгани йўқ, – уқтирдим мен. – Бу ўзимнинг режам, ойи. Келиб тураман-ку!

– Қаерда яшайсан? – хўмрайиб сўради отам.

– Жой топилиб қолар, ота. Хизматдош ўртоқларим бор, маслаҳатлашиб кўраман. Сизлар рухсат берсаларинг бўлгани.

Отам бош чайқади:

– Сенга ишонмайман, Асқар! Бир ўзингни шаҳарга юбориб...

– Нега бир ўзим эканман? Келин ҳам кетади. Менсиз бу уйда у нима қилади, тўғрими?

Онам отамга қаради:

– Буни аниқ ўша қиз айнитган. Балога ўхшайди у.

– Э, кўп бидирлама, – деди отам. – Намунча ваҳима қиласан?! Ўғилларингнинг ҳаммасини олдинда олиб ўтираверасанми? Борса, борсин шаҳарга! Яшаб кўрсин, кейин шармандаси чиқиб қайтиб келади. Ҳаётни ўйинчоқ деб ўйлаяпти бу!

Отамнинг шу гапига шаҳардаги уйимни бирам кўрсатгим келдики...

Барибир мен кўтарган масала очиқ қолиб кетди. Ҳали акаларим эшитишгани йўқ, нима дейишади, номаълум.

Овқатланганимдан сўнг телевизор кўришга ҳам ҳушим келмади. Калламда шунчалик кўп ўй-хаёлки, қайсидан иш бошлашни билмайман. Эртага, аввало, Шамсиддиннинг масаласи турибди. Кошки аввал совчиликка борган бўлсам! Чаман нима деркан? Марзия сўз очганида бу ҳақда эшитгим

ҳам келмаган эди. Майли, бир марта бўлсин, Чаманларникига бораман. Рад қилса, ўзи билади. Фақат... Олим! Мендан хафамикан у? Нега тушларимга кирмай қўйди?..

Туйқус Марзияни шаҳарга олиб кетиб, уйимизни кўрсатиш ҳақида ўйлаб қолдим. Ҳа, шундай қиламан. Шанба куни! Оғзи очилиб қолса керак унинг. Балки бўйнимдан қучоқлаб олар! Ахир, ҳар қандай кишига ҳам насиб этавермайди бундай кошона! Ана шунда мени нималар билан машғул бўлиб юрганамга ақли етиб қолар.

Мен шу ҳақда айтиш учун Марзияга қўнғироқ қилдим, бироқ унинг телефони ўчирилган эди.

Мен яна ўйга берилдим: юз минг долларни нима қилсам экан? Шаҳардаги уйимга олиб бориб, яшириб қўйсам-чи? Ҳеч ким ўғирлаб кетмасмикан? Йўқ, айтиб бўлмайди. Кимсасиз уй бўлгандан кейин тунаб кетишлари эҳтимолдан холи эмас.

Санжар акам билан маслаҳатлашганим яхши эмасми? Ҳар ҳолда оғир, босиқ, вазмин у киши. Тўғри, қаердан олдинг, деб сўрайди. Бирор баҳона топарман.

Аммо Санжар акам бунча пулни қаерга қўяди? Отам топиб олса, жанжални кўринг!..

Эртаси куни ишхонада мен пулларни очиб кўриб, юрагим гупуриб кетди. Шунча пулни шаҳардан қандай қилиб олиб келганимга ўзим ҳам ҳайрон эдим ҳозир. Яхшиси, ҳаммасини онамга бераман. Отамга айтмаслигини ўтиниб сўрайман.

Йўқ, онам ҳам тўғри келмайди. У киши барибир отамга шипшиб қўяди. Э, бир гап бўлар!..

Мен пулларни жавоннинг энг пастки қисмига яшириб, устидан эски газеталарни тахлаб ташладим. Кейин Марзияга қўнғироқ қилдим. Аввал бугунги учрашув ҳақида, сўнг шанба куни бир жойга боришимиз ҳақида етказдим. “Хўп”, – деди у. Чаман ҳақида ҳам гапирдим. Шамсиддин совчиликка бор деб қўймаётганини айтдим.

– Узингиз биласиз, – деди Марзия.

– Сизга нима бўлди? – сўрадим мен. – Нега хафасиз? Момонгиз ҳақида кеча эшитдим. Тузалиб қолар.

Марзия жавоб бермади. Мен ишдан кейин кўнғироқ қилишимни айтиб, алоқани уздим.

Чаманларнинг уйида бизни совуқ кутиб олишди. Хайрия холанинг қовоғидан қор ёғарди. Эҳтимол, қизини ўйлаб шундай қилаётгандир? Исомиддин амаки ҳар қанча сўзамоллик қилмасин, ихтиёр Чаманнинг ўзида, деб туриб олди онаси. Мен ошхонага кўз ташлаб, беихтиёр деразадан Чаманга кўзим тушди. У ўқдек кўзларини менга қадаб турарди. Исомиддин амаки йўталиб қўйгач, нигоҳимни даврага қаратдим. Исомиддин ака менга зимдан боқиб, йўталиб қўйди. "Сен ҳам гапир", – дегани эди бу! Тавба, нима дейман?

– Шамсиддин яхши йигит, хола, – гўлдирадим ноилож. – У билан бирга катта бўлганмиз. Оқибатли йигит. Сизларни хафа қилиб қўймайди.

– Ҳамма гапирса ҳам сиз гапирманг, – деди дабдурустан Хайрия хола.

Бу гапдан тепа сочим тикка бўлди. Салоҳиддин ака буни сезиб, гапга қўшилди:

– Хола, бундай деманг. Совчиларга яхши гапириш керак. Хайрия холанинг баттар қовоғи уйилди...

Мен феълим кўзиб, индамай туриб кетмоқчи ҳам бўлдим. Яна ошхона деразасидан қараб турган Чаманга кўзим тушди. Унинг кўзларидан тинмай ёш оқарди. Шу боис ўрнимдан жилмадим. Қовоғимни очмай ўтиравердим. Бир сўз ҳам гапирмадим.

– Биз яна келамиз, хола, – деди ниҳоят Исомиддин ака дастурхонга омин қилар экан.

Кўчага чиққанимизда ҳам менинг жаҳлим босилмасди. Машинага ўтирмай, яёв йўлга тушдим. Исомиддин акалар

кўзга кўринмай кетгач, шошилмай йўлда давом эттирар эканман, ортимдан қандайдир овоз эшитилди. Бурилиб қарадим. Чаман экан. У имлаб, мени чақирарди. Жойимда тўхтаб, ортимга қайтмадим. Чаман олдимга келди. У ҳануз йиғлар эди. Имо-ишора билан кечирим сўради.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим мен. — Ташвишланманг, Чаман, мен бундай гапларга ўрганиб қолганман.

У уйларига имо қилди. Мен бош чайқаб, йўлимга равона бўлдим. Чаманнинг орқамдан қараб қолганини ҳис этардим. Аслида гап бошқа ёқда экан. Мен бу ҳақда оқшом чоғи Марзиядан эшитдим. Чаманни Хидир ака ошнасининг дўстига келин қилмоқчи эмиш! Бу ҳақда Хайрия холанинг ўзи Марзияга телефон орқали етказибди.

— Аммо Чаман ҳеч кимга кўнмаётганмиш, — деди Марзия.

Мен чақимчилик қилдим:

— У менга шунақанги ёмон қарадики, кўзи нақ тешиб кетаёзди. Хайрия холанинг гапи эса бундан ҳам ошиб тушди... Шамсиддин илтимос қилган бўлса, мен нима қилай? Шунақанги кайфиятим бузилди, асти қўяверинг.

— Хўш, шанба куни қаерга олиб бормоқчисиз? — сўради Марзия.

— Шаҳарга, — жавоб бердим мен. — Сизга уйимизни кўрсатаман.

— Уйимизни?

— Ҳа... Айтгандай, бир ой ичида тўйимиз бўлади, Марзия! Ҳозир уйимизда қариндош-уруғлар йиғилган. Тўйни маслаҳат қилишяпти.

— Сиздан бир гап сўрасам майлими? — сўради Марзия.

— Сўранг, нима гап?

— Агар... агар мен ҳам соқов бўлганимда, менга уйланармидингиз, Асқар ака?

— Бу нима деганингиз? — ҳайратга тушдим мен. — Нега бундай деяписиз?

Марзия хўрсиниб жавоб берди:

– Чаманни ўйлайман-да, Асқар ака. Қани эди, пул бўлса-ю, уни даволатсам, дейман. Бу ҳақда орзу қила бошлаганман, билсангиз! Қандай ажойиб қиз, фақат забони йўқ.

– Уни даволатса бўлармикан?

– Бўларкан. Мен суриштирдим.

– Унда Чаманга айтинг, даволатамиз. Бу ишни тезда бошлаймиз. Фақат онаси билмасин. Мени яна бирор корҳол бошляпти, деб ўйлайди. Мена қаранг, юз минг етадимми?

Марзия кулди:

– Соддасиз-да! Юз минг қаердан ҳам етсин!

– Мен долларни назарда тутяпман. Юз минг доллар етадимми?

– Нима? – ҳайрон бўлди Марзия. – Юз минг доллар? Жуда кўп! Қаердан... оласиз бунча пулни? Кўп, жуда кўп! Ўн-ўн беш минг ҳам етиб қолар!

– Топаман! Сиз учун топаман! Орзуингиз ушалади, Марзия!

Марзия бир зум юзимга тикилиб туриб деди:

– Мен сизни тушунолмай қоляпман, Асқар ака! Хафа бўлманг-у, худди бир жойни ўмаргандек гапиряпсиз. Гоҳ янги уй, дейсиз, гоҳ юз минг доллар, дейсиз. Мени кўрқитманг, Асқар ака.

– Марзия! Пул, давлат кўрқитмайди, аксинча одамни ботир қилади. Кўрқманг! Хўш, гапиринг, Чаманни даволатишни бошлаймизми?

– Ҳа... албатта.

– Жуда яхши ўйлабсиз! Қаранг, мен шу пайтгача бу ҳақда зигирчаям ўйламаганман. Шанба кунни кутиб ўтирмаймиз. Эртагаёқ ишингиздан жавоб оласиз. Кейин Чаманни уйдан олиб чиқасиз. Шаҳарга кетамиз.

– Эртага? – ҳайрон бўлди Марзия.

– Ҳа, эртага, чунки бугун кеч бўлди. Фақат бу ҳақда ҳеч

кимга айтманг. Чаманга ҳам, шаҳарда таниш дўхтирим бор, бепул даволайди, дейсиз. Мен эса шунчаки сизларга эргашиб борган бўламан. Хўпми?

– Шошманг-шошманг, мен ўйлаб олай, – деди Марзия.
– Эртага... Намунча тез? Ишдан жавоб беришмайди, ахир!

Аслида Марзияни ишхонадан жавоб беришлари эмас, бу таклифнинг тезлашиб кетгани шошириб қўйган эди.

Эртаси куни мен йигирма беш минг долларни қўлтигимга қистирдим. Кейин эса Саттор акага унинг хаёлига ҳам келмайдиган баҳонани айтиб, ишхонадан чиқдим. Йўловчи машина ёллаб, Марзия билан Чаманни кута бошладим. Вақт келишилган муддатдан ўтар, улардан эса дарак йўқ эди. Афтидан, Марзия она-болани кўндириш билан овора эди. Тоқатим тоқ бўлиб, Марзиянинг телефонига икки марта кўнғироқ қилдим.

Ниҳоят улар пайдо бўлишди ва биз шаҳарга қараб йўлга тушдик. Кета-кетгунча миқ этмадик. Онда-сонда олд кўзгудан Чаманга кўз ташлаб кўярдим. У машина ойнасидан ташқарига қараганча гуё нафас ҳам олмай кетарди.

Кира қилинган машинамиз бизни шаҳардаги энг замонавий шифохонага элтиб қўйди. Бош шифокор аёл киши экан, у билан Марзиянинг ўзи гаплашди. Опа Чаманнинг томоғини ўзи текширди. Кейин навбатчи врачни чақириб, палатага ётқизишни буюрди. Марзия билан Чаман чиқиб кетгач, мен опага ўн минг доллар узатдим.

– Мана, ҳозирча, – дедим унга. – Агар яна керак бўлса, айтаверинг. Шу қизни даволаб берсангиз, бас.

– Аммо, билиб қўйинг, бемор дарҳол тузалмайди, – огоҳлантирди опа. – Бунинг учун маълум вақт керак бўлади.

– Сиз нима десангиз, шу.

Чаманнинг бир оз инжиқлик қилганини айтмаса, ҳаммаси жойида эди. Унинг Марзиядан сира ажралгиси йўқ.

Мен икковини холи қолдириб, кўчага чиқдим. Шу топда

Муҳсин Камоловичнинг ҳолидан хабар олгим келди. Турсуновнинг тилидан, Асқар келади, деганман, ахир унга! Қолаверса, мен яна бир иш ҳақида ўйлаган эдим.

Ўйлаб ўтирмай, бошқармага йўл олдим. Вақт тушга яқинлашиб қолган эди. Шу боисми, Муҳсин Камоловични ишхонадан чиқиб кетаётганида кўриб қолдим.

— Муҳсин ака, — дедим бақриб.

У тўхтаб, менга ҳайрон бўлиб қаради. Мен қўл узатдим. Муҳсин Камолович эса қўл ҳам чўзмади, сўрашмади ҳам.

— Кимсиз? Сизга нима керак? — деди, холос.

— Менми? Мен Асқарман, — жавоб бердим шунга яраша гердайиб. — Яқинда уйингизни менинг номимга...

— Секинроқ, — атрофга аланглаб олди у. — Юринг бу ёққа.

Мен Муҳсин Камоловичнинг ортидан эргашдим. Лифтда кўтарилгач, таниш хонага кирдик.

— Гапиринг, — деди Муҳсин Камолович терлаб кетган бўйинини артиб, оромкурсига оғир чўкаркан.

Мен ундан сўраб ҳам кўрмай, курсилардан бирига ўтирдим. Кейин хонага ёлғондакам разм солдим.

— Мен кутяпман, — деб қўйди у.

— Ҳа, кутяпсизми? — бу гапим масхараомуз чиқди. — Сиздан Саъди Турсунов ҳақида сўрамоқчи эдим, қаерда у?

Муҳсин Камолович ўрнидан турди:

— Турсунов ҳақида? Мен қаердан биламан уни?

— Билмайсизми? Наҳотки у бу ерга келмаган бўлса?

— Мендан нима хоҳлайсиз? — бақриб берди Муҳсин Камолович. — Агар гапингиз бўлмаса, чиқинг бу ердан!

— Мени ишга оласиз!

— Тушунмадим? — у шу қадар анграйиб қарадики, бундай нигоҳ ҳайратланишдан кўра, қандайдир масхаралашга ўхшаб кетар эди.

— Сиз Турсуновнинг ўрнига Қиёмовни ўтқазиб, шу билан қутулдим, деб ўйлаяпсизми? Бекорларнинг бештасини айтибсиз!

— Яна нима қилишим керак? — хуноб бўлди у.

— Мени ишга оласиз, дедим-ку! Майли, ҳозир эмас, бир ойнинг нари-берисида! Ҳар ҳолда Қиёмовнинг ўрни бўш бўлса керак? Ёки аллақачон унинг жойини пулладингизми?

Муҳсин Камолович жаҳл билан ўрнидан турди:

— Ҳой бола...

— Агар кўнгилсизлик бўлмасин, десангиз, албатта! Тагин ўзингиз биласиз. Бир оғизгина шипшиб қўйсам борми...

У ҳовуридан тушса-да, асабийлашди:

— Хўп-хўп, ҳужжатларингиз...

— Ҳужжатларимнинг нусхаси, биласиз, нотариусда турибди, бемалол олишингиз мумкин, — дедим мен. — Айтгандай, менга ташриф қоғозингизни беринг! Сизга кўнғироқ қилиб тураман.

Муҳсин Камолович столи устидаги бир тахлам ташриф қоғозидан бирини олиб, менга узатар экан, истеҳзо қилди:

— Марҳамат, Асқаржон...

— Қамарович, — дедим мен ҳам киноя билан. — Айтгандай, саволим жавобсиз қолди: Турсунов келиб турибдими?

— У бир неча марта келди, аммо ҳузуримга киритмадим, — деди бўғриқиб Муҳсин Камолович. — Мени судга бермоқчи бўлиб юрибди. Аризасини тан олмаяпти. Ваҳоланки, у ўз аризаси бўйича бўшатишган. Одамлар сўзида турса экан. Барибир ҳеч нима қила олмайди.

Мен ўрнимдан турдим:

— Исмингиз нима эди? Ҳа, Муҳсин ака! Мен яна келаман. Дарвоқе, сиз буйруқни тайёрлаб қўяверинг, мен хоҳлаган пайтда келиб, имзо чекиб бераман.

У зўрма-зўраки бош ирғади ва мен хонани тарк этдим.

Лифтдан пастга тушгач, йўлакка чиқар эканман, шовқин-сурон қулоғимга чалинди. Қарасам, Турсунов! У ичкарига киришга уринар, аммо назоратчилар йўлини тўсиб, рухсат беришмасди.

– Қоч, йўлимдан, – бақирарди Турсунов. – Кираману чиқаман, дедим сенларга!

– Илтимос, чиқиб кетинг, – дейишди унга. – Муҳсин Камолович барибир сизни қабул қилмайди.

Мен бир оз кутиб турдим. Турсунов бу ерни осонликча тарк этадиганга ўхшамасди. У бақир-чақир қилса-да, аммо аввалги вазоҳати йўқ, соч-соқоли ўсиб кетган, кўриниши афтодаҳол эди. Назоратчилар огоҳлантириб қўйишган, шекилли, Муҳсин Камолович ҳам биринчи қаватга тушавермасди.

Телефоним жиринглаб қолди. Марзия экан. Чаманни палатага жойлаб, муолажа белгилашибди.

– Келасизми? – сўради Марзия. – Энди уйга қайтсак ҳам бўлар?

– Йўқ, аввал сизга шаҳардаги уйимизни кўрсатаман, – мақтандим унга.

Мен чиқиш жойидан тезгина ўтмоқчи эдим, Саъди Турсуновнинг кўзи менга тушиб қолди.

– Бу бола нима қилиб юрибди? – деди у кўзлари чақнаб, сўнг менга ташланди. – Бу ҳаммаси сенинг ишингми ҳали?!

17

Мен Саъди Турсуновнинг тажовузини кутмаганим боис шошиб қолдим. Унинг совуқдан-совуқ кўзлари мени бир оз довдиратиб ҳам қўйган эди. Турсунов ёқамни қўйиб юбормас, силтаб сўкина бошлаганди.

– Ҳой, кўчага чиқиб, жанжаллашинглар, – деди кўрикчилардан бири.

Турсунов мени силтаб-силтаб, кўчага олиб чиқди. Мен ўзимни босиб олдим ва фурсат кутиб, уни бир мушт билан уриб ағдаришни чамалай бошладим. Пиёдалар йўлагига ўтдик. Мен Турсуновни огоҳлантирдим:

– Саъди ака, ёқамни кўйворинг, ҳозир дабдалангизни чиқараман!

– Йўғ-ей, шунақами? – деди у оғзидан кўпик сачратиб. – Жа кўрқитвординг-ку!

Кўчадан ўтаётган бир-икки йўловчининг биз билан ишлари йўқ, кўрқа-писа қараб кўйиб, йўлларида давом этишарди. Мен ўнг қўлим билан Турсуновнинг жағига туширмоқчи эдим, орқамга нимадир санчилгандек бўлди.

– Бу ёққа юр, – деган овозни эшитиб, утирилиб қарадим-у, Ўткирга кўзим тушди. – Қаршилиқ кўрсатаман, деб ўйлама, акс ҳолда мана шу пичоқ баданингни илма-тешиқ қилиб юборади.

– Юр, – деди ёқамни кўйиб юбормаган Турсунов мени судрагудек қилиб.

Мен монелиқ кўрсатдим, бироқ орқамга қадалган пичоқ тиғи баданимга тобора санчилгач, оғриқдан сусайиб қолдим. Туш маҳали бўлгани учунми, кўчада одам сийрак эди. Мени судраб, шундоқ ёнимизга келиб тўхтаган машинага итариб киритишди.

– Ҳайда, – деб буюрди Ўткир ҳайдовчига.

Машина чийиллаб, йўлга тушди.

– Ҳали иккаланг ҳам таъзирингни ейсан, – дедим мен алам билан.

– Овозингни чиқарма, – Турсунов шундай деб жағимга мушт туширди, сўнг оғзимга скотч ёпиштирди.

Иккала қўлим орқага қайрилган, ўзим бошим билан мук тушиб ётардим. Қаршилиқ кўрсатишим бефойда эди. Ўткир чаққонлиқ қилиб, қўлларимни маҳкам боғлаб ташлаган, энди пичоқни биқинимга тираб олган эди.

– Тезроқ ҳайдасанг-чи! – деб бақирди Турсунов ҳайдовчига.

Каерга кетаётганимизни мен билмасдим. Икки хаёлим

Марзияда. У мени интиқ бўлиб кутяпти. Ишқилиб тоқати тоқ бўлиб, қўнғироқ қилиб қолмасин. Манови иккаласига дастак бўлади кейин. Кўр кўрни қоронғида топади, деганларидек, иккаласи топишиб олганини қаранг буларнинг! Қойил!..

Мени қаерга олиб боришмоқчи ўзи? Қаерга олиб боришса ҳам қийнаб, пул ҳақида сўрашади. Турсунов ўзининг вазифасидан бўшатилаганини менадан кўриб, роса азоб берса керак ҳали. Қандай ҳийла ишлатсам экан?..

Манзилга етиб келдик, чоғи, Турсунов ҳайдовчига машинани орқаси билан ҳайдаб, подъездга тақаб қўйишни буюрди. Машина тўхтагач, у тушиб кетди. Мен шартта қочмоқчи бўлдим, бироқ биқинимга тиралган пичоқ бунга изн бермади. Қолаверса, орқага қайрилган қўлларим ҳаракатланишимга тўсқинлик қилар, мадорим ҳам йўқ эди.

— Сенинг ўлгинг келяпти, шекилли? — бўйнимга бир мушт туширди Ўткир. — Агар яна бир марта қимирласанг...

— Ҳеч ким йўқ, бўла қолинглар, — деди қайтиб келган Турсунов.

Машинадан туширишгач, Турсуновнинг уйига келганимизни тушундим. Қочишнинг иложи йўқ, Ўткир ҳамон пичоқ тирашни қўймаган, Турсунов эса бўйнимдан кучоқлаб олган эди. Уйга киргач, мени итариб юборишди ва мен полга гурсиллаб йиқилдим. Ўнг елкам зирқираб кетди. Кучли оғриқдан додлаб юбораёздим.

— Эшикни ёп, Собит! — деб бақирди Ўткир.

Эшик тезда ёпилиб, шарақлаб қулфланди.

Биқинимга тепки келиб тушди. Инграб юбордим.

— Сен токи ҳаммасини айтмагунингча менинг чангалимда бўласан, — деди Турсунов вишиллаб. — Мана, сенга!

Мен иккинчи тепкидан кейин инграб юбордим.

— Йўлакда ётмасин, ичкарига олиб киришлар, — буюрди Турсунов.

Ўткир билан Собит мени икки қўлтиғимдан судраб, ичкарироққа олиб киришди. У ерда курсига ўтқаздилар. Мен қўлимни ечишга уринар, бироқ уддасидан чиқа олмасдим. Ўнг елкам зирқираб оғришдан тўхтамасди.

— Қўлингни ечмоқчи бўляпсанми? — хунук тиржайди Ўткир. — Мен боғлаган арқонни отанг ҳам еча олмайди!

Бу гапдан жаҳлим чиқиб кетди. Илкис турдим, Ўткирни тегиб юбордим. У орқага тисарилиб кетди. Турсунов мени бир уриб, жойимга ўтқазиб қўйди.

— Сен ҳалиям ўзингга келмабсан-ку! — деди Ўткир менга яқинлашиб. — Ҳали бошингга итнинг азоби тушишини билмайсан, шекилли! Мен қарздор бўлишни ёмон кўраман.

Қорнимга теккан муштдан кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ўнг елкам оғриётганини билибми, Ўткир ана шу жойимга иккита мушт солди. Нафасим қайтиб кетгандек бўлди. Ичакларим эзилгандек туюлди.

— Бас қил, — деди Турсунов. — Оғзидагини олиб ташла!

Ўткир яна муштини ишга солди:

— Бу мени қарздор қилиб қўйган, Саъди ака! "Иккинчи кўзимга кўринма", деган. Мана, кўриндим, хўш?..

Бу сафар Ўткир юзимга мушт солди. Тишларим зирқираб кетди. Қани эди, қўлларим ечилиб кетса-ю, бу зўравоннинг адабини берсам!

— Бўлди, бас! — бақирди Турсунов. — Тезроқ ишни битириш керак. Киссасини титкиланглар!

Ўткир чўнтагимни титкилаб, телефонимни, пулларни ва ойнани чиқарди.

— Оҳо, бойвачча бўлиб кетибсан-ку! — пулларга тикилиб тамшанди Турсунов. — Доллар билан муомала қиладиган бўлибсанми?

— Мана буни қаранг, — деди Ўткир унга иккинчи чўнтагимдан олган ҳужжатни узатар экан.

Турсунов ҳужжат билан танишар экан, менга қаҳр билан қаради. Сўнг менга хезланди. Агар энкайиб қолмаганимда у юзимга тепиб, курси-пурси билан орқамга ағанатган бўларди мени.

— Аблаҳ, сен нималар қилиб юрибсан? — додлади у. — Нега Муҳсин Камолович уйни сенинг номингга ўтказди?

Мен миқ этмадим.

— Ё ҳозир ҳаммасини айтасан ёки мана шу уйдан ўлигинг чиқади, — Турсунов оғзимдаги скотчни юлиб олиб ташлади.

— Гапир, — деди у. — Нега Муҳсин Камолович уйини сенга беради?

Мен Турсуновга бақрайиб туравердим.

— Сендан сўраяпман, — янада додлади у. — Менинг ишдан кетишимга ҳам сен сабабчимисан, тўғрими?!

— Ҳа, мен сабабчиман, — дедим бамайлихотир. — Яна қандай саволларингиз бор?

Турсунов менга ғазабнок тикилди-да, сўнг пулларга ишора қилди:

— Бунча пулни қаердан олдинг?

— Нима ишингиз бор? — жавоб бердим мен. — Бу пуллар меники! Йиллар мобайнида йиғиб-терганман...

— Буни ўлдириш керак! — Ўтқир шундай деб яна жағимга мушт туширди.

Мен бақриб юбордим:

— Ўтқир, юзимга урма! Ҳали шундай қиламанки, соғ жойинг қолмайди!

У яна жағимга урди. Турсунов эса қорнимга тепди. Кўз олдим ғира-шира бўлиб қолди.

— Отасига телефон қиламиз! — деди Ўтқир.

Турсунов бўкириб берди:

— Эсинг жойидами? Милисалар билан келиб, оёғимизни осмондан қилиб кетсинми?

— Ҳали ҳаммаси учун жавоб берасизлар! — дедим мен бошимни кўтариб.

— Сен билан келишиб олайлик, — мурсоага ўтди Турсунов. — Агар менга иш жойимни, кейин манови ҳужжатдаги уйни қайтарсанг, пулларингга ҳам, ўзингга ҳам тегмаймиз. Тинчгина уйингга кетаверасан. Агар кўнмайдиган бўлсанг, ўзингдан ўпкалама, бола!

— Нега пулларни қайтарар эканмиз? — деди Ўткир унга норози қараб. — Бу пулга мен...

— Сен аралашма, — ўдағайлади Турсунов.

Мен мийиғимда кулиб, иккаласига ҳам истехзоли қарадим:

— Сизлар аввал ўзларинг келишиб олинглар, кейин мен билан гаплашасизлар. Ўткир, сенга тушунмаяпман, нега бу одам билан шерикчилик қиляпсан? Тупурган тупугини қайта ялаб оладиган одам-ку бу! Сенга берган пулларини қайтариб олган киши билан ишингни битирмоқчимисан ҳали? Шунақанги болаб кетадики, сен оғзингни очиб қолаверасан!

— Бас қил! — қўлини мушт қилди Турсунов.

— Бу одам тамом бўлган. Ўзинг кўриб турибсан-ку, ишдан кетган бу, бекорчи! Энди ҳеч қачон тикланмайди.

Турсунов ёқамга ёпишди:

— Мен ишимга қайтаман, билиб қўй! Қандай бўлмасин, албатта, қайтаман! Ҳатто, бошқарма бошлиғи бўламан!

— Ана, кўрдингми? — дедим Ўткирга. — Бу одам фақат ўзини, амалини ўйлапти. Сен эса уй илинжида фақат шотирлик қилиб юрибсан.

Совуқ кўзлари чақчайган Турсуновнинг қўлига пичоқ қандай тушиб қолди, билмайман! У шунчалик телба ҳолатда эдики, мен жим бўлиб қолдим. Турсуновни бу аҳволда кўриб, Ўткир билан Собит ҳам кўрқиб кетишди. Собит пичоқни олиш учун ёпишган эди, Турсунов уни итариб юборди.

— Мен сени ўлдириб қутуламан, — деди Турсунов аста-

секин олдинга қадам ташлаб. — Сени ўлдираман-у кейин роҳат қилиб яшайман!

— Саъди ака, ўзингизни босинг, — деди Ўткир паст овозда.
— Ҳозир бир бало қилиб қўясиз. Ҳали Асқар бизга керак бўлади, нима қилмоқчисиз?!

— Менинг йўқотадиган ҳеч нимама йўқ, — деди Турсунов тобора менга яқинлашиб. — Ҳаммасини мана шу бола йўқ қилди! Режаларимни ҳам барбод қилди. Мен йўлимга тўғаноқ бўлганларни аяб ўтирмайман, янчиб ташлайман.

Турсунов пичоқни маҳкам ушлаганча, кўксимни мўлжаллаб келар экан, капалагим учиб кетган эди. Нажот кўзларим билан Ўткир ва Собитга қарадим. Улар эса, аксинча, Турсуновдан икки қадам ортга чекинишди. Мен жойимда типирчилай бошладим. Турсунов кўксимга пичоқни уриш арафасида кўзларимни чирт юмиб олдим. Бир ёки икки сония...

Айни шу пайтда телефоним жиринглаб қолди. Кўрқа-писа кўзларимни очдим. Турсунов талмовсираб, телефонимга қараб турарди.

— Ким экан, қара! — деди у Ўткирга.

Ўткир телефонни қўлига олар экан, экранига кўз ташлади:
— Марзия.

Халоскорим Марзия! У мени бир ўлимдан қутқариб қолган эди. Аммо Марзия ҳақида мановиларга билдирмаслиги керак.

Турсунов менга яқинлашиб, иягимга пичоқ тиради-да, Ўткирга буюрди:

— Тез қулоғига тут!

Ўткир алоқани ёқиб, телефонни қулоғим олдида ушлаб турди.

— Алло, Асқар ака, келяпсизми? — овози эшитилди Марзиянинг. — Ҳаяллаб қолдингиз, нима бўлди? Алло?..

Мен нима дейишни билмасдим. Турсунов тираган пичоқ

томоғимга ботиб борарди. Мен ҳаётим қил устида турган бўлса-да, Марзиянинг ҳаётини хатарга қўя олмасдим. Мальюн Турсунов Жамиланинг ҳаётини барбод қилгани ҳам етади, деб ўйладим.

– Сиз тезроқ кетинг, мен кейинроқ... – дедим Марзияга.

Турсунов телефонни шартта ўчириб, юзимга тарсаки туширди:

– Нима деяпсан, аҳмоқ?! Айт, ўша ерда кутиб туринг, дегин!

У Марзияга қайтариб қўнғироқ қилди. Мен жаҳлдан бўғилардим. Турсунов қулоғимга телефон тутди. Марзия алоқага чиқди:

– Асқар ака, бирга кетайлик, сиздан хавотирдаман.

– Тезда уйга қайтинг, – бақирдим мен.

Турсунов телефонни тортиб олиб, Ўткиргга имо қилган эди, у дарҳол оғзимни қўли билан ёпди.

– Синглим, ҳозир Асқар билан олдингизга икки дақиқада етиб борамиз, – деди Турсунов телефонда мулойимлашиб.

– Кетмай туринг.

У телефонни ўчириб, менга қаради:

– Сенга тегишли қизми, дейман? Яхши, жуда яхши!

Мен ўрнимдан турмоқчи эдим, Ўткир куч билан жойимга ўтқазди.

– Ҳа, менга тегишли қиз, – дедим қичқириб. – Билиб қўйинглар, агар унга зиғирча зарар етадиган бўлса, учалангни ҳам асфалософилинга жўнатаман.

– Қаерда кутяпти? – сўради Турсунов пинак ҳам бузмай.

Мен бор кучимни йиғиб, сакраб турдим ва унинг қорнига калла қўйдим. Турсунов орқага мункиб кетиб, йиқилди. Ўткиргга ўтирилгунимча бўлмай, у мени қулочкашлаб уриб, ўзим ҳам қуладим. Яна ўнг елкам билан тушиб, аъзо баданим қақшаб кетди.

– Собит, юр, – деди Турсунов. – Тезроқ бориш керак. Қизнинг қаердалигини йўлда аниқлаймиз.

– Хўп, – деди Собит.

– Йўқ, шошма, сен эмас, Ўткир билан борамиз, – уқтирди Турсунов, сўнг мен томонга энгашди. – Овозидан чиройли қизга ўхшайди, шундайми, Асқар? Ҳозир олдинга келтириб, шунақанги ҳунар кўрсатаманки, аламингдан қон-қон йиғлайсан!

Турсунов билан Ўткир телефонимни олганча уйдан чиқиб кетишди. Мен эса типирчилаганча қолавердим.

Собитни инсофга чақирганларим кор қилмади. У, аксинча қўлларимни янада маҳкам боғлаб, оёқларимни ҳам чирмаб ташлади. Оғзимни скотчлаб қўйди. Мен аламим бўғзимга келиб, бутунги кунга лаънат ўқиб ётардим.

Энди нима бўлади? Улар Марзияни телефон орқали топиб, бу ерга олиб келишади. Эҳтимол, Марзияга қўшиб, Чаманни ҳам келтиришар? Кейин Турсунов мендан қасдини олиш учун билганини қилади. Чунки, унинг ўзи айтганидек, йўқотадиган ҳеч вақоси йўқ. Мен-чи, энди муносиб жуфтимни топганимда, у билан тўйимиз бўлиши арафасида уни йўқотаман. Ваҳоланки, Марзия билан фотиҳа тўйимиз бўлган.

Наҳотки, Турсунов яна машъум режа тузиб, Марзияни ҳам абгор қилмоқчи бўлса? Ҳаммасига менинг очкўзлигим сабабчи. Нега очкўзлик қилдим? Нима учун Муҳсин Камоловичнинг уйини ўз номимга ўтказдим? Тўғри, бу ҳақда мен талаб қилганим йўқ, пул ҳам сўрамадим. Муҳсин Камоловичнинг ўзи берди. Мен Турсуновни узил-кесил "тамом" қилиш учун шу ишга қўл урган эдим. Фақат шу иш... учунми? Йўқ, мен очкўзлик ҳам қилган эдим. Данғиллама уйга ҳушим кетиб, хаёл тулпоридида учган эдим мен...

Ҳа, нима бўлса бўлди, аммо ҳозир қисқа фурсатда бирор чора ўйлаб топмасам, Марзиямдан ҳам жудо бўлишим мумкин. Худойим, Ўзинг мадад бер! Бир халоскорингни юбор!

Эшик тақиллаб, хаёлим бўлинди. Собит сергак тортиб, аввал эшик томонга, сўнг менга қаради. Сўнг ўрнидан туриб, ўша тарафга кетди. Эшикни очмади. Чамаси, у ташқарига кулоқ солар ёки кўзчадан мўралаб қарар эди. Эшик эса тобора қаттиқроқ тақиллайверди.

— Ким керак? — деди сабри чидамай Собит.

Ташқаридан бўғиқроқ овоз келди:

— Э, тезроқ очинг, мен Ёрқинман!

— Қанақа Ёрқин? Даф бўл! — деди Собит.

— Ие, сен ким бўлибсанки, менга ўдағайлайсан! Эшикни оч! Оч, деяпман эшикни!

— Очмайман, йўқол бу ердан, — бақирди Собит.

— Сен мени танимаяпсан, шекилли? Мен Саъди аканинг ўғли бўламан. Ўзимизнинг уйга киритмайсанми?

Собит бир оз сукут сақлади-да, жавоб берди:

— Собит ака йўқ, кейинроқ... келарсиз?

— Сен тушунмаяпсанми, мен Саъди аканинг ўғли бўламан, дедим. Агар очмасанг, отам таъзирингни беради.

Эшик гурсиллаб урила бошланди.

— Телефони неччи эди уларнинг? — деди Собит минғирлаганча қайтиб келиб, сўнг менга юзланди. — Саъди аканинг Ёрқин деган ўғли борми, билмайсанми?

Мен индамай елка қисдим. Собит мени судраб, ичкари хонага олиб кирди. Сўнг гилам устига ётқизиб, чиқиб кетар экан, эшикни маҳкам ёпди. Бу пайтда асосий кириш эшиги тақиллашда давом этарди.

— Ҳозир, очяпман, — деди Собит.

Калит шарақлаб, эшикнинг очилгани эшитилди. Кимдир

шошганча кирди. Тезда қулфлашди. Ғўнғир-ғўнғир овоз келди. Кейин мен ётган хона эшиги очилди. Мен деразага қаратилган кўйи ҳаракатсиз ётардим.

— Қани, шу йигитми? Яхши!.. Улар ярим соатда келишаркан.

Мен бу таниш овозни эшитиб, қулогим динг бўлди.

— Отангизга телефон қилайлик, — деди Собит.

— Йўқ, отам, ҳеч кимга телефон қилманглар, деди... Хўш, бу қаҳрамон жимгина ётибдими? Кўзини ўйиб олиш керак буни!

Мен ётган кўйи ўгирилиб қарадим ва Шамсиддинга кўзим тушди. У Собитга нималарнидир уқтирар экан, мақсадини пайқагандек бўлдим...

Кўп вақт ўтмади. Шамсиддин иккаламиз Собитнинг қўлоёғини маҳкам боғлаб, уйдан чиқиб кетдик.

Шамсиддин Қиёмовнинг топшириғи билан бошқармага келган экан. Тушлик вақти бўлди, деб ичкарига киритишмабди. Шунча илтимос қилса ҳам кўйишмабди. Ўша атрофдаги оддийгина ошхонада овқатланиб ўтириб, жанжаллашаётган одамларга кўзи тушибди. Қараса, бири мен, иккинчиси Саъдиев! Ўткирни танимабди. Кейин ўрнидан туриб боргунича, мени машинага мажбурлаб ўтқазганларини кўрибди. Шартта такси ушлаб, орқамиздан эргашибди. Аммо муюлишга кирганда бизни кўздан қочириб кўйибди. Кейин айланиб юриб, подъезд ичкарисигача кўйилган машинани зўрға топибди. Милицияга хабар қилмоқчи экан, Турсунов билан Ўткирнинг чиқиб кетаётганини кўриб, мени ўзи қутқаришга бел боғлабди.

— Раҳмат, Шамсиддин, — дедим юзимга нам латтани босар эканман. — Агар сен бўлмаганингда...

— Нима бўлди, шундан гапир!

— Менга телефонинг керак.

– Тўхта, қаерга бормоқчисан? Булар билан ўйнашиб бўлмайди, Асқар! Бирга борамиз.

– Шамсиддин, сен хавотир олма. Мен бир кишига кўнғироқ қилишим керак эди. Ҳозир шунчалик қарахтманки, рақамини эслай олмаяпман. Телефоним эса Турсуновда.

– Тушунмаяпман, нега ҳозиргача ит-мушуксизлар? Мақсади нима ўша Турсуновнинг? Ўктам аканинг ўғлига бало борми?

– Кейин гаплашамиз, – мен шундай деб тезгина у билан хайрлашдим-у, катта кўчага қараб чопдим. Йўловчи машинани тўхтатиб, шифохонага ошиқдим.

Шифохонага кириб борар эканман, ён-атрофга аланглаб, Марзияни излар эдим. У ҳеч қаерда кўринмасди. Бош шифокор ҳам, Чаман ҳам елка қисиш билан жавоб беришди. Наҳотки, Турсунов Марзияни олиб кетган бўлса? У етти ёт бегона эркаклар билан кетадиган қиз эмас. Аммо Турсунов ҳам анойи эмас. У яхшилаб алдаган бўлиши мумкин. Телефонимни кўрсатиб, Асқарнинг мазаси йўқ, олдига тез бормасак бўлмайди, дейишдан тойимайди у.

Марзия, Марзия... Телефон рақами неча эди-я?! Қаерда экан-а у?

Милицияга хабар қилсаммикан? Ҳа, шундай қиламан. Йўқ, бундай қилсам, вақтдан ютқазаман. Турсуновнинг бояги уйига қайтсаммикан? Барибир у ўша жойга боради. У ерда Собитни қўл-оёғи боғланган ҳолда кўриб, тезда чиқиб кетишади. Нега шифохонага келдим ўзи? Жуда бўлмаса, Шамсиддинни ўша уй атрофида қолдирсам бўларди-ку! Собитнинг телефони олганим маъқул эди. Шамсиддин билан алоқада бўлиб турардик. Шошилдим-да!

Мен пулларни ва ҳужжатларни бош шифокор опанинг кўлига тутқаздим. Аввалига у унамади, кейин қайтариб олишимни айтиб, зўрға кўндирдим. Чаманга яхшилаб

қарашларини, ким келсаям жавоб бермасликларини илтимос қилдим.

Катта кўчага чиқиб, зудлик билан ортимга қайтдим. Турсуновлар ҳали ҳам келмаганини кўриб, кўнглим бир оз таскин топди. Барибир жумбоқли савол хаёлимда айланаварарди: Турсунов, Ўткир қаерда? Менинг Марзиям-чи?

— Саъдиевнинг рақамини биласанми? — деб бақирдим Собитга.

— Билмайман, — деди хўмрайиб Собит. — Менга рақамларини беришмаган. Ўткирники бор эди, Саъди ака униям бошқа рақамга алмаштирган.

Мен ер тепинар, нима қиларимни билмасдим. Аламимдан Собитни дўппослагим келар, бироқ у шу чоққача менга қўл кутармагани боис, буни ўзимга эп кўрмасдим.

Ташқарида машина ванғиллагани эшитилди. Мен тезда асосий кириш эшигини ичкаридан қулфладим. Сўнг Собитнинг оғзига латта тиқдим ва уни ичкари уйга етаклаб кириб, ерга юзтубан ётқизиб қўйдим. Кейин тезда қайтиб чиқиб, қўлимга ойнани олдим. Бу пайтда эшик шарақлаб очила бошлаган эди. Мен яшин тезлигида Собитнинг қиёфасига киришим керак эди.

Саъди Турсуновнинг қаттиқ сўкингани, Ўткирнинг минғирлагани эшитилди.

— Отанг қандай бўлган бўлса, сен янада баттар экансан, — деди Турсунов.

— Саъди ака, мен қайси шифохона эканлигини қаердан билай? — йиғламсиради Ўткир. — Сиз аниқ айтмадингиз-ку!

— Қандай қилиб анигини айтаман? — ўшқирди Турсунов.

— "Қайси шифохонада?" десам, билиб қоларди, ахир!

Мен уларга ўгирилиб турардим.

— Қани Асқар? — сўради Турсунов.

Мен ичкари хонага имо қилдим.

– Пуллар-чи, пуллар нега йўқ? – ҳайрон бўлди Уткир.

– Яшириб қўйдим, – дедим мен. – Бизда омонатга хиёнат йўқ.

Ўткир Турсуновга юзланди:

– Энди нима қиламиз, Саъди ака!

– Асқарни қандай бўлсаям гапиртир! Пулларнинг қолганини топиб берсин! Қайсарнинг қайсари экан уям. Жонидан тўйган у.

– Боя милисалар келиб-кетишди, – дедим мен.

– Нима? – ҳайрон бўлиб қаради Турсунов.

– Эшикни очмадим. Анча туриб, кетиб қолишди.

Ўткир тахмин қилди:

– Ўша қиз хабар қилган, Саъди ака! Биз тамом бўлдик. Изимиздан тушишибди. Сизга кўшилиб, энди мен ҳам...

– Ўзингни бос, – деди Турсунов. – Подадан олдин чанг чиқарма! Ундан кўра, қизга кўнғироқ қил! Очиғини айт, агар Асқар тириклай керак бўлса, фалон жойга кел, дегин. У бизнинг қўлимизда банди, дегин!

– Бу хавфли, – гапга кўшилдим мен. – Яхшиси, мен бир уриниб кўрай. Агар менга ишонсаларинг, ўша қизни бу ерга ўзим бошлаб келаман.

Турсунов ҳам, Ўткир ҳам менга ҳайратланиб қарашди. Менинг ҳалиям ўнг елкам оғрир, буни уларга билдирмасликка ҳаракат қилардим.

– Қўлингдан келмайди, – деди Ўткир. – Нима қиласан чираниб?

– Тўхта, Собит тўғри айтяпти, – ўйланиб гапирди Турсунов. – Қизга кўнғироқ қилганимиз билан унинг бир ўзи келмайди. Яхшиси, Асқарнинг баҳридан ўта қоламиз. Шу билан ҳаммасига нуқта қўйилади.

Ўткир бош чайқади:

– Э, йўқ! Бунақаси кетмайди. Сиз менга уй ваъда қилгансиз, Саъди ака! Энди фирромлик қилманг. Фақат менга эмас, отамга ҳам ваъда қилгансиз! Менга Асқарнинг уйини олиб берасиз!

Турсуновнинг жаҳли чиқиб кетди:

– Сенга Асқарнинг уйи керакми? Ана, ол! Тилхат ёздириб, ўз номинга ўтказ!

– Шундай қиламан ҳам! – Ўткир Собит ётган хонанинг эшигини тепди, мен кулфлаб кўйганим боис эшик очилмади.

Мен унинг йўлини тўсдим:

– Ўткир, жаҳлга эрк берма. Менга ишон, узоғи билан ярим соат ичида ўша қизни олиб келмасам, Собит исмимни Ит кўясан! Ана шунда Асқар ҳеч бир қийинчиликсиз айтган ишингни битириб беришга мажбур бўлади.

Ўткир шаштидан тушди:

– Бўпти, ошна, сенга ишондим! Хонанинг калити ҳам ўзингда турсин, жаҳл устида Асқарни бир бало қилиб кўйишим мумкин. Машинада кетасанми?

Мен бош чайқадим ва уйдан чиқиб кетдим. Бу пайтда гира-шира шом тушиб қолган эди. Милиция рақамини теришдан олдин ўйланиб қолдим. Агар милиция ходимлари келиб, Собитни қўл-оёғи боғлиқ ҳолда кўришса, айбдор менинг ўзим бўлиб чиқаман. Собит ҳам, Турсунов билан Ўткир ҳам худди шундай деб кўрсатма беришади. Мен учун ҳозир энг муҳими, Марзияни топиш! Аммо у қаерда бўлиши мумкин?

18

Мен кимсасиз кўчада нима қиларимни билмай турар эканман, орқам зирқираб оғрир эди. Ўткир санчиб олган пичоқнинг асорати эди бу. Хайриятки, ётганимда қон оқмаслиги учун кўлим билан орқамни маҳкам тираб олган

эдим, акс ҳолда қон кетиб, беҳуш бўлишим тайин эди.

Телефоним жиринглаб қолди: Санжар акам қўнғироқ қиларди:

– Асқар, омонмисан? Нега қўнғироқларимга жавоб бермадинг? Қаердасан?

– Телефон қилганмидингиз? – дедим мен жўялироқ баҳона излар эканман. – Мен... мен ошналаримни кўриб қолувдим, ака.

– Алдама! Бир бало бўлганга ўхшайди. Қаердасан, деб сўраяпман, ҳозир етиб бораман!

– Шаҳардаман, ака! Келиб овора бўлманг. Мен уйга қайтпман.

Телефонни ўчирмоқчи эдим, Марзиянинг йиғламсираган овози эшитилди:

– Асқар ака, қаердасиз? Ким эди улар?

– Ҳавотир олманг, ҳаммаси жойида, – мен шундай деб телефонимнинг қизил тугмачасини босдим.

Анча вақтгача бош қашлаб турдим. Уйга қайтиш-қайтмасликни ўйлаб, бошим қотган эди. Қайтай десам, Турсунов билан Ўткир қандай иш тутиши мумкинлигини билмайман. Улар мени роса кутишади, қўнғироқ ҳам қилишади. Кейин иккинчи хона эшигини бузиб киришади ва қўл-оёғи боғлаб ташланган Собитни кўриб, ҳайратга тушишади. У эса бор гапни айтиб беради. Саъди Турсунов билан Ўткир қутуриб кетиб, менинг ортимдан қишлоққа йўл олишлари ҳам мумкин.

Аммо ҳозир уйга қайтмаганим билан, Турсуновга ҳам рўбарў бўла олмайман. Бу ҳолимда уларга кучим етмайди, елкам, орқам огрияпти, ҳеч нима емаганим учун мадорим ҳам йўқ. Уйга борай десам... отамга бир талай баҳоналарни қалаштириб ташлашим керак.

Узоқ ўйлаб, уйга кетмасликка қарор қилдим. Шу билан

шаҳарга қачон қайтиб келаман, номаълум. Яхшиси, бугун шаҳарда қолиб, эртага ишларимни бир ёқли қилиб, кейин кетаман. Ахир, бу ерда ўзимнинг ҳовлим бор-ку! Эртага эрталаб, бош шифокор опадан пулларни оламан. Чамандан хабарлашишимга ҳам яхши бўлади.

Санжар акамга қўнғироқ қилдим. Уйга қайта олмаслигимни, ҳозирча бирор баҳона тўқиб, отамни хавотирга қўймаслигини илтимос қилдим. Санжар акам сира қўнмади. "Олдинга бораман", деб туриб олди. Мен роса ялиниб-ёлвориб, ниҳоят кўндирдим. Кейин Муҳсин Камоловичнинг собиқ уйига йўл олдим.

Улкан уй "ютаман" дейди. Хоналарни бирма-бир айланиб чиқар эканман, негадир мени кўрқув босди. Гўё яна кимдир бордай. Худдики бир деразадан Муҳсин Камолович, бошқасидан Саъди Турсунов мўралаб тургандай туюларди. Кимдир ортимдан пусиб келаётгандек ҳам бўлиб, шартта ўтирилиб қарайман. Нега бундай бўляпти? Бу уй шунчалик беҳосиятмикан ё? Бир ўзим бўлганим учун ваҳима босяпти, шекилли!

Қўлимдаги телефон жиринглаганида чўчиб тушдим. Ўткир экан, қачон қайтишимни сўради. Кутиб туришини айтдим. Телефонни Турсунов тортиб олди, чоги, бўғилиб гапиргани эшитилди: "Пулларни қаерга қўйгансан, Собит, тополмаяпман". "Пуллар ишончли жойда, — дедим мен. — Хавотирланманг, бориб, ҳаммасини қўлингизга тутқазаман".

Шундан сўнг кўзгуга тикилиб қарадим. Ойнадаги Собитнинг қиёфаси ўзгариб, ўзимнинг чеҳрам пайдо бўлди.

Шу кеча оч-наҳор ухладим. Ухладим, деб ҳам бўлмайди. Алаҳсираб, алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқдим. Тушимга Жамила кирди. У юм-юм йиғлаб, мен томонга талпинарди! Қўлимни чўзсам, орқага тисарилади, кейин эса яна олдимга яқинлашади.

Жамила, Жамила!.. Йўқ, мен у ҳақда ўйламаслигим керак. Менинг бўлажак рафиқам — Марзия! Мен Марзияга хиёнат қилмайман, бироқ Жамила тушларимга кираверса... Қани эди, ўзинг хоҳламаган ўй-хаёлларни миянгдан сидириб ташлашнинг иложи бўлса!

Эски сим каравотда ётар эканман, кўзимни юмсам ҳам, очсам ҳам Жамила намоён бўлаверди. Эҳтимол, у ҳам ҳозир бедордир, мени ўйлаб ётгани учун тушимга киргандир? Агар Турсунов Жамилани бахтсиз қилмаганида мен у билан албатта бахтли бўлардим. Жамила шундоқ ёнимда булиши ҳеч гап эмас эди. Унинг сочларини силаб, чиройли юзига термилардим...

Эрталаб телефонимни ёқар-ёқмас, жиринглаб қолди: Саъдиев! Жавоб бермадим. Яна нақ беш марта кўнғироқ қилди. Кейин Ўткир ҳам мен билан боғланишга уриниб кўрди. Парво қилмадим.

Кўчага чиқдим. Шу атрофдаги ошхоналардан бирида овқатлангач, танамга куч-қувват қўшилгандек бўлди. Телефонимни кўлимга олдим. Боя эътибор бермаганман, шекилли, Марзия СМС юборган экан. "Асқар ака, нега телефонингиз ўчган? Кўнғироқ қилинг, илтимос", деб ёзибди.

— Ҳа, чақимчи қиз, яхши ухлаб турдингизми? — дедим унга сим қоқиб.

Марзия йиғлагудек бўлди.

— Кеча нима бўлди, Асқар ака? Ростини айтинг...

Мен гапни қисқа қилдим:

— Сиз билан бугун кўришамиз.

— Тўхтанг, Асқар ака, мен... кеча Жамила билан гаплашдим.

— Нима?

— Кеча унга ҳам кимдир кўнғироқ қилибди. "Асқар кўлимизда, тез етиб кел", дейишибди. Фақат йиғлайди.

Санжар акангиз билан гаплашганингизда Жамила ҳам ёнимизда эди. Шундан кейин тинчланди.

– Жамила?.. У...

– "Биз Асқар билан бирга ишлаганмиз, бошқача тушунманг", деди. Эшитяпсизми, Асқар ака?

– Эшитяпман, ҳа...

– Ҳозир мен учун муҳими, сизни тезроқ соғ-саломат кўриш, Асқар ака.

Телефонни ўчираётган эканман, кўз олдимда яна Жамила намоеён бўлди. Нега Турсунов унга кўнғироқ қилган? Демак, Жамилани чақириб, менинг кўз олдимда унга зуғум ўтказмоқчи бўлган. Жамила нима учун Марзияни қидириб топган? Хавотир олгани учунми ёки Марзияни Турсуновнинг ҳузурига олиб келиш учунми? Ахир у бир пайтлар Турсуновнинг хотини бўлган, ахир! Йўқ, Жамила бу қадар пасткашликка бормади. Турсунов Марзиянинг телефон рақамини бергани учун ҳам Жамила уни қидириб топган. Хавотир олганини яшириб ўтирмаган.

Демак, Марзия Жамила ҳақида биледи. Аниқ билмаса ҳам кўнглининг туб-тубида ғашлик пайдо бўлган. Энди қишлоқда қолиб бўлмайди. Жамиладан узоқроқ бўлганимиз маъқул. Кўздан нари – кўнгилдан нари, дейдилар. Марзияни шаҳарга олиб келаман. Унинг кўнгли ғаш бўлса-да, мени тушунса керак ҳойнаҳой.

Мен ҳафсаласи пир бўлган одамдек, руҳим чўкиб, шифохонага йўл олдим. Чаманнинг ҳузурига кирдим. У имошиора билан уйдагиларини, Марзияни соғинганини тушунтирди. Мен кўнглини кўтариб, уларни бошлаб келишимни айтдим. Кейин эса опадан кеча берган пулларни олиб, мебеллар дўконига йўл олдим.

Анча-мунча мебель, анжом ва жиҳозлар харид қилиб, юк машинасига орттириб, уй сари отландим. Ҳаш-паш дегунча

улкан уй янада серҳашам тус олди. Марзиянинг бу уйда бўлишини тасаввур қилиб, оғир ўй-хаёлларимдан қутулишга уриндим. Фойдаси бўлмади. Шаҳарни тезроқ тарк этгим келарди шу топда...

Саттор ака мени қовоғини уйиб кутиб олди. Ишга келмаганимдан хафа эди у. Гап қўшгиси келмайди. Уни қўярда-қўймай тушликка олиб чиқдим. Ростдан ҳам зиёфатни яхши кўрар экан, роса очилиб кетди. Айниқса, яримта отиб олгач, сайради-қолди. Мени қўярда-қўймагач, икки пиёла ичишга мажбур бўлдим. Кечаги чарчоқлар сабабми, бутун вужудим бўшашиб кетди. Бошим карахт бўлса-да, Турсунов билан Ўткир нималар қилаётганини билгим келарди. Қани эди, ҳозир улар шу ерда бўлишса-ю, бор алаимини олсам! Кечаги қийнаганлари учун иккаласиниям дўппослаб ташласам!

Яна... мен Жамила ҳақида ўйлардим. Марзия ҳам кўз олдимда гавдаланар, у хомуш, мендан аразлагандек қиёфада намоён бўлаверди. Марзия, сиз... сиз яхши қизсиз, аммо Жамила... менинг биринчи муҳаббатим! Кеча у азбаройи мендан хавотир олгани учун ҳам олдингизга келган. Сиз ҳам хавотирга тушгансиз, фақат... Жамила каби ўйлаганмикансиз мени? Ахир, у тушларимга кириб ҳам йиғлади. Сиз ҳам мен учун йиғлармикансиз, Марзия?.. Мен бу гапларни ҳеч қачон ўзингизга айта олмайман. Балки вақти келиб, айтарман ҳам...

— Асқар ака...

Мен бошимни кўтариб, Марзияга кўзим тушди.

— Ичдингизми? — сўради у, ҳозиргина хаёлимда кечганидек хомуш тортиб. — Асқар ака, сизга нималар бўлаяпти?

— Билмадим, — дедим, негадир йиғлагим келарди, шу боис бошимни ҳам қилдим.

Анча вақтгача иккимиз ҳам чурқ этмадик.

— Ҳали эшитмаган бўлсангиз керак? — деди Марзия анчадан сўнг. — Аслида бу гапни мен сиздан эшитишим керак эди.

Мен бошимни кўтариб, Марзиянинг кўзларига боқдим.

— Кейинги ҳафта тўйимиз экан!

Бу ҳақда Марзиядан эшитиш ростдан ҳам мени ҳайрон қолдирди, аммо нима деяримни билмасдим.

— Онамдан эшитдим, — деди у. — Уйдагиларингиз айтишибди. Сиз ўзи уйга бордингизми. Асқар ака?

— Ҳа... йўқ, уйга бормадим ҳали! Қизиқ...

Марзия ўрнидан турди:

— Мен кетдим. Ишдан кейин кўришамиз...

Кечга яқин йўлақда Марзияни кутар эканман, ҳалиям ширакайф эдим. Марзия маъюс кулимсиради:

— Бугун сиз эмас, мен сизни кузатиб қўяман, шекилли?

Хиёбонда анча ўтирдик. Салқин ҳаво таъсир қилдими, хийла ўзимга келдим. Енгил шабада сочларини ўйнатаётган Марзияга тикилиб қарадим. У нигоҳимга узоқ дош беролмай, кўзларини олиб қочди. Агар Марзия Жамиладан гап очганида, эҳтимол, ҳаммасини айтиб берган бўлардим. Шу ҳақда сўрасин деб ундан кутдим ҳам. Марзия эса Жамиланинг номини ҳам тилга олмади. У нуқул Чаман ҳақида гапирарди. Мен ўзим гап очиш-очмаслик ҳақида иккиланардим. Телефоним жиринглади. Қандайдир бегона рақам! Турсунов бўлса керак. Шаҳардан қайтганимдан буён роса қўнғироқ қилган, энди эса бошқа рақам орқали боғланмоқчи бўляпти. Агар ҳозир жавоб бермасам, Марзия мени қўрқаяпти, деб ўйлаши мумкин эди.

— Алло, эшитаман.

— Ассалому алайкум, Асқаржон, сизмисиз? Бу мен — Муҳсин Камоловичман. Сизга штат очиб қўйдик. Хоҳлаган вақтда келаверинг, хўпми?

– Ҳа... Хўп... Раҳмат сизга... – мен бу хабардан хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмасдим.

– Ким? – сўради Марзия.

– Шаҳардан, бошқармадан. Мени... ишга қабул қилишибди.

Уйга қайтар эканмиз, Марзия билан икки кундан сўнг шаҳарга бориб, Чаманнинг ҳолидан хабар олишга келишдик. Унга тўй таклифномасини ҳам беришимиз керак эди. Гарчанд ҳали-ҳануз чалкаш ўй-хаёллар гирдобида бўлсамда, Марзиядек оққўнгил қиз ёнимда эканлигидан бахтиёр эдим. Ҳатто, хайрлашаётган чоғимизда ўзим билмаган ҳолда уни кучоқлаб олдим. Марзия монелик қилмади. Мен бу қилигимдан хижолат тортиб, уни бағримдан бўшатдим.

– Уят бўлади, – деди Марзия.

– Ҳадемай тўйимиз бўлади-ку! – ўзимни оқладим мен.

– Эртагача! – қўл узатди Марзия...

Эрталаб мени онам уйқудан уйғотди. Дастурхон бошидагина отам тўй ҳақида гап очди. Мен худди кеча Марзиядан бу ҳақда эшитганимда индамай қолганим каби ҳозир ҳам сукут сақлаб қолдим. Онам йиққан-терганим бор-йўқлиги ҳақида сўраган эди, отам жеркиб ташлади. Мен фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлдим:

– Ота, мени шаҳарга, бошқармага ишга таклиф қилишяпти. Рухсат берсангиз, тўйдан кейин...

Онам эътироз билдирмоқчи эди, яна гап эшитишини ўйлабми, индамади. Отам эса, кўрамиз, деб қўйди.

Орадан икки кун ўтиб, ишхонада Саттор ака қасқадир кетадиган бўлди. У ғойиб бўлгач, мен ҳам жуфтакни ростладим. Энди ҳаракатларим чаққон, киши билмас жароҳатларим битиб кетган эди. Марзия иккимиз шаҳарга йўл олдик. Мен унга ҳовлимизни кўрсатиб, мақтанмоқчи бўлдим.

Марзия шунчалик оқила эканки, шаҳардаги уйни кўриб ҳам анграйиб қолмади. Унинг менга нимадир демоқчи бўлаётганини сездим.

— Жамила билан дўстлашсам бўладими? — деб сўради у.

Мен бош чайқадим. У, хўп, деди. Шу тариқа Жамила билан боғлиқ гапга нуқта қўйгандек бўлдик.

Чаманнинг ҳузурига йўл олдик. Менинг кўнглим алағда, Турсуновнинг уйига бориб, нималар бўлганини билгим келарди. Бу тўйимизнинг тинч, бежавотир ўтишига ҳам ёрдам берарди, акс ҳолда ҳаловатим йўқолади.

Тўйимиз ҳақида эшитган Чаман қувонганидан йиғлаб юборди. Мени табриклаб, Марзияни қучоқлаб олди. Чаманнинг ёнида хаёлан Шамсиддинни тасаввур қилдим. Чаманнинг овози очилса, иккаласи гаплашиб олишар. Ҳозирча эса унга бу ҳақда эслатмай турган маъқул. Шифокор опа айтганидай, ҳар қандай депрессия ҳам нохуш таъсир кўрсатиши мумкин.

Кеча Чаманнинг уйдагилари келиб-кетишибди. Мени дуо қилишганмиш! Мен, ҳаммасига Марзия сабабчи, деб унга имо қилдим. Чаман Марзияни қўйиб юборгиси келмасди. Иккала дугонани холи қолдиришим керак эди, аммо қани энди Марзия бунга кўнса! Ўтган сафаргидек йўқолиб қоласиз, деб этагимдан ушлаб олган.

Мен бўш келмадим. Марзиянинг кўзини шамғалат қилиб, кўчага отилдим. Кейин таниш уй томон йўл олдим. Мен ён-атрофга олазarak қараганча, қадам ташлар эдим.

Хавотирим бежиз экан, уй подъездига етганимда ҳам таниш кишилар кўринмас эди. Зинадан шошилмай чиқдим. Эшик хиёл очик эди. Олишувга шайланиб, ичкарига дадил қадам ташладим. Афтидан уйда ҳеч ким йўқ эди. Бироқ даҳлиздан ўтиб, не кўз билан кўрайки, Ўткир қонга беланганча ётарди. У қорнини чангаллаб олган, қўли ҳам,

кўйлаги ҳам қип-қизил қон эди. Мен атрофга аланглаб, Турсунов билан Собит йўқлигига амин бўлдим. Ёрдамга шошилдим. Ўткирнинг қорнини маҳкам ўраб боғладим. “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилганим билан бу жойлар нима деб номланишини билмасдим, шу боис уни қўлтиқлаб кўтарганча ташқарига олиб чиқдим. Ўткир ўзига келиб, зўрға гапирди:

— Асқар, сенмисан?

— Ҳа, менман, ошна! Ҳаммаси яхши бўлади. Турсунов қани? — сўрадим мен.

— Билмадим...

Йўловчи машинада ўз вақтида шифохонага олиб борган эканман, зудлик билан операция хонасига олиб кириб кетишди. Биз зумда милиция ходимлари ҳам етиб келишди. Мен Ўткирнинг гапларини етказдим ва улар Саъди Турсуновнинг кўринишини сўрашди. Айтиб бердим.

Мен бу каби ташвишлар билан ўралашиб қолиб, Марзияга ёлғончи бўлишни истамасдим. Расмиятчиликлар адо этилгач, унинг олдига югурдим. Ўзимни хушчақчақ қилиб кўрсатишга уриндим.

— Сиз қаерларга бориб-келяпсиз? — деди Марзия ёлғондакам пўписа қилиб. — Шошмай тулинг, тўй ўтсин!

Мен гапни бурдим:

— Марзия ёқдими, ҳеч нима демарингиз?

— Биз учун ота-онамизнинг розилиги муҳим, — деб қўйди Марзия.

Уйга қайтдик. Марзияни ишхонасига кузатиб қўйдим...

Тўйимизга икки кун қолганида ниҳоят Турсунов мен билан телефонда гаплашишга муваффақ бўлди. Мен унинг муддаосини билгим келарди.

— Мен сени қандай бўлмасин топаман, Асқар, — деди у. — Сен мени ишимдан, обрўйимдан айирдинг! Мен сен туфайли, ҳатто уйимга ҳам бора олмай, қочиб юрирман. Ҳали

ҳаммаси учун жавоб берасан, тирранча! Мен сени йиғлатиб, қон қақшатиб, қийнаб ўлдираман!

– Кўлингдан келганини қил! – дедим мен. – Сен энди ҳеч ким эмассан!

– Нима дединг?! – баттар тутақди у. – Сен, ҳайвон, бундай дейишга қандай ҳақдинг сизди?! Шошмай тур!.. Сен...

Мен телефонни ўчирдим. Асабим бузилган, дилимга гулгула тушган эди. Тўйимизни, Марзияни, уйдагиларни ўйлар эканман, мени саросима босди.

Турсунов қаерда бўлиши мумкин? Қишлоққа келганмикан? Йўқ, кела олмайди, унга нисбатан қидирув эълон қилинган. Ўтқир ҳали ҳам шифохонада ётибди. Собитнинг қаердалиги номаълум.

Шамсиддин ҳайрон бўлиб, ёнимга келди:

– Ҳа, ранги-қутинг ўчган? Нима гап?

– Турсунов... – дедим мен. – Пўписа қияпти.

– Ҳаҳ, онасини... Нега пўписа қилади? Сен бошқа жойда ишляяпсан-ку! Ёки Жамила учунми, Асқар?

Менинг баттар жаҳлим чиқди:

– Жамиланинг нима алоқаси бор?

– Ҳа, энди... айтаман-да! Эшитмадингми, кечаси Турсунов уни чақириб, олиб қочмоқчи бўлибди-ку! Жамила бақирган экан, жуфтакни ростлабди. Отаси қуваман, деб йиқилиб қолган ҳали... Сенга айтмаслигим керак эди-ю, гап келганда...

– Шунақа дегин?

– Бўлди, сен кайфиятингни бузма. Кўлидан ҳеч бало келмайди... Менга қара, отанг, битта қўйни сўйдиринглар, деяпти... Э, ўйлайвермагин-да энди!

Мен чеккароққа ўтиб, шоша-пиша Марзияга қўнғироқ қилдим:

– Сизни кўргим келяпти, бугун учрашайлик.

– Вой, қизиқсиз-а, – кулди Марзия. – Одамлар уят қилишади. Ҳадемай, тўй...

– Сизга ҳеч ким қўнғироқ қилмадим? – шоша-пиша сўрадим мен, сўнг хатоимни тузатиш учун сўз топа олмадим: – Ҳалиги... анови...

– Ҳеч ким қўнғироқ қилгани йўқ, хотиржам бўлинг, – тинчлангирди Марзия. – Энди тўйда учрашамиз, ҳўп? Мени тўғри тушунинг.

Ҳовлимизда қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар бўлишса-да, мен ўзимни худди ёлғиз қолгандек ҳис қилардим. Турсуновнинг уй манзили ҳақида ими-жимида билиб олдим. Ўзимча режалар тузиб, кеч бўлишини кута бошладим. Аммо ҳадеганда шом ўз пардасини тортавермас, бунга сайин менинг ичим сиқиларди. Худди дарвозамиздан Турсунов орсизларча кириб келиб, менга қарши қақшатқич зарба берадигандек туюларди.

Ниҳоят кеч кирди. Мен ҳовлидан билдирмай чиқиб кетишим керак. Аммо отам билиб қолса, дарҳол йўлимни тўсади. У Турсунов ҳақида эшитган, менинг ҳам талмовсираб қолганимдан бохабар, шу боис доим кўз-қулоқ эди менга. Ноилож отамнинг ухлашини кутиб, ўзимни ухлаганга солиб ётдим.

Бирдан дарвоза даранглаб кетди. Мен чўчиб тушдим. Негадир ўрнимдан турмоқчи бўлиб, эплай олмадим. Ҳовлида қандайдир вағир-вуғур бўлиб, кўп ўтмай, уч-тўрт киши ҳамроҳлигида Турсунов нақ тепамга бостириб келди. Унинг важоҳатидан янада қўрқиб кетдим, тилим калимага келмай қолди.

– Асқар, тўйингни тўхтат, – бақирди у. – Сени бир жойга олиб борамиз. Сен бир эмас, учта одам билан хайрлашасан. Уларни жуда яхши танийсан: Жамила, Чаман, Марзия! Учаласи ҳам гаровда турибди.

– Й-ў-ў-ў-қ, – менинг овозим хириллаб чиқди. – Ундай қилманг, илтимос.

Турсунов беўхшов кулиб юборди. Шерикларига мени кўрсатиб, "уринглар", деб букюрди. Мени тепкилай кетишди. Қанчалик қаршилик кўрсатишга уринмай, жойимдан ҳам қимирлай олмасдим. "Бўлди, энди қопга тиқинглар", — деди Турсунов. Қопни очаётганларнинг бирига қараб, титраб кетдим. У Ўктам ака эди. Менинг нафасим чиқмай қолди. Додлаб юбордим...

Уйғониб кетганимда жиққа терга ботиб ётардим. Нафасим қайтгандек бўлди. Сакраб туриб, ҳовли тарафга қарадим. Санжар акамнинг ҳануз ухламаётганига кўзим тушди. Барибир ҳовлидан чиқиб кетишим керак. Мен секин деразадан тушиб, офилхона томонга ўтдим. У ерда ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, қўлимга кўзгуни олдим...

Дарвозага етар-етмас, Санжар акам мендан ҳайрон бўлиб сўради:

— Ҳа, ота, бемаҳалда қаёққа кетяпсиз?

— Ухла, кеч бўлди, — дедим унга. — Мен ҳозир қайтаман.

Ҳовлидан чиққач, тўппа-тўғри Саъди Турсуновнинг уйига йўл олдим. Қўлларим мушт бўлиб тугилган, ғазабим ошиб-тошган эди. Ой ёғдуси остида йўл-йўлакай кўзгуга қараб, Турсуновнинг қиёфасига кирдим.

Кўп ўтмай мен улкан дарвоза қаршисида турардим. Тузган режамни аниқ пишитмаган бўлсам-да, азбаройи шошилганим туфайли дарвозани ура бошладим. Ҳовлида чироқ ёнди, сўнг қадам товушлари эшитилди.

— Ким? — деган овоз келди бир оздан сўнг.

— Оч, эрингман, — дўқ урдим мен.

Дарвозани очишдан олдин у тирқишдан роса қаради. Кейин тезда очилди-да, хўппа семиз аёлнинг гавдаси кўринди:

— Тез, тез киринг.

Мен кирар-кирмас, аёл йиғлаб юборди:

– Қаерларда юрибсиз? Нималар қияпсиз ўзи? Тинч юрсангиз бўлмайдими? Мени номусларга қолдирдингиз-ку! Ҳамма жойда...

– Ўчир овозингни, – дедим мен. – Болалар қани?

– Қанақа болалар? – пиқиллади аёл. – Биз... Бизнинг болаларимиз йўқ-ку! Сизга нима бўлди, Саъди ака?.. Қўрқитманг! Ахир, сиздан бола бўлмайди-ку!.. Ўзингизга келинг, илтимос.

Бу гапни эшитиб, биринчи хаёлимга келгани – Жамила мени алдаган экан-да, деган ўй бўлди.

– Мен... мен... хотирам ёмонлашиб қолган, – дедим бўғилган бўлиб. – Охирги марта қачон келгандим бу ерга?

– Келманг, дегандим сизга! Нега келаверасиз? Ўзим қўнғироқ қиламан. Ичкарига киринг, қўшнилар эшитиб қолади. Нега тинч юрмайсиз, деяпман сизга? Анови Ўктамнинг ўғлини нега пичоқлаб қўйдингиз? Назир акани ҳам...

– Тўхта, мен кетишим керак. Бу ерда қолиб бўлмайди. Фақат қаерга боришни билмаяпман. Сенга манзилни айтганмидим ўзи? Ҳатто, телефон рақамим эсимдан чиққан, неча эди?

Турсуновнинг хотини яна йиғламсираб қараб, бош чайқади. Мен ноилож ортимга қайтдим. Турсуновни қаердан топишни билмай, бошим қотган эди. Кимдан ёрдам сўрашни ҳам билмасдим.

Мен худди шу тарзда тўй куни ҳам хавотир, таҳликада эдим. Ўзимдан кўра яқин инсонларимнинг ҳаётидан қўрқардим. Буни, энг аввало, отам пайқади. “Нега шаштинг паст?” – деб сўроққа тутди. Мен сир бой бермасликка ҳаракат қилдим.

Ҳартугул, тўйимиз тинчгина ўтди. Елкамдан тоғ ағдарилгандек эди. Гарчанд, тўйдан кейин “қиёфа ўғриси”

ҳақида Марзияга ҳаммасини айтиб беришни ваъда қилган бўлсам-да, сира тилим бормасди.

— Сиз нимани лозим кўрсангиз, шундай иш тутинг, — деди у.

Шундай оқила хотиним борлиги учун унинг олдида бош эгсам ҳам кам эди.

Шамсиддин хунук гап топиб келди: Турсунов Муҳсин Камоловични ҳам пичоқлаб қўйган эмиш! Уни уйи олдида кечаси билан пойлаб, эрталаб дарвозадан чиқар-чиқмас, чавақлаб ташлабди. Муҳсин Камолович шифохонага етмай жони узилибди. Турсунов эса яна таг-туғи билан йўқ, бутун бошли ҳуқуқ-тартибот ходимлари оёққа турган эмиш! Унинг ҳамтовоғи Собит қўлга тушган, аммо у ҳам жиноятчи Турсунов ҳақида ҳеч нима билмас эмиш!

Менга ишхонамиздан икки ҳафтага жавоб беришган, уйда нима қилишимни билмай, баттар сиқилардим. Худди Турсуновнинг навбатдаги қурбони ўзим бўладигандек, ич-ичимдан ваҳима босиб келаверди.

— Чамандан хабар олмаймизми? — деб қолди Марзия. — Тўйимизга кела олмади. Мен оймидан рухсат сўрасам майлими?

— Хўп, — дедим мен ва Марзия онамнинг олдида шошилди.

Шаҳарга кетишда ҳам, шаҳарда ҳам мен йўл бўйлаб ён-атрофга олазarak боқар эканман, бу Марзияни ҳайрон қолдирди, бироқ ботиниб ҳеч нима дея олмасди у.

Мен Турсуновни шифохона остонасида кўрдим. У соқол қўйган, бошига кепка кийиб, қора кўзойнак таққан, кўриниши хорижлик сайёҳларни эслатар эди. Мен уни қандайдир ғайришуурий тарзда ноҳос таниб қолган эдим. Нима қиляпти экан бу ерда? Чаманнинг шифохонада эканлигини билиб олган ҳойнаҳой. Агар мен бу одамни ҳозир қочириб юборсам, кейин ҳеч қачон топа олмаслигим мумкин.

Турсуновнинг менга нигоҳи қадалиб, кўзойнагини олиб қаради. Мен энди кўрқоқлик қилсам бўлмасди. Марзияга ичкарига кираверишини тайинладиму, ўзим Турсунов томонга қадам ташладим. Аммо хавотирга тушган Марзия билагимдан маҳкам ушлаб, мени қуйиб юбормади. Турсунов биз тарафга тез-тез одимлаб келарди. Мен қанча силтанмай, Марзиянинг қўлларидан халос бўла олмадим.

— Сиз шунчалик ортиқчалик қиляпсизки! — дедим жаҳл билан.

— Нима?! — Марзиянинг кўзларида ёш айланиб, бўшашиб қолди.

Мен нотўғри гапирганимни билсам-да, вақтни бой бермаслигим керак эди. Бир силтаниб, Марзиянинг қўлларидан халос бўлдим ва Турсуновга пешвоз чиқишга ҳаракат қилдим. У ҳамон тап тортмай, менга қарама-қарши келаверди. Қўлини қўйнига тиқиб олган, демак, нимадир яширяпти. Биз бир-биримизга яқинлашган сайин ғазабим жўшиб борарди. Ниҳоят юзма-юз келиб, тўхтадик.

— Келганинг яхши бўлди, — деди истеҳзоли тиржайиб Турсунов. — Акс ҳолда бир бегуноҳ қизнинг касрига қолар эдинг.

— Чаман сизга нима қилди? — менинг саволим кескин чиқди.

— Ҳеч нима қилгани йўқ, шунчаки унинг ўлганини эшитсанг, албатта, келасан, деб ўйлаган эдим. Ажалинг етиб, аввалроқ келдинг... Сен менга ҳамма сириггни айтиб берасан. Қиёфангни қандай ўзгартиришингни айтасан. Ана шунда сени ҳам, яқинларингни тинч қўяман. Акс ҳолда мендан яхшилик кутма! Сенга айтган эдим, менинг йўқотадиган ҳеч нима қолмаган. Шундай экан, Собитнинг қўл-оёғини боғлаб, унинг қиёфасига кирганинг, умуман ҳамма-ҳаммасини менга гапириб берасан. Ана шунда мен

бошқа қиёфага кириб, бу шаҳардан гумдон бўламан. Қасам ичиб айтаманки, сенга ҳеч қачон юзма-юз келмайман!

— Сиз нечта одамнинг ҳаётига зомин бўлганингизни биласизми? — дедим мен жаҳл билан.

Турсунов пинагини бузмай, жавоб берди:

— Мен билан ишинг бўлмасин, сен ўзингни ўйла! Шартимга розимисан-йўқми, шунни айт!

Мен ортимга ўгирилиб, Марзия биз томонга яқинлашаётганини кўрдим.

— Вақтни ўтказма! — бақирди Турсунов. — Мен учун ҳар бир дақиқа ганимат!

— Ҳеч қачон! — дедим мен ҳимояга шай туриб.

Турсунов мен мутлақо кутмаган тезликда қўйнидан қўлини чиқарди ва мен пичоқнинг ўткир тиғи куёш нурида ялтираб кетганини кўрдим. Орқага тисарилишга зўрға улгурдим. Шундай бўлса-да, пичоқ қўйлагимнинг олд қисмини кесиб кетди.

— Асқар ака, қочинг! — Марзиянинг додлагани эшитилди.

Мен Турсуновни тепиб юбормоқчи бўлдим, аммо у илкис чап берди-да, ёнимдан ўқдай ўтиб, орқа томонга югурди. Энди Марзиянинг ҳаёти хавф остида эди. Мен кескин бурилиб, Турсуновнинг ортидан чопдим. Унинг қўлида пичоғи борлигини кўрган уч-тўрт йўловчи катта кўчага қараб қочишди. Марзия чопқиллаганча шифохонага кираверишдаги зиналардан чиқа бошлади. Турсунов Марзияга етай деб қолган эди. Мен югуришга зўр бердим ва Турсуновга етиб олиб, оёғидан чалиб юбордим. У зинадан юмалиб тушди-ю, аммо тезда ўрнидан туриб, энди менга пичоқ ўқталди. Совуқ кўзлари чақнаганча, ён-атрофга қараб олишни ҳам унутмади. Бу пайтда Марзия изиллаб йиғлаганча, одамларни ёрдамга чақирарди. Мен бир сакраб, Турсуновни тепиб ағдардим. Бироқ рақибим ҳам улгуриб қолган экан, у кесиб юборган

оёғим зирқираб кетди. Мени ўзига яқинлаштирмасликка уринган Турсунов яна қаддини ростлаб олган эди.

— Мен сени ўлдираман! — дея бақирди-да, хужумга ташланди. Ўткир пичоқ энди билагимни кесиб юборди.

Мен бутун гавдам билан сакраб бир айланиб, Турсуновни чунонам тепдимки, у гандираклаб қолди. Иккинчи тепким ҳам Турсуновни довдиратиб қўйди, аммо барибир йиқилмади. У бор кучини ишга солиб, жангга киришгани аён эди.

— Ўв, биродар, пичоқни ташланг, — деди кимдир.

Мен овоз келган томонга ўгирилиб, оқ халатли кишига кўзим тушди. Ана шунда нақ кўз олдимда пичоқ тиғи ялтираб кетди — Турсунов нишонни нотўғри мўлжалга олган эди. Шундан сўнг у қаршилиқ кўрсатиш бефойдалигини тушундими, орқасига қоча бошлади. Мен Марзиянинг йиғисига қарамай, Турсуновни ортидан қувдим. У югургилаганча катта кўчага бурилди. Мен силлам қуриб бораётганини билсам ҳам орқасидан қолмадим. Шу орада милиция машинасининг овозини эшитдим, бироқ Турсуновни қувишда давом этдим. Сабаби, у ўз йўналишини муюлишга қараб бурган эди. Мен ҳам югурганча муюлишга кирар эканман, коржомадаги уч-тўрт нафар ишчига кўзим тушди. Улар қўлида пичоқ билан қочаётган Турсуновни кўриб, тумтарақай бўлишди. Мен оёқларимга зўр бердим. Турсуновга етай деганимда ногоҳ кўз олдимда ўт чақнаб кетди. Ўзимни зўрға тўхтатиб қолдим. Кўз олдимда оёқлари симёғоч симига илашиб йиқилган Турсунов бор овозда бақирар эди. Коржомадаги ишчилардан фақат биттаси тўхтаб, ортига қайтди. Мен бу йигитни танидим — у Мерган эди.

— Баттар бўл, — деди у электр симлари ичида талвасага тушаётган Турсуновга қараб. — Сенинг жазоинг шу!

Мен қараб туролмай, Турсуновни қутқаришга чоғландим.

Шу онда Мерганнинг бақиргани қулоқларим остида қолди:

— Асқар, фойдаси йўқ. Бу жуда катта кучланишли ток.

Турсунов қалт-қалт титрар, энди додламай ҳам қўйган эди. Мен унинг атрофида айланганча қандай ёрдам кўрсатишни билмасдим. Аксига олиб, бирортаям калтак кўринмасди.

— Ҳали токни тармоқдан узишгани йўқ, биз шуни кутиб турган эдик, Асқар, — деб ўзи ҳам ёрдамга ошиқди Мерган.

— Ёрдам берингла! — Турсуновнинг овози мунгли чиқди.

Мен бир пайтлардагидек таваккал қилдим: Саъди Турсуновни итариб юбордим... Фақат шуни биладан, холос...

"Омонат жонини аямайди бу бола", — Мансур отанинг овози эди бу...

"Болам, кўзингни оч", — отам илинж билан сўзлар эди.

Онамнинг эса нуқул йиғлагани эшитиларди. Яна кимлардир фиғон чекишарди...

Мен бир вақтлар қадрдон бўлиб қолган гужум остида Жамила билан турар эдим. Унинг рухсори шунчалик аниқ-тиниқ эдики, мен маъюс кўзларига тикилишдан тўймасдим. Жамила эса қандайдир ҳиссиз тарзда, бир нуқтага тикилиб қолган эди.

"Ука, нега бундай қилдинг? — Санжар акамнинг овози эшитилди. — Нега ўзингни аямайсан?.."

"Ҳаммаси Жамилани деб бўлди", — деди Шамсиддин уҳ тортиб.

Навбатдаги овоз Олимники эди:

"Сен ортингга қайтишинг керак, Асқар..."

"Отам... — деди Жамила. — Мен отамдан айрилиб қолдим..."

"Асқар, укажон, мени кечир, сенга кўп ёмонликлар қилдим", — бу Анзур акамнинг овози эди.

Онамнинг юм-юм йиғлаётгани элас-элас эшитиларди...

"Ҳали отдай бўлиб кетади, мана, кўрасизлар, — деди Саттор ака. — Ўлиши керак бўлган одам Турсунов эди, ўлди..."

Мен Марзиянинг овозига кулоқ тутдим. Эшитилмади... Нега у йўқ? Қаерда?.. Наҳотки, Марзия мендан юз ўгирган бўлса?.. Йўқ, у бундай қилмайди. Марзия унсиз фарёд чекаётган бўлса керак...

"Кейинми, кейин Жамила ота ҳовлисини сотиб, онаси ва синглиси билан узоқ-узоқларга кетиб қолибди, — мен бу овоз эгасини таний олмадим. — У бу ерларда ортиқча одам бўлишни истамабди... Ҳеч қачон қайтиб келмаслигини айтиб, кетиб қолибди... Эшитяпсизми, Шамширжон?.."

"Ҳа... Асқар амаким қачон кўзларини очадилар?.."

Мен дастлаб қўлларимни қимирлатганимни ҳис этдим. Кейинги илғганим — ориқлаб кетганим эди. Орадан қанча вақт ўтган, билмайман. Мен қушдай енгил эдим. Шунга қарамай, кўзларимни оча олмас, қовоқларим зилдек оғир эди. Қўлимни яна қимирлатдим. Кейин кўзларимни очишга уриндим. Бу жуда оғир кечди...

— Кўзларини очдилар, — қийқириб юборди Шамшир.

— Нима, вой? — менга бурилиб қараган инсон Чаман эди. У йиғлаб юборди, сўнг титраган қўллари билан телефон рақамини териб, қулоғига тутди: — Марзия... Марзия, ҳа, мен Чаманман... Тез келинг, тезроқ... Бугун сизнинг энг бахтли кунингиз, Марзия!.. Йиғламанг, тезроқ келсангизчи!..

11600

Анвар НАМОЗОВ

ҚИЁФА ЎҒРИСИ

(саргузашт-фантастик қисса)


Муҳаррир: Салима Бадалбоева
Тех. муҳар: Шерзод Ҳошимов
Дизайнер: Расул Ташматов
Оператор: Наргиза Содиқова
Мусаҳҳиҳ: Иброҳим Қўзиёв

Теришга берилди 16.08.2012. Босишга рухсат этилди
17.10.2012. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtex Times UZ гар-
нитурасида чоп этилди. Шартли босма табоғи 15,0.
Нашр босма табоғи 15,0. Адади 2000 нусха. Буюртма
№74.

Нашриёт лицензияси: АИ №183. 08.12.10.

«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди.
100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22 уй.

Улкан уй “ютаман” дейди. Хоналарни бирма-бир айланиб чиқар эканман, негадир мени қўрқув босди. Гўё яна кимдир бордай. Худдики бир деразадан Муқсин Камолович, бошқасидан Саъди Турсунов мўралаб тургандай туюларди. Кимдир ортимдан пусиб келаётгандек ҳам бўлиб, шартта ўгирилиб қарайман. Нега бундай бўляпти? Бу уй шунчалик беҳосиятмикан ё? Бир ўзим бўлганим учун ваҳима босяпти, шекилли!



ISBN 978-9943-20-086-9



9789943 200869

ALFAVN PRESS